

NEW ZE
LAND

1751

Ғ. АБДУРАҲМОНОВ, С. МАМАЖОНОВ

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги нафилологик
олий ўқув юрталари талабалари ва
ўқитувчилари учун ўқув қўлланма
сифатида тавсия этган*

ТОШКЕНТ
«ЎЗБЕКИСТОН»
1995



Тақризчи: Филология фанлари доктори, профессор
АЛИБЕК РУСТАМОВ

Муҳаррир: З. АҲМАДЖОНОВА

А 4602000000—55 95
М 351 (04) 95

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 1995 й.

ISBN 5-640-01500-4

Муаллифлардан

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришини, ўз тараққиёти йўлини белгилаб олиши, халқаро обрўсининг кўтарилиб бориши, ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши муҳим иқтисодий ва сиёсий тadbир-чораларни амалга оширишга олиб келмоқда.

Мустақиллик туфайли мафкура соҳасида ҳам катта ўзгаришлар рўй бермоқда: тарихий воқеаларга, тарихий шахсларга ҳолисона, тўғри баҳо берилмоқда, талқин ва тутқинга учраган давлат ва жамоат арбоблари, ёзувчи ҳамда шоирлар оқланиб, асарлари кенг тарғиб қилинмоқда, динимиз, тилимизга, урф-одат, маданиятимизга катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон аҳолисининг, биринчи навбатда ёшларининг диққатини ана шу муҳим масалаларни тўғри тушуниш ва уларга тўғри баҳо беришни кўзлаб, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълими ва Халқ таълими вазирликлари Республиканинг ҳамма олий ўқув юртиларида миллий маданият, Ўзбекистон халқлари тарихи, фалсафа, сиёсатшунослик, тил ва адабиёт кафедраларини очди. 1992 йил 25 октябрда вазирлик филологик олий ўқув юртилари ва факультетларида, ўрта махсус ўқув юртиларида ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш тўғрисида махсус буйруқ қабул қилди. Республика ўқув методик маркази мазкур курсни ўқитиш дастурини тайёрлади ва уни тасдиқлади.

Ушбу қўлланма ана шу дастур асосида тузилди. Қўлланма филологик олий ва ўрта махсус ўқув юртилари ҳамда факультетлари талабаларига жаҳон ва туркий тиллари, ҳозирги ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва унинг қурилиши, нутқ маданияти, ёзуви, имлоси ва талаффуз меъёрлари, сўз бойлиги ва услуби тўғрисида маълумот беради. Адабиёт қисми эса Алишер Навоий, Бобур, Фурқат, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор, Эркин Воҳидов, Абдулла Оринов каби етакчи шоир ва ёзувчилар ҳаёти ва ижодига бағишланган.

Албатта, мазкур курс дастури ҳам, ушбу қўлланма ҳам биринчи марта тузилгани учун айрим камчиликлардан холи эмас. Айниқса, айрим йирик ёзувчи ва шонрларнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида маълумот бериш зарурияти сезиляпти. Мазкур қўлланма бўйича мулоҳаза ва таклифларни қуйидаги манзилга юборилишини илтимос қиламиз:

700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30.
«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти.

I бўлим

ЎЗБЕК ТИЛИ

I БОБ

ТИЛ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

1-§ тил — ижтимоий ҳодиса

Тил инсонга ва инсон жамиятига хос бўлган ҳодисадир. Тил инсонлар орасида ўзаро алоқа воситаси бўлган бир қуролдир.

Тил маълум бир фикрни ифодалайди, шунинг учун инсонлар гаплашганда ўз фикрларини билдирадилар. Фикр алмашадилар. Шу билан бирга, гаплашув орқали, фикр олишув йўли билан инсон ўз фикрини тўлдириди, чуқурлаштиради ҳам.

Тил фикр билан чамбарчас боғланган. Тил онг қалар ёскидир. Онг, фикр пайдо бўлиши билан тил ҳам пайдо бўлади. Аммо ибтидоий тил тузилиши жиҳатидан содда, мазмун жиҳатдан мураккаб, қоршиқ (диффуз) бўлган. Фикр, тушунча ривожланиши, табақаланиши билан тил ҳам ривожланади, ҳар бир тушунчани, фикр-ни ифодалаш учун айрим сўз, ибора гаплар қўллана бошлайди.

Тил тизимдир. Унинг турли соҳалари — говушлари, сўзлари, қўшимчалари, гап қурилиши бир-бири билан боғланиб, ягона бир системани ташкил этади. Сўз ва говушдаги ўзгариш гап ва қўшимчалардаги ўзгаришга олиб келади.

2-§ дунё тиллари

Тарихда ўз тилига эга бўлмаган бирорта энг кичик, жудан ибтидоий жамоа ҳам бўлмаган.

Тихминий ҳисобларга кўра, дунёда 1300 халқ ва миллат бўлган ҳолда, 3000 га яқин тил бор. Суданда тилладиганлар 117 тилда, Доғистонда 100 дан ортиқ тилларда гаплашадилар; Конгода 500 та, Индонезияда 250 та тил бор. Айрим тилларда ниҳоятда озчилик

сўзловчилар (кимисинилар — 200; карагаслар — 600) булар ҳам, ўз тилларининг ўз қалблари тарзида авайлайдилар. Ушш тилининг истиқболи учун курашадилар.

Антей, инглиз, ҳинд, испан, рус, француз тиллари жуда кўп сўзловчиларга эга. Англия, Америка, Канада қалқлари, асосан, инглиз тилида сўзлашадилар. Мексика, Куба, Чили каби 20 дан ортиқ мамлакатларда испан тилида гаплашадилар. Демак, бир тил икки ё ундинг ортиқ миллатга хизмат қилиши мумкин. Уларнинг яна бир ижтимоий-маърифий моҳиятлари шундаки, яна шу тиллар бир-бирларига таъсир этади, бир-бирига сўз ва иборалар беришади, бир миллат ёзувининг иккинчисига ҳам ўтади.

Айрим тиллар жуда қадимий ёзувлари билан бошқа тиллардан ажралиб туради. Юнон, Миср каби мамлакатларда бизнинг асримиздан анча олдин ёзув пайдо бўлган. Урхун-Енисей ёдномалари (булар бизнинг ўзбек тилимиз мулки ҳамдир) V—VI асрларда Урхун-Енисей бўйларида юзага келганлиги аниқланди.

Шу билан бирга Жанубий Америкадаги ҳинд қабилалари, Африка қитъасидаги бир неча элат ва халқлар ҳозиргача ҳам ўз ёзувларига эга эмаслар. Сибирь ва Кавказдаги 50 дан ортиқ миллат ва элатларнинг ўз ёзувлари бўлмай, фақат XX асрнинг 20-йилларидагина алифбога эга бўлдилар.

Дунё тилларининг таснифи. Олимлар қадимги даврлардан бошлаб дунё тиллари ва уларнинг тарихи билан қизиқиб келадилар. Турли ва ранг-баранг тиллар ўртасидаги яқинлик (ўхшашлик) ва ноўхшашликни кўрсатувчи кўплаб фактларни йиғадилар:

Масалан: 1) *мать* (рус), *майка* (болгар), *матка* (поляк), *matina* (литва), *mutter* (француз), *модар* (тожик).

2) *ер* (ўзб), *жер* (қоз.), *жер* (қирғ.), *ер* (озар), *йэр* (уйғ.), *йер* (турк.).

Кузатишлар натижасида тилларнинг қиёсий-тарихий усул йўли билан ўрганиш услуби шаклланди (XVIII аср. Ф. Бопп, Я. Гримм, Р. Раск, А. Х. Востоков в.б.).

Шу асосда дунё тилларининг икки хил таснифи берилди:

1. Генетологик тасниф: тиллар орасидаги фонетик, лексик, грамматик ўхшашликка асосланади.

2. Морфологик тасниф: тилларнинг тузилиш томонидан ўхшашлигига асосланади.

1. Дуёё тилларини генеологик тасниф бўйича 16, баъзилар эса 20—25 оиллага бўладилар: 1) ҳинди-европа тиллари (бу тиллар оиласи ўзaro яна 10 та гуруҳга бўлинади); 2) хом-сом тиллари; 3) кавказ тиллари; 4) угор-фин тиллари; 5) тунгус-манжур тиллари; 6) хитой-тибет тиллари; 7) дравид тиллари; 8) кичик полинезия тиллари; 9) австралия тиллари; 10) папуас тиллари; 11) африка тиллари; 12) полеосиё тиллари; 13) эскимос тиллари; 14) Шимолий Америка тиллари; 15) мўғул тиллари; 16) туркий тиллар.

2. Дуёё тиллари морфологик таснифга кўра тўртта гуруҳга бўлинади:

1). **Аморф тиллар.** Бу турга хитой, тай, бирма, тибет в.б. тиллар кириб, уларда сўзлар ёлғиз ўзакдан иборат бўлиб, аффикслар қўлланмайди. Грамматик маънолар сўз тартиби, урғу, оҳанг билан ифодаланади. Масалан: *во жэньши чжэзэ жэнь* — мен бу одамни танийман, *чжэзэ жэнь ва жэньши* — мен танийдиган киши шуну.

2). **Агглютинатив тиллар.** Бу гуруҳга туркий, фин-угор, дравид, япон, манжур в.б. тиллар киради. Бу тилларнинг хусусияти шуки, аффикслар бевосита ўзак ёки ишорага қўшилади, асосан бир грамматик маъно ифодалайди, префикслар ўрнида кўмакчилар қўлланади, грамматик жинс категорияси бўлмайди в.б.

3). **Флексив тиллар.** Бу хил тилларга ҳинд-европа ва сом тиллар оиласи киради. Флексив тилларда сўз осон ра турлаш ички флексия (сўз таркибидаги ундошларни ўзгартиш) йўли билан амалга ошади:

ингл. See-Saw-Seen; foot-feet

нем. Bruder (ака) — Brüder (акалар)

араб. китоб-кутуб — катаба-кутиба.

4). **Полисинтетик тиллар.** Бу гуруҳга Америка хиндлари, чукот, коряк ва бошқа тиллар киради. Полисинтетик тилларда гап бўлаклари бирикиб, бир сўз шаклида ифодаланади. Масалан, *ты-ата-каа-нмы-ркшии* мен семиз буғуларни ўлдирияман.

Туркий тиллар оиласи. Туркий ва уларга яқин тилларнинг уч хил таснифи мавжуд.

1. **Урал-олтой тиллари оиласига:** 1) фин-угор тиллари (фин, эстон, карель, вепс, ижор, венгер, ханты-манси, самоед тиллари), 2) туркий тиллар, 3) мўғул тиллари, 4) корей тили, 5) япон тили, 6) тунгус-манжур тиллари киради.

Бу таснифнинг асосчилари — Р. Раск, В. Шотт, М. А. Кастрен, О. Бетлинг, В. Томсен в.б.

II. Олтой тиллари оиласи.

Бу оила таркибига фин-угор тилларидан бошқа юқорида кўрсатиб ўтилган тил оилалари киради.

Олтой тиллари оиласи назариясининг тарафдорлари — Ю. Немет, Р. Рамстед, Е. Д. Поливанов, В. Котвич, В. Рясянен ва бошқалар бўлиб, улар ҳар уч-тўрт йилда ўз конференцияларини ўтказиб турардилар.

Кўрсатиб ўтилган тилларнинг бир оилага мансублигини уларнинг агглютинатив тизимга кириши, сингармония қоиначилигининг мавжудлиги, қарашлилиқ категориясининг бўлиши, грамматик жинс категориясининг бўлмаслиги, кўмакчиларнинг қўлланилиши, гап бўлақларининг маълум бир қатъий тартиби бўлишлигини асос қилиб оладилар. Бу таснифда генеологик ва морфологик тасниф қориштириб юборилади. Лексика ва морфологиядаги ўхшашликлар халқлар ва тилларнинг ўзаро алоқаси натижасида вужудга келгани илоҳатга олинмайди.

III. Туркий тиллар оиласи. Бу назария тарафдорлари фақат туркий тилларга мансуб тилларни бир оилага киритадилар.

Туркий тиллар бўйича В. А. Богородицкий, В. В. Радлов, Ф. Е. Корш ва бошқаларнинг таснифи маълум. Бу таснифлар ичида Н. А. Баскаковнинг таснифи кўпчилик томонидан тан олинган.

Н. А. Баскаков таснифига кўра, туркий тиллар икки катта тармоққа бўлинади: туркий тилларнинг ғарбий ва шарқий хунн тармоғи.

I. Туркий тилларнинг ғарбий хунн тармоғи қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Булғор тиллари гуруҳи. Бу гуруҳга қадимги ўлик хазар ва булғор тиллари ва ҳозирги чуваш тили киради.

2. Ўғуз тиллари гуруҳи. Бунга туркман, тухман (Шимолий Кавказ ва Ставрополда), гагауз, турк, озарбайжон, тува каби тиллар киради.

3. Қипчоқ тиллари гуруҳи. Бу гуруҳга қарай (Литва, Украина, Қримда), қўмиқ (Джизистонда), қарачай, балкар (Кавказда), қрим-татар, татар, бошқирд, нўғай, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз каби тиллар киради.

4. Қарлуқ тиллари гуруҳи. Бу гуруҳга ўзбек, уйғур тиллари киради.

II. Туркий тилларнинг шарқий тармоғига қуйидаги туркий тиллар киритади:

1. Уйғур-туку тиллари гуруҳи. Бу гуруҳга қадимги Уйғур-Биксей битикларининг тили, ҳозирги тува, ту-
вон (карагас) тили киритилади.

2. Кут тиллари гуруҳи.

3. Хакас тиллари гуруҳи. Бунга Сибирдаги хакас,
масин, шўр, чулым; олтой, сарн уйғур каби тиллар
киради.

4. Қирғиз-қипчоқ тиллари гуруҳи. Бу гуруҳни қир-
ғиз, олтой тилининг жанубий шевалари ташкил этади.

Туркий халқлар сон жиҳатдан собиқ СССР ҳудуди-
даги елвий халқларидан кейин иккинчи ўринни эгал-
лайди. Туркий тилда сўзловчи халқлар 40 та, баъзи
лабиетларда 60 та ҳисобланади. Туркий тилларда сўз-
лашувчи халқларнинг сони 90—100 миллионни (1992
йил 4—8 майда Анқарада бўлиб ўтган туркий халқла-
рининг конгрессида мажлис ташкилий қўмита раиси
Алла Кутлу туркий тилда сўзлашувчи халқларнинг
сонини 200 миллион деб эълон қилди) ташкил қилади.

Туркий халқлар собиқ СССРнинг кўп улкаларида
ва хорижда (Туркия, Шарқий Туркистон, Европада,
Америкада, Африкада, Австралияда) жойлашган.

Ўзбекистондаги тиллар

Ўзбекистон кўп миллатли республика бўлиб, унда
120 дан ортиқ халқлар ва этник гуруҳлар истиқомат
қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 1989 йил охирида ўт-
казилган аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра,
Ўзбекистонда 19 810 077 киши яшаб, уларнинг ичида
Ўзбеклар — 14 142 475 кишини (аҳолининг — 71,4 %) ташкил
қилади.

Қорақалпоқ мухториятининг 32,8 фоизи (397 826)
Ўзбеклардан иборат.

Ўзбекларнинг маълум бир қисми чет элда яшайди.
Улар 5 миллионга яқин бўлиб, унинг 3 миллиондан ор-
тиги Ўзбекистон (эски Туркистон)дан кетиб қолган.
Кўпчиликлари Афғонистон, Туркия ва Саудия
Арабистонидадир. Расмий маълумотларда кўрсатили-
шича, Афғонистонда 2 млн.га яқин, Саудия Арабисто-
нида 700 мингдан ортиқ ўзбек яшайди.

Ўзбекистонда истиқомат қилувчи бошқа тилда сўз-
лашувчи миллат ва халқлар:

1. Руслар — 1 653 478 киши бўлиб, аҳолининг 8,3
фоизини ташкил этади. Руслар Тошкент шаҳрида —
701 326 (42,4%), Тошкент вилоятида — 313 855 (19%),

Бухоро вилоятида — 133 197 (8,1%), Фарғона вилоятида — 123 826 (7,5%), Самарқанд вилоятида — 113 500 (6,9%) кишини ташкил этади.

2. **Тожиқлар** — 933 560 киши бўлиб, аҳолининг 4,1% қисmini ташкил этади. Тожиқларнинг энг кўпи Самарқанд (209 161 — 22,4%); Сирдарё (160 837 — 17,2%) ва Фарғона (114 482 — 12,3%) вилоятларида жойлашган.

3. **Қozoқлар** — 808 227 киши бўлиб, аҳолининг 4,1% қисmini ташкил этади. Қozoқларнинг кўпи Қорақалпоғистон автономиясида (318 739 — 39,4%), Тошкент (266 365 — 33%), Бухоро (91 126 — 11,3%) вилоятларида яшайди.

4. **Қирғизлар** — 174 905 киши. Қирғизларнинг кўпчилиги Андижон (70 446 — 40,3%), Фарғона (43 552 — 24,9%) вилоятларида истиқомат қилади.

5. **Татарлар** — 467 829 киши.

Уларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрида (129 236 — 27,6%) ва Тошкент вилоятида (106 160 — 22,7%) яшайди.

6. **Еврейлар** —

Европа еврейлари — 65 493 киши. Уларнинг кўпчилиги Тошкент шаҳрида (43 104 — 65,8%) истиқомат қилади.

Урта Осиё (Бухоро) еврейлари — 28 369 киши. Бу еврейларнинг кўпчилиги — Тошкент шаҳрида (29,4%), Фарғона (6 430 — 22,7%), Бухоро (5 256 — 18,5%) ва Самарқанд (5 601 — 19,7%) вилоятларида яшайди.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда украин, белорус, армени, қрим-татарлари, озарбайжон, латиш, бошқир, қорақалпоқ, қўмиқ, нуғай, ёқут, олтой, араб, корейлилар, немис, турк, уйғур каби ўнлаб тилда сўзлашувчи халқ ва миллатлар жойлашган.

Ўзбекларнинг 98% и ўзбек тилини ўз она тили ҳисобласада, 72% и (175 66 киши) она тили деб рус тилини кўрсатади.

II Б О Б

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ВА ТИЛИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Туркий халқлар ичида ўзбек халқининг шаклланиши муаммоси мураккаб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бир неча йиллар давомида ўз тарихи, маданияти ва тилига бепарволик ва менсимаслик билан қараш, ҳадиксираш ва қўрқув, бюрократизм ҳозирги пайтда

миллий масалаларни кескин қўйилишига, норозилиги ва кескинлигининг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги мустақиллик сиёсати кўп миллий масалаларга, тарихга, ҳозирги сиёсий муаммоларга бошқача назар билан қараш масаласини қўймоқда. Айни пайтда бу масалада республикада катта ишлар қилиняпти, матбуотда, телекўрсатув, радиода ва учрашувларда ахборотлар бериляпти. Ўш муҳими, бизнинг халқдек бошқа миллатларнинг ана шундек муносабатда бўладиган халқ кам бўлса керак. Жамоада ким, қайси миллат бирга ишляпти — бу учун бефарқ, фақат маданиятимизни, тарихимизни, рўй олатимизни, тилимизни ҳурмат қилса бўлди, бизнинг она тилимизда гапирса, нур устига нур. Бу ҳиссиёт инқилобдан кейин миллий сиёсат туфайли келиб чиқди, ота-боболаримизнинг насихати туфайли рўй берди, ҳатто шахсга сиғиниш, ленинча миллий сиёсатнинг қўпол бузилиш давлари ҳам бу улуғ ҳиссиётни тебратса тебратди-ки, йўқ қилмади.

1988 йилининг 20—23 ноябрь кунлари Москвада солинқ СССР Фанлар Академияси тарих бўлимининг «Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг этногенези» масаласига бағишланган Бутуниттифоқ конференцияси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Фанлар Академиясидан бу конференцияга 20 дан ортиқ тарихчи, этнограф, филолог олимлар қатнашди. Конференция Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг этногенезига оид қилинаётган миллий ишларнинг катта аҳамиятини қайд этиб, бу соҳада мунозарали масалалар, ҳали ишланиши зарур бўлган муаммолар кўп эканлигини таъкидлаб ўтди ва олимларнинг диққатини ана шу масалаларни ечишга қаратди. Бу муҳим муаммоларнинг ҳал бўлиши учун турли соҳа мутахассислари — тарихчилар, этнографлар, археологлар, тилшунослар, географлар ҳамкорликда иш кўришлари зарур бўлади. Масала комплекс текширилгандагина тўғри хулосаларга келиш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари этногенезини ва тилининг шаклланишини, маданиятини, тарихини аниқ белгилаш, ҳозирги кунда миллий муносабатларда рўй бераётган баъзи келишмовчиликларни бартараф қилишга ҳам ёрдам беради.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг тарихига оид муҳим муаммолардан бири тарихимизда бунёд этилган ажойиб асарларнинг қайси бир халққа қараш-

ли экани, асар муаллифи эса қайси миллатга мансублиги масаласидир, чунки бу ёзма манбалар Урта Осиё ва Қозоғистон ҳудудида ёзилиб, асар муаллифлиги шу ерда яшаб, ижод этганлар.

1988 йилнинг 7—9 сентябрь кунлари Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган туркологларнинг республикаларнинг конференцияси 1990 йили туркий халқларнинг маълува машҳур бўлган «Қутадғу билиг» асарининг 920 йиллигини нишонлашга қарор қилди (афсуски, бу тадбир ўтказилмай қолди).

Асар XI асрда Қорахонийлар давлатининг гуллаб-даврида Юсуф Хос Ҳожиб томонидан ҳижрий 462 йил (милодий — 1069—1070 йиллар) Қошғарда ёзилиб, Тафсир гачхон Улуғ Бугра Қорахон Або Али Ҳасан Ибн Арслонхонга тақдим этилади. «Қутадғу билиг» 6500 байъки тахминан 13000 мисрадан ортиқ шеърӣй дидактик асардир. Ҳозир бу буюк асарнинг дунёда учта нусхаси бор: Вена нусхаси (1439 йили Ҳиротда уйғур ёзуви билан кўчирилган), Коҳира нусхаси (араб ёзуви билан ёзилган, фанга 1896 йилдан маълум), Наманган нусхаси (араб ёзуви билан ёзилган, фанга 1914 йилдан маълум бўлди).

«Қутадғу билиг» асари бўйича кўп илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Аммо, бу ёзма ёдноманинг ҳозирги замон туркий халқларининг қайси бирига кўпроқ мансублиги масаласи ҳозиргача аниқланган эмас.

Бундай муаммолар бошқа машҳур ёзма ёдгорликларга ҳам тааллуқлидир. «Девону луғатит турк» (XI аср). «Ҳибатул ҳақойиқ» (XII аср), «Тафсир» (XII—XIII асрлар), «Қисасул анбиё», «Уғузнама», «Мухаббатнома», «Хисрав ва Ширин», «Қиссан Юсуф» (XIII—XIV асрлар) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бу муҳим масалани ҳал қилиш учун Урта Осиё ва Қозоғистон тилшунослари, адабиётшунослари ва тарихчи олимлари бирлашиб, бу ёдномаларни чуқур ўрганиб таҳлил қилиб чиқса, масала ойдинлашади. Ҳозирча кўп олимларнинг фикри шуки, бу ёдномалар Урта Осиё ва Қозоғистонда истиқомат қилаётган барча туркий халқларнинг мулкидир, чунки бу ёдномалар тилида ҳозирги туркий халқларнинг шаклланишига асос бўлган уруғ ва қабилаларнинг тил хусусиятлари ўз аксини топган.

Буюк тарихий шахслар — қомусий олимлар ал-Фарғоний, ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Синоларни ҳам келиб чиқиши жиҳатдан ҳозирги замондаги бирон

... билан боғламай, Ўрта Осиё олимлари деб атали-
ни ҳақиқатга яқиндир, чунки бу олимлар яшаган давр-
ларда (IX—XI асрлар) Ўрта Осиё ва Қозоғистонда
... қилувчи кўп уруғ ва қабилалар ҳали маъ-
... ҳалқ бўлиб тула шаклланмаган эдилар. Беруний-
... уни ҳам шундай дейди: «Қасамёд қиламанки, ҳа-
... ҳам мен асл насабимни билмайман» (қаранг:
... II. Г. Жизнь и труды Беруний, Тошкент, 1972,
... бет). Бу ерда асосий масала буюк алломаларнинг
... миллатга мансублигини аниқлашда эмас (улар
... асарларини, асосан, ўша вақтда давлат ва илмий
... ҳисобланган араб тилида ёзганлар), балки буюк
... билан Ўрта Осиё халқлари тарихига, умум-
... фанига қўшган ҳиссаларини кўрсатиб бери-
... шдир. Масалан, Улугбекининг йил, ой, кун, соатлар
... ҳисоби, юлдузлар жадвали ҳозирги аниқ ҳисоб-
... билан бир неча секундларгагина фарқ қилади. Буюк
... олимларнинг асарлари Шарқда ва Ғарбда
... лардан бошлаб математика, астрономия, геогра-
... медицина каби фанларга асос солди ва олимлар
... қўлланма, талабалар учун дарслик бўлиб хизмат
... илади. Халқаро ташкилот ЮНЕСКО Аҳмад Фарғоний-
... туғилган кунининг 1200 йиллигини, ал-Беруний-
... 1000 йиллигини нишонлаш туғрисида қарор қабул
... илади. Афсуски, бу буюк авлодларимиз туғрисида
... ақоладар, рисоладар, китоблар кам ёзиляпти, уларни
... ҳам ўрганишимиз ва энг муҳими, кам тарғиб қила-
... миз. Бу ҳам етмагандай кинофильмларимизда тари-
... шхслар-айниқса, подшолар, хонлар, лашкарбоши-
... лар осн паст талончи, золим қилиб тасвирланади, ал-
... лар эса кам тилга олинади. Яқинда машҳур кино-
... ссримиз Латиф Файзиев билан бўлган суҳбатда
... А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи фақат
... қисм қилиб ишланган, кўп қизиқ ва муҳим эпизод-
... лар тушиб қолган, уни 2—3 қисм қилиб қайта ишланса
... ни бўларди, деган фикримизга, бунга Марказ пул
... маган, талантли киноартистрларимиз ҳам йўқ,—
... жавоб бердилар. Кўп қисмли, Ҳамза ҳақидаги кўп
... дан уйдирма фильм шу аҳволда қандай қилиб
... га чиқиб кетди, деган саволимизга, у киши жавоб
... қўй қолдилар... Ҳақиқатни олсак, шошма-шо-
... билан тайёрланган кинофильм ёки нашр этил-
... лама китобларни ҳеч ким тоқат қилиб кўргиси
... қисси келмайди. Собик СССРнинг энг машҳур,
... тил билмас кишилари жалб қилиниб ёзилган

киносценарийлари ёки операю балетларига амалдорлардан ёки амалга умидвор кишилардан бошқа ҳеч ким ўз хоҳиши билан бормас эди. Талабалар эса имтиҳон топишириш ваҳимаси билан бир бало қилиб бу кутубларни ўқиб, спектакл ёки фильмларини кўриб юлиб, ўқитувчиларига аччиқ-аччиқ савол берар эдилар.

Республика Шарқшунослик, Қўлёзмалар, Тарихий илмий текшириш институтларида, музейларда минг-минглаб қимматли қўлёзмалар тахланиб ётибди. Бундан ташқари, минг-минглаб нодир қўлёзмалар ҳам дўстлик давлатларининг кутубхона ва институтларида чет эл кутубхоналари ва музейларида сақланади. Академик Э. Юсуповнинг айтишича, бу қўлёзмаларни нашлаштириш ва ўрганиш учун тўрт минг йил керак бўлади.

Тўғри, бу соҳада кейинги йилларда анча ҳайрланарлиқ ишлар қилинган: кўп қўлёзмалар сотиб олинган, асарларимиз нашр этилган, эски (араб) ёзуви ўрганилган. Аммо бу ҳали дарёдан томчи. Бунинг учун билимдон олимлар бир гуруҳ бўлиб, режали иш олиб боришлари зарур бўлади.

Албатта, тарихий ёзма ёдгорликларни танқидий-илмий матиларини нашр этиш ва уларни ўрганиш учун малакали мутахассис керак бўлади. Афсуски, бу талабларга жавоб бера оладиган мутахассисларни университет тайёрлаб бермаяпти, илмий муассасаларда ишлаб турган яхши мутахассисларнинг кўпи оламдан ўтди, кўпининг ўртача ёши 60—70 дан ошиб қолди. Бу соҳада ҳаммани қийнаётган нарсаси эски (арабча) имлоини билмасликдир. Аслида 1918 йили анча соддалаштирилган араб графикасидан воз кечиб, 1929 йилда лотин графикасига ўтдик, сўнгра ундан ҳам воз кечиб 1940 йили кириллицани қабул қилдик. 1993 йилда қайта лотин алифбосига қайтдик. Давлат тили қонунига кўра, 1992—93 ўқув йилидан эски (араб) ёзуви мактаб ва олий ўқув юртларида асосий фан сифатида ўқитилмоқда. Бунда кадрлар тайёрлашнинг эски услубига кўчиб, юқори малакали мутахассислар ҳар 1—2 йилда 4—5 тадан шогирд тайёрлаб берса, бу соҳадаги ишларимиз тез ривожланиб кетади.

Газета ва журналларимизда тарихий обидаларининг сақланмаётганлиги, бузилиб ёки омборхоналарга айлантирилаётгани ачиниб, ташвиш билан хабар қилинган. Бу муҳим масалада маблағни ҳеч аямасдан, уларни сақлаш ва таъмирлаш ишини қаттиқ давлат назоратига олиш зарур.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудида яшаб турган қозоқ, қирғиз, уйғур, туркман, қорақалпоқ, тоҷик халқларининг этногенези ва этник тарихини ўрганишдаги муҳим муаммолардан бири бу халқларнинг қайлинишига асос бўлган уруғлар ва уруғ бирлаш-тири, уларнинг жойланиш ўринлари масалаласидир. Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудида истиқомат қилган эрон (милoddan аввалги III мингинчи йиллар) ва қабилалар (қабила бирлашмалари) массагет-лар, саклар (эрон манбаларида шаклар), суғдийлар, қарллар бўлгани қадимги юнон, рим, эрон, хитой, араб, араб манбаларидан маълум. Буни кейинги давр-да ўқилиб келинган археологик қазилмалар, топонимик ва лингвистик, диалектологик ва фольклор материаллари қадимги ёзма ёдгорликлардаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

Массагетлар Аму ва Сирдарёнинг қуйи оқимида, тоҷик (шия) лар эса массагетлардан шарқроқда — ҳозир-да Қозоғистон ва Шарқий Туркистонда, Аму ва Сир-дарёнинг Шимолидан тортиб, то Жанубий Сибирь ер-лигача бўлган чулу биёбонларда яшаганлар. Бундан-дан кўра, милoddacha яшаган қабила ва уруғлар жой-ланиш ўлкаларига кўра ҳам номланганлар: Суғдиё-ликлар (ҳозирги Зарафшон водийси), Хоразмлик-лар (ҳозирги Хоразм — Аму дарёнинг қуйи оқими), Қирғизликлар (Ҳисор водийси ва унинг Жануби, Сур-хондариё водийси), Чочликлар (Тошкент водийси), Тарконаликлар (Фарғона водийси) каби.

Суғд қабилалари тарқоқ ҳолда айтиб ўтилган қа-билалар орасида истиқомат қилганлар. Бу уруғ ва қабилаларнинг кўпининг тили эрон гуруҳига кирувчи-чи бўлганини кўпчилик олимлар тахмин қиладилар.

Қадимги уруғ ва қабилалардан ёзма ёдгорлик қол-дири эмас, фақат айрим суғд ёзувлари билан битилган-ган манбалар бизгача етиб келган.

Эрон гуруҳлари билан баробар, Суғдиёнанинг кат-та бир қисмида — Сирдарёнинг ўрта оқимида туркий-кий тилда сўзлашувчи этник гуруҳ (асосан, қанғуй ёки қанлилар) яшаган ва Қанғуй ёки Қанҳа давлатини-ни ташкил этганлар.

Катта қабила ёки уруғ бирлашмаларини ташкил эт-ган қадимги массагет, саклар қайси бир тилда сўзлаш-ганини бизга намаълум. Тарихий манбалар бу этник-кий гуруҳларнинг номларини, жойланишини, баъзи урф-одат-ларини ва айрим ишларини тилга оладилар, холос.

Археологик қазилмаларда Панжикентдан топилган сугд тангаларига зарб урилган «Гирей жабгу, кити жабгу» сўзларига қараб, О. И. Смирнова сугдлар тилида сўзлашганлар деган хулосага келади. Сугд ҳокимлари ва лашкарбошиларининг кўпи турклар бўлгани ҳам кўрсатиб ўтилади. Машҳур тарихчи Олдиат-Табари ҳам, сугдларнинг бошлиғи турк эди, деган таъкидлайди.

Ҳақиқатан ҳам, «Ябгу//жафгу» сўзи фонетик ва морфологик структурасига кўра туркий сўз бўлиши аниқ. Маҳмуд Кошғарий «Девони»да бу сўзнинг маъноларидан бири — хоидан икки даража паст бўлган ўрини эгаллаган мансаб ёки мансабдор деб тушунтирилади (қаранг: Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит турк, I т. 39-бет. Этнограф Э. В. Ртвеладзе Бақтрия аҳолисини туркий деб, баъзи ўринларда эроний тилда сўзлашувчи аҳоли ҳам бор эди деган хулосага келади (Ўша асар, 104-бет).

Албатта, бир сўзга таяниб халқнинг тили қайси тиллар оиласига мансублигини айтиш қийин, аммо бу мулоҳазани эътиборга олмаслик ҳам мумкин эмас. Ҳақиқатда XI асрга қадар Мовароуннаҳр ва Еттисувда асосий, етакчи уруғлар турклар бўлган. Бу ерга янги-янги туркий уруғларнинг кириб келиши эса маҳаллий туркий уруғларнинг мавқеини ва тилини мустаҳкамлашишида катта роль ўйнаган. Туркий этник гуруҳларнинг ва уларнинг тили сугдларга таъсир кўрсатмасдан қолмади. Қарлуқ (Фарғона водийси) ва ўғузлар (Шоубоқ улкаси) орасида яшаган сугдийлар туркий тил таъсирига берилмай иложлари ҳам йўқ эди.

Мовароуннаҳр туркий халқларининг шаклланишида катта роль ўйнаган иккинчи қатлам — Марказий Осиёдан кўчиб келган кичи (кушанлар ёки тохарлар) қабила бирлашмалари (милoddан III—II асрлар аввал), хуннлар (милoddгача II ва милoddий II—IV асрлар) ва эфталит (V—VI асрлар) қабила бирлашмалари бўлди. Бу қабилалар туркий бўлиб, кушанлар Кушан давлатини, эфталитлар-Эфталит давлатини ташкил этадилар.

Умуман олганда, VIII—X асрлар мобайнида Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудида учта катта уруғ бирлашмаси мавжуд эди: 1) яғмо, чигил, тухси ва бошқа уруғлардан таркиб топган қарлуқ бирлашмаси; 2) Еттисувдаги бир қатор туркий уруғлар ва Фарбий Сибирдаги баъзи ҳинд-европа ва фин-угор тилларидан

топган ўғуз бирлашмаси; 3) турли тур-
дан ва бошқа уруғлардан ташкил топган қимақ
бирлашмаси (кейинроқ қимақлардан қипчоқлар
қилиб, ўз бирлашмасини ташкил этади).

Бу катта уруғ бирлашмалари асосан даштликларни
қамраб олади. Ёттисув ва Шарқий Туркистондаги ўтроқ
қабилалар билан суғд қабилалари ва уларнинг тил-
ларини бирлаштириш жараёни давом этди.

Туркий уруғ бирлашмаларининг бу ҳукмдорлиги
XI асрларга келиб тугатилди ва ўрнига қипчоқ
ва қорахонийлар ҳокимияти ўрнатилди.

Туркий уруғларнинг Ўрта Осиё ва Қозоғистонга кў-
чиб келиши кейинги даврларда — турк ҳоконлиги
(XI—VII асрлар), Тяньшан ва Фарғона водийсининг
Шаффоидида барпо бўлган қипчоқ давлати (IX—X аср-
лар), Қорахонийлар давлати (XI асрнинг биринчи яр-
мида XII асрнинг бошларигача) даврларида ҳам
давом этди ва энг сўнгги катта қатлам XIV асрдан
бошчи қипчоқда истиқомат қилган ва XVI аср бошида
Шайбонийхон бошчилигида Мовароуннаҳрга кириб
ёритган ўзбек уруғлари бўлди. Бу ҳолат турк бўлмаган
маҳаллий уруғларнинг туркклашишида ва туркий уруғ-
ларнинг устунлигини таъминлашда катта роль ўйнади.
Ушбу (милoddан олдинги III асрлар) ва араблар (VIII
аср боши—IX асрлар), Сомонийлар (IX—X асрлар)
ҳукмдорлиги давомида маҳаллий халқларнинг қиёфа-
си, миллатияти ва тилида айтарли ўзгаришлар бўй бер-
ган эмас. Аммо турк ва тожик уруғлари яқин яшаган
даврларда ўзбек-тожик икки тиллиги ривожланади. Бу
жариён Сомонийлар давлатидан (IX—X асрлар) бош-
ланиб, XV асрларга келиб тезлашади.

XI асрларда узоқ Шарқдан яғмо, чигил, тухси, қар-
дуқ каби кўчманчи халқларнинг кўчиб келиши нати-
жасида Ўрта Осиё ва Қозоғистонда суғд ва бошқа
ираний тилда сўзлашувчилар ҳам секин-аста турк ти-
лига ўтдилар.

XII—XIII аср мобайнида Ўрта Осиё ва Қозоғистон-
ни Шарқдан келган, турк-мўғул уруғларидан бўлмиш
Қорахитойлар босиб олди. Ёттисув ва Шарқий Қозо-
ғистонни Марказий Осиёдан келган найман ва керонт
уруғлари эгаллади. Салжуқийлар емирилиши билан
Хоразмшоҳларнинг қудрати кучайди, бу эса қипчоқ ва
қалған уруғларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётда таъсири-
ни кучайтириб, Хоразмга турк тилининг кириб кели-
шига сабаб бўлди.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудидан келиб — туркий ва шарқий эрон (сўнгра — тожик) тиллари қўлланиб келди. Бу тиллар туркий (жумладан, ўзбек) ҳамда тожик халқларининг шаклланишига асос бўлди. Этнографларнинг фикрича, «Деярли минг йиллар давомида туркий тиллар Қозоғистон ва Ўрта Осиёнинг асосий қисмида эрон тиллари билан тенг ролда қўлланиб келинган». (Андрианов П. В.).

Ҳар ҳолда энг қадимги даврда (милоддан олдинги бир мингинча йиллар) Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудидан (торроқ қилиб айтганда, Мовароуннаҳрда) истиқомат қилган массагет, сак, суғд, юечжи, қангли, қангуй ва бошқа уруғ, қабила ва уларнинг бирлашмалари ҳозирги туркий (ўзбек, қозоқ, қирғиз, уйғур, туркман, қорақалпоқ) ҳамда тожик халқининг шаклланишида ибтидоий, биринчи асос бўлганлар.

Мунозарали муаммолардан яна бири — туркий ва бошқа уруғларнинг жойланиши масаласидир. Гамма шундаки, туркий уруғлар ва қабилаларнинг кўпчилиги энг қадимги даврларда кўчиб юрган. Бир қабила ёки уруғ ўз тўдасидан ажралиб, бошқа тўдага қўшилган, ёхуд қўшиб олинган. Бу жараён асрлар мобайнида давом этган, фақат XII—XIII асрларга келиб, қабила ва уруғлар асосан ўтроқлаша бошлади. Турли уруғ ва қабилаларнинг Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳамда унга туташ ерларда жойланиши тўғрисида дастлабки маълумотлар юнон, араб, эрон, хитой манбаларида кўрсатиб ўтилган.

Ҳақиқатан ҳам, Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг тарихини фақат шу ҳудудда яшаб турган қабила ва уруғлар билангина боғлаш хато бўлган бўлур эди. Бу ердаги халқларнинг шаклланиш тарихига Олд ва Марказий Осиё, Жанубий Сибирь, Волга, Урал ва Шимолий Қора денгиз атрофларида истиқомат қилган қабила ва уруғларнинг ҳам алоқаси бор, чунки ана шу кенг ҳудудда қабила ва уруғлар кўчиб юрганлар ва шу ўриндаги туркий ҳамда тожик халқларининг шаклланишларида иштирок этганлар.

VIII асрда Фарғона водийсида қарлуқлар, Шошда — ўғузлар, улар орасида суғдларнинг яшагани азалдан маълум.

IX—X асрларда туркий қабилалар асосан Еттисув ўлкасида, ўғизлар эса Сирдарёнинг қуйи оқимида бўлиб, кейинроқ ҳозирги Туркменистонга кўчиб ўтган қарлуқлар Талас водийсидан то Шарқий Туркистон-

бўлган жойларни, чигиллар — Иссиққўлнинг шарқий томони ва Тарозда, яғмолар — Иссиққўлнинг жанубидан Қашқар (Шарқий Туркистон) гача, қишлоқлар (улар тухси ва арғулар ҳам деб аталади) — Ўттисувнинг жануби-ғарбий томонларида ўрнашган маълум. Шу даврда (IX асрнинг ўртаси билан X асрнинг ўрталари) Тянь-Шань ва Фарғона водийсининг шимолида барпо бўлган қарлуқ давлати чигил, лабон, яғмо, арғу, тухси, мукри, сарик каби урусларни ўз ичига олган.

Ўғизлар X—XI асрларда Орол бўйларидан, Хоразм Монароуннаҳрдан Хуросон, Эрон ва Ироққа кўчади. XII асрларга келиб Ўрта Осиёда ўғизлар яна кўчди.

Қорахонийлар давлатининг (XI аср) асосини қарлуқ, чигил, яғмо уруғлари, шарқий ҳоқонликни, асосини уйғурлар ташкил этгани маълум.

Кейинги даврларда масалан, Нодиршоҳ улиmidан кейин (1747) Бухоро хонлигида — манғитлар, Хива хонлигида — қўнғиротлар, Қўқон хонлигида — минг уруғи бош уруғ бўлгани қайд этилади.

Шундай қилиб, уруғ ва қабила бирлашмаларининг асрлар давомида қаердан қаерга кўчиши ва жойлашиши, қайси уруғ ёки қабила билан қўшилиши ва бирлашгани масаласини узил-кесил аниқлаш этнограф, тарихчи ва лингвистлар олдида турган катта вазифадир. Бунинг учун бой ёзма манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, туркий ва бошқа халқларнинг тарихига оид асарларни чуқур таҳлил қилиш, оғзаки ривоятларни ва этнонимларни изчил ўрганиш зарур. Ўзбекистон Фанлар Академияси ҳузурида ташкил этилган ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихини ўрганиш бўлими ташкил этилган илмий Муаммо Кенгаши бу мураккаб масалани текшириш устида иш олиб боради.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг шаклланиши бир-бири билан чамбарчас боғлангани учун Ўрта Осиё ва Қозоғистон Фанлар Академиялари Мувофиқлаштирувчи Кенгаши қошида этногенез Кенгашини ташкил этиш ва бу кенгашга йирик мутахассислар — тарихчилар, этнографлар, филологларни жалб этиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Муҳим масалалардан яна бири шуки, ҳозир газета, журнал, радио ва телевизорлар орқали турли мажлис ва учрашувларда жуда кўп фойдали таклиф ва маслаҳатлар бериляпти. Аммо бу фойдали маслаҳат ва так-

лифларнинг ижросини текширувчи бирор ташкил тузилган эмас. Ташкил бўлган турли комиссия аъзо-
ри ўзларининг асосий ишлари билан банд бўлган-
лари учун, бу таклиф ва маслаҳатларнинг амалга о-
рилишини муттасил кузатиб бора олмайдилар. Шун-
дан ушбу республика бўйича катта ҳуқуққа ва ўз шта-
тига эга бўлган обрўли бир ташкилот зарур.

3. Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг келиб-
қилиши ва тилининг шаклланиши қайси даврда рўй б-
гани масаласи олимлар орасида катта мунозарага
баб бўлиб келаётган муҳим масалалардан биридир.

Халқлар тарихини яратишда асосий камчилик
бир олим (ўзбек, тожик, қozoқ в. б.) ўз миллати қа-
бийроқ шаклланган деб исботлашга, баъзи муҳим
рихий фактлардан кўз юмишга ёки уни ўз мақсади
мослаштиришга интиляпти. Бу масалани комплекс ҳо-
да ишлаш, бунинг учун турли ижтимоий фан мутаха-
сисларини жалб қилишга эътибор қилинмаётир.

Маълум халқнинг шаклланиши қардош ва айри-
ноқардош уруғларнинг бирлашиб, ўтроқлашиб, янги
давлат тузилишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Аксинча, янги
на давлатнинг емирилиши ва уни ташкил этган уру-
ларнинг тарқалиб кетиши, ҳатто бошқа каттароқ
нуфузлироқ уруғ таркибига қўшилиб кетиши — шакл-
ланган халқнинг ҳам бўлиниб кетишига сабаб бўлади.
Шунинг учун баъзи халқлар бир неча бор шакллани-
шнинг тарқалиб, яна шаклланган бўлиши ҳам мумкин.
Масалан, мўғуллар Ўрта Осиё ва Қозоғистонни босиб
олиб, ўлкани улусларга бўлдилар. Бу ҳол маҳалли-
уруғчилик иттифоқига маълум таъсир кўрсатади.
XIV—XV асрларда Дашти қипчоқда истиқомат қилган
қипчоқ (половец) лар ўрнини ўзбек, қozoқ, манғитлар
эгаллади.

Айрим олимлар Ўрта Осиё ва Қозоғистонда истиқо-
мат қилган энг қадимги уруғ ва қабилалар (массагет-
лар, саклар, суғдлар, қанглилар в. б.) ўзбек халқининг
ҳам шаклланишида бирламчи асос бўлганини кўрсатиб
ўтиб, бу шаклланишни асосан, IX—X асрлардан Қора-
ҳонийлар давридан бошлайдилар. Бошқалар бу шакл-
ланиш XI—XII асрларда Қорахонийлар билан Хоразм
давлати оралиғида рўй берганини, Зарафшонда эса
XVI асрда вужудга келганини айтадилар, айрим этно-
графлар бу шаклланиш ҳатто XV—XVI асрда бўлгани-
нини кўрсатиб ўтади. А. М. Щербак бу шаклланишни
XI—XIV асрлар мобайнида рўй берганини айтиб ўта-

Ҳақиқатан ҳам, халқнинг шаклланиши узоқ давом
эканини мураккаб жараёндир. Бу ерда гап асосан ўз-
бек халқининг шаклланиши босқичлари ҳақида боради.
Аслида, ўзбек халқи Ўрта Осиё, Қозоғистон ва унга
қўшни ўлкаларда яшовчи ўтроқ қабилалар (массагет,
сугд қангли)га кейинги даврда келиб жойлашган
халқлар (кушанлар), хуннлар, эфталитлар ва бошқа
халқлар билан қабилаларнинг қўшилиши асосида шаклланди.
Халқнинг шаклланиши XIII асрнинг охирига келиб,
туркий туркий халқларга нисбатан олдинроқ рўй берди.
Хатто XII аср охирига келиб шаклланган ўзбек халқи
даставвал туркий халқ, тили туркий тил деб ном-
лайди ва бу ном узоқ вақтларгача сақланди. Хатто
Хатто XIII ҳам ўз тилини туркий деб номлайди. Олимлар
бу давр (XIV аср охири XVI аср) ўзбек тилини бошқа
туркий тиллардан фарқлаш учун «Ўрта Осиё туркий-
си», «Чингатой тили» деб номлаб келдилар. «Ўзбек»
этноними эса XIV асрнинг биринчи ярмида Дашти
Дарвозада истиқомат қилган, уруғларнинг номи бўлиб
бу уруғлар Шайбонийхон бошчилигида Мовароуннаҳр-
ни босиб олгач, бу ном билан ерли халқ атала бошла-
ди. Дашту қишлоқ ўзбек уруғлари бу ерда шакллана-
ётган туркий халқ таркибига бир уруғ бўлиб кирдилар,
ахир.

Шуни ҳисобга олиш керакки, шаклланган ўзбек
халқи фақат Мовароуннаҳрдагина эмас, бошқа ўлкалар-
да ҳам қўлланила бошлади. С. А. Азимжонованинг ай-
тишича, Ҳиндистонда эски ўзбек тили форс (дорий)
ва урду тили билан баробар XVI—XVII асрларгача
қўлланилиб келинган. Турдибек Хоксор, Байрамхон ва
ўзбек тилида ижод қилган тарихчи Саид Алининг ай-
тишича, Деҳлида Хумоюн саройида туркий (ўзбекча)
мушоиралар бўлиб турар эди («Ўзбекистон адабиёти
ва тарихи», 1 январь, 1989).

Ҳақиқатан ҳам, ўзбек тилини (табиий, халқининг
табиий) XI ёки XII аср (хатто ундан олдин ҳам) да шакл-
ланган деган даъволарга қўшилиш қийин. Чунки XI—
XIII асрлар давомида яратилган машҳур «Девону лу-
ғатини турк», «Қутадғу билиг», «Ҳибатул ҳақойиқ»,
«Тутунома» каби асарларида қарлуқ тил хусусиятлари
қўй бўлсада, уларни умумтурк миллатининг манбалари
деганимиз, улар Мовароуннаҳрда яшаган ва яшаб келган
халқни туркий халқларининг ҳам мулкдир.

Аммо Мовароуннаҳрда истиқомат қилган туркий
уруғлар маълум давлатлар барпо бўлиши билан

(Қангха) Қанюй, Кушан, Эфталит давлатлари, Ту хоқонлиги в.б.) бирлашиб, бир халқ-туркий халқ ташкил этадилар. Бундай шаклланишлар Мовароуннахрдан ташқарида — чулу яйловларда ҳам бўлган (қарлуқ, ўғиз, қимақ — қипчоқ уруғ бирлашмалари). Бу бирлашмалар ичида бирор туркий уруғ нуфуз ўринини эгаллайди ва у кейинроқ бирор туркий халқнинг шаклланишига асос бўлади. Шуниси характерлики, барпо бўлган давлат ва хоқонлик тарихида нуфузли қабила биргина бўлган эмас, давлат ёки хоқонлик емирилиши билан уруғлар ҳам тарқалиб, бошқа уруғларга қўшилиб кетган, бошқа даврга келиб бошқа уруғлар бош кўтарган ва ҳокимиятнинг қўлга олган. Масалан, кушанлар давлатида кушанлар (ёки юечжилар), ғарбий турк хоқонлигида қарлуқлар, қанглилар, чигил, уйғурлар ҳукмрон эдилар. 745-йили Турк хоқонлигини емириб ўз давлатини тузган уйғурлар 840-йили қирғизлар томонидан енгилади ва уларнинг бирикмаси қарлуқларга қўшилиб, бошқа қисми Тибетга кўчади, қолгани Олтойда қолиб, бошқа туркий уруғларга аралашиб кетади.

Шуни ҳисобга олиш керакки, қадимги массагетлар, сак, қангли, суғд, тохар қабилалари, кейинроқ келин уларга қўшилган турли туркий ва туркий бўлмаган уруғлар (печенеглар, сариқ, абдал, мукри ва бошқа уруғлар, асосан, қарлуқ, ўғиз, қипчоқ уруғ ва уруғ бирлашмалари) туркий халқларнинг асос бўлдилар. Бир уруғ ёки қабиланинг ўзи икки ва ундан ортиқ халқнинг шаклланишида ҳам иштирок этишлари мумкин. Масалан, ўзбек ва қozoқ халқ таркибининг қипчоқ, жалойир, найман, қатагон, барлос каби уруғлар ҳам ташкил этган. Бу ҳол ҳар икки халқнинг тилидаги, маданияти, урф-одатидаги, иқтисодидаги, айниқса, антропологик ўхшашлиги ва яқинлиги билан ҳам исбот қилинади.

Ўзбек халқи ва тилининг генезисидagi мураккаб жараён ҳозирги замон ўзбек адабий тилининг шаклланишида ҳам ўз аксини топди. Ўзбек адабий тили тўрт хил шева гуруҳидан ташкил топган бўлиб, булар Самарқанд-Бухоро, Тошкент, Фарғона ва Хоразм шеваларидан иборат. Бу шевалар асосан, қарлуқ — уйғур, ўғиз, қипчоқ тил хусусиятларини ўзида ифодалайди.

Маълум халқни ташкил этган уруғлар бир печаласрларгача барқарор бўлиб, тил хусусиятларини сақ-

лилари мумкин. Масалан, қozoқ, қирғиз, туркман ва
ишқи халқлар таркибидаги кўп уруғлар ҳозиргача
и хусусиятларини сақлаб қолганлар. Шунингдек, ҳo-
ири пайтда айрим областларда (Фарғона водийси,
ишкент областининг айрим районлари) ўзбек халқи-
и тиликл этган уруғлар ўз хусусиятларини йўқотган
ишлар-да, кўп вилоят ва туманларда бу уруғлар ўз
ишларини ва одатларини сақлаб келади. Ана шу уруғ-
ишининг жойланиш ўринларини белгиловчи карталар
ишини, географ, тарихчи, этнограф, тилшунослар олди-
и турган муҳим вазифадир. Бунда миқдори ва мав-
иши жиҳатидан салмоқли этник гуруҳлар учун ота-
ишлар хоҳиши билан, алоҳида мактаблар, очиш,
ишрелик ва қўлланмалар тузиш зарур бўлади.

III БОБ

ЎЗБЕК ТИЛИ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ ТИЛИ

1989 йил 21 октябрда ўн биринчи чақириқ Ўзбекис-
тон Олий Кенгашининг ўн биринчи йигилишида (сес-
сиясида) Ўзбекистон Ҳукуматининг Давлат тили ҳа-
қидаги Қонун қабул қилинди.

Қонун ўзбек тилига давлат тили мақомини берди.
Аҳолисининг 72 фоизи ўзбек, 85 фоизи ўзбек тилини
биладиган Республика учун бу табиий бир ҳол эди.

Шу куннинг ўзида Ўзбекистон Олий Кенгаши «Ўзбе-
кистон Ҳукуматининг Давлат тили ҳақида»ги Қонун-
ни кучга киритиш тартиби туғрисида қарор қабул
қилди.

Ўзбекистон Адлия вазирлигининг маъқуллаши би-
лан «Давлат тили ҳақидаги қонунга шарҳлар» (Тош.,
1990), Ўзбекистон Вазирлар Кенгаши 1990 йил 19 фев-
раль 101- қарори билан мазкур қонунни амалга оши-
риш Давлат дастурини тасдиқлади.

Давлат дастурида «Давлат тили ҳақидаги қонунни
қабул қилинган кун Она тили кун деб аълон қилиш»
(1-қисм, 7- модда) туғрисида қарор қабул қилинди.

Ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши
туғрисида Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан Қонун
қабул қилиниши кўп муҳокама ва мунозаралар нати-
жаси эди. Бу давр ичида собиқ Ўзбекистон Компартия-
си Марказий Комитетида ва Ҳукумат қошида Жумҳу-
риятнинг етакчи олимлару ёзувчилари ва ходимлари
иштирокида махсус комиссия тузилди. Комиссия Дав-
лат тили ҳақидаги Қонуннинг икки хил лойиҳасини

кетма-кет эълон қилди ва кенг халқ оммаси муҳокама сизга ҳавола этди. Шаҳар ва вилоятларда, қорамуассаса ва идораларда, мактаб ва олий ўқув юртида ижодий ва илмий ташкилотларда, матбуотда лойиҳалар кенг муҳокама этилди. Мазкур Тил Комиссиялари номига мингдан ортиқ хатлар келиб, Республика меҳнаткашлари лойиҳага бўлган ўз муносабатларини билдирдилар. Тил комиссияси аъзолари ва олимлар бу соҳадаги бошқа Республика иш тажрибасини ўргандилар.

Давлат тили ҳақидаги Қонунни муҳокама этиш 3 хил фикр билдирилди:

1. Давлат тили ҳақида қонун қабул қилишнинг ҳожати йўқ. Республика мустақил давлат бўлгани унинг тили, табиий, давлат тили бўлиб қолади. Республикамиз Ўзбекистон экан, демак, унинг давлат тили ҳам ўз-ўзидан ўзбек тилидир.

2 Ўзбекистон Республикасида ўзбек тили, умуман, бирор тил давлат тили бўлиши мумкин эмас.

Бунда асосан В. И. Лениннинг 1913 йили айтган фикри асос бўлди. В. И. Ленин 1913 йили «О государственном языке» мақоласида «Шубҳасизки, бирор миллатга, бирор тилга ҳеч қандай алоҳида имтиёз бериш керак эмас» деган эди. (ПСС, 24-жилд, 391-бет, янги 23-жилд, 317-бет, 25-жилд, 146, 148, 233, 234, 302-бетлар.)

Аммо бу фикр:

1) Чор Россияси ва рус тили чекка ўлкаларга босиб келаётган бир даврда, маҳаллий миллат ва уларнинг тилини сақлаш мақсадида айtilган фикр эди.

2) В. И. Лениннинг бу мулоҳазалари айtilгани 80 йилга яқин бўлиб қолди. Бу давр ичида чекка ўлкалар юксак саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданиятига эга бўлган мустақил давлатларга айланди.

3-қараш эса Ўзбекистон Республикасида ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш шарт деб ҳисобловчиларнинг фикри эди.

Ўзбекистонга мустақиллик бериш, ўзбек тилига давлат тили қонуни мақомини (мақомини) бериш нима заруриятдан келиб чиқди?

1) Ҳар бир мустақил Республика, Давлат ўз давлат тилига эга бўлиши керак. Бу миллатнинг мустақиллигини кўрсатувчи асосий белгилардан биридир. Дунёдаги ҳар бир мустақил давлат ўз миллий давлат тилига эга.

Швейцарияда фин тилидан ташқари, аҳолининг 6 фои-
си ташкил этувчи швед тили давлат тилидир.

Индияда инглиз ва француз тиллари давлат тили
сифатида. Ҳиндистонда инглиз ва ҳинд тили, АҚШда
испан тили, Англияда инглиз тили. Францияда фран-
цуз тили, Швецияда эса (16 млн. аҳолиси бор) немис,
швед, италян тиллари давлат тили ҳисобланади.

Америкада президент Давлат тилларини билиши шарт.
Испания ва Куба, Чили, Мексика каби 20 дан ор-
тадан ортиқ мамлакатларида испан тили Давлат тили
сифатида.

1937 йили Бутуниттифоқ Советларининг XII съезди
қароридан расмий (давлат тили) сифатида ўзбек, рус,
арман, қирғиз тиллари, Ўзбекистон ССР ташкил
қилинганда эса, ўзбек ва рус тиллари, сўнгра ўзбек тили
расмий давлат тили деб эълон қилинди. 1937 йилдан
буён мунтазам ўз ташвишлари билан бўлиб бу модда бу-
йиқай туширилиб қолдирилганлигини ҳам сезмай қол-
ди («Правда Востока», 18.04.89).

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг (статуси-
сини) берилиши унга қўшимча имтиёз бермайди, факат
Ўзбек тилининг ўқиш-ўқитишда, муомалада, идоралар-
да, илм-фандаги ҳуқуқларини тиклайди холос. Бу би-
ракин рус, тожик, қozoқ ва бошқа тилларнинг роли паст-
га ўрилмайди, ўзбек тилини ҳам рус тилига ўхшаб
қадр қимматини кўтаради.

Ўзбек халқи, унинг зиёлилари, кўп замонлардан
буён икки ва уч тилни бемалол эгаллаб келган. Али-
шер Навоий, Бобур, Нодирабегим, Фурқат, Муқим-
ий, Ташқийлар бемалол ўзбек ва тожик тилларида
қалам қилиб келганлар.

Иштимоний ҳаётда ҳозир ҳам икки ва кўп тиллар
қўлланилади: Самарқанд, Бухоро, Чуст, Поп, Риш-
танья 3 тил — ўзбек, рус, тожик тиллари ишлатилади.
Тарихда она тилидан ташқари араб, форс-тожик тили-
ни билиш зиёлилар учун оддий бир ҳақиқат эди.

Давлат тили ҳақидаги қонуннинг асл моҳияти
шундан иборат?

1. Қонун 30 моддадан иборат бўлиб, аввало ўзбек
халқининг ўз қадр-қимматини, ҳуқуқини, ролини тик-
лашга қаратилган.

«Давлат тилининг равнақи, қўлланиши ва муҳо-
фазасини ҳар томонлама таъминлаш» Ўзбекистон ҳу-
қуқий асослари юкланади (2- модда).

2. Миллатумки, идора, корхона, муассаса раҳбарлари

билан, савдо-сотиқ ва тиббиёт ходимлари хўра жасманлар ва касаллар билан рус тилида гаплашган рус тилини билмаганлар ночор аҳволга тушиб қолган эдилар.

Қонун раҳбарлардан, аҳолига хизмат кўрсатиш ходимлардан давлат тилида муомала қилиш ва расмий иш қоғозларини ҳам давлат тилида бўлишини талаб қилди. Афсуски, Республикамизда расмий қоғозларини ҳам рус тилида олиб бориш одат тусига кириб қолган эди.

«... Ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарлари давлат тилини етарли даражада билишлари шарт... аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ шахслар давлат тилини зарур бўлган даражада билишлари шартим» (4- модда). Бу тadbирнинг амалга оширилиши учун Ўзбекистон Олий Қенгаши 8 йил муддат берган

Ўзбекистон Ҳукуматининг «муассаса, корхона, ташкилот ва бирлашмаларида иш республика давлат тилида юритилади» (7- модда).

3. Ўзбек тилини мактаб, техникум ва олий ўқув юр்தларида ўқитиш ночор аҳволга тушиб қолган эди. Рус мактабларида, махсус ўқитувчилар тайёрланмагани учун, бу фанни йиллик иш соати етишмаган бўлган тарбия, меҳнат, кимё каби фан ўқитувчиларини топширилар эди. Натижада тилдан махсус билими бўлмаган бу хил ўқитувчилар ўзларининг ҳам, фаннинг ҳам обрўини тукар эдилар. Ҳатто ўзбек тилидан илм тохон олиш ҳам кўрсатилмаган эди. Кўп техник, илм тисод, тиббий институтларида ўзбек тили рус гуруҳларида ўтилмас эди. Бу хил ўқув юр்தларининг миллий гуруҳларида ҳам дарслар рус тилида олиб бориладиган. Миллий гуруҳларда ҳатто ижтимоий фанларни ўзбекча ўқитиш учун ўзбек миллатидан бўлган ўқитувчиларни кўндириш қийин эди.

Давлат тили қонунини бу ноҳақликка чек қўйди. «Дарслар ўзбек тилида ўтилмайдиган... мактаб... билим юр்தлари ҳамда олий ўқув юр்தларида... ўзбек тилини ўқув планининг асосий фанларидан бири сифатида ўрганишни таъминлайди, бу фандан битирув имтиҳонини топширилади» (15- модда).

4. «Араб алифбосига асосланган қадимий (?) ўзбек ёзувини... мактабларда, ўрта махсус ва олий ўқув юр்தларининг дарслар ўзбек тилида олиб бериладиган бўлимларида ўқув плани фанларидан бири сифатида ўқитиш таъминланади».

бу ёзувни ўрганишни истайдиганларга ҳар томонлама имконият яратилади».

Шу мақсадда илмий-педагогик кадрлар, дарслик, қўлланмалар тайёрланади. Бу ёзувда ёдгорлик, китоб ва журналлар нашр этилади ((16- модда). Ҳазрат Ғабек (араб) ёзувини ўрганиш 1993—1994 ўқув йилидан бошланади.

1929 йили араб алифбосидан воз кечиш, 1940 йили тили графикасига ўтиш одамларни саводсизгина қилиб қўймади, балки минг йиллардан бери тўпланган маданий-миллий меросдан ҳам маҳрум қилди. Тошкент Шарқшунослик, Қўлёзмалар илмий-тадқиқот институтларида, музейларда Россия ва бошқа мамлакатларда 100 минг жилдлик қимматбаҳо қўлёзмалар қалашиб қолди.

«Фан ва турмуш» журнали (1988 йил, 8- сон) «Коперникнинг ўзга аллома» мақоласини босиб, 1221 йилда умар Чағминий (Хоразмнинг Чағмин қишлоғидан) қонуншиқдан 300 йил олдин Ернинг қуёш атрофида айланиши, 4 фасл ҳақида жуда аниқ фикр билдирганини ёзади. Ҳақиқатан ҳам биринчи марта ернинг эллипсоид ҳаракатини ҳисоблаб чиққан олим Беруний эди. Берунийнинг минерологияга онд қўлёзма асариди Анреп тоғ тизмаларида олтин кони борлигини айтиб, унинг аниқ координаталарини ёзиб қолдиргани эди.

Ҳар бир қўлёзма бир хазина, уни ўрганиш ва халққа тарғиб қилиш керак. Бу эса араб алифбоси ва араб тилидан хабардор бўлишини талаб этади. Давлат тили қонуни бу масалани ҳам ҳал қилди, янги Шарқшунослик институти очилди, араб алифбоси мактаблардан қўйиб ўқитиладиган бўлди, алифбони ўрганиш тўғрисида қонунлар очилди.

Қонуннинг 16- моддаси эски (араб) алифбосини шактиб ва бутун ўқув юртларида ўрганилишини талаб қилади.

Б. Ўзбекистондан ташқарида 3 млн.дан ортиқ ўзбек йиғиномат қилади. Россияда—2 млн.га яқин, Тожикистонда—600 мингдан ортиқ, Саудия Арабистонида 1 млн. мингга яқин, Афғонистонда 1 млн. 200 мингдан ортиқ ва ҳ. к. Уларнинг давлат тилида гапириш ва ёзиш билан биринчи ҳам Республика ўз буйига олади. Бунинг учун бошқа Республика ва мамлакатлар билан шартномалар тузилади. Қонуннинг 17- моддаси шу мақсадни қўлайди: «Жумҳуриятдан ташқарида яшовчи ўз-

бекларни ўзбек тилидаги ўқув-методик, бадний ва илмий-техник адабиётлар билан таъминлайди».

6. Кейинги йилларда илмий-техника атамалари ҳасида катта ўзгаришлар бўлиб, кўплаб рус ва байналмилал атамалари ўзбек тилига кириб келди. Ҳозирги кунга келиб ўзбек тилида рус-байналмилалча илмий-сиёсий атамалар:

1924 й.—0,9 фоиз, 1927 й.—1,8 фоиз,
1930 й.—11,11 фоиз, 1937 й.—12,7 фоиз,
1940 й.—15 фоиз, 1959 й.—18 фоиз бўлган бўлса,
ҳозир — 20 фоизга бериб қолди.

Техника, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги соҳаларида 70—80 фоиз, кимёда —90—95 фоиз бўлиб қолди.

Бу ҳолат олий ўқув юртларининг миллий гуруҳларида дарсларни ўзбек тилида ўтилишини қийинлаштирди. Давлат тили ҳақидаги қонун эса ўзбек илмий-сиёсий атамаларни яратиш вазифасини қўяди: «Ўзбек тили илмий-сиёсий атамаларни яратиш ва ривожлантириш таъминланади» (19-модда). Бунинг учун Ўзбекистон Фанлар академияси раёсати қошида, Тилшунослик институти ҳузурида Атамашунослик маркази, йирик институтлар ва нашриётларда атамашунослик бўлинмалари ташкил этилади. Ўзбекистон собиқ Министрлар Советининг 1989 йил 26 декабрь 405-р қарори билан Министрлар Совети (Вазирлар Маҳкамаси) ҳузурида Давлат Атамашунослик Комитети таъсис этилди.

7. Ўзбекистон ҳудудида жуда кўп туман, шаҳар, қишлоқ, маҳалла, кўча ва идора ҳамда муассаса номлари рус ва бошқа тилларда бўлиб келган эди. (Қолонтай, Саперная, Кафанов, Обводная, Стрела, Лево-нецкий, Лубенцов, Шмид, Ростов, Волгоградский, Ивлеев, Гордеев кўчалари, Фрунзе, Куйбишев наби райони номлари в.б.).

Бунга чек қўйиш учун қонунда шундай талаб қўйилади: «Топонимик номлар ягона миллий шаклда берилади ва Республика давлат тилида ёзилади. СССРдаги ва хорижий мамлакатлардаги барча жугрофий номлар ўзбек тилида рақам этилади» (24-модда).

8. Маълумки, киши исмлари, ота исми ва фамилияларини ёзишда кўп бузилишларга йўл қўйиларди — Юлдашев, Адылов, Саляммов, Паттах, Аббас, Гафур Гулям каби.

Ота исми ва фамилияларни қўллашда ҳам русча қилиш асосга олинади: *Парман Гафарович Аббасов*

Давлат тили ҳақидаги қонунга фуқаролар ўз исми, ота исми ва хоҳласалар, фамилияларини ўзлари хоҳиш қилгандай ёздирадилар: *Фармон Ғаффор ўгли Каромат Мирзараҳмон қизи*. Фамилияларни ва исмларни шаклини ёздириш граждaнларнинг ўз ихтиёри билан. Фармонга кўра, *Ғаффор ўгли Сулаймоний* (ёки Сулаймон жойи бўйича *Фарғоний, Қўқондий* в.б.) бўлиши мумкин.

Қонунда шундай дейилган: «Граждaнлар ... ўз исми, ота исми ва фамилиясини, тарихий-миллий анъаналарга мувофиқ шаклда ёздириш ҳуқуқига эгадир. Ўзбекча исм, ота исми ва фамилиялар бошқа тилларга берилганда, дунёга машҳур кишиларнинг исми ва фамилияси ўзбек тилида берилганда, уларнинг асли ва хусусияти сақланиб қолади. Бунда исм, ота исми ва фамилиялар ўзбек тилининг талаффуз қонунига риоя қилинади» (25-модда). Масалан: немис, корейя — кореец, Гуржистон — Грузия.

II КПССнинг XVI съездида Сталин «башорат» қилгандай, миллатлар ва элатлар, уларнинг тиллари алоқасиз кетмади, аксинча миллат ва элатлар, уларнинг тиллари сақланиб қолди. Доимий ташвиқ ва тарғибот, дабдабали «Бутуниттифоқ» конференциялари-ю, шундан тортиб олий мактабгача рус тилини ўқитиш мақсади билан уларнинг икки баробар кўпайтирилишига қарамай, 1979 йили рўйхатга олганда рус тилида сўзлашувчиларнинг сони қўшиб ёзиш ҳам (рус тилини билувчи ўзбеклар 1970 йил аҳоли рўйхатида 14,5 фоиз, (1979 йилда эса 49,3 фоиз) фойда бермади. Ўзбекистон рус тилини билишда Иттифоқда 12-ўринни эгаллади. Социалистик тузум миллат ва элатларни сиёсий жиҳатдан бирлаштирди холос, тил ва миллат эса сақланиб қолди.

Рус тилини чала билишлик мактабдан бошланди, рус мактаб рус тили ўқитувчиларини тайёрлаш системасининг ўзида катта хато бор эди. Олий ўқув юртиларининг рус миллий гуруҳларига ўзбек мактабниги билан битирганларни олишар, ўқув режалари бўлса студентларга старли амалий машғулот бермас эди. Натижада рус тилини чала билиб, диплом олган рус тили ўқитувчиси ўзбек мактабларида рус тилини ўзбек тилида ўқитар эди.

1926 йили собиқ СССРда 194 та миллат ва этник гуруҳлар бўлса, 1979 йилга келиб уларнинг сони 101 гача тушиб қолди, ҳатто Чор Россияси даврида ҳам 146 миллат ва этник гуруҳлар қайд этилган эди. «До-

ҳий» нинг кўрсатмасидан «илҳомланган» файласуфлар тилшунослар миллий масала СССРда ҳал бўлди деган миллиятларни қўшиб юборишга киришдилар. «Миллий» халқ ва этник гуруҳларни умумий ҳисобдан чиқариб ташладилар. Агар собиқ СССРда биринчи беш йилда 90 тилда, 1972/73 ўқув йилида 52 тилда дарс олиб борилган бўлса, 1986/87 ўқув йилида эса 39 тилда дарс олиб борилди.

Ўзбекистонда 1938/39 ўқув йилида 27 тилда мактаблар бўлган бўлса 1986/87 ўқув йилида 7 тилдагина мактаблар бор эди. 15 дан ортиқ этник гуруҳларга бўлиниган Доғистонлилар авар тилида ўқитилди. Тожикистонда ягноб, шугнан — рушан, язгулем, помир тилларида гап-лашувчи аҳоли тожик ва рус мактабларида, лўли, Бухоро яҳудийлари, уйғурлар ўзбек ва рус мактабларида ўқитилди. Асосий мулоҳаза — бу тиллар ижтимоий муносабатда ҳам, олий мактабларда ҳам истиқболсиз деб тушунилди.

Молдавияда 1989/90 йилдангина олий ўқув юртига молдаван тили гуруҳларига талабалар олина бошланди. (Известия, 21.08.89).

Қозоқлар ўз жумҳуриятларида 29,6 фонзни, Олма-Отада 11 фонзни ташкил этди холос («Мулоқот», 5—91).

Миллий мактаблар кераксиз, истиқболсиз саналиб, рус тили мактабларига кўчирила бошлади, ота-оналар ҳам ўз фарзандларини рус мактабларига бера бошладилар.

1985 йилга келиб собиқ СССРда миллий тилларда чиқадиган китоблар 20 фоиз қисқарди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих илмий-тадқиқот институтининг 1988 йили chop этган илмий асарларининг ичида ўзбек тилида эълон қилинган маҳсулот 4 фонзни ташкил этади («Ўзб. ад. ва санъ.», 1989 й., 20 январь). Ижтимоий фанлардан нима ва қанча нашр қилишни ҳам Марказ белгилади. Марказ розилигисиз бирор нашриёт бирор ишни режалаштира олмади.

Бошқа соҳалар бўйича иш бундан яхши эмас эди. Қонуи бунга чек қўйди: Қонунда кўрсатилишинча, дарслик, қўлланма ва адабиётлар, радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар давлат тили, рус ва бошқа тилларда нашр этилади ва олиб борилади (17- ва 20-моддалар). Натижада нашриётларда ўзбек тилида чиқариладиган асарларнинг сони 70—80 фоизга бориб қолади.

Радио ва телекўрсатувлар ҳам ўз дастурларини ўз-

қилиб ўзбек, тожик, қозоқ, туркман тилларига кўпроқ
қўйиб бера бошладилар

Қонунда илмий ишларни ёзиш ва нашр этишда мил-
лий тилларга катта имтиёзлар берилди: Илмий ишни
ёзиш, димоя қилиш ва нашр этиш давлат тили ва
миллий тилларда бўлади (18-модда).

Ҳозирча биз рус-ўзбек икки тиллиги дедиг-у, асосий
қилинган рус тилини ўрганиш ва ташвиқ қилишга қа-
рабди. Кадрлар рус тилини яхши билишига ҳамда
қилишига бор-йўқлигига қараб амалга қўйилди. Мар-
казий шаҳарларда ўзбеклар (айниқса, ёшлар) ўз она
тилида гаплашишни ор деб билар, ҳатто ўзбекча
қилинганларида ҳам ўнга сўзларидан 5—6 таси рус-
ча сўзлар бўларди. Партия ва совет ходимлари, зиёли-
лар ўз фарзандларини рус мактабларига берар, олий
мактабларнинг миллий гуруҳларида ҳам дарслар рус
тилида бўлар эди. Бунинг сабаби ўзбек тилига ижти-
ҳоний талаб ва эҳтиёжнинг бўлмаслиги, рус мактабла-
рида ўқитиш сифатининг маълум даражада юқорилиги
бўлди. Ниҳоят, бу ноҳақликка чек қўйилди.

Қонунда ўзбек ва бошқа тилларнинг жамиятнинг
ҳар бир соҳасида фаол қўлланилиши талаб эти-
лади.

Қейинги 10—15 йил ичида олий мактабларда (асо-
сий, тиббий, техникавий, қишлоқ хўжалиги институтла-
ри каби) миллий гуруҳларда ҳам дарслар рус тилида
қилиб бориладиган бўлди. У вақтларда олий ўқув юрт-
ларига ҳукуматнинг махсус қарори билан 70—80 фо-
лига қадар талабалар вилоятлардан олинадди (бу би-
дирувчи талабаларни вилоятларга юборишни осонлаш-
тиради, албатта). Бутун фанлардан «4», «5» баҳо олган
Тошкент шаҳрида турувчилар институтга кира олмай,
вилоятдан келганлар «3» баҳо билан қабул қилинар-
ди. Агар бирор вилоятдан белгиланган ҳисобдаги та-
лаба қабул қилинмаса, ректор вазирлик ҳайъатида
(коллегиясида) жазоланар эди. Ана шундай йўл билан
институтга кириб олган узоқ вилоятдан келган талаба-
ларга фанлар русча ўқилгач, дарсни тушунмай, қишки
сессия давридаёқ «2» олиб институтдан ҳайдаларди. Та-
лабалик сафидан ҳайдалишнинг сабаби фаросатсизлик,
билимнинг пастлиги эмас, балки рус тилини билмас-
ликда эди.

Давлат тили ҳақидаги қонун бу ноҳақликка ҳам
чек қўйди. Миллий гуруҳларда дарслар миллий (она)
тилида, рус тилида ўқийдиган гуруҳларда дарслар рус

тилида олиб бориладиган бўлди. Ҳар бир граждаи у хоҳлаган тилида ўқиши учун эркинлик берилди (13 ва 14-моддалар).

Рус тилини тарғиб ва ташвиқ қилувчи, рус тилининг ўзбек тилига самарали таъсири тўғрисида қатор конференциялар, илмий сессиялар ўтказилди, қатор қатор илмий ишлар ва диссертациялар ёзилди. Рус тил дарсларининг кўпайтириш учун юқори синфлар (8, 9, 10-синфлар) дан ўзбек тили умуман олиб ташланди. Мактабни битирган ўқувчи институтга кирганда, қандай қилиб ишга ёзади-ю, қандай қилиб ўзбек тилида имтиҳон беришини ўйламади. «Биз ҳаммамиз — деган эди Н. С. Хрушчев,— рус тилида қанчалик яхшироқ гаплашсак, коммунизмни шунча тезроқ қурамыз».

Албатта, рус тили халқаро тил бўлиб қолади. Ўзбекистон аҳолисининг 72 фоизи ўзбек бўлиб, уларнинг 85 фоизи рус тилини билади. Рус тили — Бирлашган Миллатлар ташкилотининг расман тан олинган тилларидан бири ҳисобланади. Рус тилини билиш бошқа жумҳурияларнинг олий мактабларига кириб ўқишга, илм-фаннинг тараққиётида катта роль ўйнайди, бой рус адабиёти билан танишишга имконият туғдиради.

Биз бу тилни, чет тилларни ҳам мактабларда ўрганамиз. Давлат тили ҳақидаги қонун ҳам шунини талаб этади. Рус бўлмаган мактабларда, ўрта ва олий ўқув юртларида, «рус тилини ўқув планининг асосий фанларидан бири сифатида ўрганиш» таъминланади (15-модда).

Шу билан бирга, рус тили ўзбек тили билан барча республикамызда ҳам, унинг ташқарисида ҳам халқаро алоқа воситаси ва илм, маданиятни эгаллаш ҳамда ривожлантириш манбаи бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам қонуннинг деярли ҳамма моддаларида рус тилига катта эътибор берилади:

Ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатлари давлат тилида ва рус тилида олиб борилади (8-модда). Бу тадбир учун ҳам 8 йил муддат берилган.

Судлов ишлари давлат тилида ва таржима орқали бошқа тилларда ҳам олиб борилади. Давлат ҳакамлиги маҳкамаларида ҳам муомала давлат тили ёки рус тилида олиб борилади (10-модда).

Шунингдек «гражданлик ҳолатини қайд этувчи ҳужжатлар ҳамда турли шаҳодатномалар»... давлат тилида

қилинди, миллатлараро муомала тилига таржимаси тарқотланади» (12- модда).

Почта-телеграф хабарлари «давлат тилида ёки рус тилида расмийлаштирилади» (23- модда).

Съезд, пленум, курултой, сессия, конференция, мажлислар ва кенгашлар давлат тилида олиб борилса ҳам, унинг «айнан таржимаси таъминланади» (5- модда).

Сценарий, фильм ва бошқа асарлар давлат тилида ва рус тилида яратилади. Бошқа республика ва мамлакатдан келган кинофильмлар давлат тили ва рус тилига таржима қилинади (21- модда).

Қонунда ўзбек тилининггина эмас, рус ва бошқа тиллар (қорақалпоқ, тожик, қozoқ, қирғиз, туркман в.б.) ни яна ишлаш, ривожлантириш ва ижтимоий ҳаётда ўзлик амал қилинишини таъминлаш, бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш вазифаси қўйилади (1- модда).

«Ўзбекистон ССР ҳудудида яшовчи барча граждани, қайси тил уларнинг она тили эканлигидан қатъи назар, тенгдирлар», (Қонун, кириш қисми).

Бу жумҳуриятимиздан ташқарида яшайдиган миллатлар (60 млн., шулардан руслар 25 млн.) учун катта аҳамият бўлди.

Таклиф, ариза ва шикоятларни ўзбек тилида ҳам, бошқа тилда ҳам бериш мумкин (3- модда).

«Мажлис иштирокчилари истаган тилда сўзга чиқишлари мумкин» (5- модда).

«Қонун, қарор ва бошқа ҳужжатлар давлат тилида тийёрланади», аммо нашрларда бошқа тилларда уларнинг «таржимаси берилади» (6- модда).

«Меҳнат аҳлининг кўпчилиги ўзбек тилини билмайдиган... ташкилотларда... иш давлат тили билан бир қаторда рус ва бошқа тилларда ҳам олиб борилади» (7- модда).

Нотариал идораларда ҳужжатлар «давлат тилида юритилади» ва талабга кўра рус ва бошқа тилларга «таржима қилиб берилади» (11- модда).

«...Ўзбек халқининг тарихий-маданий ёдгорликлари ва нусхада нашр этилиши таъминланади, шунингдек, рус ва бошқа тилларга ҳам таржима қилинади» (19- модда).

Давлат тили ҳақидаги қонунда ҳам кўп тил биллиши катта аҳамият берилади:

«Ўзбекистон ... гражданиларнинг ... давлат тили,

СССР халқлари тилларини ҳамда чет тилларини ўрганишга бўлган интилишини ҳар томонлама қувватлади» (Қонун, кириш қисми).

Ўзбекистонда «яшовчи барча миллатлар миллий маданий жамиятлар ва марказлар тузиш ҳуқуқига эга дирлар» (26- модда).

Кейинги икки йил ичида тожик тилида 300 дан ортиқ, қozoқ тилида 600 га яқин, туркман тилида 60 дан ортиқ в.б. янги мактаб, синфлар, гуруҳлар ва факултетлар очилди.

Ўзбекистон ҳудудида ва жумҳуриятларда ҳам бундан қанча миллий марказлар ташкил бўлди.

Қонунда «...гражданиларга ўқишда тилни эркин танлаб олиш ҳуқуқи берилади» (13- модда) дейилади. Шунга асосан, кам сонли халқлар тилида мактаб ва синфлар очилди. Аммо жуда кам сонли миллат ва элатлар — лўлилар, араблар, юнонлар, яҳудийлар ва бошқалар тилида ҳам мактаб очиш истиқболсиз бўларди, чунки бу мактабларни битириб чиққанлар Ўзбекистон ҳудудида ўзбек, рус, қozoқ, татар, қирғиз каби тилларда бўлган олий ўқув юртига кириб ўқий олмайдилар. Бу тилларнинг ижтимоий вазифаси ҳам, кам сонли бўлганликлари учун, чегараланган.

III. Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга оширишда анча ишлар амалга оширилди:

Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларини тайёрлаш кенгайтирилди, янги мутахассисликлар очилди (рус мактаблари учун ўзбек тили, чет ва ўзбек тили в.б). ўқитувчиларнинг малакаси оширилди. Ўзбек тилида таржима қилиш воситалари кенгайтирилди ва таржимонлар сони кўпайтирилди. Ўрта мактабларнинг юқори синфларида ўзбек тили тикланди. Ҳукумат қoшида Атамашунослик комитети таъсис этилди. Ўзбек тили жамияти тузилди. Дарслик ва қўлланмалар қайта кўриб чиқилди. Услуб, ономастика ва топонимика устида мунтазам иш олиб борилди. Навонийни ўрганиш бўлими очилди ва тарихий-маданий ёдномалар кўплаб нашр этила бошлади. Бутун олий ўқув юртларида ўзбек тили ва адабиёти кафедралари очилди. Ўрта ва олий ўқув юртларида эски ўзбек (араб) ёзувини ўрганишга астойдил киришилди. «Ўзбек тилининг ўқитилиши» ўқув-методик журнали нашр этила бошлади. Кўплаб топонимик номлар ўзгарди. Радио ва телекўрсатув программалар қайта кўриб чиқилди. Кўплаб тожик, қozoқ ва бошқа тилларда янги мактаблар, фа-

мактаблар ва боғчалар очилди. Тошкент метросида рус тилининг Давлат тилида олиб боришга киришилди. Давлат тили икки тилли мактаблар очилди. Умуман, Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинган, республикада рус тили «лисоний» муҳити вужудга келди. Агар рус мактабларида баъзи фанларни (Ўзбек адабиёти тарихи, совет адабиёти, Ўзбекистон тарихи каби) ўзбек тилида, ўзбек мактабларида айрим фанларни (рус адабиёти, МДХ тарихи каби) рус тилида олиб борилса, пралаш тилли мактаблар кўпайиб очилса, байналмилал тарбия соҳасида катта иш қилинган бўларди.

1991 йил 25 октябрда Ўзбекистон Олий таълим вазирлигининг 192-рақамли буйруғи қабул қилиниб, унда ўзбек тили ва адабиёти бўйича бутун олий ўқув юртиларида 70 соатлик махсус курс ўқиш мўлжалланади. Бу махсус курсда ҳозирги замон миллий тил сийёсати, атамашунослик ва услуб муаммолари, ҳужжатшунослик масалаларини ёритиш ҳамда Алишер Навоий, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон каби қалам усталарининг ижоди ва ҳаёти фаолиятини ўрганиш мўлжалланади. Таржиманшуносликнинг ва таҳрир илмининг назарий ва амалий муаммолари каби муҳим масалалар алоҳида махсус курсларда ўқитилади.

IV. Албатта, ҳеч қандай қонун мукаммал бўлмайди. Ҳаёт тажрибалари асосида тўлдирилиб, тобора мукаммаллашади.

Шу билан бирга, қонунда бажарилмаган моддалар ҳам бор. Ҳозир Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг янги лойиҳаси тузилган. Бу лойиҳа муҳокамадан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан тасдиқланади.

IV БОБ

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ВА ШЕВАЛАР

1-§. УМУМий тушунча

Ўзбек адабий тили ўзбек халқининг маълум бир қонуи-қондалар асосида тузилган тилидир. Адабий тил расмий ҳужжатлар, ёзма адабий, илмий, ҳуқуқий адабиёт тили, радио, телекурсувлар, матбуот, маъруза, миктаб, ўрта ва олий ўқув юртиларида қабул қилинган тилдир. Бу тил Давлат тили мақомини (статусини) олган расмий тилдир. Адабий тил сўзлашув тилидан,

шевалардан, турли тонфа тилидан маълум норма (меъёр, қонуниятлар) асосида тузилгани билан фарқланиб туради. Шу билан бирга бу тил жопли сўзлашув нутқиға, шевалар ва турли тонфа тилларига асосланади, улардан озқаланади, тобора такомиллашади. Адабий тилининг шаклланиши, такомиллашишида анъананиң ёзма мумтоз (классик) адабий тил, бошқа тиллар (араб, форс, тожик, рус ва европа тиллари) катта таъсир кўрсатади.

Маълум қонун-қондалар орқали шаклланган адабий тил меъёрлари (мезонлари) ёзма адабий, илмий асарлар ва дарсликлар, радио, кино ва телекўрсатувлар, мактаб ва матбуот орқали тарғиб қилинади.

Адабий тил билан шева, сўзлашув нутқи ва турли тонфадаги тиллар ўртасида тафовут доим сақланади. Ҳатто оғзаки нутқнинг ўз фонетик, лексик, грамматик (мезонлари) белгиланади.

Адабий тил мезонлари ҳамма давр учун бир хил бўлмайди: ҳар даврнинг ўз адабий тил мезонлари бўлади. Масалан, қадимги туркий тил, эски туркий тил, эски ўзбек тили, янги ўзбек тили, ҳозирги замон ўзбек тилининг ўзига хос адабий тил мезонлари бор.

1. *Қадимги туркий адабий тили* VI—X асрлар мобайнида амалда бўлган тил бўлиб, бу тилда қадимги туркий ёзма ёдгорликлари яратилган.

2. *Эски туркий адабий тили* XI—XIII асрлар давомида яратилган «Қутадғу билиг», «Ҳибатул ҳақоийя», «Уғузнома», «Муҳаббатнома», «Қиссаи Рабғузӣ» каби буюк адабий асарлар тилидир.

3. *Эски ўзбек адабий тили* XIV—XVIII асрлар мобайнида шаклланиб, бойиб, такомиллашган адабий тилдир. Бу тилда Лутфий, Саккокий, Дурбек, Атоий, Навоний, Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Гулханий, Абулғози Баҳодирхон, Турди каби буюк шоир ва ёзувчилар қалам тебратди.

4. *Янги ўзбек адабий тили* XIX асрнинг иккинчи ярмида шаклланди. Бу тилда Амир Умархон, Нодира, Муқимий, Завқий каби шоирлар ижод қилди. Бу даврдан бошлаб матбуот тили келиб чиқди.

5. *Ҳозирги замон ўзбек адабий тили* Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Ойбек, А. Қодирий, А. Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Ҳ. Олимжон ва бошқа ёзувчи ҳамда шоирларнинг тилидир. Бу тил XX асрнинг 20-йилларидан шаклланди.

Адабий тилга фақат бадиний асарлар тилигина эмас, лаврининг илмий, расмий тили, матбуот тили ҳам боради. Адабий тилнинг ҳар соҳаси — товуш системаси, сўзи, сўз ва гап қурилиши, сўз қўллаш йўллари ўз қонун-қондаларига, мезонларига эга бўлади. Бу мезонлар, тилни амалда қўллаш тажрибасига асосланиб, тил ва ҳар томонлама муҳокама ва мунозарадан кейин, тилшунос олимлар томонидан, бошқа соҳа мутахассислари билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Шуни қайд этиш керакки, адабий тил ва сўзлашув нутқи ҳамда шевалар орасида тафовут ҳар вақтда сақланади. Матбуот, радио, телекўрсатув, ёзма адабиёт бу тафовутни йўқотишга қаратилган. Аммо сўзлашув нутқи ва шевадаги хусусиятлар асосан сақланади. Шу билан бирга бу хусусиятлар адабий тилни бойлигида манба бўлади.

Кўрсатиб ўтилган тил ҳодисалари бир-бири билан боғлиқ, бири кейингисига асосланади, ундан келиб чиқади. Даврлар мобайнида шу жараён туфайли адабий тил силлиқлаша ва мукаммаллаша боради.

Сўзлашув нутқи. Нутқ ёзма ва сўзлашув (оғзаки) шакллариغا эга бўлади. Сўзлашув нутқи адабий тил шеърларига (нормаларига) риоя қилинган адабий оғзаки нутқ бўлиши ёки маълум бир шева хусусиятларини сақлаган ва ёзма адабий тил талабларига риоя қилинмаган шаклда бўлиши мумкин.

Адабий сўзлашув нутқида ёзма адабий тил қонун-қондалари тулиқ сақланмаслиги ҳам мумкин. Сўзлашув нутқида товушлар, сўзлар ва гаплар ўз маъно нотикликларини сақлайди. Сўзловчи эшитувчига маълум ва номаълум бўлган ҳодисаларни маълум товуш, сўз ёки ибора орқали ифода қилади. У ёки бу ўринга мантикий ургу беради, сўзнинг ранг-баранг натижаларидан усталик билан фойдаланади. Афсуски, бу ҳолатни ёзма нутқида ифодаб бўлмайди — бунинг учун қўшимча сўз, ибора ва аффикслардан фойдаланади. Ҳар бир сўзловчининг ўз нутқ услуби бўлса ҳам, асосий мақсадни тушунтириш учун зарур сўз ва ибораларни, таъсирли оҳанг ва ургунини ўзи танлайди. Сўзлашув нутқи шароит, ижтимоий муҳит, сўзловчининг ва эшитувчининг ёши, жинси, мавқеи ва вақт билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам сўзлашув нутқи ёзма нутқдан фарқланувчи ўзига хос хусусиятларга эга бўлади: бу хусусиятлар айрим сўз ва ибо-

раларни қўллашда, оҳангда гап бўлаклариининг тартибиди ва бошқа ўринларда яққол кўрилади.

Шева нутқи. Сўзлашув нутқи муомала доирасининг кенглиги билан ҳам шева нутқидан фарқланади. **Шева** нутқи эса маълум уруғ ёки ҳудуд билангина боғланган сўзлашув нутқидир. Сўзлашув нутқи маълум даражада шева нутқини ҳам, ёзма нутқ хусусиятларини ҳам қисман ўз ичига олади.

Ҳозирги замон ўзбек тили турли шева ва лаҳжаларга эга. «...туркий тилларнинг бирортаси ҳам ўзбек тилидаги каби турли-туман диалектал фарққа эришмас...»,— деган эди машҳур туркийшунос олим Е. Д. Поливанов. Бунинг асосий сабаби ўзбек халқи этник таркибининг мураккаблигидадир. Ўзбек халқининг шаклланишида ўгуз, қарлук, қипчоқ каби уруғ тўдалари иштирок этиб, умумўзбек адабий тилининг шаклланишида ўз ҳиссаларини қўшганлар. Ўзбек шева ва лаҳжаларини ўрганишда Е. Д. Поливанов, Қ. Қ. Юдахин, В. В. Решетов, Ғозин Олим Юнусов, Ш. Ш. Шоабдурахмонов, А. К. Боровков каби олимлар катта хизмат қилганлар.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тили асосига марказий шаҳар шевалари, асосан, Тошкент — Фарғона гуруҳ шевалари олинди. Шу билан бирга бошқа шеваларни хос айрим фонетик ва грамматик хусусиятлар ҳам адабий тилдан ўз ўрнини олган.

Адабий тилда унлилар системасида Тошкент гуруҳи шеваларига хос 6 унли ҳарф қабул қилинади: и, э, (е), а, о, у, ў. Аммо Фарғона гуруҳи шеваларига хос бўлган тор, олдинги қатор *у* ва ўртатор, олдинги қатор *е* унлилари Тошкент гуруҳ шеваларида йўқ, бу унлилар адабий тил фонетик системасига кирмади.

Адабий тил морфологик системасида Фарғона гуруҳи шеваларига хос бўлган ҳозирги замон феълининг — *ял* шакли (Тошк.— *вот*, Сам — *оп*, Нам — *ут*), ҳозиргикеласи замон кўллигининг биринчи шахси — *миз* (Тош.— *вуз/вуза*) шаклида қўлланади.

Адабий тилда бўйруқ феълининг II шахси *боринглар, келинлар* шаклида ишлатилади. (Тош. *борларинг, келларинг*).

Лексика соҳасида шевалар айрим ўзига хос сўзлар билан характерланади. Масалан, Хоразм шевасида балиқ 17 хил ном билан, Қашқадарё ва Сурхондарёда қуй ва эчки 19 хил ном билан ифодаланади.

Ҳар сўз ки кўнгилдан ўлди мавжуд,
Хат бўлмаса, бўлгай эрди нобуд.

(Мунис)

Ёзув фикрнинг ташқи ифодасидир. Ёзув орқали кишилар ўз фикрларини бир-бирларига билдирадилар. аввалларга қолдирадилар. Ёзув орқали биз минглаб йиллар олдин ўтган воқеалар, шахслар, илм ва одатлар туғрилида маълумотга эга бўламиз, тил, маданият, фан, ижтимоий ҳаётда бўлган воқеалардан хабардор бўламиз. Ана шундай қимматга эга бўлган ёзув бирдан пайдо бўлмади, ҳатто ҳозиргача ўз ёзувига эга бўлмаган халқлар бор. Масалан, Америкадаги баъзи маҳаллий қабилла ва уруғлар ҳозиргача ўз ёзувига эга эмас.

Собиқ СССР таркибидаги 50 га яқин халқ ва этник гуруҳлар ҳам XX асрнинг 20-йилларида ўз ёзувларига эга бўлдилар.

Дастлабки ёзув расмлар орқали (бу хил ёзув «пиктографик»: pictus — «чизилган», graphic — «ёзаман» дейилади) бўлган. Бунда ҳар бир расм (ёки нарс) бирор маъно ифодалаган (қуёш — кундузни, ой — тунни, тош — бахтни каби).

Ёзувнинг кейинги даври — «идеографик» ёзувдир (грекча idea — «тушунча», graphic — «ёзаман»). Бу хил ёзувда ҳар бир ёки бир гуруҳ тушунча учун бир хил символлик (рамзий) шакл олинади. Масалан, кўз — , асир — , дарахт — , ой — , тоғ —  каби.

Пиктографик ва идеографик (унинг биринчи босқичлари — логографик («сўз ёзаман») ёзув анча мураккаб бўлиб, минглаб шакллارни чизиш, уларнинг мазмунини билишни талаб этган. Шунинг учун кишилар ёзувнинг янги босқичи — фонографик ёзувга — аввало айрим бўғинларни, кейинроқ айрим товушларни бирор белги билан ифодалаш усулига ўтадилар. Фонетик ёзувнинг келиб чиқиши қадимги Финикия давлати билан боғланади.

Халқлар фонетик ёзувнинг турли шаклларини танлаб олганлар: грек, лотин, арман, грузин, славян, араб ёзувлари ва уларнинг айрим ўзгарган турлари каби.

Қадимги ёзувлар тош, суяк, ёғоч, қамш каби қаттиқ жисмларга, сўнгра пергамент ва қоғозга ёзилган. Ёзув ўнгдан чапга, чапдан ўнгга ёки юқоридан пастга қараб ўқилади.

Собиқ СССР таркибидаги туркий ва бошқа халқлар (арман, грузин, Болтиқ бўйи халқларидан ташқари) ҳозирги кунда рус (кириллица) алифбоси асосида тузилган алифбодан фойдаланадилар. Бу алифбога Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1940 йил 8 май кун қбул қилган фармонида кўра ўтди. Унга кўра Ўзбекистон ва бошқа республика ва ўлкаларда лотин, ундан ҳам олдин араб алифбоси жорий эди.

Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитетининг 1928 йил март ойидаги III сессияси лотин алифбосини жорий қилишни кўриб чиқиб, бу алифбони давлат алифбоси деб қарор қабул қилди. Собиқ СССР таркибидаги кўпчилик халқларининг лотин алифбосига ўтишини СССР Марказий Ижроия Комитети Президиуми ва СССР Халқ Комиссарлари Совети 1929 йил 7 август махсус қарори билан маъқуллади.

Ўзбекистонда лотин алифбосига ўтиш осонликча бўлмади. «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1933 йил 24 март сониди «Эски араб алифбосининг объектив суянчиқлари» сарлавҳаси остида икки расм берилиб, биринчиси «Соғлиқни сақлаш Комиссари ўртоқ Хол Тошмуҳаммедов янги алифбеда бутунлай саводсиз» деб, иккинчиси: «Тошкент шаҳар шўросининг раиси ўртоқ Иброҳимов «Қандай танқид қилсангиз, шундай қилингиз, лотинча саводим йўқ» деган баёнотни қилган киши» ёзиб қўйилган. Шу газетанинг 1933 йил 26 март сониди И. Охунбобоев Шаҳрисабз, Бешкент, Жалолқудуқ, Бешариқ каби районларда ҳамон араб ёзувида иш юритилаётганини танқид қилади.

Лотин алифбосига ўтишдан аввал бутун мусулмон халқлари ва элатлари араб ёзувини қўллар эдилар. Октябрь тўнтаришидан сўнг араб алифбоси маълум даражада ислоҳ қилинди. Чунки араб алифбосида унли товушларни кўрсатадиган алоҳида белгилар йўқ эди. Зеру, забар (ҳарфнинг ости ва устида қўлланидиган белгилар) фақат «Қуръон» ва шунга ўхшаш араб тилида ёзилган диний асарлардагина қўлланилар эди. 1921 йил 1—5 январда Тошкентда чақирилган тил-имло қурултойи, бошқа масалалар билан бирга, араб ҳарфларининг сўз боши, ўртаси ва охирида қўлланиш шакллари соддалаштирди, ўзбек тилига хос бўлмаган сол, зод, итқи, изғи ҳарфларини алифбодан чиқарди, *у, ў, и, а* товушлари учун алоҳида ҳарфлар белгиланди.

1922 йил апрель ойида бўлган маориф ва маданият ҳодимларининг иккинчи қурултойи ҳам биринчи қурултой қарорларини маъқуллади.

Араб алифбоси арабларнинг Мовароуннаҳрни истило қилган давридан бошлаб қўлланила бошланган. Бу борада минглаб илмий, бадий, диний асарлар яратилди, расмий ҳужжатлар тузилди. Биргина Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида 46 минг жилд араб алифбосида ёзилган асарлар сақланади. Араб алифбоси ва бу алифбода ёзилган асарлар Октябрь тўнғаришидан кейин, айниқса, 30-йиллари қаттиқ таъкиб остига олинди. Натижада кўп қимматбаҳо қўлёзмалар гўрга кўмилди, сувга оқизилди ёки маъмурий идоралар томонидан мусодара қилиниб, эгалари қаттиқ жазоларга маҳкум этилди.

Эски Туркистон халқлари, жумладан ўзбек халқи ҳам, қадимдан юксак маданиятли халқ сифатида дунёга танилган. Араб истилосига қадар, Мовароуннаҳрда руи, уйғур, суғд, моний ва брахма (брахмон) ёзувлари қўлланилган. Диний мазмундаги асарлар брахма ёки моний ёзувида, расмий ҳужжатлар уйғур ёки суғд ёзувида, илмий, адабий, тарихий асарлар руи, уйғур, суғд ёзувида ёзилган. Шу билан бирга бу ёзувларнинг қўлланилиши маълум ҳудуд, давр ва халқ билан ҳам боғлиқ бўлган эди.

Қайд этилган ёзувларда битилган кўп ёзма ёдгорликлар ҳозиргача сақланиб келади. Руний ёзувида — Ҳрхун — Энасой тош битиглари, унинг ўрнига келган уйғур ёзувида (уни Маҳмуд Кошғорий «туркча ёзув» деб номлайди) — қадимги туркий ёдномалар (VIII—X аср) — «Олтин ёруғ», «Майтри симит», будда ва христиан динига оид ёдномалар, юридик ҳужжатлар, суғд ёзувида — хитой деворининг ғарб тарафидан топилган ҳужжатлар (1906 йили инглиз олими Арнольд Стейн томонидан топилди). Моний ёзувида — «Хуастуанифт» ёдгорлиги ёзилган. Уйғур ёзуви, араб ёзуви билан баробар, XV асргача қўлланилди. «Қутадғу билиг»нинг Вени (Ҳирот) нусхаси (XI аср), «Ҳибатул ҳақойиқ» (XII аср)нинг А нусхаси, «Ўғузнама»нинг қадимий нусхаси (XIII аср охири), Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» (1353 йил) асарининг қадимги нусхаси, «Латофатнома», «Даҳнома», «Маҳзанул асрор» (XIV—XV асрлар) каби асарларнинг айрим нусхаси ёки парчалари уйғур ёзувида битилган. Уйғур ёзуви суғд ёзуви асосида келиб чиққан, араб ва руний ёзувларидан фарқли ўлароқ, ун-

ли товушлар айрим ҳарфлар билан кўрсатилган. Руний ёзуви ҳам қадимги суғд ёзуви асосида келиб чиққан деган назария ҳозир асосий ўринни эгаллайди.

У БОБ

АЛИФБО, ИМЛО ВА ТАЛАФФУЗ

Нутқимиз икки шаклда бўлади: оғзаки ва ёзма. Оғзаки нутқ ўзаро муомала тилидир. У ўзаро суҳбатларда, маърузаларда, радио ҳамда телефонда, уй-онла баҳсларида ундан фойдаланилади.

Ҳар икки нутқ шакли олдига бир хил талаблар қўйилади: фикрнинг аниқ ва тушунарли бўлиши, жумла-нинг тўғри, раво ҳамда таъсирли қурилиши ҳар қандай нутқнинг бош фазилатидир.

Лекин ёзма ва оғзаки нутқ айрим ҳолатлари билан бир-биридан фарқ қилади. Айтилган сўз — отилган ўқ саналади; уни тузатиб бўлмайди. Уйнаб ўтирсанг ҳам, ўйлаб сўзла, дейди халқимиз. Шунинг учун сўзлаш олди-дан чуқур ўйлаб, сўз ва гапни пишириб олиш лозим. Оғзаки нутқ товушлар орқали амалга оширилади, шунинг учун товушнинг тўғри айтиш ҳам, уни эшитиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Оғзаки нутқда оҳанг муҳим мезондир.

Ёзма нутқ, маълум бир тартиб-қоидалар асосида ёзилади. Бу қоидалар умум томондан қабул қилиниб, ҳукуматнинг махсус фармони билан тасдиқланади.

Қабул қилинган алифбо ҳеч вақт мукаммал бўлавермайди. Биринчи марта 1928 йили қабул қилинган лотин алифбоси 1934 йили яна қайта кўриб чиқилди (аввал 9 унли ишоралар тасдиқланган бўлса, уларнинг сонини 6 тага туширилди). 1940 йили қабул қилинган рус алифбосига асосланган ўзбек алифбоси 1956 йили қайта кўриб чиқилди ва муҳим ўзгаришлар киритилди. Алифбога киритилган ҳар бир ўзгариш Ўзбекистон Олий Кенгаши қарори билан тасдиқланади. Маълумки, ёзма нутқ ҳарфлар билан шаклланади. Ҳарфлар тизими — алифбо дейилади.

Агар кириллицага асосланган рус ёзуви минг йиллар даврида икки марта ўзгарган бўлса (Петр I замонида ва 1918 йили) ўзбек ёзуви бир неча марта тубдан ўзгартирилди. Араблар истилосидан сўнг (VIII аср бошлари) қадимги туркий ёзувлар — рун, уйғур, брахма, суғд, монғий ёзувларининг араб ёзуви сиқиб чиқарди ва арабча ёзув жорий бўлди. Аммо уйғур ёзувининг қўллаш

XV асрларгача давом этди. Араб ёзувига 1921 йили маълум ислоҳ киритилди. Шунга қарамай, 1929 йили араб ёзуvidан воз кечилиб, латин алифбоси қабул қилинди. 1940 йилда эса бу алифбодан ҳам юз ўгириб, рус алифбоси (кириллица) га асосланган алифбога ўтинди. Бу алифбо бир неча марта ислоҳ қилинишига қарамай (1956 йилги ислоҳ в.б.), ўзбек тилининг хусусиятига кўп жиҳатдан мос келмас эди (ўзига хос товушлар учун махсус белгиларнинг бўлмаслиги, ортиқча ҳарф ва ишораларнинг қўлланиши в.б.), Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бошқа туркий халқлар билан, Г'арбий Европа фани билан алоқани мустаҳкамлаш учун латин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосига кўчилди. Муҳокамалардан сўнг Ўзбекистон Олий Кенгаши 1993 йил 2 сентябрда бу алифбони қабул қилиш тўғрисидаги қонунни тасдиқлади ва бу тўғрида Республика Президентининг фармони эълон қилинди. Янги алифбо 2000 йилгача жорий қилиниши керак. Шу давр ичида албатта, бу алифбо мукаммалаша боради, зарур ўзгаришлар киритилади.

1-§ ЎЗБЕК ИМЛО ҚОНУНИЯТЛАРИ

1. Фонетик ёзув. Тилда сўзлар ва қўшимчалар маълум бир қоидалар асосида ёзилади. Улардан бири фонетик ёзув бўлиб, баъзи сўз ва қўшимчаларни эшитганимиз бўйича ёзамиз. Масалан, жўналиш келишиги — *га* қўшимчаси билан ёзилади; *ўтга, ишга* ва бошқалар. Лекин — *к* товуши билан тугаган сўзларга — *ка*: — *қ* билан тугаган сўзларга — *қа* шаклида қўшилади ва ёзилади: *қўкка, теракка, булоққа*. Шунингдек, *г* товуши билан тугаган сўзларда ҳам — *қа* шакли ёзилади: *боғ — га — боққа, тоққа, ёғ (мой) — (ёққа пийёз ташланг)* ва б. Лекин *педагогга, Лифаргга, митингга* каби рус сўзлари — *га* билан ёзилади.

2. *Оғиз, кўнгил, бурун, ўғил, сингил* каби сўзларга *оғалик* қўшимчалари қўшилганда, негиздаги бир (*-и*) ё (*-у*) товуши тушади ва шундай ёзилади: *ўғлим, синглим, кўнглим, оғзида боли борми, бурни, улғай (улуғ), сарғай (сарик)*.

3. *Еш, от, сон, онг* каби сўзларга *-а ёки -ла* қўшимчалари қўшилганда, *о* товуши *а* товушига айланади ва шундай ёзилади: *англа, ата, яша, сана*.

4. *Икки, етти* сонларига — *ов* қўшимчаси қўшилганда, сўз охиридаги — *и* тушади ва шундай ёзилади: *икков, еттов*.

5. -а ёки -я билан тугаган сўзларга -в ёки -қ қўшимчалари (от ясайдиған) қўшилса, ўзакдаги — а товуши -о товушига айланади ва шундай ёзилади: *сура-қ-сўроқ, бўя-қ-бўёқ, сайла-в-сайлов, танлов, сани-қ-саноқ*.

6. Феъл нисбатлари ясовчи қўшимчалари қандай эшитилса, шундай ёзилади: *кулдир, ўтказ, кўргаз, тут-қаз, эшиттир, олдир* каби.

«Исмлар, ота исми ва фамилияларни ёзишда ўзбек тилининг ифода ва талаффуз қонуниятларига риоя қилинади» (Давлат тили ҳақида қонун, 25-модда).

2. Морфологик ёзув. Морфологик ёзув қондаси бир хилликни ва умумийликни таъминлайди. Масалан, феълнинг замон ва шахс қўшимчаси — *ди* қандай айтилиши ва эшитилишидан қатъи назар, доимо — *ди* ёзилади: кетти (айтилиши) — *кетди* (ёзилиши), ўқитти (эшитилиши) — *ўқибди* (ёзилиши), айттипти-айтибди каби.

-дан, -да қўшимчалари айнан талаффуз қилишдан (далада, элдан) ташиқари — *тан, -та* тарзида ҳам айтилади, лекин ҳамиша — *дан, -да* ёзилади: *ишта, мактап-тан, оттан* (айтилиши) — *отдан* (ёзилиши), *баландда, Тошкентда ишда, мактабда*, (ёзилиши) в. б.

Жўналиш келишиги (-га) негизда -к, -қ, -г, -ғ товушлари бўлган сўзларда фонетик ёзув қондаси асовида ёзилади (*булоққа*). Қолган ўрниларда бир хилда (-га) ёзилади: *бошига, ишига, мактабга, Самарқандга, ўтга, отга* ва б.

— *истон* (от ясовчи), *-инчи* (тартиб сони ясовчи), *-иб* (равишдош), феъл нисбатлари ясовчи қўшимчалар (*-иш, -ил, -имсиради*) негизда — *у* бўлган феълларга қўшилганда *-у* (-ю) товушларига мойил айтилади: *кулуб, туғулди, учунчи*. Лекин ҳар вақт аслича (*-иб, -ил, -инчи*) ёзилади: *кулиб, туғилди, учинчи, уришди* (хафа қилади), *гулистон* ва б. Лекин *уруш* (от), *ювунди* (от), сўзлари *-у* билан ёзилади. Шунингдек, бир ўзак тарзида ўқиладиган *куюнди, тушунмоқ, қутулмоқ, қуюлди* (яхши бўлди) феълларининг ҳар икки бўғинида *-у* (-ю) ёзилади.

Қўшма ва жуфт сўзлар, *кўм-кўк, қип-қизил* каби сифатлар, ҳар вақт каби равишлар ҳам морфологик ёзув қондаси бўйича ажратиб ёзилади.

3. Шаклий-анъанавий ёзув. Одатда, ўзбекча сўзларнинг ҳаммасида сўз бошида икки ундош ёнма-ён келмайди — улар орасида жуда қисқа бўлса ҳам — *и*

биллади: бир, сир, қизил, билан, қиз, чироқ ва б. Аммо лавно, бригадир, драма, штаб, клуб, кросс, спирт, фикр, шир. Самарқанд каби кўплаб сўзларнинг бошида ва охирида икки ундош ёнма-ён туради ва шундай ёзилади. Бундай ёзувни график ёзув деймиз.

Ўзбекча исмлар, ота исми ва фамилиялар бошқа тилларда берилганда, айни чоғда, дунёга машҳур кишиларнинг ота исми ва фамилияси ўзбек тилида берилганда, уларнинг асл ёзилиш хусусияти сақланиб қолади. (Давлат тили ҳақида қонун, 25-модда.)

2-§ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ ТАЛАФФУЗ МЕЪЁРЛАРИ

Ўзбек тилшунослигининг амалий бўлимларидан бири — орфоэпия бўлиб, тўғри сўзлаш (орфо — тўғри, эпос — сўзлаш) қоидалари ҳақида баҳс юритади. Тўғри сўзлаш, асосан, шахснинг маданий етуклигини белгилаб туради. Радио — эфирдан тарқалган гаплар ичида баъзан шундайларини эшитамиз: *сроги тугаб қолди. Енги режа чизмаси битгунча вақит йтади.* Бу гап қурилиш муҳандисининг нутқидан олинган. Бир жумлада учта орфоэпик хато «ўтиб» кетди: *сроги, енги (янги дейиш керак): вақт сўзида эса нутқ соҳиби урғуни (ва) тўғри қўймай, сўнгги товуш (-и) га бир оз зарб берди, натижада ортиқча — жуда қисқа — бир и айтилгандай бўлди, бу ҳол ёзувга ҳам таъсир этди: ўқувчи вақит деб талаффуз қилди ва шундай ёзди.* Демак, талаффуз меъёрлари дейилганда, маълум бир қонун-қоидаларга амал қилиб сўзлаш ва ёзиш тушунилди.

1. *Ақл, қисм, исм, фикр, вақт, илм, аҳл, узр, халқ, нақл, нақд, насл, ҳукм* каби арабча сўзларнинг барчасида урғу биринчи унли устига тушади. Бунда орфографик хатонинг олди ҳам олинади.

2. *Муҳим, мудир, муқим, муҳит, мумкин, мунис* каби арабча сўзларнинг иккинчи бўғини урғу олади ҳамда жуда аниқ талаффуз этилади. Шунинг учун ёзувда *и* товуши сақланади.

3. *Баҳор, жамол, наҳор, савоб, савол, аввал, шамол, қарор* каби сўзларнинг биринчи бўғинидаги *-а* товуши *о* товушига яқин талаффуз қилинади.

4. *Обр (ъ)з, тракт(ъ)р, директ(ъ)р* каби сўзларнинг урғусиз бўғинидаги кейинги унли товуш деярли талаффуз қилинмайди. Лекин ёзувда *а* ва *о* (ҳарфлари: *образ, трактор, директор* ва б.) каби ёзилади.

5. *Дацент, идеалогия, изатоп* каби кўплаб рус-бай-

налмилал сўзларнинг урғусиз бўғинидаги -о товуши а тарзида талаффуз қилинади, ёзувда эса доцент, идеология, изотоп шаклида ёзилади.

6. Агар сўзнинг биринчи бўғинидаги унли урғу олса, аниқ талаффуз қилинади: поезд, полк, тонна, повесть ва б.

7. Урғу маъно айниришда хизмат қилади: боғлар — боғлар, сўрма — сурма, қишлоқча — қишлоқча, атлас — атлас, механик — механик, физик — физик, этик — этик, олма — олма каби сўзлар маъноси фақат урғу ёрдамида ажратилади: таъриф — тариф, қўлдор — қулдор.

8. Ўзбек тилида урғу олмайдиган қўшимчалар ҳам бор: ишчи — (иш-чи?), болада (бола да), қўлла (қўл-ла).

9. Урғу кўпинча сўзнинг охири томон кўчади: иш — ишла — ишладик. Шу билан бирга, айрим ҳолларда сўз бошидаги унли товуш ҳам урғу олади: машқ, биниқ, завқми, завқ-да.

Ўзбек адабий тили ўзбек халқининг миллий давлат тилидир. Унинг луғат хазинасида бой шева сўзлари ва қўшни тиллардан ўтган сўзлар ҳам кўп. Рус тилидан (ё чет тиллардан) (директ(ь)р, кондукт(ь)р) каби сўзлар кира бошлаб, худди шундай талаффуз (урғусиз о нинг кучсизланиши) меъёрга айланди. Айрим сўзларни эса ўз тилимиз ўлчовига солиб ҳам олдик: карават, черков, чор (ҳукумати), патнис ва б.

Араб ва форс-тожик тилларидан ўтган муаллим, мударрис, музаффар каби сўзлар туфайли ўзбек тили такрор ундошлар талаффузини ўз нормасига айлантирди. Мутолаа, матбаа каби сўзлар орқали унлиларни чўзиб айтиш мезонини ҳам эгалладик.

Ўзбек тили фонетикаси ҳамда морфологияси, товушларнинг ўзаро таъсири ва грамматик қўшимчаларни сўз ўзакларига ё негизларига тиркашда юз берадиган кўпгина тил ҳодисалари туфайли янгидан-янгифода нормалари шаклланди: товушларнинг тушиши (менинг, сенинг...), ортиши (икки, оппоқ, иссиқ, қаттиқ, аччиқ), товушларнинг сингиши (эшикка, боққа) каби ҳодисалар талаффуз жиҳатидан қоидалаштирилди.

Китоб нашри, газетачилик, мактаб ва олий ўқув юртидаги таълим жараёни; радио ва телеэшиттиришлар, ижтимоий ҳаёт ҳодисалари тилимизнинг ифода мезонларини силлиқлаштирди, такомиллаштирди, тарғиб қилди. Тарихимизнинг муайян даврида қуйидагича талаффуз ҳам бўлган:

Бир бола кўрдимки, атаси ҳар вақт китоб ўқиғанда, ушуга ойнак тутар экан.

— Эй атожон, манга ҳам бир кўзойнак олиб беринг, китоб ўқийман,— деди бола.

— Ҳўп, яхши айтасиз, ўғлум. Ман сизга болаларнинг кўзойнақларини обераман,— деб алифбо олиб берубдур. Маълум бўлурким, болаларнинг кўзойнақлари алифбо бўлур, яъни катта китобларни анинг воситаси бирла кўруб билурлар. Ақлли ато нима қилди?

Талаффуз меъёрлари қатъийлашган бўлса ҳам айрим ҳолларда нутқий хатолар ҳам учраб туради. Баъзилар нутқиди *залал, зарул, коллдор, дастахон, дувол, гуннай, уч матта, ҳечтима, таллаш, билла, тўтта, томми, голли, майрам* каби ифодалар учрайди.

Ўзбекларнинг анча қисми ўз шеvasида гапиради: *ишти, нонди, дўвлат, Шўкат, боравуза, алма, келсамиз, олмаши, келутти, шалининг пали* кабилар шеваларга хосдир.

Яна бир хил орфоэпик хатолар қўшни тиллардан кирган сўзларни, баъзан ўзимиздаги айрим сўзларни тушунмай ифода этишдан ҳосил бўлади: қариб (*қарийб*), парасан (*процент*), центр (*центнер*) ва б.

Талаффуз меъёрига оид қуйидаги қоидаларни ҳам биллиб олиш даркор:

1. *а* унлиси *ҳарф, луғат, муваффақият, май, машина* каби сўзларда лабланган *о* товушига мойил айтилади, лекин ҳар вақт *а* билан ёзилади.

2. *аъло, раъно* (Раъно), *таълим, таъриф, таъна* каби сўзларда *а* товуши бир оз чўзиқ талаффуз қилинади.

3. *э* унлиси *эълон, эътироф, эътиқод, эътироз, эътибор* каби сўзларда бир оз чўзиқ айтилади.

4. *й* унлиси *мўъжиза, мўътабар, мўътадил* каби сўзларда бир оз чўзиқ талаффуз қилинади.

5. *е* товуши *келаверинг, бораверинг, айтаверамиз* каби қўшма феълларда талаффуз этилмай ёзилиши мумкин: *ёзаверамиз*.

6. *б, в, г, д, з* товушлари ургусиз бўғинларда, сўз охирида, жарангсиз ундошлар ёнида жарангсизлашади ва шундай талаффуз қилинади: *кетти, китоп, завог, хурсан, иснот, балант* ва б. Лекин ёзувда қоидага амал қилинади: *завод, иснод, Хурсанд, баланд, китоб, кетти*.

7. Бир сўзига — *та* қўшимчаси қўшилганда *р* тову-

шин т га айланади ва шундай ўқилади ҳамда ёзилади битта.

8. *ф* товуши кўп ҳолларда *п* тарзида айтилади, лекин уни аниқ талаффуз этиш ва ёзиш талаб қилинади: *пабрика* эмас, *фабрика*, *пакт* эмас, *факт*, *шапқат* эмас, *шафқат*. Бу ўринда ҳар икки товушнинг маъно айиришдаги ўзига хос хусусиятини ҳам назарда тутиш лозим: *соф* — *сон*, *тиф* — *тип*, *пакт* — *факт* ва б.

9. *-боз*, *-бон* ясовчилари *-воз*, *-вон* талаффуз қилинса ҳам, *боз*, *бон* ёзилади: *дорбоз*, *аризабоз*, *шиқибоз*, *боғбон*, *дарбозабон* каби. Аммо *-бачча* қўшимчаси талаффузга кўра-вачча ёзилади; *амакивачча*, *муллавачча*, каби.

10. *-ми*, *-оқ*, *-гина*, *-кина*, *-қина* олдинги сўзга қўшиб ёзилади: *келдимми*, *кўрибоқ*, *сенгина* каби. Аммо *-чи*, *-да*, *-а*, *-я*, *-ю*, *-ку*, *-э* юкламалари олдинги сўздан дефис билан ажратиб ёзилади: *сиз-чи?* *келди-да*, *сиз-а?* *борди-ю*, *айтдим-ку*, *бор-э* каби.

11. Бош қисми такрорланган сифатлар дефис (чиқиқча) билан ёзилади: *кўл-кўл*, *сап-сарик*, *яп-япалоқ*. Аммо *оппоқ*, *жимжит*, сўзлари қўшиб ёзилади.

12. *х* ва *ҳ* товушлари иккита мустақил фонемадир: уларни жуда аниқ талаффуз қилишни ўрганиш лозим. Бунда луғатларга қараи, томоқ ва бўғизни машқ қилдириб туриш лозим. Муҳими ҳар икки товуш маъно айиради: *хуш* — *ҳуш*, *хил* — *ҳил*, *хол* — *ҳол*, *хийла* — *ҳийла*, *шоҳ* — *шоҳ*, *хам* — *ҳам*, *ухламоқ* — *ухламоқ* ва б.

нг бирикмаси ўз вазифасида (*донга*, *нонга*, *тунги*) келиб, икки товушни ифодалаш, *тонг*, *онг*, *тилнинг* каби сўзларда эса саёз тил орқа товушини билдириши мумкин (бир товуш).

13. Барча юкламалар урғусиз бўлади: *сизми*, *сиз-чи*, *мени-я*, *сиз-а*, *сиз-да*. Ўхшаш формалар (омофемалар) урғу билан айтилиб, иккинчи (урғусиз) формадан ажратилади: *ишда* (*иш-да*).

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Фанлар Академияси Тилшунослик институтининг ташаббуси билан ўзбек тили имлоси ва алифбосини такомиллаштириш юзасидан катта иш олиб бориляпти. Имлонинг янги қоидалари ва алифбо бўйича лойиҳалар муҳокама учун матбуотда эълон қилинди.

VI БОБ

ТИНИШ БЕЛГИЛАРИНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

1. Нуқта

Нуқта қўйидаги ўринларда қўлланилади:

1. Тинч оҳанг билан айтилган дарак, буйруқ ва ундон гапларининг охирида: Ойдин кеча. Бўтабой ака Бақируллоқдан чиқиб Қўшчинорга юқоридан — катта Ақудин кетди. Ҳаво соф ва салқин. (А.Қ.) Валижондан сўном. (Ш.Р.)

Баъзан лекин, бироқ, чунки, шунинг учун, гўё боғловчиларидан олдин ҳам нуқта қўйилади. Бунда кўрсатиб ўтилган боғловчилар билан боғланувчи гаплар мавмунан мустақил бўлади ва тугалланган оҳанг билан айтилади. Қўлини тигига узатди. Лекин чол бу қимматли буюмни қўлдан чиқаришни истамасди. (О.)

2. Биринчи қисмда нуқта, кўп нуқта, ундов ёки сўроқ белгиси бўлган кўчирма гап ўртасида келган муаллиф гапидан сўнг:

а) «Йўқ, ҳар сўздан ҳуркаберманг ундай,— деди Сапратов.— Қаловини билсангиз, қор ёнар эмиш. Ишнинг кўзини бил — дала ҳам обод, чойхона ҳам...» (О.) «Печать қўлдан кетса...— деди у.— Мана кетмон, Эрнстаниннг звеносига бор деса, нима қиламан?» (М.Р.)

3. Қисқартирилган исм ва фамилияларининг биринчи ҳарфи ёки қисмидан кейин: А.Қ. (Абдулла Қаҳҳор), А. Қод. (Абдулла Қодирий) каби.

Бу ҳолда қавсга олинган манбадан олдинги гап охиридаги тиниш белгилари ўз ўрнида сақланади. (Қавсдан кейин бирор тиниш белгиси қўйилмайди.)

4. Санаш ёки айрим фикрнинг қисмларини ифодалаган ва ой, кун, йилларни бир-биридан ажратиш учун қўлланган рақам ёки ҳарфлардан кейин: а) 1. б) 1. 2. 3. в) 7.03.92 йил каби. б) Отлиқми, пиёдами, биров келадиганга ўхшайди. (И.Х.) Ёруғ дунёдан умидинг бўлмагандан кейин, дарчанг қийшиқ турди, нима бўлди-ю, тўғри турди — нима бўлди. (А.Қ.)

2. Сўроқ белгиси

1. Сўроқ белгиси сўроқ гаплардан сўнг қўйилади: Синовларга қандай тайёрланаётирсиз?

2. Кўпинча сўроқ гаплар бирдан ортиқ бўлиб келади. Бу ҳолатда сўроқ белгисининг қўйилиши қуйидагича:

1) Сўроқ гапларнинг ҳар бирига аҳамият бериш лозим топилса ёки ҳар қайси сўроқ гап мазмунан ўзини мустақил бўлса, ҳар бирдан сўнг сўроқ белгиси қўйилади: Комила сўзида давом этди: «Ҳа, Жамол акам қандай? Тошкентдами?» (О.).

2. Агар сўроқ гаплар мазмунан умумий бир фикрни ифодаласа, сўроқ белгиси сўнгги сўроқ гапдан кейин қўйилади:

— Тагин меҳмон бошлаб келдингми? Ким келяпти: Савримми, Раҳбарми, ё акангнинг болаларини етаклаб келяпсанми? (F.F.)

Эслатма. Баъзи сўроқ гап шаклидаги жумлалардан сўнг келган содда гап сўроқ гапдан англашилган мазмунга умумий изоҳ беради. Бу турдаги сўроқ гаплар билан сўнгги содда гап орасига баъзан вергул, кўпинча тире қўйилади: а) Бу минора нима учун қурилган, маълум эмас, қадим замоннинг ёдгорлигими ёки ёнгиндан хабар берадиган жой вазифасини ўтайдими — бу ҳам маълум эмас. (Қаз)

3. Сўз ёки ибора ноаниқ бўлса ёки ажабланиш ифодаланса: Овқатга тажовуз (?) қилингандан сўнг, меҳмонлар қўлларини дастурхонга (?) артдилар.

3. Ундов белгиси

Ундов белгиси қуйидаги ўринларда қўйилади:

1. Кучли ҳис-ҳаяжонни ифодалаган гаплардан сўнг: а) «Профессор Назаров! Мана у қандай одам экан!» (А. М.) б) Унсин учун, бечора қиз учун, бу қандай фалокат, бу қандай мудҳиш, мотам! (О.)

2. Буюриш, тилак, орзу маъноларини ифодалаган гаплардан сўнг: а) Фидо бўлсин сен учун жон-танзим онам! (Ҳ.П.) б) Жамила, тур ўринингдан, ялинма бу итларга, бўлмаса лаънат дейман сендай вафодор хотинга! (Ҳ. Ҳ.)

3. Гап бошида келиб, кучли ҳис-ҳаяжон ифодалаган ундамалардан, ундов ҳамда ҳа ва йўқ сўзларидан сўнг: а) Сени унутолмас асло, Эй Урта Осиё, Урта Осиё!!! (В. Инберг) б) Йўқ, йўқ! Бу оғир ишни бўйнимга ололмайман!

4. Кўп нуқта

Кўп нуқта қуйидаги ўринларда қўлланилади:

1. Фикрнинг тугалланмаганлиги, сўзловчининг яна нимадир айтмоқчи эканлигини кўрсатиш учун (Фикрнинг давом эттирмаслиги одатда сўзловчининг ҳаяжонланиши, ўз фикрини тўлиқ ифодалашга ботина олмаслиги ёки гапнинг бирор сабаб билан бўлиниши туфайли

... (а) «Билмайман деган эдингиз. Яна шуни
...» Шу пайт адъютант кириб, полковникка
... узатди. (А.Қ.) б) «Агар севсанг...»—«Агар
... хим севсанг»,— деди Берсенев унинг сўзини
... (Т.) и) «У менинг касалимни боқди; кечалари
... чикди... Сен, сен ҳам, малагим... На таъна, на
... Ана шуларнинг ҳаммаси мен учун, бир мен
...» (Т.)

У. Билган кўп нуқта сўзловчининг ўйлаши, муло-
қати қилишини кўрсатади: «Очилсам... Вой, мунча ма-
... бу сўз!» (Я.) Уйдаги ишларнинг ҳаммасини ўзи
... ўш тартибга солиб, ўзи безаса... (А.М.)

А. Бирор сўз ёки гапнинг туширилганини кўрсатиш
учун:

Юдахин фамилияли бир рус киши бўлишига қа-
... ҳамма уста-мардикорлар билан... ўзбек тилида
... чикди.

Асли: Ёдимда, шийпон тагига ғишт териляётганда
Юдахин фамилияли бир рус киши дадамни сўраб кел-
... на рус бўлишига қарамай, ҳамма уста-мардикорлар
... «ҳорма, бор бўл» қилиб ўзбек тилида сўрашиб
... (Х. Қодирий, Отам ҳақида. Тошкент, 1984 й).

5. Кўп нуқта, ундов ва сўроқ белгиларининг бириккан ҳолда келиши

Мураккаб мазмун ифодаланган гапларда ундов бел-
гиси билан сўроқ белгиси, ундов белгиси билан кўп
нуқта ва сўроқ белгиси билан кўп нуқта кўпинча би-
риккан ҳолда келади.

1. Ундов ва сўроқ белгиси бириккан ҳолда (!?) ас-
... да сўроқ мазмунидаги гап бўлиб, сўроқ мазмунига
қараганда ҳис-ҳаяжон кучли бўлган гаплардан сўнг
қўйилади:

Қани бу ерда инсоф, қани бу ерда адолат деган
нарсалар?! (Х.Х.)

2. Сўроқ ва ундов белгиси бириккан ҳолда (?!)
кучли ҳис-ҳаяжон, таажжуб билан айтилган сўроқ гап-
лардан сўнг қўйилади:

Жамини камбағал халқ қўлни-қўлга бериб, яктан
бўлиб турса, кимнинг ҳадди бор мардикор олишга?!
(О.) Мен бўри бўлдимми?! (Я.)

3. Ундов белгиси ва кўп нуқта бириккан ҳолда (!..)
мазмунан тугалланмаган ҳамда кучли ҳис-ҳаяжон ифо-

даланган ўринларда қўлланади: а) Уятни биласизми! (А.Қ.) б) «Йўқ!.. Ҳеч қасрга бормаيمان!» (Я.)

4. Сўроқ белгиси ва кўп нуқта бириккан ҳолда (?) мазмунан тугалланмаган сўроқ гаплардан сўнг ишлатилади:

а) Айб кимда?.. Айб нимада? Ёки ер ёмонми?.. (У.)

б) Бу аблаҳ ана шу помахълум одамга Қамбар билан Антон ҳақида гапирди».—«А?.. Қамбар билан Антон ҳақида?..» (Я.)

6. Вергул

Вергул қуйидаги ўринларда қўлланилади:

1. Уюшиқ бўлақлар орасида:

1) Боғловчисиз бириккан уюшиқ бўлақлар орасида:

Андижон, Наманган, Қўқон, Марғилон —
Ўзбекнинг чамани, боғу бўстони.

(F. F.)

2. Такрорланувчи боғловчилар билан бириккан уюшиқ бўлақлар орасида: Саодат, гоҳ мен билан, гоҳ атлас билан машғул, бояги уялиб туришини бир ёққа йиғиштириб қўйган эди. (А.Қод.)

3. Зидловчи боғловчилар ёрдами билан бириккан уюшиқ бўлақлар орасида: Замиранинг баланд, аммо майин овози бор эди. (П.Қ.)

2. Ундалмаларни ажратиш учун: а) Дўстларим, шу асл баҳор ҳақида Бутун қалбимиздан янграсни қўшиқ. (Ҳ.О.) Яхшилик қил, болам, ёмонликни от. (Э.Ж.)

3. Кириш сўзларни ва тузлиш томондан мураккаб бўлмаган кириш гапларни ажратиш учун: а) «Модомики, ҳақингизда шу қабилда сўз юрар экан, албатта, беҳуда бўлмаса керак деб ўйлайман». (О.) «Кўнглингизга келмасин-ку, извошга эшак қўшиб бўлмайди». (А.Қ.)

4. Ҳа ва йўқ сўзларини гап бўлақларидан ажратиш учун:

— Хафа бўлдингизми, хато гапирдимми?

— Йўқ, йўқ. Сиз ҳақли,— деди Олимжон. (Ш.Р.)

5. Ундов сўзларни ажратиш учун: «Эй, ёш боламин-сиз! Нега йиғлайсиз!» (А.Қ.)

Эслатма. Ундов сўзларни юклама вазифасидаги -эй, -э, -е кабилардан фарқлаш керак. Улар ўзлари қўшилиб келаётган сўз билан умумий оҳангга эга бўлади ва шу сабабдан улар вергул билан ажратилмайди, балки ўзидан олдинги сўзга дефис орқали қўшилиб ёзилади: а) «Эҳ, сендақа хайрихоҳ-эй!» (Т.) б) «Бой лаънати-е!» (Т.) в) «Бирам жонсарақ эдинг-эй!» (Я.)

6. Гапнинг ажратилган бўлакларини ажратиб кўрсатиш учун: а) «Биз, 22-группада ўқувчи қизлар, Хайри-низо ҳам биз билан ёнма-ён туриб ўқишини истаймиз». (И.Иф.) б) Ниҳоят орқасини ёстиқдан узиб, муҳим шайларини билан шуғулланган каби, жиддий равишда кетириб кетди. (О.)

7. Боғловчисиз боғланган қўшма гапларда: Сиз ўқувчи ўринга оталик қилдингиз, сиздан ҳеч ёмонлик кўр-мадим. (М.Ибр.)

8. Зидловчи ёки такрор оширув боғловчилар билан боғланган қўшма гапларда: Йўлчи шу чоқ қанча оқ-қари бўлса ҳам беришга тайёр эди, лекин ёнида бир тийин ҳам йўқ эди. (О.) Еки сиз келинг, ё биз борайлик.

9. Эргаш гапларни ажратиш учун: Ўғрилар девор-дан тушмоқчи бўлиб, қоринларини пахсага қўйиб, бош-ларини экканда, Кенжа ботир уларнинг каллаларини ўш берди. (Эртақдан.)

10. Автор гапни кўчирма гапдан ажратиш учун:— Ойимизда олов дарс ўтади,— деди чўпон ота,— буғ олов бўлиб ёнади. (И.Р.)

7. Нуқтали вергул

Нуқтали вергул қуйидаги ўринларда қўлланилади:

1. Ўз ичида вергул бўлган ёйиқ уюшмиқ бўлақлар орасида:

- а) Меҳнат, ижод, одам шарафи:
Дил ёруғи, ҳаёт қувончи —
Ҳаммасининг асли, манбаи —
Сен, Ватаним — тинчлик таянчи.

(С. Назар)

б) Қўнанбой ёнида бир гала хушомадгўйлари; Ир-ғиз бойлардан Мойбосар, Жақиб, Изиқуттилардек қа-риндошлари, бу кунларда Қўнанбой тарафдори бўлиб юрган Жуонтаёқ, Қоработир, Тўпай, Тўрғай элларининг оқсоқол-қорасоқоллари бор. (М.А.)

2. Ўз ичида вергули бўлган, мазмунан маълум дара-жада мустақилликка эга бўлган содда гаплар орасида ҳамда ҳар хил турдаги гапларни ўз ичига олган қўшма гапларда: а) Зуннунхўжа Сиддиқжоннинг тарафини олган бўлиб, кампирга қараб ковуш отди; Сиддиқжон-га нимадир демоқчи бўлиб оғиз очган қизини бир тар-саки урди, сўнгра Сиддиқжондан ўпкалаб майин товуш билан гап бошлади. (А.Қ.) б) Изчи қозоқ бир-икки қум хомасининг бу ёнидан—у ёғига, у ёғидан — бу ёғига ўтди, аммо издан нишон йўқ эди; эски излар нари тур-син, ҳатто қозоқ ўз изини ҳам тополмас эди; ҳар босил-

ган қадам ўрни, сувга босилгандек, оёқ кўтарилган ҳаммон кўмилар эди. (С.А.)

8. Икки нуқта

Икки нуқта қуйидаги ўринларда қўлланилади:

1. Уюшиқ бўлақлардан олдин келган умумлаштирувчи сўздан сўнг: Холмуроднинг дўстлари: Эргаш, Жўра ва Омонтой ҳам бирин-кетин отпускаян қайтишди. (П.Т.)

Эслатма: Баъзан умумлаштирувчи сўз яшириниши мумкин, лекин оҳанг ва мазмунга кўра уюшиқ бўлақлардан олдин икки нуқта қўйила беради. Бу ҳол иш қоғозларида ва илмий асарларда кўпроқ учрайди. Масалан, Мажлисга қатнашадилар: Собир Эркинов, Шокки Отақулов, Абдулла Санлов.

2. Қуйидаги маъноларни ифодалаган боғловчи сўз қўшма гапларда:

1) Бир гап иккинчи бир гапдан англашилган иш ҳаракатнинг сабабини кўрсатса: «Мен бу йил деҳқончиликдан ҳеч нарса ололмадим: кузги буғдойнинг бошоқлари шира олаётган вақтда ҳавода ола булут пайдо бўлиб, бошоқлар куйиб, қовжираб кетди». (С.А.)

2) Бир гап иккинчи бир гапдан англашилган иш ҳаракатнинг натижасини кўрсатса: Хўжа Гиёсиддин Хиротдаги баъзи машҳур зотларни гузал тақлид қилди: ўтирганлар ўринларидан қўзғололмай қолдилар. (О.)

3) Агар бирор гап бошқа бир гапнинг мазмунини тўлдирса ёки изоҳласа: Қосим мироб айтарди: агар қўрқмасанг, энг одамхўр дарё ҳеч нима қилолмайди — сувнинг ўзи қирғоққа чиқариб қўяди. (О.)

3. Кўчирма гапдан олдин келган муаллиф гапидан сўнг: Адам бирдан самоварчига буйруқ беради: — Мушовойга жой солиб бер, озроқ ёстиқ қўй. (О.)

9. Тире

Тире қуйидаги ўринларда ишлатилади:

1. От, сон, оломош ва ҳаракат номи билан ифодаланиб ҳамда кесим билан боғламасиз бириккан эга билан кесим орасида: а) Азиз ватандошим, бу — сенинг имзонг. (F.F.) б) Юрган — дарё, ўтирган — бўйра. (Мақол.) в) «Ҳамма сизнинг тарафингизда, чунки мана буни бажарувчи — сиз. (А.М.) г) Икки карра икки — тўрт.

2. Уюшиқ бўлақлардан сўнг келган умумлаштирувчи сўздан олдин: Сув, ер, электр — булар ҳаёт баҳорига янги гузаллик ва янги нашо бағишловчи кучлар эди. (О.)

3. Ажратилган бўлак билан изоҳланмиш бўлак
шундан: Уларнинг ҳаммаси — хоҳ ёш, хоҳ қари — фи-
зикар, золим. (О.)

4. Кириш гаплар билан гап бўлаклари ўртасида:
«Ириковлар — улар бутун бошлиқ армияни ташкил
қилдилар — фандан оладилар ҳам, фанни бойитадилар
» (А. Суров.)

5. Муаллиф гапи билан кўчирма гап орасида: «Не-
мунча кеч қолдинг, Манзура?» — деди Азиз меҳрибон
шундан билан. (А. М.)

6. Диалог типигаги кўчирма гапларда:

и) — Улар (қушлар) қаёққа кетишпти?

— Қиш бўлмайдиган тарафларга кетишар экан.

— Қиш бўлмайдиган жойлар ҳам борми?

— Бор.

— Узоқдами?

— Жуда узоқда, денгизларнинг нариги томони-
дан. (Т.)

б) «Хурматли оғалар, сизлардан ижозат бўлса, сўз-
лайтиш». — «Сўзла!» — «Ёки юртнинг ҳаммасини тўплай-
мишми?» — «Гапира бер, ҳаммамиз шундамиз». (Гог.)

7. Қўтилмаган воқеа-ҳодисаларни ифодалаган гап-
лардан олдин: «Мен дарров идорага югурдим — йўқ-
миш». (О.) «Мен унга тикилиб ўтираман-да, роҳат қила-
ман — фақат шу». (Т.)

8. Зид маъноли гаплар орасида:

Жисмимиз йўқолур —
Ўчмас номимиз.

1. Ифодаланаётган фикрга ёки унинг бирор бўлагини
қўшимча изоҳ берувчи сўз ёки иборалар қавсга оли-
нади: Виктор (Лизанинг укаси) ишчи-ёшлар мактаби-
да, кичкина Лиза билан Каромат (буниси Саломат
қолининг қизи) иккинчи сменада ўқишади (А.М.)

2. Алатма. Қавсдан олдинги тиниш белгилари (вергул, нуқтали
вергул, икки нуқта, тире) қавсдан сўнгга кўчирилади: Эркакларнинг
бири — марказий газетанинг муҳбири, иккинчиси — инженер (Мав-
либек уни Федор Макарович дер эди); қиз эса Москвада инсти-
тутни битириб, ҳозир шу инженернинг қўлида тажриба кўриб юрган
экан. (А. Қ.)

3. Кириш гаплар ёки ремаркалар қавс билан бери-
лади: Қирғиз Ўроз белбоғига маҳкам чандиб тугил-
ган биттагина сўлкавойни (ким билади, буни қачон-
дирдан бери сақлаб келади) чиқарди.

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ СЎЗ БОЙЛИГИ

Ҳар бир тилнинг бойлиги унинг сўз бойлигидан билинади. Ҳозирги замон ўзбек тилида сўзларнинг миқдори тўғрисида турли фикрлар баён қилинади. Р. Абдурахмонов 80 минг сўз бор деса, Э. Фозилов бу миқдорни 100—120 мингга етказди. «Ўзбекча-русча луғат»да 40 минг сўз, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да 60 минг сўз, «Ўзбек тилининг имло луғати»да эса 65 минг сўз келтирилади. Бу луғатларда асосан адабий тилда қўлланадиган сўзлар келтирилади. Агар шевалардаги жуда бой сўзларни ҳисобга олинса, у сўзлардан зарурлари адабий тилга киритилса (бундий сўзлар шеваларга оид кўплаб диссертацияларда ҳам берилган), ўзбек тилидаги сўзларнинг умумий сони 200 000 дан кам бўлмайди. Агар тарихда яратилган ўнлаб луғатлар ва бошқа туркий тилларнинг луғатларидан фойдаланилса, ўзбек тилининг изоҳли луғатига кирадиган сўзларнинг сони янада ортади.

Аммо ҳар бир тилнинг бойлиги сўзларнинг миқдори билангина белгиланмайди. Сўзларнинг кўп маъноли бўлиши, янги сўз ясаш имкониятларининг кенглиги ҳам тил бойлигидир.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тили сўз бойлиги икки қатламдан ташкил топган: ўз қатлам ва ўзлашма қатлам.

Ўзбек тилининг *ўз қатлами* умумтуркий ва туб ўзбек сўзларидан ташкил топади. Умумтуркий сўзларга *муз, она, огиз, соғ, сув, суюқ, темир, тил, тиш, тош, туз, саккиз, тўрт, узун, улғ, уя, эга, юк, қўл, қиш* каби сўзлар кириб, бу сўзлар ҳар бир туркий тилнинг фонетик хусусиятига кўра, маълум даражада ўзгарган ҳолда талаффуз қилинади. Шу билан бирга ҳар бир туркий тилда ўзига хос сўзлар ҳам бўлади. Масалан, ўзбек тилида: *ойнома, рўзнома, туман, ич кўйлак, қўлланма, майқатағон, пешлавҳа* каби.

Турк тилида: ой номлари: *osak* — январь, *subat* — февраль, *nisan* — апрель, *haziran* — июнь, *temmuz* — июль, *eylul* — сентябрь, *ekim* — октябрь, *kasim* — ноябрь, *aralik* — декабрь каби.

Шунин қайд этиш керакки, баъзи сўзлар бир қатор туркий тиллар учун умумий бўладикки, бу ҳол атама тилларидаги бирликка (унификацияга) қўйилган қадимдир. Масалан, *абажур, актер, анкета, газ, капитан, ракет, кило, эмблема, экран, стакан* туркий тилларда (турк, озарбайжон, бошқирд, қозоқ, қирғиз, ўзбек, таатар, туркман, уйғур) бир хилда қўлланади.

Албатта сўзларни талаффузи ҳар бир тилнинг фонетик хусусиятларига кўра ўзига хосликка эга бўлади.

Бундан ташқари, сўз бойлиги она тилининг ички имкониятлари асосида ва бошқа тиллардан сўз олиш асосига бойийди. Она тили имкониятлари: 1) эски сўзларга янги маъно бериш, 2) янги сўз яратиш ёки янги сўз ясаш асосида бўлади.

1) Эски сўзларга янги маъно бериш: *азиз* — баланд (МК, 1, 88-б), ҳозир — ҳурматли, эътиборли, *айтиш* — сўзлаштириш (МК, 1, 136) — гапириш ёки сўз ўйини; *аччиқ* — ювош, нозик (МК, 1, 126) — алдамчи, икки юзма, *арра* — *сийдик* ёки ундов сўз (МК, 1, 74) — *арра* (эралади): *аруқлади* — ухлади, дам олди (МК, 1, 207-б) — ариглади ва б.

2) Янги сўз яратиш: *ўзалигинг* намоён қил (Ҳамза), *обқан!* (Уйғун), *қўналға* (аэропорт), *майқатағон* (сувой закон), *учоқ*, (самолёт) каби.

Ўзбек тили сўз ясовчи аффиксларга бой бўлиб, янги сўзлар ясаш имконияти кенгдир: *кўргаз+ма, тезлат+гич* (ускоритель), *ёнил+ғи, ёқил+ғи* в.б.

Кўп янги сўзлар синтактик усул билан (ўзакларни бириктириш йўли билан) ясалади: *туяқуш, ошқозоносни* (бези), *сувости* (геол.) *тил ўрта, тилолди* (товушлари) в. б.

3) Бошқа тиллардан сўз олиш:

Ҳозирги ўзбек тилида араб ва форс-тожик сўзлари, айниқса, октябрь тўнгарнишидан кейин рус-байналмилал сўзлари катта қатламни ташкил этади. Масалан,

арабча: адаб, абадий, авж, авзо, авлиё, авлод, аврат, адад, адиб, адл, адоват, ажаб, аждод, ажнабий каби;

форс-тожикча: андиша, андоза, андуҳ, агар, арзанда, ароба, арғувон (дарахт), афсона, афсун каби;

рус-байналмилал: абзац (нем), абитуриент (нем), абонемент (фр), аборт (лот), авангард (фр), авария (итал), автомат (юнон), совет, колхоз, совхоз (русча) каби. Бошқа тилдан сўзлар ва иборалар тўлиқ ёки ярим

калькалаштириб олинади. Масалан: қайта ишлаш (воспроизводство), кўргазма (указание), сўз боши (предисловие), сўнгсўз (послесловие), кавказорти (закавказье), беш йиллик (пятилетний), агросаноат, самолётсозлик.

Морфологик (аффикслар ёрдами билан), синтактик ва лексик йўл билан сўз ясашда она тилидаги ёки ўзлашган сўзлар хизмат қилади. Масалан: боғбон, ишчи, жанжалкаш, қўл қўйди, иззат қилди, телефон қилди каби.

Сўзнинг маъно турлари

Сўз бир ёки кўп маънода ишлатилиши мумкин. Бир хил маънода, асосан, атамалар қўлланади. Атом, нейтрон, протон каби. Баъзи атамалар турли маънода қўлланиши ҳам мумкин. Аммо ҳар соҳада бу атаманинг маъноси турлича бўлади. Масалан, операция атамаси тиббиётда, ҳарбий ишда, молияда ўз маъносига эга. Колония атамаси ҳам зоологияда ва ижтимоий фанларда ўзига хос маънога эга бўлади.

Сўз, маълум бир жумлада бир маънога эга бўлади. Китоб — ақл чироғи жумласида китоб — маълум бир соҳага онд фикрлар тўпламини ифодалайди.

Бир сўзнинг бир вақтда икки ва ундан ортиқ маъно ифодаланиши хусусиятидан айрим шонрлар усталик билан фойдаланадилар. Алишер Навоий ёмон котиб бир нуқта билан кўзни кўр қилади, деган эди (арабча а ҳарфининг устидаги нуқтаси қўйилмаса, кўз сўзи кўр бўлади).

Сўзнинг кўчма маънода қўлланиши полисемия (*poly* — кўп, *Sema* — маъно, белги) дейилади. Масалан, кўз — инсон аъзоси, унинг кўчма маънолари — ишнинг кўзи, бирор нарсани кўзлаб иш қилиш. Шунингдек, туз, китоб, қулоқ, бош, қўл каби сўзлар ҳам кўп маъноли бўлади.

Омоним сўзлар полисемия сўзларидан фарқланади. Омоним сўзлар ҳам турли маъно ифодаласа-да, бу маънолар орасида яқинлик, боғланиш бўлмайди. Масалан: от омоними — исм, феъл, ҳайвон номини ифодалайди. Тут омоними — феъл ва дарахт (тут дарахти ва унинг меваси) каби маъноларда қўлланади.

Омоним сўзларининг ҳам, полисемия сўзларининг ҳам турли маънолари жумлада, маълум бир контекстда

Эрур бас чу ҳусни малоҳат сенга,
Ясанмоқ, безанмоқ не ҳожати сенга.

Синоним сўзлар она тилининг икки имкониятларини (*кўк* ва *осмон*, *куйдирмоқ* ва *ёндирмоқ*; шевага оид сўзлар: *шоти* ва *нарвон*, *аччиқ-чучук* ва *шакароб*, *ёвуқ* ва *яқин* каби) ва бошқа тиллардан сўз олиш ҳисобига бўлади (*булоқ* ва *чашма*, *муаллиф* ва *автор*, *гонорар* ва *қалам ҳақи* каби).

Синоним сўзлар мазмунинга кўра салбий (*афт*, *бишара*, *турк*) ва ижобий турларга бўлинади (*чирой*, *ой юзли*, *чиройли*, *гузал*).

Антонимлар маъноси бир-бирига зид ёки фарқли сўзларнинг жуфт келишидир: *аччиқ-ширин*, *оч-тўқ*, *иссиқ-совуқ* каби. Антоним сўзларнинг маъноси бир-бирига зид ва фарқли бўлса-да, маълум бир умумий мазмунни ифодалайди: *аччиқ* ва *ширин* антонимлари — ҳаётнинг турли даврларини ифодалайди.

Л у ф а т ш у н о с л и к

Ҳар бир тилда минглаб сўзлар бўлиб, уларни тўнлаб, ҳар бир сўзни изоҳлаб турли **луғатлар** тузилади.

Луғатлар аввало 2 турга бўлинади:

1. Энциклопедик (қомусий) луғатлар.
2. Филологик луғатлар.

Энциклопедик (қомусий) луғатларда ҳар бир сўзнинг мазмуни кенг изоҳланади. Бундай қомусий луғатга, масалан, 55 жилдли «Большая Советская энциклопедия», 15 жилдли «Ўзбек Совет энциклопедияси» мисол бўлади.

Қомусий луғатлар бирор соҳага оид бўлиши ҳам мумкин. Масалан, «Литературная энциклопедия», «Техническая энциклопедия» ва фаннинг турли соҳаларига доир агама луғатлари каби.

Филологик луғатлар ҳам икки турли бўлиши мумкин: умумий ва махсус луғатлар.

Умумий филологик луғатларда сўзларнинг маъноси бир тил билан ёки икки, ёхуд кўп тиллар билан таржима қилиб изоҳланади. Бунда «Ўзбек тилининг изоҳли луғати», икки тилли ўзбекча-русча ва русча-ўзбекча ҳамда ўзбекча-инглизча, ўзбекча-тожикча луғатларини кўрсатиш мумкин. В. И. Дал ва Д. Н. Ушаков, С. Н. Ожегов тузган рус тили луғатлари ҳам мисол бўлади.

Махсус филологик луғатларга: шевалар луғати, эти-

Миллатик, қиёсий (масалан, туркий ёки славян тиллари қиёси), фризсологик синоним, орфоэпик, орфографик, яъни ном, айрим ёзувчилар асарларининг луғатлари қиёси мумкин.

Луғатлар икки хил тузилади. Алифбо тартибидagi ва у тартиби билан тузилган луғатлар. Маълум алифбодаги ҳарф сираси асосида тузилган луғатлар кўпчиликчи тартибда тартиб. У тартиби билан тузилган луғатларда фақат асосий сўз ўзаги алифбо тартибиди тартибиди, ундан ясалган сўзлар ундан кейин тартибиди. Масалан, А. Абдураззоқов ва Н. Назировларнинг ядр физикасига оид луғатида (Қомусъ нашр., Тошкент, 1988) гамма ўзаги келтириди, ундан ясалган 84 сўз бирин-кетин берилади (ўша луғат, 40—42-бетлар).

VIII БОБ

«... вақти келиб, кишилар тилдан тўри фойдаланиш муаммоларини ҳам ўз қўлларига оладилар».

Кипинки зур жазога маҳкум эрса,
Шунинг-чуи чекса қайғу, ғам ҳар онда,
Темирчи бўл, дема қийнаб уни сен,
Кўмир қазидрмаю ишлатма конда.

Жазо берма, луғат туздиргил унга,
Буннигдек мушкул иш йўқ ҳеч жаҳонда.

Атама ва атамашунослик

Атама (термин) маълум фан ёки ҳунар соҳасига онд тушунчаларни қайд қилиш, сақлаш ва бу соҳадан тупланган билим, тажриба, техник маҳорат ва малакани бошқаларга бериш воситасидир. Шунинг учун ҳам илм, техника, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши атамаларнинг назарий ва амалий қимматиши оширади. Атама луғатларининг нашр этилиши илм, ҳунар учун, кенг ўқувчилар учун, ўқувчи ва талабалар учун катта аҳамиятга эга. Мутахассисларнинг бир-бирини тушуниши учун, илмий ва илмий-педагогик ва муҳандис мутахассисларни тайёрлашда, илмий-техник адабиёт ва дарсликларни яратишда илмий-статик ҳисоботда, халқ хўжалиги тармоқларини режалаштиришда сифатли ва қўпчилик маъқуллаган атама луғатларининг бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги техниканинг юқори тараққий қилган бир даврида адабий тил янада заковатли бир шаклга (мураккаб фикр ва фикр алмашинувининг аниқ ва маълум шаклда ифодаланishi) эга бўлиб, нутқнинг маълум бир соҳалар бўйича ихтисослашиши рўй беради. Шунинг учун ҳам мутахассислар билан тилшунослар ва оддий тил ихлосмандларининг манфаатлари ва қизиқишлари туқнашади. Бу туқнашини, мунозара масалани туғри ҳал бўлиши — мувофиқ ва манзур атамани танлаб олишга ёрдам беради ва ягона йўналишни вужудга келтиради.

Атама—ифодаланаётган тушунчани аниқ ифодалаши керак. Тилшунос олим Г. Шухард атамашуносликдаги ноаниқлик, чалқашлик туман ичида пароходни бошқариш билан баробар, деган эди. Атама қўллашдаги аниқлик дарҳол рўй бермайди — йиллар давомида танлаш, тартибга солиш, ниҳоят умумлаштириш (унификация қилиш) ва стандартлаш (бир қолипга солиш) орқали рўй беради.

Атамаларнинг аниқлиги ва қатъийланиши шу миллатнинг фани, маорифи, маданияти даражасини кўрсатади.

Атама луғатлари маълум соҳа бўйича зарур маълумотлар берибгина қолмай, атамаларни тартибга солишда, уларни умумлаштиришга ҳам катта ёрдам беради. Атамаларнинг ривожланиши, тартибга солиниши фан-

нинг ҳар хил соҳаларида турлича бўлиб, маълум фаннинг тараққиётига боғлиқ. Бу тараққиёт тўхтовсиз бўлгани учун янги атамаларнинг келиб чиқиши, тартибга тушуши ҳам узлуксиз бўлади. Тартибга тушган, стандартлашган атамалар адабий тилга ҳам киради, ёзма алоқанинг турли (бадий, расмий ва б.) соҳаларида ҳам қўлланила бошлайди. Шу билан бирга умумистеъмолда бўлган кўп сўзлар мутахассис тилида атамага айланади. Атамалар адабий тилнинг бир тармоғи бўлиб, унинг ички қонуниятларига бўйсунади. Ноўрин, асоссиз танланган атама маълум давр ўтиши билан ифодалаган тушунча мазмунига мос келмаса, истеъмолдан чиқади, янги атама яратилади ёки унинг маъқул синоними ўринини эгаллайди. Шунинг учун ҳам атама луғатлари маълум вақт ўтиши билан қайта нашр қилинади — тўлдирилади ёки асоссиз атамалар бошқа қулай атамалар билан алмашади.

Умуман, она тилида атамаларнинг пухта ишланиши, тартибга солиниши дарслик ва қўлланмалар тузиш учун ҳам, она тилида дарс олиб бориш учун ҳам зарур бўлган манбадир. Атамаларнинг ишланмаганлиги ва тартибга солилмаганлиги нутқ услубига ҳам таъсир этади, чунки услубнинг турли соҳаларини яратувчи воқеалардан бири атамадир.

Атамашунослик ва атамаларни ўрганишда аввало атамани оддий сўздан (атама бирор тушунча ёки предметга қўйилган, эмоционал маънога эга бўлмаган махсус сўз), касб-ҳунар сўзларидан (маълум жой ёки меҳнат жамоаси тили билан чекланган сўз) фарқлаб олиш зарур. Сунгра, атамаларнинг ўзи ҳам ишлаб чиқариш — саноат, илмий, ижтимоий соҳаларга бўлинади. Атамаларни қўллан чегарали бўлгани учун ҳам атама луғатларидаги сўзлар 5—20 мингдан ошмайди.

Атамалар ва атама луғатлари лексикологик ва лексикографик тартибда ўрганилади. Атама ва атамашунослик (термин ва терминология) ҳозирги куннинг энг муҳим ва долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолди. Ҳар бир тур ўз номини (атамасини) талаб қилади. Шунинг учун ҳам атамаларни аниқлаш, танлаш, янгисини топиш, уларни умумлаштириш ва стандарт бир шаклга келтириш, атама билан сўзни бир-биридан фарқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Атамалар соҳасида бирор умумий фикрга келиш учун тилишуносликнинг бу нозик соҳаси бўйича кўп иш олиб бориш керак. Янги атама яратиш — бой шева-

римизни ўрганиш ва улардан мақбул атамани танлаб олиш, бошқа жумҳурият ва давлатларнинг бу соҳадаги тажрибасини ва луғатларини ўрганиш, ўзбек тилининг ҳозирги ва айниқса, 20—30-йиллардаги луғатлари ва тарихда яратилган ажойиб бой луғатлари, адабий ҳамда илмий, техникавий, тиббий, бадний фанларга оид бой асарларини ўрганиш ва миллионлаб карточкалар тузиш иши билан бевосита боғлиқдир. Атама луғатларини тузиш бу соҳадаги назарий ва амалий масалалар устида пухта илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ва, энг муҳими, атама луғатларини тузиш учун махсус қўлланманинг бўлишига боғлиқдир. Бунда айниқса, тилшунос мутахассислар, таржимонлар ва маълум фан намояндалари фикрининг бир ердан чиқиши, бир хил бўлиши алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунга келиб, тилчимизда рус-байналмилал атамаларининг сонини ортиб кетди. Ижтимоий-сиёсий соҳада атамаларнинг миқдори 20 фонзга бориб қолди. А. Мадвалисвнинг текширишича, кимё соҳасида бундай атамалар 90—95 фонзга бориб қолган. Аҳвол шу бўлса, табиий фанларни ўзбек тилида ўқитиш амримаҳол. Бунинг устига илмий услуб ҳам ишланган эмас. 20-йилларда чет элга кетиб қолиб, юртига қайтган ватандошларимиз ҳозирги ўзбек тилида ёзилган илмий китобларимизни ҳам, газета ва журналларимизни ҳам яхши тушунмасликларини айтадилар.

Фан тараққиёти билан атама луғатларга талаб тобора оша боради. Бундай луғатлар тузиш эса, атамаларни икки томондан ишлашга боғлиқ:

1) назарий томондан (атамаларнинг ўрин, хусусияти, вазифаси, шаклланиши);

2) амалий қимматини аниқлаш (атамаларни тартибга солиш меъёри, бирлаштириш — унификация қилиш, ясашиш ва тузилиш системасини аниқлаш).

Бу ишда тилшунослар ва мутахассислар, айниқса, расмий идора — **Атамашунослик қўмитаси** ҳозирги ҳаракат ва интилишларни бир йўналишга солиб туришни зарур. Бунда лексикографик ишларий лексикология муаммолари билан қўшиб олиб бориш, илмий жиҳатдан зарур қўлланмалар яратиш, атамаларни умумлаштириш (унификация қилиш), олий ўқув юртларида атамашуносликнинг назарий ва амалий муаммоларини ўқитиш каби тадбирларни амалга ошириш лозим.

1. Ўзбек тили атамашунослигининг шаклланиши

Бир ва кўп жилдли, икки ва кўп тилли ҳамда изоҳли луғатларнинг тузилиши узоқ даврларни ўз ичига олади. Бундай луғатларнинг яратилиши айниқса 20-йиллардан анча авж олди, академия ва мактабларга мўлжалланган луғатлар кўплаб нашр этилди.

Албатта, ҳар қандай луғатнинг камчилиги бўлади: динми сўзларни ҳам ўз ичига ололмайди, сўзнинг маъналари тўла очилмайди. Луғатларни қайта ишлаш ва нашр этиш борасида бу камчилик бартараф қилина боради.

Одатда, атама луғатлари икки ва кўп тиллик тарзида ва қиёсий ҳамда изоҳли луғатлардан келиб чиқади ва шундай луғатлар таркибида атамалар қўллаб қолади. Шунинг учун ҳам атама луғатлар тарихи икки ва кўп тиллик луғатлар тарихи билан боғланади. Биринчи рус-сарт (ўзбек) луғатларининг нашр этилиши 1905—1917 йилларга тўғри келади.

Туркий тиллар бўйича луғатлар қадимги даврдаёқ тузила бошланган эди. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону лугатит-турк» (XI аср) асари, Маҳмуд ибн Умар аз Ҳамданининг «Муҳокаматул адаб» (XII аср боши), «Китоби мажму-у-таржимон турки ва ажами ва мўғи-на» (XIII аср ўртаси), Абу Ҳайёнинг «Китаб ал идрак ли лисан ал атрак» (XIV аср бошлари), Жалолиддин Ибн Муҳаммаднинг «Хилиат ул-нисон ва халибат ул-ли-сон» (XIII аср охири XIV аср боши), Жамолиддин аз Туркийнинг «Китабу булғат ал муштақ фил луғати аз турк ва л-қифчоқ» (XIV аср ўрталари), «Китаб ат тухфату уз закияту фи-л-луғати ат туркия» (XV аср) ва Алишер Навоий асарларини талқин қилишга бағишланган бир қатор луғатларни кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистонда атамашунослик муаммоларини урганиш ва атама луғатларини тузиш ва тартибга солиш учун 1929 йилда Республика Маориф комиссарлиги қонинида Атамашунослик комитети тузилди. Бу комитет мустақил идора сифатида 1937 йилгача иш олиб борди.

20-йилларда илм-фан билан айрим алломаларгина эмас, кенг халқ оммаси ҳам шуғуллана бошлайди. Ўзбекистоннинг ўзида фан соҳасининг турли соҳалари билан шуғулланувчи олимлар етишиб чиқади, қатор янги олий ўқув юртлари, аввало Фан комитети, сўнгра Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил бўлади. Бу ҳол,

табъийки, фан тараққиётига сабаб бўлди. Фан тараққиёти эса ижтимоий, сиёсий, маъмурий ва аниқ фанлар соҳасида юзлаб атамаларнинг келиб чиқишига асос бўлди. Янги атамалар рус ва чет тилларидан бевосита қабул қилинди ёки уларнинг ўзбекча турлари яратилди.

1984 йили Ўзбекистон Фанлар академияси Раёсати қошида Республика муассасалараро атамашунослик қўмитаси тузилди. Қўмита атамашунослик соҳасида олиб борилаётган илмий ишларни ва кадрлар тайёрлашни мувофиқлаштириши ва ҳар чоракда «Бюллетень» нашр этиши зарур эди. «Бюллетен»да таржима атамаларнинг бир қанча турлари келтирилиб, ўқувчидан ўз фикр-мулоҳазаларини бериши сўралган эди. Махсус атама комиссияси бир неча тур атамалардан мувофиқини танлаб олиши зарур эди.

1989 йил 26 декабрда Республика атамашунослик комитети Ўзбекистон Министрлар Совети (кейинроқ Вазирлар Кенгаши) қошига кўчирилди.

1929 йили бўлиб ўтган имло конференцияси атамаларга нисбатан пуристик (аслида рус, араб ва форс-тожик сўзларига қарши курашиш) муносабатларини қоралади. Адабий тилни совет-байналмилал атамалар билан бойитиш катта манба деб эълон қилинди. Шу билан бирга сунъий сўз ясаш ва мавжуд рус-байналмилал сўзларни бузиб талаффуз этиш ва ёзиш ман этилди. (Тил ва имло конференцияси материаллари. Тошкент, 1932 й. 90—91-б.)

Ўтган давр ичида атамашунослик бўйича бир қатор докторлик ва номзодлик диссертациялари ёқланди, фаннинг турли соҳаларига онд 150 дан ортиқ атама луғатлари нашр этилди. Аммо атамашунослик соҳасида назария амалиётдан орқада қолмоқда, нашр қилинган атама луғатларида, матбуотда, илмий ишларда атамаларни қўллашда бирлик, изчиллик йўқ. Бир тушунчани ифодалаган атамаларнинг сонин 10 дан ортиб кетаяпти.

Атамалар соҳасида ҳар хилликнинг-келиб чиқишига сабаб атамалар луғати тузишнинг тартиб-қоидалари ишланмагани ва бу муҳим ишни мувофиқлаштирувчи ягона марказнинг бўлмаганлиги ёки бўлса ҳам, бу ташкилотнинг йўл-йўриқларини писанд қилмасликдан келиб чиқади. Масалан, бир хил атама иккита атама луғатида икки хил берилади; Қ. Зокиров ва Д. Жамол-хоновларнинг ботаникага онд луғатларида *вегетатив* —

йилиш, *ветвь* — шох, *вышенник* — олвализор десалар, *ураи* шу атамаларни С. Саҳобиддинов урчиш, новда, *чизир* деб атайди.

Ушбу тена барглар, ўрин, экиладиган ўсимликлар (зокиров) — учки барглар, жой, экин (С. Саҳобиддин) депилади; ёндош чизилган айлана, чегаравий масала, критерий (О. В. Мантуров ва б., Математика терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Тошкент, 1974 й.) — ички-ташқи чизилган айлана, четга оид масала, аломат, мезон (М. Собиров. Математика фанларининг русча-ўзбекча луғат. Тошкент, 1983 й.) ва б.

Хотирининг ўзида атамаларни турлича қўллаш рўй беради: *Совет* ва *Шўро* («Тошкент оқшоми», 27.03.90 й.), *инженер* ва *кашиоф* («Ёш ленинчи», 28.10.89 й., «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 27.10.89 й.), *ноиб* ва *халқ иқлиди* («Совет Ўзбекистони», 17.06.90 й.), *муштарий* ва *сўраётган* («Совет Ўзбекистони», 2.09.90 й.), *институт*, *олий билимгоҳ*, *олийгоҳ* («Совет Ўзбекистони», 20.09.90 й.), Тожикистон *Фанлар байтулҳикмаси* («Саодат», 1990 й. 11-сон) ва *Фанлар академияси*, *дорулар*, *Риёзий* (аёл) ва *математик* («Фан ва турмуш», 1990 йил, 11-сон), *республика* ва *жумҳурият*, *район* — *ноҳия* — *туман* в.б.

Албатта, бу ҳолат маълум вақтгача давом этиб, атамаларнинг маъқул шакли танлаб олинади.

Атамалар — лексиканинг тез ўзгарувчан соҳасидир. Ушбу фан ва унинг тармоқларининг келиб чиқиши, янги оқиш ва назариялар янги атамаларнинг келиб чиқишига олиб боради.

20-айниқса, 30-йилларда атамалар танлаш ва уларни қўллаш активлашди, асосий манба араб тили бўлиб қолди. Биринчи ва асосли атама луғатлари ҳам 30-йиллардан бошлаб нашр этила бошланди.

Атамалар танлаш ва умумлаштириш соҳасидаги амалий ишлар ҳам 30-йилларга тўғри келади. Атамаларни танлаш борасида 20- ва 30-йилларда матбуотда катта кураш кетди. Агар 1917—31 йилларда *водород*, *кислород* атамалари *муваллидулмо*, *муваллидулҳамуза*, *ҳомзи қарор* бўлса, 1931—1936 йилларда *сувчил*, *аччил*, *қўмир*, *оксиген*, *карбонат ангидрид* тарзида, фақат 1941 йилдан бошлаб *водород*, *кислород*, *углерод* шаклида қўллана бошлади. *Математика* ҳам *риёзийёт*, *физика* — *фикмат*, *геометрия* — *ҳандаса*, *ботаника* — *наботот*, *диалектик материализм* — *мужодалавий моддийончилик* шаклида ишлатилган.

Совет даврида фан ва техника соҳасидаги китти ўзгаришларнинг бўлиши — машинасозлик, оптика, космонавтика, иш юритиш, спорт, информатика, ядро физикаси, радиоэлектроника, ген муҳандислиги, бионика, космик тиббиёт, экология каби йўналишларнинг кириб келиши, ўзбек тили ижтимоий вазифасининг матбуот, адабиёт, маориф, телекурсов, радио ва бошқа соҳалар бўйича кенгайиши янги ва янги атамаларнинг кириб келишига сабаб бўлади. Бунда аввало арабча атамалар қўлланилган бўлса, кейинроқ уларнинг ўрнини рус ва байналмилал ҳамда ўзбекча атамалар эгаллади.

2. Атамаларнинг лексик-семантик ва грамматик хусусиятлари

Атама — илмий, техника, ишлаб чиқариш, ижтимоий муносабатлар ва шунга ўхшаш соҳалардаги махсус тушунчаларни тил воситаси билан ифодалайди. Атама бир маънолиги (моносемия) билан, синоним қаторларининг бўлмаслиги билан характерланади. Бир маънолик (аниқ, хусусий маънони ифодалаши) ва синоним қаторларининг бўлмаслиги маълум бир давр ўтиши билан юзага келади: атаманинг маъно доираси тораяди, хусусийлашади. Бунда сўз ўзининг экспрессивлик хусусиятини йўқотади, оддий сўзлашув воситаси бўлмай қолади.

Атама илмий, техник, ишлаб чиқариш ва бошқалар ҳақида элементар маълумот берувчи тил бойлигидир. Маълум соҳанинг илмий ва техник усулларини қайд қилиб, уни ўқувчига етказиш учун атама қўлланилади. Сўз атамага ўтгач, ўзининг экспрессивлик хусусиятини йўқотади.

Ҳозирги тарихий жараёнда кўп атамалар айтиб ўтилган тартиб-қоидаларга мос келмайди: улар кўп маъноли, синонимик қаторларга эга, маълум тушунчани аниқ ифодаламайди. Аммо бу ҳол табиий бўлиб, маълум давр ўтиши билан сўз бу хусусиятларини йўқотади, атамага айланади ёки атама хусусиятига эга бўлган бошқа бир сўз билан алмашади.

Шуни ҳисобга олиш керакки, маълум бир атама бир неча соҳаларда ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан: *қанот* — самолётда ва ҳарбий ишда (чап ёки ўнг қанот қўшинлари); *операция* — тиббиётда (жарроҳлик), ҳарбийда (маълум бир ҳарбий тадбир), молияда (пул муомаласи); *морфология* — тилшуносликда (сўз қурилиши), ботаникада (ўсимлик тузилиши); *колония* — ижтимоий

Ҳайларда (мустамлака, ботаникада [тўп-тўп бўлиб
иккинчи ҳайвонлар]). Атамалардаги омонимия, полисе-
ния шу орқали рўй беради. Атама луғатларида бу
маъноларнинг ҳаммаси, маълум бир рақамлар билан,
ёқови кўрсатилган ҳолда келтирилади.

Маълум атаманинг турли соҳаларда ишлатилишига
назар улар ифодалаган мазмундаги ва вазифадаги ўх-
шашликдир. Мантиқан боғлиқлик ва вазифа умумий-
лиги бўлгани учун бир соҳадаги атама иккинчи бир
соҳадаги кўчирилади. Мазмун яқинлигига қараб атамалар
лексик семантик қаторларни ташкил этади.

Ҳар бир предмет, тушунча, воқеа, ҳодисанинг турли
хусусиятлари, маъно қирралари бўлади. Атама ана шу
хусусиятларининг энг муҳим томонини ифодалайди. Ма-
салан: аренда — ижара, абонент — обуначи, виза —
решитиома. Асбоб атамаси ўрнига кўра инструмент,
прибор, аппарат, машина бўлиши мумкин.

Билан ҳолларда атама ўзи ифодалаган тушунчага
яна қўшимча, унинг муҳим хусусиятини ифодаламас-
лиги ҳам мумкин. Масалан: атом — «бўлинмас»; лавсан
(бир хил мато) — аслида собиқ СССР ФА юқори моле-
кулар бирлашмалар лабораторияси (русча — лавсан).

Билан атама маълум шахс номи билан боғланади.
Масалан: Вавилов-Черенков эффекти, Мартинков пў-
лати каби.

Атамани белгилашда қуйидагиларни ҳисобга олиш
керак:

1) она тилида мавжуд бўлган тартиб-қоидаларга
мос келиши;

2) талаффуз қонун-қоидаларига тўғри келиши,
оқшодорлиги;

3) она тилининг умумий системасидан жой олиши;

4) она тилидаги мавжуд сўзларнинг умумий қонун-
қоидаларига, сўз ясалиши ва сўзлар билан бирикиш
системасига мос келиши.

Атамаларнинг шаклланиши синонимик қаторларнинг
бўлиши билан бошланади. Ҳар бир синоним ўзи ифо-
далаётган тушунчанинг турли маъно ва функционал
қирраларини ифодалайди. Маълум давр ўтиши билан
бу синонимларнинг бири атама сифатида тан олинади.

Атаманинг шаклланишида синонимик қаторларнинг
бўлиши турли илмий йўналиш ва мактабларнинг бўли-
шига ҳам боғлиқдир.

Ҳозирги кунда ҳам кўп атамалар синонимик қатор-
ларга эга. Масалан: район, туман; университет, дорил-

фунун; институт, дорилмуаллимун (педагогика институти), илмгоҳ (илмий текшириш институти), билимгоҳ (мутахассис тайёрловчи олий ўқув юрти); муаллиф, автор; агроном — зироатчи, агроном; артист — санъаткор, артист; гражданин — фуқаро, гражданин журнал — ойнома, журнал; демография — нуфус, демография; депутат — халқ вакили, ноиб, депутат; синоним — маънодош, турдош, синоним ва б.

3. Атамаларнинг тузилиши ва ясалиши

Атамалар тузилиши жиҳатидан қуйидагича бўлади:

1. Содда атамалар.

Бу хил атамалар туб ёки ясама бўлиши мумкин: букри (горбатый), нуқсон (дефект), фаол (актив), таҳлил (анализ), тасниф (классификация), иштаха (аппетит), шифокор (врач, доктор), битирувчи (выпускник), кирим (доход) ва б.

2. Қўшма атамалар (синтактик усул). Қўшма атамалар бирдан ортиқ ўзакларнинг қўшилишидан тузилади: ишбилармонлик (деловитость), иш юритиш (делопроизводство), талабнома (заявка), соғлиқни сақлаш (здравоохранения) ва б.

Қўшма атамалар қисқарган шаклда ҳам бўлади: Атамақўм (Комитет терминология), нефтгазқурилиш (нефтегазстрой), Тошкентбошқурилма (Главташкентстрой).

Аббревиатура: БМТ (Бирлашган миллатлар ташкилоти), МДХ (Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги) ва б.

3. Бирикмали атамалар. Бу ҳолатда икки ва ундан ортиқ сўзлар бир тушунчани ифодалайди: ялпи даромад (валовой доход), маиший хизмат (бытовые услуги), бета заррачалар (бета — частицы), етакчи мутахассис (ведущий специалист), қалам ҳақи (гонорар), ботаника боғи, ун ҳосил қилувчи аъзолар ва б.

Бирикмали атамалар одатда от ва от, сифат ва от, равиш ва фсъл каби сўз туркумларининг бирикишидан тузилади.

Бирикмали атамалар ўзининг қисқалиги, таъсирчанлиги, бир маънолиги ва бир қолипга тушганлиги (стандартлиги билан) ажралиб туради.

Ортиқча чўзилиб кетган атамалар ҳам тезда истеъмордан чиқади: *рецепт* — дори ёзиб бериладиган алоқа хати («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 19.01.90 й.) ва б.

4. Фризеологик атамалар: *қизил чизик* (красная линия), *оқ шыр* (белый стих).

5. Тимеологик белгилар, жадваллар ва рақамлар.

6. Семантик усул.

Тилида қўлланган сўзга янги маъно берилади. Тилнинг янги сўз маълум соҳадаги махсус бир тушунчани билдирибди. Бу билан маъноси тораяди, атамага айланади. Аммо мазкур сўз умум тилида, оммабоп, бадий ва бошқа усулларда ўзининг кенг маъносида ишлатила берилади. Масалан: *тароқ* (асбоб); тибб, *қизилча*—красная коренная; бот.— красная свекла; тибб. *ўсма* — опухоль; тибб. *шиш* — отек.

Семантик усул билан атама ясада метафора, ўхшатиш, метаномия, синекдоха, метатеза, сеникопа, эпитет ва бошқа усуллар қўлланади; *ўрик* мевагина эмас, қорик ҳам. Яна *тиш*, *бармоқ*, *қулоқ*, *бўғиз*, *чўмич*, *ёс* ва бошқа сўзларнинг маълум бир фан ёки соҳада ишлатилиши мисол бўлади.

Бирикмали атамаларни тобора ихчамлаштиришга ҳарикат қилинади. Бу ҳол бора-бора аббреватурага ҳам ўтиб келиши мумкин: физика-техника институти — **ФТИ**.

Бу ҳол шунга олиб келадики, маълум бир аббреватураларни мутахассисларгина тушунади. Масалан: *лаб* (лаборатория высокомолекулярных соединений), *физинст* (физико-технический институт АН СССР) ва *Кўр* (куринадика, маълум бир атамани ясада уифодаланган тушунча ва предметнинг бирор характерли белгиси (шакли, вазифаси ва б.) асосга олинади.

Атамалар она тили асоси (базаси) даги сўзлар ёрдами билан ясалади ёки атама бошқа тиллардан айнан ёки қалқалаш йўли билан олинади. Атамалар асосини ўз ва отлашган сўзлар ташкил этади.

Турли фан соҳасига оид минглаб атамаларни яратувчи олимлар, таржимонларни аниқлаш қийин, албатта. Аммо айрим атамаларни яратган баъзи олимларнинг номи бизга маълум, *ген*, *генотип*, *фенотип* атамалари Дания биологи В. Иогансен (1857—1927), инглиз физик олими О. Лодж (1851—1940) *протон* атамасини, немис ботаниги Х. Моль (1805—1872) *протоплазма* атамасини, немис математиги И. Листинг (1808—1882) *топология* атамасини яратган. *Форд*, *дизель*, *вольт*, *герц*, *бостон* атамалари шаҳар ва шахс номларидир. Кибернетикага оид атамалар аввало инглиз, сўнг рус ва бошқа тилларда қўллана бошлади.

Атамаларнинг маълум қисми рус-байналмил бўлади ёки маълум атамалар калькалаштириб (айти таржима қилиб) олинади. Масалан: выпрямитель — тўғрилагич, пылеуловитель — чапгутгич, долбак — қи гич, подъёмник — кўтаргич, белый стих — оқ шър, ил дение — кириш ва б.

Калькалашда тушунчанинг ўзи таржима қилинади ва янги атама она тилининг фонетик ва грамматик қонунига бўйсунди.

Баъзи атамалар ярим калькалаштирилади: ультра товуш, самолётсозлик каби.

Одатда, калькалаштириш қулай туюлади, аммо швада атама бўлмасагина бу йўлни туттиш, оғзаки пулқа асосланиш лозим.

Р. Доппёров 75—80 фоиз атамалар морфологик усул билан ясаилини айтиб, 300 дан ортиқ сўз ясовчи қўшимчаларни кўрсатади.

— дош: жийдадошлар, пистадошлар;

— гич: чизгич, кўрсатгич;

— ма: сузма, қовурма, терлама, иситма, қайнатма шўрва;

— чилик: ипакчилик, пахтачилик ва б.

Шунга кўра, атама ясовчи аффикслар унумли ва унумсизга бўлинади.

Адабий тилда унумдор бўлмаган аффикс атамашуносликда кенг қўлланади.

4. Атамаларни тузиш тартиб-қоидалари

Давлат тили ҳақидаги қонуннинг кўп моддаларининг амалга оширилиши (илмий ишлар, дарсликлар ва қўлланмалар, расмий ҳужжатлар, талабаларнинг миллий гуруҳларида дарслар, муомаланинг давлат тилида бўлиши шартлиги) биринчи навбатда атамаларнинг ўзбекча турларини топишга боғлиқ.

Маълум бир вақтда маълум тушунчани аниқ ифодалаган атама, фан тараққиёти билан эскириб, ўша тушунчага мос келмай қолиши мумкин. Бунда атамани ўзгартириш зарур бўлади. Шунинг учун ҳам атамалар қайта кўрилиб, янги ва янги атама лугатлари тайёрланади.

Атамаларни танлаш ва қўллашдаги асослангани қонун-қоидалар:

1) Атамаларнинг бир маъноли бўлиши. Агар турли соҳаларда турлича тушунчани ифодаласа, бундай ата-

ани қўллаш мумкин: тилшунослик ва ботаника соҳа-
даги *морфология*, ижтимоий фан ва ботаника соҳа-
даги *коллония* каби.

3) ани бир тушунчани ифодалаш учун икки хил
атамани қўлламаслик.

4) атама тушунчани аниқ ифодалаш, мақсадга му-
вофиқ бўлиши шарт.

5) атама ихчам бўлиши, ортиқча кенг иборалар
қўлланмаслиги лозим.

6) она тилида сўз туриб, чет тил атамаларини қўл-
ламаслик.

7) атамани қўлашда маълум система бўлиши (яса-
ган ва бирикма ташкил эта олишлик).

Атама маълум бир фан аҳлига, ижтимоий-сиёсий
атамалар эса оммага тушунарли бўлиши керак. Агар
маълум бир атама, қайси тил асосида тузилган бўлма-
ган, тушунарли бўлса, бундай атамани алмаштиришнинг
аҳади йўқ. Атом атамаси аслида юнонча бўлиб, *бй-*
онимас деган маънони англатади. Ваҳоланки, фanning
таракқиети туфайли *атом* ўз навбатида *нейтрон*, *про-*
тонлар каби майда заррачаларга бўлинади. Аммо ҳозир
ҳам *атом* атамаси қўлланиб, химияда кичик заррачага
бўлинган номлигини сақлайди.

Шунинг учун ҳам фanning турли соҳаларига таал-
лусли кўплаб атамалар ҳаммага тушунарли бўлгани
учун ўз ҳолида қўллангани маъқул. Масалан: амбула-
тория, дезинфекция, лаборатория, бюджет, депонент,
эмография, организм, телерадио, арханизм, аспирант,
эдитория (фақат дарсхона эмас), магазин (дўкон — бу
марек), депутат, милиционер, океан, паспорт, цирк,
суффикс, инфекс, префикс, адъективация, атом, нейтрон,
интеген, физика каби.

Уш шаклида қолдириш лозим бўлган кўп атамалар
асосан аниқ фанларга оиддир.

Шунинг учун ҳам аввало *жумҳурият*, *фуқаро*, *ноҳия*
деб таклиф этилган атамалар ҳозирнинг ўзидаёқ *рес-*
публика, *гражданин*, *район ёки туман* шаклида қўлла-
ниляпти.

Атамаларнинг русча-байналмилал шаклларининг
қўлланиши илм-фан, ижтимоий йўналишнинг ҳозирги
замон илгор ғарб фани билан яқинлашиши таъмин-
лайди, улар билан алоқани осонлаштиради.

Рус ва Европа тилларидан олинган атамалар асосан
фан соҳаларига оид бўлиб, фан атамаларнинг асосини
ташкил этади.

Бошқа қардош туркий тиллар ҳам шу йўлдан бора кўп атамаларни ўз ҳолида қолдирдилар: озарбайжон тилида орган, институт, досент, телефон, журнал, программа, редакция, поэма, актуал, район, милис, секс (це кўмита, паспорт, проблем, идеал, процесс, план, Аляния, Франса, Аврупа, Гафгаз ва б. («Ўдлар юрду» жетаси, 5-сон, 1990 й.)

Ҳозирги турк тилида: циркуляр, култур, конгресс, форму, факулта, секретар, адрес, спор, диск, периодика ва б.

Куринадики, атамалар фақат ўз она тили талаффузи зига мослаштириб олинадилар.

2. Русча байналмилал атамалар ичиде шундайлар ҳам борки, улар таржима қилиняпти, ўзбек тилига сингагиб боряпти.

Масалан: агрохимия — деҳқончилик кимёси, альтернатив — муқобил, вакант — бўш ўрин, ведомство — муассаса, визит — ташриф, витрина — кўргазма, выписка — пешлавҳа, гарантия — кафолат, гонорар — қаллоҳақи, группа — гуруҳ кабилар.

Ҳозирги кунга келиб, рус-байналмилал атамалар фаришохасида жуда кўпайиб кетди. Агар 1924 йили тилимизда ижтимоий-сиёсий рус байналмилал сўзлар 0,1 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозир 20 фоизга бориб қолди. Аниқ фанларда, масалан, химия фанида рус-байналмилал атамалар 90—95 фоизга етиб қолган. Бу ўз навбатида илм-фани ўқитишни қийинлаштиради, ўзбек тилида дарслик ва қўлланма тузишга имкон бермайди. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда бу атамаларнинг маълум бир қисмини она тилининг ички имкониятлари асосида, мавжуд ва эски луғатлар ҳамда илмий, бадий ва бошқа асарларни ўрганиш билан ёки қулай бир атамани топиш йўли билан уларни алмаштириш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги демократия нашоқоралик даврида янги атамаларни жорий қилиш маъмурий-буйруқбозлик йўли билан эмас, ишонтариш, илмий ва амалий жиҳатдан у ёки бу атаманинг қўлланиши зарурлигини асослаш йўли билан иш олиб бориш зарур. Бунда янги атаманинг тушунилиши қийинлиги сезилса, албатта унинг асл (русча-байналмилал) турини қавсда кўрсатиш зарур. Масалан: абстракт — мавҳум (абстракт), авангард — илғор (авангард), автор — муаллиф (автор), университет — дорилфунун (университет), агитатор — ташвиқотчи (агитатор), агроном —

агроном), адрес — манзил (адрес) ва шу кабилаар.

Ҳозир илмий адабиётда ва мақолаларда рус-байналмилал сўзлар, атамаларнинг ўзбекча турини (вариантини) бериш учун *соответствие* атамаси ўрнига *муқобил* қилинмоқда. Аслида *муқобил* сўзи бир сўзнинг ёки тушунчанинг қарама-қарши (альтернатив) тури (вариантин) лемакдир. Аммо биз бу ерда маълум бир рус-байналмилал атаманинг қарши томонини, зид турини (вариантини) топиш ниятида эмасмиз, аксинча, рус-байналмилал атаманинг ўзбекча номини (атамасини) топишнинг, таржима қилмоқчи бўламиз, холос. Шунингдек, *автономияни* — *ўз эрки*, *архивни* — *ҳужжатлар омадори*, *балансни* — *тайингар* дейилиши, *аэропортни* — *аэропорт*, *клубни* — *даъватхона* деб номланиши тилга киришмайди.

Чет тилига оид айрим атамалар калькалаштириб қилинади. Масалан: ёқилғи (топливо), ёнилғи (горючее), тузум (строй), талабчанлик (требовательность), кўрсаткич (показатель), умумхалқ (общенародный) ва шу кабилаар.

Бу ўринда ҳатто рус тили сўз ясаш усули ҳам калькалаштирилади: дунёқараш (мировоззрение), устқурма (подстройка), издош — (последователь), музёраар (ледокол) ва б.

Рус ва чет тиллардан қабул қилинган атама ўзбек тилининг ички қонуниятларига бўйсунди: турланади, рус сўзлар ясайди, бошқа сўзлар билан бирика қилади атомли, протонли, радиолаштириш, океан ости ва б.

Она тили асосида янги атама топиш ва танлашда ҳам мавжуд рус-байналмилал атаманинг мазмунини тўғри ифодадай оладиган, талаффуз қоидаларига мос, она тилининг ички қоидалари асосида тузилган атамани танлаб олиш лозим, бу янги атама янги сўзлар ясаш учун асос бўлиши керак.

Атама маълум тушунчанинг муҳим бир томонини ифодалаши керак. Тушунча ва предметнинг маъно ва вазифасига қараб зарур атама берилади.

Масалан: *аппарат* атамаси маъносига қараб, *идора*, *қодимлар* ва *қисм* (машинанинг бирор қисми) бўлиши мумкин.

Айрим атамаларни икки хил турда (ўзбекча ва рус-байналмилал) берилишининг боиси иккита:

- 1) рус-байналмилал атаманинг маъноси кенгроқ

Бошқа қардош туркий тиллар ҳам шу йўлдан бор, кўп атамаларни ўз ҳолида қолдирдилар: озарбайжон тилида орган, институт, досент, телефон, журнал, пед-грам, редакция, поэма, актуал, район, милис, сех (шў), кўмита, паспорт, проблем, идеал, процесс, план, Американия, Франса, Аврупа, Гафгаз ва б. («Ўдлар юрду» жетаси, 5-сон, 1990 й.)

Ҳозирги турк тилида: циркуляр, култур, конгресс, форму, факулта, секретар, адрес, спор, диск, периодик ва б.

Кўринадики, атамалар фақат ўз она тили талаффузига мослаштириб олинадиган ҳолос.

2. Русча байналмилал атамалар ичида шундайлар ҳам борки, улар таржима қилинган, ўзбек тилига сиригиб борапти.

Масалан: агрохимия — деҳқончилик кимёси, альтернатив — муқобил, вакант — бўш ўрин, ведомство — муассаса, визит — ташриф, витрина — кўргазма, выписка — пешлавҳа, гарантия — кафолат, гонорар — қаллоҳ ҳақи, группа — гуруҳ кабилар.

Ҳозирги кунга келиб, рус-байналмилал атамалар фароҳасида жуда кўпайиб кетди. Агар 1924 йили тилимизда ижтимоий-сиёсий рус байналмилал сўзлар 0,9 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозир 20 фоизга бориб қолди. Аниқ фанларда, масалан, химия фанида рус-байналмилал атамалар 90—95 фоизга етиб қолган. Бу ўз навбатида илм-фанни ўқитишни қийинлаштирилади, ўзбек тилида дарслик ва қўлланма тузишга имкон бермайди. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда бу атамаларнинг маълум бир қисмини она тилининг ички имкониятлари асосида, мавжуд ва эски луғатлар ҳамда илмий, бадиий ва бошқа асарларни ўрганиш билан ёки қулай бир атамани топиш йўли билан уларни алмаштириш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги демократия ва ошкоралик даврида янги атамаларни жорий қилиш маъмурий-буйруқбозлик йўли билан эмас, ишонтириш, илмий ва амалий жиҳатдан у ёки бу атаманинг қўлланиши зарурлигини асослаш йўли билан иш олиб бориш зарур. Бунда янги атаманинг тушунилиши қийинлиги сезилса, албатта унинг асл (русча-байналмилал) турини қавсда кўрсатиш зарур. Масалан: абстракт — мавҳум (абстракт), авангард — илғор (авангард), автор — муаллиф (автор), университет — дорилфунун (университет), агитатор — ташвиқотчи (агитатор), агроном —

милат (агроном), адрес — манзил (адрес) ва шулар.

Қатор илмий адабиётда ва мақолаларда рус-байналмилал сўзлар, атамаларнинг ўзбекча турини (варианти) бериш учун *соответствие* атамаси ўрнига *муқобил* алаямоқда. Аслида *муқобил* сўзи бир сўзнинг ёки шунининг қарама-қарши (альтернатив) тури (варианти) демакдир. Аммо биз бу ерда маълум бир рус-байналмилал атаманинг қарши томонини, зид турини (вариантини) топиш ниятида эмасмиз, аксинча, рус-байналмилал атаманинг ўзбекча номини (атамасини) топишмиз, таржима қилмоқчи бўламиз, холос. Шунинг-дек, *автономияни* — *ўз эрки*, *архиви* — *ҳужжатлар оми*, *бизнес* — *тайингар* дейилиши, *аэропорти* — *аэропортга*, *клубни* — *даъватхона* деб номланиши тилга тилмайди.

Чет тилига оид айрим атамалар калькалаштириб таржима қилинади. Масалан: ёқилғи (топливо), ёнилғи (горючее), тузум (строй), талабчанлик (требовательность), кўрсаткич (показатель), умумхалқ (общенародный) ва шу кабилар.

Бу ўринда ҳатто рус тили сўз ясаш усули ҳам калькалаштирилади: дунёқараш (мировоззрение), устқурма (перестройка), издош — (последователь), музёра (ледоход) ва б.

Рус ва чет тиллардан қабул қилинган атама ўзбек тилининг ички қонуниятларига бўйсунди: турланади, янги сўзлар ясайди, бошқа сўзлар билан бирика қилади атомли, протонли, радиолаштириш, океан ости ва б.

Она тили асосида янги атама топиш ва танлашда ҳам мавжуд рус-байналмилал атаманинг мазмунини тўғри ифодалай оладиган, талаффуз қоидаларига мос, она тилининг ички қоидалари асосида тузилган атамани танлаб олиш лозим, бу янги атама янги сўзлар ясаш учун асос бўлиши керак.

Атама маълум тушунчанинг муҳим бир томонини ифодалаши керак. Тушунча ва предметнинг маъно ва наъифасига қараб зарур атама берилади.

Масалан: *аппарат* атамаси маъносига қараб, *идора*, *қодимлар* ва *қисм* (машинанинг бирор қисми) бўлиши мумкин.

Айрим атамаларни икки хил турда (ўзбекча ва рус-байналмилал) берилишининг боиси иккита:

а) рус-байналмилал атаманинг маъноси кенгроқ

бўлиб, ҳар вақт ҳам унинг ўзбекча турига тўғри кел-
вермайди.

Масалан: *гражданин* ҳар вақт ҳам *фуқаро* ат-
тигига мазмунан тенг эмас: *Фуқаро* арабча фақир, *ка-*
бағал, *қора халқ* маъносида бўлса, *гражданин* — на-
тининг ҳақиқий аъзоси, ҳурматли инсон демакдир. *Лока-*
гард дегани *илгоргина* эмас, қўшиннинг олдинги қис-
(*хировул*), *етакчи* каби маъноларни ҳам ифодалайди.
Вариант атамаси *тургина* эмас, *мақбул*, *қулай тур-*
фарқли шакли ҳамдир. *Архив* атамаси умуман, *ҳужжат-*
хона эмас, эскириб қолган ҳужжатлар сақлангани
жой ёки ташкилот, айрим шахс ёки ташкилотга таал-
луқли барча ҳужжатлар ҳамдир. *Акт* атамаси *далолат-*
номагина эмас, айрим ҳаракат, иш, воқеа ёки расмий
ҳужжат, театрда *парда*, ёхуд тантанали *мажлис зали*.
Диалог — *суҳбат* демакдир. *Мулоқот* атамасида *му-*
зара маъноси ҳам бор. Банк — *бисотхонагина* эмас,
пул ва қимматбаҳо нарсалар сақланадиган давлат бан-
ки ҳамда карта ўйинида тикилган пул ҳамдир. *Фонд* —
жамғармагина эмас, у маблағ, захира (запас), қўр,
қимматбаҳо қоғозлар, моддий ёрдам берувчи идора,
маълум мақсадда йиғилган пул ҳамдир. *Образ* — кўри-
ниш, қиёфа, сиймо, афт, башара, шакл; *депутат* — халқ
вакилигина эмас (халқ вакили ёпиқ овоз билан сайлан-
майди) у маълум вазифаларининг маълум муддатда
бажарувчи шахс; *норма* — *меъёргина* эмас, қонда,
маром, тартиб, ўлчам ҳамдир. Бу атамаларнинг ҳар
бири мазмун ва услуб турига қараб ишлати-
лади;

б) атамаларни икки шаклда бериш одатда луғат-
ларда бўлиб, матнда ҳар бир ўринда такрорлаб ўти-
рилмайди. Атаманинг бошқа тури ёки синоними қўл-
лана беради. Бу ҳол тилга олинган атаманинг нозик
маъно фарқларини очишга имкон туғдиради, жумла
услубини бойитишга ёрдам беради. Масалан: *доктор*,
врач, *шифокор*, *табиб* каби. Аммо шунинг эсдан чиқар-
маслик керакки, муҳр, штамп, расмий ва иш юритиш
ҳужжатларида, илмий мақола, дарслик, қўлланма ва
монографияларда лавҳа, пешлавҳа (вывеска) ларда
атаманинг биринчи турининг кўрсатиш керак (идора,
ташкилот, кўча номларида ҳам): Вазир, вазирлик
(министр, министерство), ёзувчилар уюшмаси (союз
писателей), меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими (отдел
охраны труда), Тошкентбошқурилиши (Главташкент-
строй), Ўзбекхорижсавдо (Ўзбекинторг), Ўзбекбалиқ-

Узба (Ўзрыба), Ўзбек озик-овқат бирлашмаси (Объединение Узбекпищепрома).

Парас атамасининг ўзбекча турларидан биринчиси (*Парас* ёки *бўсага*) асосий атама бўлиб, қолган турлари (бирор иш, ҳаракатнинг бошланиши, остонатош ва б.) оммабон услубда ишлатилади.

Русча-байналмилал атамаларнинг ўзбекчасини танлашда атаманинг маъноси, ясалиш ва турланиш хусусиятини ҳам ҳисобга олиш керак.

Масалан, агар биз *аспирант* атамасини *илмжу* деб таржима қилсак, *аспирантурани* нима деб атаймиз? Агар *диагнозни тавхис* десак, *диагностика*, *диагностический*, *диагностический* атамаларини қандай таржима қиламиз? Шунингдек, *газета* — *рўзнома* бўлса (нега кўнлик, кундалик эмас?), *журнал* атамаси *жарида* бўлса, *газетхон*, *журналхонга* қандай атама топамиз? *Характер* — *сажия*, аммо характеристика-чи? Баъзи ҳолатларда айрим ўзбекча атамалар арабча ёки тожикча ўзининг маъносини нотўғри тушунишдан келиб чиқади. Кўнлик атамаси аслида бирор нарсанинг бутун қисмларини ўз ичига олган ҳолати ва ёзуви асарларининг ўзгариши маъносида қўлланади. Бу атамани *факультет* атамаси ўрнида қўллаш нотўғри бўлар эди. *Экскурсия* фақат оддий *саёҳат* (*путешествие*) эмас, у маълум мақсадга йўналтирилган кузатув ҳамдир.

Спектор, физ. *солнечный спектор*. Бу сўзни бирор ўзбекча, арабча ёки тожикча атама билан алмаштирилса, мазкур атамадан ясалган бошқа атамаларни таржима қилишнинг иложи бўлмай қолади: *спектральный*, *спектрограмма*, *спектограф*, *спектометр*, *спектроскоп*, *спектроскопический*, *спектроскопия* ва б. Худди шунингдек, *спирт*, *спиртной*, *спиртования*, *спиртовать*, *спиртовка*, *спиртовой*, *спиртометр* ва б.

Атамаларнинг ўзбекча турини танлашда манбалар қуйидагилардан иборат:

а) *сўзлашув тилига оид атамалар*: қумтена — барқад, илгор — авангард; бошбошдоқлик — анархия, анархизм; кўҳна — арханк, арханзм; бўш ўрин — вакант, вакансия; жангари — боевик, тирноқгул — колендула, пустиринк — арслонқуйруқ; сувқалампир — водяной перо; буйимодарон — тысячилетник; мармарак — шалфей; сарикбош — пижма, чаппа — обратный; боши берк кўча — тупик; кўргазма — витрина; уйғунлаштирмоқ — гармонизация; ўнкунлик — декада; буюртма — заявка; жўнатма — посылка каби.

Ўзбек тилининг ўз ички сўзлашув имкониятлари асосида тузилган атамалар мавжуд сўзларнинг маънони кенгайтириш, торайтириш ва табақалаш (дифференциация) йўли билан рўй беради:

б) *шевачиликка оид* сўзлар ҳам атама тузишда мавжуд бўлади; синчи — эксперт; ўлдириқ — икра; эмиш — дуб; қўлмоқ — хмел; хўжағат — малина. Шеваларда кўпроқ зоология, ботаника, тиббиётга, қишлоқ хўжалигига оид сўзлар олинади. Шевага оид бой тил маҳсуллари ҳозир «Ёшлик» журнали (баъзан «Гулистон» журнали ҳам) бериб туради. (Олий ўқув юртлари филология факультетларининг I ва II курсларида диалектлогик ва фольклор экспедицияси бор. Бу экспедицияларда йиғилган (шева) тил бойликларини Тилшунослик илмий тадқиқот институти тўпласа, «Ўзбек тили адабиёти» журналыда мунтазам эълон қилиб туриш, ҳозир тузилаётган изоҳли луғатга ҳам катта материал бўларди. Ўзбеки тилида олтинчи минг сўз бор, ҳолми деювчиларнинг ҳам оғзига уриларди).

Шевага оид сўзлар адабий тилга кириб бормоқда.

Дўстлик меҳроблари идраса,
Фитна қузғунлари потраса.

(Ойдин Ҳожинов)

(идраса — ирий бошласа, потраса — потирлаб учса)

Шеваларга оид сўз ва атамалар («Ёшлик» журналы «Тил сандиғи» дан): кампал — адёл, тагир — велосипедчилдираги; карта — пластинка; очар — отвертка; зикқа — астма касаллиги; лапо — конверт; шангил — кружка; чия — ёввойи олча; қатов — кичик қоя; делагай — астарсиз чопон; жўнгарақ — пахтаси олинган чапоқ; конгилтирюпқа темир (тунука) тасма; какра — бот, ўт тури; ковармоғор — тепаликларда ўсадиган ёввойи ўсимлик; сиқма вазелин тури; чучимия — бот. ўсимлик тури; кавға — бот. (қамиш тури; канак — тандирга ўт ёқилганда тез ёнишига ёрдам берадиган тешиқ; ушлан — бот. бир хил ўсимлик; қуёнтовуқ — бот. бир хил ўсимлик, чумалай — бот. бир хил ўсимлик; буғмаки — бот. тор гиёҳи (шамоллашни даволаш учун); тапчан — ёғоч қаравот; тиктак — товони баланд туфли; жегда — астарсиз устки кийим; капач — момолар княдиган бош кийим; жипжак — дуккакли ўсимлик тури; патта — бот. қайрағочнинг бир тури; рева — бот. чўлда ўсадиган ўсимлик;

— ёпилиб ўсадиган шувоқ; учмо — вабо; шиқир-
— целлофан пакет; қомоқ — бот. оқбош (ўсимлик);
— қул арра; ёрғи — катта арра; аравак — бурунга
— аёллар беағи; чиркай — пашшанинг бир
—

и) катб-хунарға оид: ангоб (сопол идишларга ҳа-
— берадиган аралашма), сир (глазурь), ўрама (сопол
— солинган расмни ўраб олган ҳалқа), маржон,
— гулдон, қалампир, тож, сада, меҳроб,и,
— тароқча, ошиқча, санама ва б.— идишга соли-
— гул ва турли расмлар номи;

и) ўзбек ва бошқа туркий тилларнинг мавжуд ва
— лугатлари ҳамда илмий ва бадий, тарихий асар-
— қўлланган сўзлардан ҳам атамаларни тузишда
— мумкин.

— ёки туркий тили бўйича:

— бодринг шаклида тоғларда ўсадиган ўт
[ДЛТ, I, 114].

— чучило [ДЛТ, I, 155].

— оққаччиқтош [ДЛТ, 125].

— ткань [ДЛТ, I, 108].

— войсковой реестр [ДЛТ, III, 85].

— хижина [ДЛТ, I, 143].

— холодильник [ДЛТ, I, 143].

— бот. росан [ДЛТ, I, 138].

— фламинго [ДЛТ, 119].

— шакал [ДЛТ, I, 147].

— просчет [ДЛТ, 153].

— бот. мятлук, мартук [ДЛТ, I, 157].

— жилетка [ДЛТ, 1231].

— перекладина [ДЛТ, I, 134].

— зоол. мангуста [ДЛТ, 142].

— подножия горы [ДЛТ, 97].

— помёт овца [ДЛТ, I, 103].

— куница [ДЛТ, I, 109].

— бот. межжевелик [РСЛ, I, 323].

— пароль

— оқ кийик, антилепа

— сюзана

— нохина, кўза тушган парда

— оқ аччиқтош [ДЛТ, индекс].

Қадимги кўп туркий сўз ва атамалар кейинги давр-
— араб ёки тожикча сўз ва атамалар билан, кейинги
— 140 йил ичида русча-байналмилал сўзлар ва атамалар
— билан алмашди. Бунда зарур ўринда сўз ва атаманинг

асл туркча шаклини тиклаш ёки араб-тожик, русча налмилал сўз ва атамалар шаклини сақлаш муносиб сини ўйлаб кўриш керак.

Масалан: қадимги ва эски турк тилида: қорун айғоқчи; айғучи — маслаҳатчи, ўрам — кўча, қавр йўлуғ — қурбон (қил); тунак — хобхона; йатғақ — мешаб; турғоқ — кундузги қўриқловчи; ошчи — повар; кэшчи — қуш тутувчи; орду боши — сарой аъёни; бекларбеки — генерал губернатор; тамдачи — тамға қўрувчи; басқақ — губернатор; даруға — қўрғон бошлиқ; чағырчи — мусаллас тайёрловчи; сувчи — водонос; қолчи — колчанщик; кийизчи — кийиз босувчи; кун ва қон бош — қул; тарығчи, экинчи — деҳқон; пағаччи — радгор; этмакчи — нонвой; этчи — қассоб ва б. (Мисоллар Ҳ. Дадабоевнинг «Общественно-политическая социально-экономическая терминология в тюркских письменных памятниках XI—XIV вв.» (Ташкент, 1991) китобидан олинди.

д) Атамаларни тузишда манба бўлган тилларга арабча ва форс (тожик) тиллари киради. Ҳозирги кунда жуда кўп атамалар аслида эскича (арабча ва форс-тожикча) шаклига қайтди: тема — мавзу, территория — ҳудуд, доклад — маъруза, автор — муаллиф ва б.

Атамаларнинг арабча ёки тожикча турларини танлов олишда жуда эҳтиёткорлик зарур. Ҳаммага тушунарли бўлган *альбом, фонтан, корректор, транспорт, милиционер*, атамларини *мураққаъ, фаввора, мусахҳих, нақлиш, шотир деб* таржима қилиш билан биз арабча атамаларни сўзлашув ва фан тилига сингдира олмаймиз. Барибир, бу атамаларнинг русча-байналмилал шакллари қўллани беради, маъно ва талаффузга ёт бўлган бу араб атамалари барибир ўзлашмайди. Ҳаттоки, ҳозирги турк тилида ҳам *университет* атамаси *Universite, факультет — fakulta, газета тили — gazete dili, лекция — гарог* («Халқ сўзи», 11.02.1992 й.) деб аталади. Шунингдек, ҳаммага тушунарли бўлган *институт* атамасини *олий билимгоҳ* ва *дорилмуаллимун* (муаллимлар тайёрловчи олий ўқув юрти) ёки *илмгоҳ* (илмий тадқиқот институти) деган атамалар билан алмаштириш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Бу атамалар ҳатто *олийгоҳ* деб юритилади: Самарқанд тиббиёт (тиббий) бийи ёки тиббиёт?) олийгоҳи («Совет Ўзбекистони» газ., 20.XI.1990.), Москва тўқимачилик олийгоҳида, Тошкент Халқ хўжалиги олийгоҳининг доценти, Бухоро Давлат дорилмуаллимининг ўқитувчиси («Фан ва турмуш»

тери, мирт, 1900 й.). Аммо бу журналнинг шу сонида «Филология ва ҳуқуқ институтида» сарлавҳали мақола-нинг маъинишнинг маъноларидан бири — *туларжой* деб келтирилган. Аммо нега яна *манзил* атамасига *гоҳни* қўшиш керак?

5. Атамалар соҳасида, атамаларнинг ўзбекча шакл-нинг топиши борасида ҳали қилинадиган ишлар кўп. Таржимаси топилиши зарур бўлган атамалар ҳали катта даражада ташкил эгади. Бу соҳада ҳукумат қошида ишловчи Атамашунослик қўмитасининг, Тилшунослар жамияти, Атамашунослик маркази, йирик институтлар ва дорнафунулар қошида атамашунослик бўлимларининг ташкил этилиши ўзбекча атамаларни топиш ва танлашда катта ёрдам беради. Атамаларнинг ўзбекча шакллари топиш ва танлашда атама луғатлари билан шугулланадиган олим ва таржимонларнинг, айниқса, Фаиллар академияси Тилшунослик институтининг хизмати катта бўлиши керак.

Таржимаси топилиши зарур бўлган атамаларга баъзи ишоралар (бу хил атамаларни тавсиф йўли билан ифода этиш атама ўрнини босмайди):

баанка, комплекс, бар, спонсор, карточка, купон, курс, материал, тезис, радио, стандартизация, кафедра, кватирка, пост кабилар.

6. Атамаларни умумлаштириш (унификация қилиш) ва стандартлаш (бир қолипга солиш)

Атама луғатларини тузиш ва уларни қайта нашр этиш доимий жараёндир. Чунки янги ва янги атамаларни тузиш, янгилаш ва уларни бир тил ёки бир неча тиллар соҳасида умумлаштириш ва бир қолипга солиш луғатшунослар ва фан мутахассислари олдида турган муҳим вазифадир.

Атамаларни унификация қилиш, бир система ва қолипга солиниши тилнинг бойлигини ва қудратини кўрсатади.

Унификация — маълум бир соҳага ёки бир йўналиш-лиги фаилларга оид атамаларни бирлаштириш, умумлаштиришдир. Стандартлаш эса атамаларни бир қатъий қолипга солишдир. Унификация учун атамалар лексик-семантик, маъниқ ва грамматик (морфологик, синтак-тик) ва фонетик жиҳатдан тартибга солиниши — умумлаштириш керак. Умумлашган атама она тилининг (ёки тилларнинг) ички қонуниятларига мос тушиши зарур.

Умумлаштиришда атаманинг мазмунни тўлиқ ифода қилиши, кўпчилик томонидан қабул қилиниши асосга олинади. Умум томонидан тан олинган атамалар албисси дарҳол яратила қолмайди. Маълум бир тушунчанинг янги ва тўғри атама билан ифодалаш маълум бир вақтда бўлади. Бу орада бир тушунчага бир неча хил атамалар берилди, бу атамаларнинг қайси бири тушунчанинг ифодаласа, уша атама бўлиб қолади.

Атамаларнинг шаклланишидаги босқичлар:

1) Янги бир тушунчанинг пайдо бўлиши (янги бир ҳодиса, машина, унинг қисми, ижтимоий муносабатлар ва б.) билан уни тилда ифодалаш учун унга ном (атама) бериш. Бунда турли синонимик қаторлар пайдо бўлиб, ҳар бир синоним шу тушунча ёки предметнинг бирор характерли белгисини ифода қилади. Синонимия — атамаларнинг шаклланишида, унификация қилинишида, стандартланишида табиий бир жараён, зарурий бир босқичдир;

2) Айни бир тушунчага берилган турли атамалар (мас. *дотация* — ёрдам пул, қарз ёрдам, дотация) нинг бирини танлаб олиш ва умумлаштириш (унификация қилиш); бунда тушунча ёки предметнинг энг характерли томониши, вазифасини, ижтимоий моҳияти ва қимматини ифодалаган атама танлаб олинади;

3) Танлаб олинган атама стандартлашади (бир қолипга тушади).

Бу жараён мураккаб ва кўп муддатли бўлиб, мутахассислар, тилшунослар, таржимонлар ва умуман шу соҳага қизиқувчиларнинг фикри-таклифи ҳисобга олинади. Бу таклифлар (масалан, *гражданин* — *фуқаро*, *гражданин*) матбуотда эълон қилиниб, муҳокамага қўйилади. Сўнгра маълум соҳанинг мутахассислари ўз фикрини беради ва турли мутахассисликни ўз ичига олган илмий ташкилот (расмий орган) атамаларнинг умумий (унификация қилинган) шаклини (трактор: *утомоч* → *трактор*, *велосипед*; *шайтон арава* (тепки арава — *велосипед*, *самолёт*; *учма поезд* → *самолёт*, *аэроплан* каби) тасдиқлайди ва амалда қўллаш учун тавсия қилади. Тасдиқланган атама стандартлашган шакли олади ва илмда, луғатларда шу шакл жорий этилади. Тасдиқланган шаклни жумҳурият стандартлаш комитети (ЖумСК) қайд этади.

Фан соҳаси ходимлари атаманинг умумий бир шак-

ни бериладиган олдин мавжуд атамалар устида лексиконинг ишларин олиб борадилар. Бунда энг бар-
қарорли кўпроқ қўлланадиган атама шакли танлаб
олинади (жарийнинг маълум босқичида атаманинг энг
барқарор синонимлари ёки дублери — иккинчи айти тури
ни маълумот — тушултириш учун берилиши мумкин).

Атамаларни тузишда умумийликка эришиш ҳам
ушунинг унификация қилишда катта роль ўйнайди. Кўп
санли дугатларнинг бўлиши, атамаларни қўллашда маъ-
навий атамаларни ҳисобга олиш ҳам муҳим асослардан
биридир.

Истимомий ҳаётдаги яқинлик, иқтисодий, сиёсий,
маданий ҳаётдаги умумийлик, фан интеграцияси халқаро
умумий атамаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.
Ушунинг атамаларнинг умумий бир ўзакдан (юнонча, латин-
ча) келиб чиқиши ҳам атамаларнинг умумлашишига
сабаб бўлади. Шунинг билан атамаларнинг халқаро
умумий (жамғармаси) тузилади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятининг бир
қисмига келиши атамашунослик бўйича ҳам умумий иш
қилиб боришга имконият туғдиради. Агар матбуотимизда
атама қўллашда қанчалик бошбошдоқлик, чалкашлик
олиб бериётган бўлса, бошқа туркий жумҳурият матбуо-
тида бундай чалкашлик, турлилик янада кўпроқ. Тур-
кий жумҳурият олимлари биргаликда ишлаб, умумий
бир атама топсалар, халқларимиз орасида янада яқин-
лик, ҳамжиҳатлик барпо бўларди.

Бунда жамоа муҳокамасидан ташқари, айрим қим-
матли таклифларни инобатга олиш (масалан, шоиримиз
Ўркин Воҳидов *сухой закон* ўрнида *май қатагон*,
олимимиз Суюма Ғаниева *классик* ўрнига *мумтоз* ата-
масини таклиф этади) ва қўшни туркий халқларнинг
тажрибасини ўрганиш катта фойда келтиради. Масалан,
туркийжонликлар *топонимика* ўрнида *ер адлари*, *шо-
фёр* ўрнида *суручи*, *остановка* — да *ечначаг* атамасини
қўллашди. Турклар *учағ* (самолёт) ва *kültür* (культу-
ра), *Sirküler* (циркуляр), *kongres* (конгресс), *formu*
(форма), *fakultä* (факультет), *Sekretj* (секретарь), *adres*
(адрес) атамаларини ўз шаклида сақлайди.

Сўз тузилиши

Сўзлар тузилишига кўра уч хил бўлади.

1. Содда сўзлар. 2. Қўшма сўзлар. 3. Жуфт сўзлар.

1. Содда сўзлар туб ёки ясама бўлиши мумкин. Ёлғиз ўзакдангина таркиб топган сўзлар **туб** сўзлар бўлади: нон, қалам, дафтар.

Ясама сўзлар бирор ясовчи аффикслар ёрдами билан ясалган янги сўзлардир. Ўзбек тилидаги ясовчи аффикслар ўз ва ўзлашма (бошқа тилдан олинган) турларга бўлиниб, улар ёрдамида янги сўзлар ясалади: — *чи* (ишчи, қизикчи), — *дош* (сифатдош, қўлдош), — *кор* (хизматкор), — *хон* (китобхон), — *дор* (ҳосилдор), — *чи* (механик, кўрик), — *итс* (*идеалист*), — *хона* (устахона) ва б.

2. Қўшма сўзлар икки ёки ундан ортиқ ўзакларнинг бирикувидан ясалади, белбоғ, гултожихура ва б.

3. Жуфт сўзлар икки ўзак ёки сўзнинг қатор (жуфт бўлиб) келишидан ясалади: қозон-товоқ (рўнгор), ота-она (қариндошлик), ошна-оғайни (яқинлик) ва б.

Баъзи қўшма сўзлар қисқартма бўлади: атамақўм (атамашунослик қўмитаси), Ўздавнашр (Ўзбекистон давлат нашриёти), МДХ (Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги), ЎзДД (Ўзбекистон давлат дорилфунуни), ЎзФА (Ўзбекистон Фанлар академияси) ва б.

Сўз туркумлари

Ўзбек тилида сўзлар қуйидагича туркумларга бўлинади: **От** (Китоб, Салим), сифат (қизил, катта), сон (бир, бешинчи), олмош (сен, бу, ҳамма), феъл (ёзди, келади, боряпти), равиш (тез, бугун), модал сўзлар (кошки, эҳтимол), ёрдамчи сўзлар: 1) юкламалар—*у/ю*, —*ку*, 2) боғловчилар—*ва*, —*ки*, —*аммо*, 3) кўмакчилар—*учун*, *каби*, 4) ундовлар (ҳай, кишт), 5) тасвирий сўзлар (ялг-юлт, тақ-тақ).

От туркуми кслишик, эгалик, кўплик категориялари билан турланади, феъл замон, шахс, майл, даража категориялари билан тусланади.

2-§. СИНТАКСИС

Узбек тилида сўзлар бирикиб, сўз бирикмалари ва гапларнинг ташкил этади.

Сўз бирикмалари — тобе (яхши одам, тез келди) ва китоб (китоб ва дафтар олди) бирикмалардан ташкил топади.

Гаплар мазмун ва оҳангга кўра: дарак (дарс бошланди), буйруқ (дарсга етиб кел!), сўроқ (дарсга келдингми?), ундов (ғолибларга офарин!) гаплар турига бўлинади.

Гап бўлаклари. Гаплар бош ва иккинчи даражали бўлаклардан ташкил топади. Бош бўлакларга эга ва билим (китоб — билим манбаи), иккинчи даражали бўлакларга аниқловчи (бизнинг мактаб, чиройли гул), тўлдирувчи (китобини олди, хатга қаради, холлар (кеча келди) киради.

Бош ва иккинчи даражали бўлаклардан ташқари, танаффусланиб ажратилган бўлаклар (исми Барлос — *содда, динозор*), ундолмалар (келинг, *ўғлим*), кириш сўзлар ва сўз бирикмалари ҳамда гаплар (*афтидан*, сизга бу гап маъқул келмади; *бир томондан*, сиз ҳақсиз; *омон бўлгур*, тинч қўлоқ сол) ҳам бўлади.

Х Б О Б

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ ЕЗМА УСЛУБИ ҲАҚИДА

1-§. УСЛУБ ТУРЛАРИ

Услуб — бу маълум сўз, сўз бирикмаси ёки гапнинг (кўпроқ фразеология, содда гапнинг сўроқ, буйруқ, ундов турлари, интонация ва морфологик категориялар ва б.) бадий бўёқ олиши — экспрессивлиги, эмоционал-лиги, шахсий муносабат билдиришидир. Шунинг учун ҳам морфологик ва лексик категорияларнинг ҳамда синтактик конструкцияларнинг услубий бўёқ олиши кон-венцияда, гапда билинади. Шунинг учун ҳам гап услуб ҳақида борар экан, сўз, қўшимчалар, сўз бирикмаси ва гапнинг қўшимча бўёқ олиши, шу билан қўшимча маз-мун ифодалашни устидагина фикр юритиш тўғри бўлади. Аниқ, масалан, «Ўзбек тилининг стилистикаси» ўқув қўланмасида берилган маълумотнинг учдан иккиси лексик ва грамматик категорияларнинг ўзини изоҳ-лашга қаратилган. Ваҳоланки, бу лексик ва синтактик категориялар ўзбек адабий тилига онд илмий ва

амалий лексика ва грамматикаларда батафсил ўрганилган. Бу ҳолат баъзи бир докторлик диссертациялари ҳам учрайди. Услубшунос маълум услуб турини тўғри тўғри воситалар ва ёзувчи ёки сўзловчининг айтилган фикрга модал муносабатини ўрганиши керак.

Услуб — сўзловчининг, ёзувчининг ифодаланаётган фикрга, хабарга, воқеа, ҳодисага, шахс ёки предметга шахсий ёки бошқа бир шахснинг (ёки предметнинг) муносабати, жумладан ифодаланган қўшимча субъектнинг фикрдир. Шунинг учун ҳам услуб муаммолари ҳақиқат тил фанининг ҳамма соҳалари бўйича маълумот берилгандан кейин алоҳида фан сифатида ёки грамматиканинг бир бўлими сифатида фикр юритилади. Шунинг учун машҳур филолог олимлар таърифлагандек, «Услуб филология фанининг тожи, тилшунослик ва адабиётшунослик фанларининг юқори босқичи» (А. В. Степанов), «...ҳар бир тараққий этган тилнинг қалби» (Р. А. Буагов). «Услуб — бу талант» (В. Г. Белинский).

«Сўз барча фактлар, барча фикрлар либосидир» (М. Горький). «Агарда бирор нарсани аниқ ифодала олмас эканмиз, бунда тилимиздан эмас, балки ўқувчи маҳоратимиздан гина қилишимиз керак» (М. В. Ломоносов). «Хатининг худ ташвиш билан ўқиса бўлади. Мундан нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз билан бит, ҳам сенга ташвиш озроқ бўлур, ҳам ўқувчининг» (Бобир ўғли Ҳумоюнга ёзган хатидан). «Ҳақиқий лиригайришуурий равишда у ёки бу сўз ва иборани рад қилишда эмас, балки мутаносиблик ва мақсадга мувофиқликни сезишдадир» (Пушкин).

Ҳақиқатан ҳам маълум сўз ёки иборанинг у ёки бу ўринда ишлатилишининг мувофиқлигини амалда, контекстда улуғ ёзувчининг юксак диди пайқай олади.

Услубият нутқ маданиятининг қисмларидан биридир. Нутқ маданияти ўрта ва олий ўқув юртларида алоҳида фан сифатида ўқитилиши мақсадга мувофиқдир. Бунда услубият, унинг ёзма ва оғзаки турлари асосий бўлиmlаридан бири бўлиб қолади.

Тилнинг функционал услуб турлари адабий тилнинг қанчалик кенг доирада қўлланишига, унинг ишлангани ва мукамаллигига боғлиқ. Бу жиҳатдан ўзбек адабий тили ўзининг деярли бир ярим минг йиллик тарихига эга. Ёзма ёдгорликларда услубнинг деярли ҳамма соҳалари бўйича иш олиб борилган. (Ўрхун битиклари. Навоий ва Бобир асарлари, ўтган даврлардаги ижтимоий-адабий муҳитга оид ёзма манбалар).

Адабий ўзбек адабий тили янада мукаммаллашган, ҳозирда аниқроқ кенгайган. Аммо ҳозиргача ўзбек тили адабийлигининг шаклланиш босқичлари белгиланмаган бўлиб қолган. Услубият фанининг ўзи ҳам эндигина шаклланишда бўлиб қолган. Ёзма услубнинг назарий масалалари устида маълум даражада иш қилинган бўлса-да, адабий адабийлиги устида ҳали тўлиқ бир қўлланма ёки қўлланма яратилмаган. Шу сабабли бўлса керак, ёзма услубнинг нутқимиз қуруқ, нурсиз, ширасиз бўлиб чиқиб кетди. Ёзма ва оғзаки нутқни қайси услубда қилиш билмай қоламиз: бир қўлланмадаги стандарт жумлавлар, бундан олдин ҳам берилган, сунъий ибораларга қўйиб қўйиб («қўлга тажовуз қилинсин!»).

Адабийлиги ва тилшунослар олдидан турган муҳим масалалардан бири адабий услуб билан нутқ услуби ўртасидаги умумий томонлари ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш. Адабий адабийлиги услубият лингвистик услуб билан фарқланади. Аммо ҳар икки соҳа учун умумий нарса — бу тил материалidir.

Тилшунослар услуб тушунчаси олдидан нутқ услубини, адабий тил услубини тушунади. Сўзни, маълум бир услубнинг маъмуни, йўналиши, гоёсига мослаб ишлатилиши — бу адабий услуб билан боғлиқ нарсалар. Асарнинг тили айтилмоқчи бўлган гоёни рўёбга чиқишига қўлдан берилади, асар қаҳрамонларини характерлайди. Шунинг учун ҳам адабийлиги услуб билан тилшунослар олдидан маълум муаммони ўрганишда хусусий ва умумий томонлар бўлади. Шунга кўра, олимлар услубни уч қисмга бўлиб ўрганишни маълум топадилар: функционал (амалий) услубият, турли адабий жанрлар, адабий услублар йўналишини ҳамда ёзувчи услубини ўрганиш услубини, оғзаки ва ёзма нутқни тадқиқ қилувчи услубият. Бу ҳолат адабий услуб муаммолари (туғрилиги, нутқ маданияти) адабийлиги услуб билан тилшунослар олдидан ишлайдиган алоҳида бир соҳа, алоҳида фан эканлигини кўрсатади. Ана шундай адабий услуб билан лингвистик услуб орасидаги фарқлар ва умумий томонлар намойиш бўлади.

Ўзма ва оғзаки услубнинг ҳам объекти фонетика, лексика, грамматика бўлиб, модал муносабатларини аниқлашувчи фонетик, лексик, грамматик, фразеологик аспектларини ўрганади, у ёки бу модал муносабатни модалда қайси бир восита устун ва мукамалроқ қилишни кўрсатади ҳамда бу усулдан фойдаланиш йўлини ўргатади. Бинобарин, услуб сўз санъати, фикрий ва

модаль муносабатларни ифодалаш учун энг мос шундан фойдаланиш йўлини кўрсатувчи илмдир. Бу фонетик, лексик, грамматик, фразеологик материалдан ташкил топади. Шунинг учун ҳам услубият тили ҳамма тармоқлари билан боғланган.

Маълумки, адабий тилнинг, услубнинг ўз меъёри бормас. Бу меъёр адабий тилнинг фонетик, лексик, грамматик, фразеологик қондалари асосида тузилади. Назарий амалий услуб ҳам ана шу меъёр қонун-қондалари асосланади. Ҳозирги кунда фонетика, грамматика, лексика, фразеологияга онд бир қатор илмий тадқиқотлар, дарслик ва қўллашмалар яратилган бўлса ҳам, адабий тилнинг қатъий нормаларини ўз ичига олган амалий бир иш яратилган эмас.

Функционал (амалий) услуб турлари

Айтиб ўтилганидек, сўз ва иборанинг асл ва қўшимча маъноси жумлада, контекстда билинади. Контекст ва текст тилнинг ижтимоий функциясига мослашади. Инсоннинг ижтимоий вазифасига интонация, сўз, ибора ва жумлалар ҳам мослашади. Замон ўтиши билан ҳар бир касбнинг, ҳар бир тоифанинг ўзига хос сўзлари, иборалари ва жумлалари шаклланади. Инсоннинг фаолияти турлилашган сари унинг нутқи ҳам табақаланади, ҳар соҳанинг ўзига хос тил хусусиятлари — ўз услуби пайдо бўлади, у шаклланади ва тобора мукаммаллашади. Бу шаклланиш ва мукаммаллашишида она тилининг ички имкониятлари, бошқа тилларнинг таъсири, ижтимоий ҳаёт (экстралингвистик факторлар) катта роль ўйнайди.

Тилшунослик фанида услубнинг турлари тўғрисида турли фикрлар мавжуд.

Энг аввало услубнинг икки катта гуруҳи — оғзаки ва ёзма услуб мавжуд бўлиб, функционал (амалий) услубнинг ҳар тури ана шу икки кўринишда намоён бўлади. Оғзаки нутқ услуби адабий ёзма нутқ услубига нисбатан кенгроқ бўлиб, ўзининг алоҳида турлари (умумсўзлашув тили ва шевачилик) ҳам бўлади.

1. *Оғзаки нутқ услуби.* Оғзаки нутқ, агар маълум бир модаль муносабатларни ифодалаш учун асос бўлса, услуб фанининг объекти бўлади. Бу ҳолат — гап бўлаклари тартибining «бузилиши» билан, содда тўлиқсиз гапларнинг бўлиши, диалогик нутқнинг мавжудлиги билан характерланади. Шуниси характерлики, оғзаки нутқнинг баъзи шакллари ёзма нутқда ҳам ўз ўрнини топади, нормалашади: *келувди* (келиб эди), *келарди*

турлари. Одатий нутқ услубида қисқа ҳажмли боғ-
ланма қўшма гаплар кўп ишлатилади, бадний воси-
та (маъно) ҳам қўлланилади. Айниқса, кўп маъноли
(математика) сўзлар кўпроқ иштирок этади. Натижада
бадний услубида на аския шаклланади. Аския айниқса
бадний услубнинг аҳолиси ўртасида кенг тарқалган.
Одатий услубнинг, бироқ нутқ расмий — иш юритиш ва ил-
мий услубда қўлланимайди.

3. Бадний услубнинг турлари асосан қуйидагилардан

1. Илмий услуб. 2. Оммабоп (публицистик) услуб.
3. Бадний — иш юритиш услуби. 4. Илмий услуб. 5. Но-
ма (ораторлик) услуби. 6. Расмий-китобий услуб.
7. Адабий услуб.

Бу услубда ҳар бир нутқ услуби ўзининг ички турла-
рига эга бўлишини ҳисобга олиш керак. Масалан,
илмий услуб лирик, лирик-романтик, шартли-символик,
шартли-аналитик, сатирик (ҳажвий) услуб каби турча-
ларга бўлинади. Адабий жанрнинг ҳар қайси тури
лирик, прозаик, драма асарлари, ҳар бир ёзувчининг
ушбу услуби ва ҳ.к.) умумий ва ўзига хос восита-
ларга эга бўлади.

Шунингдек, илмий услуб илмий-оммабоп турга (маъ-
навий илмий тушунчаларни оммабоп қилиб тушунтириш
ва б.ш.) эга бўлиши ҳам мумкин. Оммабоп (публи-
цистик) услуб бўлса, ўз навбатида, газета, журнал,
радио, телекўрсатув тили каби турларга бўлинади.

Шу билан бир хил услубнинг айрим турлари ёки
иш турлари бошқа услубда ишлатилиши ҳам мумкин.
Адабий, сатирик (ҳажвий) услуб бадний услубда ҳам,
оммабоп услубда ҳам қўлланади.

Айрим илмий адабиётларда бетараф (холлис, нейт-
рал) услуб ҳам алоҳида тур сифатида ажратилади.
Бетараф услубда маълум воқеа-ҳодисалар тўғрисида
маъно (объектив) фикр билдирилади, унда экспрессив
маъно ифодаланмайди. Демак, бетараф услуб алоҳида
услуб типига эга олмайди ва турли услубларнинг
ишлатилишида асос (база) бўлади.

Умуман услубнинг функционал турлари умумхалқ
эътиборининг бир қисми бўлиб, кишилар фаолиятининг маъ-
навий бир соҳасида қўлланилган ўзига хос тил-
вири.

Ишбилдиришнинг ижтимоий фаолияти қанча хилма-хил
бўлса, функционал нутқ услуби ҳам шунчалик табақа-

ланади, турлича бўлади. Ўзбек халқининг таълим олимлари азалдан илм-фан билан шуғулланиб келишди. Улар дунё аҳлига манзур бўлган назарий ва амалий фикрларни баён қилдилар, уларнинг ёзган китоблари орқали Европа халқлари ҳам юксак фан медаллари баҳраманд бўлдилар. Демак, илмий услуб ўзбек тилида аллақачонлар пайдо бўлган, шаклланган. Юксак билим асарларида (турк-рун ёдномалари, М. Қошғарий, М. Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Алишер Навоий ва б.ш.) илмий услубнинг турлича нозик шакллари пайдо бўлди. Шу асосда нотифик услуби шаклланди. Туркий давлати маҳкамаларида, ҳуқуқий идораларда, расмий — иш қилиш услуби қўлланди, тобора шаклланди. Ўмий (публицистик) услубнинг асослари Навоий даврида бошланиб, XIX аср иккинчи ярмидан бир қатор газет ва журналлар нашр этилиши билан бу услуб шаклланиб мукаммаллашди.

Демак, ижтимоий ҳаёт, инсон фаолияти қанчалик мураккаблашса, янги-янги ижтимоий фаолият турлари келиб чиқса, ана шу янги ижтимоий фаолиятга мослашган сўз, сўз бирикмалари пайдо бўлади ёки мавжуд бўлган сўз бирикмалари унга мосланади — янги бир услуб шакллана бошлайди.

Кўп услубий воситалар, одатда, бир неча услуб турларига хизмат қилиши мумкин. Шунинг учун матнда бир услубга оид матн таркибида бошқа услуб воситаларининг бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда аралаш услуб тури шаклланган бўлади (масалан, фразеологик бирликлар оммабоп, бадний, ёзишма ва нотифик услубларида қўлланиши мумкин).

Аралаш услубнинг шаклланишида, бевосита тил материалларидан ташқари экстралингвистик факторларнинг роли катта бўлади. Бадний восита сифатида лексик, грамматик, фонетик, фразеологик категориялар хизмат қилиши мумкин. Бадний воситалар ҳам динамик ҳолатда бўлади, замонлар ўтиши билан ўзгаради ёки мукаммаллашади. Масалан, эски ўзбек тилида бадний восита бўлиб хизмат қилган *ашғор* атамаси ҳозир қўлланмайди ёки қўлланса ҳам, пассив ишлатилади. Шунга кўра, бадний воситалар **актив** ва **пассив** гуруҳларга бўлинади. Актив бадний воситаларга эмоционал маъноли сўзлар, синонимлар, метафора ва бошқалар кирса, пассив воситаларга арханизм, историзм, диалектизм, профессионализм, жаргонизмлар мисол бўлади. Пассив воситалар ҳам экспрессив-эмоционал тусга эга бўлади.

Бадний услуб

Бадний услуб — бадний адабиётда, унинг турли шаклларида қўлланадиган ўзига хос тил ифодасидир. Бадний услуб асар гоёсига, мазмунига, йўналишига қараб шаклланиб бадний услубни келтириб чиқаради. Бадний услубда тилнинг бадний воситалари билан асарнинг иррадиалоник бирликлар ҳам қўлланадики, бу услубнинг илмий услубда одатда ишлатилмайди. Бадний воситалар тилнинг энг характерли белгисидир, бадний жумлалар ўқувчига эстетик завқ беради, маъно ва образлар орқали воқеа, ҳодисаларнинг ривожини кўрсатади.

Бадний услубнинг ҳар бир ички тури — проза, поэзия, драма, повесть, дoston, фантастика, фелъетон ва бошқа бадний воситалар билан бирга, хусусий томонларга эга бўлади. Жаҳрнинг тури ўзига мос услубни талаб қилади.

Бадний услубда қўлланадиган асосий воситалар бадний тил воситалари — ўхшатиш, эпитет, метафора, асарнинг алегория ва бошқалар бўлиб, матнга баъзан қўйилади, шунингдек образли сўзлар — *ораз*, *чех-челпан*, *дидир*, *кошона* — юксак бадний абразлар яратиб, асарнинг оммабop сўзлар — *бояқиш*, *жичча*, *тирран* — асарнинг персонажларини характерлашда муҳим роль ўйнайди (бундай сўз ва иборалар расмий — иш юритиш услубида қўлланилмайди). Бошқа услубга хос воситалар бадний услубда ишлатилса, кўчма мазмун, услубий асарга айланиди. Услубий маъно асосий маънодан келиб чиққан, унга исосланади.

Бадний илмий оғзаки услубда шевага хос сўзлар, вульгар сўз ва иборалар, варваризм, паразит (ортиқча) сўзлар (*иммо*, *лекин*) воқеа ва персонажнинг характерини учун қўлланади.

Оммабop (публицистик) услуб

Оммабop услуб ўзининг ҳозиржавоблиги, таъсирчанлиги, кундалик ҳаёт ҳақида тезлик билан хабар бериши билан характерланади. Бу услубда фикрнинг мантикий равишда илмий ва объективлиги экспрессивлик ва ижтимоий воқеа орқали ифодаланади.

Бу услубда ўқувчининг диққатини жалб этиш учун асарда бop воқеа қизиқ ва муҳим бир ҳодисадан бошлаб боради. Шунинг учун ҳам оммабop услубда жумлалар

қисқа ва таъсирли иборалардан ташкил топади. Шунинг учун адабий услуб — одатда газета, журнал, радио, телекўрсаткичи, унинг оғзаки шакли — маъруза ва хабарлар, репортаж, бошмақола кабилардан иборат бўлади. Адабий услубнинг учун ҳам оммабоп услубда бошқа услублар (илмий-оммабоп, расмий — иш юртиш, бадий) бўлиши табиийдир. Аммо оммабоп услубда ҳам қисқа ҳажмда бўлиши шартлилиги (баъзан асарлардан кичик парчаларгина келтирилиши ёки ҳажмли бадий асарлар берилиши) материалнинг таъсир этади: жумлалар бир қилингандаги сўз ва иборалар орқали ифодаланади. Шунинг учун асосий услублари оммабоп услубдан бошланиши ҳам мумкин. Бу ҳолат оммабоп тарғибот воситаларининг тарғиб ортиқча қилинганда солиниши, сунъийлаштирилиши мумкин. Шунинг учун оммавий восита ходимлари, журналистлар, муҳаррирлар ҳар бир материалнинг тарғиб синчиклаб таҳрир қилини шарт бўлади. Таҳрир шунинг учун ҳам зарурки, оммабоп воситалари адабий тилнинг мукаммаллашишида, турли услубларнинг шаклланишида катта роль ўйнайди.

Маълумки, 1875 йилда биринчи бор оммавий тил «Туркистон вилоятининг газетаси» нашр этила бошлади. Кейинроқ бошқа хил газеталар, журналлар ҳам нашр этилди. Биринчи бор бу матбуот органларида туркий сўз иборалари, қўшимчалари қўлланди, кўплаб рус тили орқали европача ижтимоий-сиёсий сўз ва иборалар қўллана бошлади. То 20-йилларнинг охиригача қадар тил сиёсати соҳасида бўлган курашлар, 30-йилларда эса ижтимоий-сиёсий ва илмий сўз ва атамалар устидаги тортишувлар матбуотда ўз аксини топди. Хуллас, матбуот ижтимоий ҳаётнинг кўзгуси бўлди. Фақат 40-йилларга келиб, адабий тил ҳам нутқ услублари ҳам барқарорлашди, сунъий ортиқча тил ҳодисалари тушиб қолди, прогрессив ҳодисалар адабий, илмий услубда ўз ўрнини топди.

Оммабоп услубда жумлалар бир-бири билан маънавий қан боғланиши, ҳолис (объектив) бўлиши керак. Бу услуб учун характерли бўлган бир қилинган (стандартишган) сўз ва иборалар, бадий тил воситалари ҳам қўлланади, сўз ва атамалар омма тушунадиган маънода ишлатилади. Воқеа ва ҳодисалар образлар орқали эмас (метаморфоза) бевосита қабул қилинади.

Умуман, оммабоп услубни характерловчи восита ижтимоий-сиёсий атамалар бўлиб қолади.

Ушбу услубни ўзига хос бўлган лексик восита-
ларнинг тасвир куч, сийсий иқлим, иқтисодий те-
васуи, сийсий, партия ва б.

Ушбу услубни шакллантирувчи воситалар махсус
лексик лексика ҳамда бошқа тиллардан (асо-
сан рус тили орқали Европа тилларидан) сўз
ларни қўлланадиган, грамматик воситалардан фойда-
ланиб тилдаги сўзларга бошқа маъно бериш
(масалан, йўли билан рўй беради). Ижтимоий
ҳаётнинг иш услубининг турли соҳаларига оид сўз-
ламалар) оммабон тушунчаларни ифодалаб, маз-
мунини шакллантирувчи воситага айланадилар:
танк (ҳарбий), артерия, касаллик, гип-
ертоний, соҳна, қўғирчоқ (санъат), пойга, рекорд,
вазифа (спорт). Услубнинг бошқа турига оид
лексик воситалар маъноларини ўзгартириш йўли билан
ушбу услубнинг характерловчи белгига айланадилар.

Расмий иш юритиш услуби

Расмий иш юритиш услубига ҳисоб-статик органла-
рнинг суя, админ, гражданлик ҳолатини қайд этувчи ва
ишлар, прокуратура, ички ишлар ва бошқа
органларнинг, идора, муассаса, ташкилотларнинг,
ташкилотларининг ва айрим шахсларнинг рас-
мий иш юритиш ҳужжатлари ва ультиматум, нота, қа-
рар, фармон, кўргазма, қўлланма, конституция, ҳукм,
қарар, шартнома, тавсия, тавсиф, изоҳномалари ва
қарар, ишонч, ахборот, мажлис баёни, тилхат, ёзиш-
ма, тарғибли ҳол, ишончнома, гувоҳнома, эълон,
қарарнома, ҳисобот кабиларнинг тил хусусиятлари
бўлади.

Расмий иш юритиш ҳужжатларининг кўпи аввалдан
қўллана келган, баъзилари (ариза, тилхат, ишончнома,
қарарнома каби) кейинги даврларда — асосан XIX
асрнинг ирмидан қўллана бошлади. Маълум ҳуж-
жат намуналари ҳаётдаги ўзгаришлар туфайли пайдо
бўлади. Бундай ҳужжатларнинг тил услубининг шакл-
ланишида рус тилидаги айни ҳужжатларнинг услуби
намуна бўлади. Расмий услубнинг ички турини ташкил
ловчи бу ҳужжатларнинг тили бир-биридан фарқ қи-
лмайди. Шунинг учун ҳам уларнинг услубини, тил хусу-
сиятларини ўрганиш муҳим вазифалардан бири бўлиб
қолди.

Расмий иш юритиш услубининг хусусиятларидан
бири — унда бадиий тасвир воситаларининг бўлмаслиги,

маълум бир қолипга тушган стандарт иборалар ва қий штамплар қўлланиши орқали бўлади («Мен қарор қилди», «Берилди ушбу маълумотномани тўғридаким...», «Мен, фалончи, фалон йили, фалон да туғилдим», «Буюраман», «Томонлар қўйилди» келишдилар» ва б.).

Баъзи расмий ҳужжатларнинг тузилиши:

А р и з а.

1. Қарга ёки кимга. 2. Ариза ёзувчининг турар жойи, лавозими, исми, ота исми, фамилияси. 3. Ариза матни. 4. Сана, 5. Имзо.

И ш о н ч н о м а.

1. Ишончнома матни. 2. Ишончноманинг амал қилиш муддати. 3. Сана 4. Имзо. 5. Ишончнома берувчи шахснинг имзосини расмий идора кадрлар бўлими тасдиқлаш. 6. Идора муҳри ва сана.

М а ж л и с б а ё н и (протоколи).

1. Муассаса номи. 2. Сана. 3. Мажлис баёни рақами. 4. Йиғилиш жойи. 5. Йиғилиш раиси, котиби, қатнашувчилар. 6. Матн (қун тартиби, эшитилди, сўзга чиқишлар, қарор қилинди). 7. Имзолар (раис ва котиб).

Т а к л и ф н о м а.

1. Номи (таклифнома). 2. Матн (тадбирнинг маъмури, санаси, вақти ва ўрни). 3. Имзо.

Т а р ж и м а и ҳ о л.

1. Ҳужжатларнинг номи (таржимаи ҳол). 2. Матн (муаллифнинг исми, отасининг исми, фамилияси, туғилган йили, куни, ойи, жойи, ота-онаси тўғрисида маълумот, иш ва ижтимоий фаолияти, оилавий аҳволи, турли жойи). 3. Сана. 4. Имзо.

Э ў л о н.

1. Номи (эълон). 2. Вақти, ўрни. 3. Матни. 4. Имзо (идора ёки айрим гуруҳ).

Илмий услуб

Илмий услуб — фаннинг турли соҳаларига оид бўлиб, унда атамалар ва формула, теорема, аксиомаларнинг аниқ ва объектив ҳолда баён ифодаланиши, ҳамма ўринда бутун матн далил-исботдан иборат бўлиши билан характерланади. Илмий услубда жумлалар орасида

бадний Нотиқлик сезилиб туради. Энг талантли ва таълимли олимларгина огир ва мураккаб фикрни ба-
дний воситаларидан фойдаланиб изоҳлашга қодир
бўлади. (Шинштейннинг физикага оид асарлари ва
тасвирий санъатлари, оммага тушунарли тилда — тасвирий
санъатлари ҳам қўллаб, бадний ва оммавий услуб
воситаларидан фойдаланилади, оммага тушунилмайди-
ми атамалар қўлланимайди ёки улар изоҳлаб берилади.
Агарчи оғинда услубдаги ранг-баранглилик илмий
услуб учун характерли эмас, у факультатив бир ҳоди-
са, ҳар бир фан ўзига хос тил хусусиятлари билан
факкультатив нарий услубни ташкил этади.

Бадний услубнинг асосий хусусияти фикрни аниқ,
шарҳлаш ва ҳолис ифода этишдан иборат. Шунинг учун
бадний услубда ўхшатиш, эпитет, метафора, поли-
тонимия каби бадний воситалар қўлланимайди, моно-
тонимия (бир маъноли) сўзлар, атамалар, мавҳум маъноли
сўзлар ишлатилади. Гаплар эса икки составли ва кўпин-
да боғланган ва эргаш гапли қўшма гаплардан иборат
бўлади.

Нотиқлик услуби

Нотиқлик асосан кўтаринки сўз ва сўз бирикмалари,
кўтаринки сўроқ гаплар, мураккаб қўшма гаплар воси-
талари билан ифодаланади. Нотиқлик услуби тарихан
шарҳлаш услуб бўлиб келган ва у «публицистик (по-
литик) стилнинг оғзаки турига киради» дейиш тўғри
бўлади.

Расмий китобий услуб

Расмий мақола ва монографиялар, дарслик, қўлла-
ниш, рисодалар ҳам ўзига хос услубда ёзилиб, ҳар бири-
нинг ўз услуб воситалари бўлади.

Аралаш услуб

Ҳар хил услубга оид воситалар аралаш қўлланиши
мумкин. Масалан, лексик, фразеологик, бадний восита-
лар, шепачилик ва бошқа воситалар аралашиб қўл-
ланиши мумкин, асарлар турли услуб хусусиятларини
ўз ичига олгани учун ҳам алоҳида услуб тури — ара-
лаш услубни ташкил қилиши мумкин.

Ҳар бир услуб турини услубий бўёқ (эмоционал, экспрессивлик) яратувчи воситалар шакллантиради.

Езма нутқ услубларни тилнинг фонетик (оҳани, пауза, чўзиқлик ва қисқалик), лексик (кўчган маъно сўзлар, эмоционал маъноли сўзлар, синонимлар, фразеологик бирликлар), грамматик категориялар (инфинитив, морфологик ва синтактик категориялар, сўроқ, буюртма ва ундов гаплар), параллел (мувозий)лик, такрорлар, сўз семантикаси (сўз маъносининг кўчиши, антиципация, эллипс, градация, полисемия, коннотация) орқали қиёс қилинади.

Албатта, ҳар қандай лексик ва грамматик категория ва фонетик ҳодисада ҳам асосий маънодан ташқари эмоционал (мода) маъно ҳам бўлиши мумкин. Масалан, ҳолат экстралингвистик талаблар (контекст, ситуация, мимика, бошқа тиллар таъсири) асосида рўй бериши мумкин. Тилнинг бой имкониятлари орқали бўлишсиз шайлар бўлишликни («бормай қўймайман»), шарт феълли ишларни, буйруқ илтимосни, кўплик бирлигини («Дадимдан келдилар») ва бошқалар ифодаланиши мумкин.

Аммо баъзи феълларнинг лексик маъносидан унчалик бий (мода) мазмун англашилмиб туради.

Эрур бас чу ҳусни малоҳат сенга,
Ясанмоқ, безанмоқ не ҳожат сенга.

(Навоий).

Албатта, сўзнинг эмоционал маъноси унинг асосий маъносидан келиб чиқади, шу асосий маънога асосланади.

Бу жиҳатдан услубий бетараф сўзлар (масалан, станция, сув, нон ва б.) орқали маълум талаблар асосида модал муносабатлар ифодаланиши (услубий бўлиши) мумкин. Масалан: *нонимизни* еб юрибмиз, *аппетити* ласи йўқ каби.

Албатта, услубий бетараф сўзларнинг услубий маънолиши аввало экстралингвистик факторларга боғлиқдир. Экстралингвистик факторларга ижтимоий шароитнинг ўзгариши, ижтимоий-тарихий ўзгаришларнинг рўй бериши, бошқа тилларнинг таъсири каби ҳодисаларнинг олиш мумкин. Бошқа тилларнинг таъсири бевосита бўлиши ёки бу таъсир она тилининг ички имкониятларини кенгайтириб, янги синонимик қаторларни келтириб чиқариши мумкин. Бу таъсир маълум давр, ижтимоий-сиёсий шароит билан, адабий тилнинг шакли билан боғланган. Баъзан чет тил таъсири билан юзага келгани

...дан бирининг қўлланиши пассивлашади ва ... ушбу услубий маъноларни ифодалаш учун ишлатила ... Масалан: *тушқунлик* — *таназзул*, *тутан* — *иттифоқдан* — *иттифоқо* каби.

... Навоий даврида ўзбек адабий тилига форс ... ва араб тилларининг таъсири катта бўлди: ... ва иборалар кириб келди. XIX асрнинг ... риндан беш рус тилининг таъсири тобора ортиб ... Натияжада ҳозирги кунда ижтимоий-сиёсий ата- ... 20 фонзани рус ва рус-байналмилал сўзлар ... эъло (бундай сўзлар — атамалар 1923 йили ... тилини ташкил этар эди), рус-байналмилал атамал- ... ишонқас аниқ фанларда кўпроқ — 80—95 фонзани ... эъло. Рус тилидан бутун бир гап конструкция- ... иборалари ўзбек тилига кальки қилинади. Маса- ... шаваланади — формируются, кальки қилиш/каль- ... — калькировать, услубий бўёқ — стилистическая ... роль уйнади — сыграл роль, ўз аксини топди — ... свое отражение, ўз ўрнини топди — нашел свое ... бу ёки у — того или другого, қизил ип бўлиб ... проходит красной нитью, меҳнати меvasидан ... бўлиш — пользоваться плодами своего ...

... ҳолларда рус тилидан калькилаштириб олин- ... ва ибораларининг айримлари алмаштирилади.

Шундай қилиб, услубий маъно орқали эмоционаллик, ... бандо бериш каби мазмун муносабатлари ... Аммо бу ҳолат грамматик категориялар ... тарт эмас. Масалан: кўплик категориясининг хур- ... унинг кўплик маъносидан келиб чиқ- ...

... тил материали 3 катта гуруҳга бўлинади:

1. Гап ва оғзаки путқ учун умумий бўлган тил ҳодис- ... китоб, дафтар, колония, дўкон ва б.

2. Гап путққагина хос бўлган тил ҳодисалари: ... тиллиқли. Айрим атамалар, расмий ҳужжатга ... ва иборалар.

3. Оғзаки путққа хос бўлган тил ҳодисалари: шевага ... сўзлар: бет (юз ўрнида), жиндак *озгина* ўр- ...), *жа-а*.

Шунинг учун ҳам ҳар бир путқ услубини яратувчи ... асосий ва ёрдамчи (факультатив) бўлиши ... Масалан, оммавий услуб учун асосий восита: ... жамғармаси, онла ва жамият, Термиздан хабар ... ва б. сўз ва иборалар.

Ҳар бир нутқ услубининг ўзига хос воситалари мавжуд. Илмий услубда атама ва формулаларнинг қўлланилиши, адабий услубда махсус штампларнинг қўлланилиши, ҳар бири ўшбу маълумотномани шу тўғридаким» бўлади. Адабий услубнинг ички жанрлари (проза, поэзия, драма, прозаикоя, фантастика, фельетон каби) ҳам ўзига хос воситаларга эга бўлади. Маълум воситаларнинг қўлланилиши нутқ услубига хосланиши уларнинг шу услубда кўпроқ қўлланилиши туфайли рўй беради. Бизнинг услубий воситалар бир қанча услублар учун унвон бўлиши ҳам мумкин.

Факультатив ёки аралаш услубий воситалар, айниқса, бадий ва оммабон услубда ёрқин кўринади, образдорлик ва воқеалар характери янада равшанроқ гавдаланади. Масалан: Бир услубга оид бўлган воситалар (атималар, касб-ҳунарга оид сўзлар, диалектал ва эскирган сўзлар) бошқа бир услубда қўлланганда, қўшимча факультатив маънога эга бўлади, янги бир услубий воситага айланади.

Масалан:

Хотин олдида эрнинг «нутқи»:

Ўртоқ рафиқам! Ижозат берасиз, хушчақчақ ҳаётимизни шараф билан давом эттириб, оилавий бурчимизни намунали бажариб келаётганимизга бир йил тўлди. Кунда сизни бевосита табрик қилишга!

(А. Қаддори)

Одатда, маълум бир услубга хос бўлган сўзлар (архаик сўзлар, маҳкамага оид сўзлар, атамалар ва б.) бошқа услубга кучирилганда услубдаги мазмун ўзгариши равшан ифодаланади.

Бадий услубга хос бўлган воситалар (эпитет, истиора, муболаға, ўхшатиш, метафора ва б.) оммабон услубда ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, бошқа услубга хос бўлган воситалар (шевачилик, касб-ҳунар сўзлари, жаргон, илмий услубни шакллантирувчи атамалар, оммабон услубга оид воситалар ва б.) бадий услубда қўлланилиши мумкин. Аммо бошқа услубга хос воситалар бадий услубда бошқа эстетик йўналишида бўлиб, бадий воситалардан бирига айланади. Масалан, *тўлқин*, *пахта*, *кўз*, *сўз* каби атамалар оммавий ва бадий услубда бошқача маъно касб этади: *юррак тўлқинлари*, *ўлимнинг юзига тик қараш*, *кўздан танидим сўзидан илинди*.

бу тил бй услубий воситаларга эга. Бу муаммо бир қатор илмий тадқиқотлар юзага келган ва ҳали бу услубий воситалар тўлалигича очилган ҳолатда қолгани деб бўлмайди.

Ушбу воситаларнинг асосини ташкил этган эмоциялар шў маънодаги сўз ва сўз бирикмалари фонетик ва грамматик воситалар орқали ифодаланган *қайрили, афанди, кўп ҳурматли* каби.

Шароити ёки амалдор бўлмаганларга, яқинлик маънода *ахш, жилим, жигар(им), бўтам, қўчқорим* каби воситалар қўлланылади.

Бир бир нутқ услубини шакллантирувчи воситалар қисмийлар ўзини билан ўзгартири, янги маънолар эшиги, янги воситалар пайдо бўлиши мумкин.

Масалан, оммавий услубда кейинги йилларда *ташвиқ тарофи, ёқилги* ва *ёнилги, фразеологик бирлик* каби рус тилидаги айни сўзларни кальки қилиши йўли билан бу тили асосида пайдо бўлди.

Шундай қилиб, адабий тил билан бадний тил (услуб) орасида фарқ бўлиб, бу фарқ бадний услубда тарғибий воситаларнинг, архаик, шева сўзларнинг, тарғибийнинг шилатилиши билан фарқланади. Бошқа тиллар билан аралашини услуб воситаларини кенгайтириши ёки она тилида мавжуд бўлган воситаларни шакллантиради. Тиллар аралашини натижасида бошқа тилларга хос бўлган бирикмалар ҳам қабул қилиниши мумкин (форс-тожик тилига хос бўлган *-ки//ким* ли конструкциялар, рус тилидан қабул қилинган сўз ва бирикмалар каби). Масалан: Роль ўйнайди. Шароит туғдирой беради (создаёт услубия). Мақсадга мувофиқ мувофиқ эди. Қийинчилик туғдиради (создаёт трудности) ва ҳ.к.

Руслар билан бўлган ижтимоий, сиёсий, илмий, маданий алоқалар натижасида ўзбек тилига (бошқа тилларга ҳам) рус ва байналмилал атамаларини кўплаб кириб келиб қолмай (улар аниқ фанлар соҳасида 70—80 фаннинг, ижтимоий сиёсий фанлар соҳасида 20 фанга кириб қолди), балки кўплаб ёзма нутқ қолиплари ҳам ўзбек тилларга кириб келди:

Найрам билан! Қарор ҳаётга! Асал ойи (медовый месяц). Ёқимли иштаҳа! Қизил ип бўлиб йтади (прохотит красной нитью)... гавдаланади, мақсадга мувофиқ бўлир эди. Қийинчиликлар туғдиради ва ҳ.к.

Демак, ҳозирги замон атамаларининг эмас, маъно услубга мансуб бўлган, рус тилидан айнан таржима

қилинган ибораларни ҳам зарур ўринда қайта ўрчиқиш керак.

Маълум услубий мазмунни ифодалашда хизмат қилган ҳар бир воситанинг (лексик, морфологик, синтаксис воситалар) ўзига хос мазмуни бор.

Услубий воситалар ҳам ҳар қандай ижтимоий ҳаёт каби шаклланади, ривожланади, мукаммалашади, янгилади, арханклашади.

Совет ҳокимияти даврида кўп арабча ва форс тоҷикча сўз ва иборалар рус ва интернационал сўз ва иборалар билан алмашди.

Масалан: *ўтомоч — трактор, учма поезд — аэропоезд, шайтон арава — велосипед* каби.

1. Экстралингвистик воситалар

Экстралингвистик воситаларни контекст, ситуацион, ижтимоий муҳит, икки ва кўп тиллилиқ, мимика, мимика, бўлган, аммо ифодаланмаган фикр ва факторлар тил билан кил этади.

2. Лексик воситалар

Тилнинг турли лексик қатламлари ҳам маълум услубий яратишда хизмат қилади. Эмоционал ва ижтимоий прессив маъноли сўзлар, синонимлар, омонимлар, антонимлар, метафора, метаномия, эллипс, сўзнинг кўчирилган маънолари, атамалар, касб-ҳунар лексикаси, ишчи-халқ жаргонлар, маҳкама лексикаси (канцеляризм), фразеологик бирлик ва мақоллар услубий восита бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, оммабон, ижтимоий-сиёсий атамалардан ташқари, аниқ фанларга оид айрим сўз ва иборалар ҳам, (масалан, илмий услубда атама) сифатида қўлланиши мумкин: Ой, Қуёш (астрономия), кўз, қулоқ, бон (тиббиёт), ҳаво, сув, олтин, кумуш (химия), тезлик, секинлик (техника) каби.

Лексик воситаларнинг айримлари шу даражада табақаланадики, натижада аёллар ва эркеклар путиқчи оид айрим сўз ва иборалар шаклланади:

Масалан: аёллар тилида: Вой ўлай! Ҳай, жувонмар! Улсин! Гўрга! Ер ютсин! Қуриб кеткурлар!.. Қайси гурдан олдин! (А. Қодирӣ, «Меҳробдан чаён», 116-бет.)

Семантика. Сўз ва сўз бирикмаларининг маъно ва мазмунининг ўзгариши ҳам маълум мазмунни ифодалаш мақсадида услубий воситага айланади.

Масалан:

Ўшш учди ва хайлим учди. (От қочди ва уйқум қочди.
Ўшш гулдилди, сўлган чоқда ҳам.

(Чўлпон)

Ўшш сўзлар ўз маъноси билан услубий маъно ифода-
ланади: ҳайлим, кил, кўр, калла, жирканч, бола (*бачча*
— *бачча*), сатанг қизлар (*Ойбек*).

Ўшш маъноним. Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар,
қўш ва иштирокидаги янгиликлар туфайли янги сўз ва
сўзлар келиб чиқади. Бу янги сўз ва иборалар би-
радан бирада матбуотда ёки тарғиботнинг бошқа
шаклларида қўлланади. Янги сўз ва иборалар, аввало,
қўш билан ёки шу сўзга яқин келган бошқа сўз билан
қўшилиб берилади.

Ўшш *иллатиризм* — одобсиз, дағал сўзлар, *исто-*
ризм — тарихийлик, *канцеляризм* — маҳкамага онд сўз-
лар, *коинтация* — услубий бўёқ олган сўз ва б.

Ўшш сўзлар бир неча йиллаб матбуотда қўлланади.
Ўшш ишш уни қабул қилса, луғатга киради ёки бошқа
сўз билан алмаштирилади. Масалан, 20-йилларнинг
охири ва 30-йилларнинг бошида қўлланган *ийро*, *фир-*
ма, *иниш*, *итомоч*, *учма поезд*, *ўтарава* каби сўзлар-
нинг тақдирини эътибор беринг.

Ўшш унутмаслик керакки, ҳар бир неологизм қў-
шилиши эмоционал маъно ифодалагандагина ёзма нутқ
услубининг объекти бўлиши мумкин. Неологизм фақат
қўш соҳасида бўлиб қолмай, у фонетика (янги фо-
нетиклар — ш, ц, ы), морфология (— гич: бошланғич),
синтаксис (*Баирмингиз билан!*) соҳасида ҳам бўлиши
мумкин.

Ўшшлогик сўз ва ибораларнинг пайдо бўлишида олим-
лар, тарғимонлар ва ёзувчиларнинг роли катта бўлади.

Ўшшлар ўз лексик маъноси билан неологик сўз бўли-
ши ва факультатив (индивидуал) неологизм бўлиши
мумкин.

Масалани Олий ўқув юрти, пешлавҳа (вывеска), қа-
дам ҳоқи (гонорар) каби.

Ўшш итмаларини олим, шоир ва ёзувчилар яратади.

Масалани: *Ўзлик*инг намоён қил (*Ҳамза*), ген, гено-
тип, фенотип (В. Иогансен—1857—1927), протон
(П. Лодж 1851—1940), протоплазма (Х. Моль—1805—
1872), иллатма (И. Листинг—1808—1882).

Шу она ҳурмати оёқлан!

(Уйғун)

Полисемия. Сўзининг кўп (кўчма) маъноли-
лиши ҳам турли нутқ услубларини келтириб чиқар-
шу асосда сўз ўйини, қочирма ва аския келиб чи-
қибди. *Қўлтиқ* — одамнинг *аъзоси* ва *географик* туш.
Илдиз — дарахтнинг *илдизи* ва *математик* туш.
бурчак — сўзлашувда ва геометрияда.

Полисемия сўзлари кўчма маънода илмий усул
ҳам қўлланиши мумкин: *оқим, мактаб (илмий йўналиш)*
ва *Сирожиддинов мактаби*) каби.

Айрим содда ва қўшма гап турлари ҳам полисе-
мик (кўп маъноли) бўлиши мумкин.

Масалан: *шамол бўлмаса, теракнинг учи қимир-
майди* — мақолида шарт, пайт, сабаб мазмунлари иш-
даланяпти.

Синонимия. Синонимлар нутқ услубини
тувчи асосий воситалардан биридир. Синонимлар иш-
сидаги нозик маъно фарқлар ўзига хос экспрессия ма-
ноларини келтириб чиқаради. Синонимларнинг ай-
турлари бир хил услубда ишлатилса, қолганлари бош-
услубда қўлланади. Масалан, *мутлақ* сўзи расмий (ма-
тобий) услубда, *бахил* — оғзаки сўзлашувда, *маъно*
поэтикада, *иккиқат, иштон* — оғзаки сўзлашувда, *роф*
қа, лозим — ёзма нутқ услубида.

Шсва сўзлари персонажни ва воқеани маълум ҳудуд
билан боғлайди: гармдори, аччиқ-чучук (аччи: чучу.)
Тошкент шевасида, қалампир, шакароб — бошқа шев-
валарда.

Семантик синонимлар маъно кўчиши билан пайдо
бўлади: *учди: қуш учди, хаёлим учди.*

Синонимлар бир жумлада такрорланса, у ифодилан-
ган тушунчага диққат жалб этилади, маъно қабартини-
лади: *Орзулар, ҳаваслар, умидлар* билан қанот қачини-
турган кўнгиллари (М. Исм.).

Маълум бир жумлада контекст ва мазмун талаби
билан синонимнинг мақбул бўлган маъноси таъинла-
олинади.

Масалан: уруғ: бирор меванинг *уруғи ҳамда уруғ* на-
*қабил*а, *операция* атамасининг *молия соҳасида* ишлати-
лиши унинг маъноларидан биридир.

Тарихийлик (историзм). Маълум даврда қўл-
ланган сўз ва иборалар услуб воситаларидан бири
бўлади: *қози, миришб, мингбоши, тўра, қўлтиқтўмор*
ойнинг эскича, арабча ва туркча (ўзбекча) номлари
(сўнггиси ҳозир тикланипти).

Архаизм. Архаик сўзлар ҳам эски тушунчаларини

Аммо бу хил сўзлар истеъмолдан
на бинида сўзлар билан алмашган бўлади:
ақыл, ақиллик, ақыллик, ақыл — сахий, тоза, ақур — от-
(М. Қўшқарий, Индекс. 30–31-бетлар).

Аммо эскирган сўз ёки унинг эски маъноси,
эскини қўлланмайдиган фонетик, грамматик, фра-
зисини тиниш, бирикма ва мақоллар (масалан, Қош-
қарий «Тоғак синиак сутка тушар» — шошқоқ пашша
қўлланади) кириди.

Метафора (истпора, мажоз). Маълум бир сўз
на ифоданинг жумлада кўчма маънода қўлланиши
на хатлаш ҳамда лақаблар (Кумушхон, Темирбой,
Пўлат, Чиноқ, Элбек, Улуғбек) ёки турдош
сўзлар (қайиш, қуш, ҳашорат, ўсимлик, мева, табиат
элементи, минерал, нарсаси, овқат ва б. номлари)нинг
ишлатилиши шахс номига кўчирилади. Бунда, албатта,
на ишлатилиши билан шахс ўртасида бирор боғланиш бўл-
мади. Аммо ном қўйишда ота-оналарнинг яхши ният-
лиги шу номлар орқали ифодаланади. Исмларнинг
ишлатилиши кўпроқ Аллоҳнинг сифатлари билан боғла-
нади (Ҳирим, Риҳмон, Лазиз, Латиф каби), бунда си-
фатлар билан абду (қул) сўзи қўшилади: Абдукарим,
Абдуриҳмон, Абдулазиз, Абдулатиф каби.

Танқидчилар киши исмларини салбий ва ижобийга
айтадилар.

Салбий: Арслон, Кумуш, Элбек, Асал, Шакар, Улуғ-
бек.

Салбий: Чиноқ, Бўри, Латта, Ошқовоқ.

Исмларини бундай тасниф этиш жуда ҳам шартли
дир, «исми ҳисмига мос келмаслиги мумкин» (исми
Араб бўлиб, тили қалампирдек аччиқ бўлиши мумкин).
Шунингдан, бир тилда ижобий ҳисобланган исм иккинчи
тilda салбий маънога эга. Масалан, *Ит* сўзи умуман
салбий маънода қўлланади. Аммо Фурқат бу сўзини
хўшга ҳисобатан ишлатган.

Адабиёт *ит* каби Фурқат қаён борғум билолмасман.

Шу билан бирга, ёлғиз исмларнинг ўзи услубий (мо-
дaр) маъноларини ифодаламайди, фақат исмга айлан-
ган лақабларгина гапирувчи ва сўзловчининг шу шахсга
қўйган муносабатини ифодалаб, маълум бир услуб
қўйиш ташкил этади: Эй арава, чеккага чиқ! Ҳой ит,
қўйиш дейсан? Арслоним, Баҳодирим, келдингми?

Метафоранинг учинчи турини феъллар ташкил эта-
ди. Улар ижобий ёки салбий услубий маъноларни ифо-
далайди.

Кўчма маънода (метафора) асосан, от, сифат, қўлланади. Маълум бир хислати билан характерланган ҳайвон белгилари (тулки, бўри, арслон, қуён ил.б.) маънога кўчирилади. Нисбий сифатлар асл сифатга (темир хотин, ёғоч, кўприк, олтин соат), жонсиз предмет ва ҳодисалар жонлантирилади (Бўрон бўқирди, шахмат хуружга кирди, ўрмон шивирлади).

Сўз ўзининг лексик маъноси билан ёки маълум жумлада (контекстда) неологик сўз сифатида қўлланиши мумкин.

Эпитет. Маълум шахс, предмет ва воқеа ҳақида сифатларнинг таъриф ва тавсифи ҳам маълум услуб шакллантирувчи восита ҳисобланади. Таъриф учун одатда сифатлар ишлатилади ва эмоционал маъно ифода қилади.

Асл сифатлар ва ўхшатишлар, одатда, бадий услубда қўллansa, нисбий сифатлар бадий услубда расмий — иш юритиш услубида ҳам ишлатилади (Маърифат фаатдор томонлар, Олий Ҳазратлари).

Касб-ҳунар лексикаси (профессионализм). Касб-ҳунар лексикаси ҳам контекстда айрим ўринларда маълум бир услубни яратувчи воситага айланади.

Идишларга пардоз бериш учун: *рапча* (тож тақача), *шапо* — идишни қуритиш учун қўйилган идиш жой, *ғўнда қолип* — пиширилган лойдан ишланган қолип, *качкарт* — тож, *каж* — эгри, *корд* — пичоқ — (эгри пичоқ). Машинанинг *жини* (волоконотделитель) ишлатилмай қолди; дўпининг жияги яхши тикилибди.

Атамалар. Маълум бир илмий услубда атамаларнинг қўлланиши шу соҳадаги ўзига хос тушуниқларни ифодалаш ва тушунишга ёрдам беради. Илмий ва оммабоп услубдан бошқа услубда қўлланган атамалар экспрессив (модалъ) маъно ифодаласоғина у услуби воситага айланади. Масалан: Гаплари юракка ўқиди ботди.

Шажар яфроғи бўлди қаҳрабодек,
Демаким қаҳрабо меҳри самодек.

(Навойи, Мадвалисвнинг мазкур авторефератининг 6-бетидан.)

Ҳозирги кунда атамаларнинг кўпи аниқ фанларда (80—95 фоизгача), озроқ ижтимоий фонларда (20 фоиз) қўлланади. Совет ҳокимияти даврида илм-фан тараққиёти билан рус-байналмилал атамалар кўплаб ўзбек

Биринчи келиши билан бирга, тилимизда қўлланиб келинган атамалар ҳам сиқиб чиқарилди: уч — чети, туғи — туғи, ул — пойдевор, ўғут — ачитқи, энуч — энуч, ўрқоқ — антилопа (оқ кийик), абйа — беҳи, аж — аж, ачитқош, кэрим — сўзана (мисоллар М. Қошқаровнинг ийинди).

Бунинг кундаги асосий вазифа — аниқ фанлардаги атамаларнинг ҳаммасини ҳам истеъдодлиқ чидариш эмас (*физика, нейтрон, протон* каби), бунинг кундаги бошқа атамалар билан (арабчадан келган ёки она тилидан ясалган) алмаштириш вазифаси туради. Бунинг учун эски луғат ва китоблардан, шунинг материалларидан, қардош тил луғатларидан келиш фойдаланиш керак.

Атамалар маълум бир фан соҳасида ишлатилади, бунинг ҳаммага тушунарли бўлган атамалар (масалан, *антилопа*нинг ўзбекча номлари — *яра, бош оғриқ, сариқ касал* ва б.) оғзаки сўзлашувда ҳам келиш қўлланиши мумкин. Бунда атама оддий бўлиши керак.

Метаанонимия. Предметлар орасидаги ҳақиқий аномалия ўқинишнинг асосида маъно кучирилиши мумкин:

Бир инди ичди. Пушкинни ўқиди. Навоийни мутолаа қилди.

Синекдоха. Бир бутун нарсани унинг қисми билан айтиш ёки қисм номи билан бутун нарсани ифода қилиш. Қўр, қилла (киши маъносида). Беш қўл бағирлар эмас. Ҳой, бурун, нима қилиб юрибсан? Эшикка (қўлга) киримиз (Марғилон лаҳжаси).

Антитеза. Маълум тушунча ва нарса предметларнинг қарима-қаршичилиги антоним сўзлар ёки бир-бирини бил мазмунли сўз бирикмалари орқали ифода қилинади.

Метафора. *Ношуд* кетганда мақтанар, *Ботир* — қайт-қайт (мақол). Ариқлар қазидик — ёвлар қуриди.

Расмий ҳужжат ва маҳкамага оид сўзлар (канцеляризм). Расмий нутқ услубини шакллантирувчи воситалар бир қолипдаги (стандарт) сўз ва бирикмалардир. Расмий услубда тасвирий воситалар қўлланилмайди.

Сўз «Ўрқоқ» фабрикасининг 1991 йилги ҳисоботини қўйиб, Илова: 1. Фабриканинг йиллик ҳисоботи (11 бет).

2. Фабриканинг 1991 йилда ишлаб чиққан янги маҳсулотларидан намуналар. (Ҳисоботдан.)

Вульгаризм. Вульгаризм — одобсиз, дағал сўзлар ва иборалар бўлиб, улар бадний нутқ услубидан айрим шахс, предмет ва ҳодисаларни характерлаш учун қўлланади: газанда, иштон, лунги, чиноқ, кар ва б.

Жаргонизм ва эвфемизм. Бирор ижтимоий қатламнинг (ўғрилар, савдогарлар, қиморбозлар ва б.) тилида ўзига хос, ўз тоифаларигина тушундирган сўз ва ибораларни бўлиб, улар жаргон дейилади. Бунда лугатдаги сўзга янги маъно берилади (*лой — пул*) ёки сўзнинг морфологик ёки фонетик тузилиши ўзгарилади. *роктанас* (санъаткор), *ротду* (дутор) каби.

Эвфемизм — ноқулай ва одобсиз сўзлар ўрнига бошқа сўз ва ибораларни қўллашдир: *ўлди* ўрнига оламдан ўтди ёки учди. *Ўғирлади* ўрнига *ўзлаштирди* каби. *Пайғамбаримиз марҳамат қиладилар* (айтадилар ўрнида).

Диалектизм (шевачилик). Ўзбек тилининг ҳар бир шеваси, лаҳжаси ўзига хос лексик, грамматик (Фарғона, Наманган ва Самарқанд шевалари каби) хусусиятларга эга бўлади. Ана шу шева хусусиятларидан услубий восита сифатида айрим ёзувчилар усталик билан фойдаланадилар (А. Қодирий, Ойбек, А. Қаҳҳор ва б.).

Масалан:... бокс юқорига *чиқвотти* (телекурсатув, 15.12.91). Жўра, дўппининг *жа-а* антиқасини топган-сан-да... Ҳукумат ҳам зап матолар чиқарди-да! Катта *кетвординг*, ошнам. Кўп жаврамай *опчиқ* (Нурулла Отахонов, Дунё кенг, Ёш гвардия нашриёти. 1986). Сен бизга хиёнат қилдинг, *ит увли!*— Тузимни *унутдинг!*— Иқрорсен, тонмайсан, *ўбдан!*— деди заҳарханда қилиб хон.— *Ўлувдан* ҳам қайтмайсанми?! (А. Қодирий, «Мехробдан часи», Тошкент, 1959 й., 239-бет.)

Такрор. Маълумот гап, сўз бирикмаси ва сўзнинг такрорланиши қушимча эмоционал маънога эга бўлади, фикрни маълум бир нуқтага тўплаш ва таъсирни кучайтириш учун қўлланади. Бу ўринда такрорланган бўлакнинг синонимлар билан аралаштирмаслик керак: синонимларда умумий маъно билан боғлиқ булган ҳар бир сўзнинг ўз маъно оттенкаси (нозик фарқи) бўлади, такрорда эса айни бир маъноли сўз такрорланади. Бунда такрор сўз учун шева лексикаси ёки бошқа тилдан олинган сўздан фойдаланилади.

Масалан: *кўрувчи* ва *басир*, ва *меш*, *дўнгалак* ва *доира*, *жичча* ва *озгина*, *бирлама* ва *ягона* (Беруний ноҳиясидан, Ёшлик, 8.91).

Баъзан гапнинг ийрим бўлаклари қайтарилиши мумкин:

сен уни (финистин ўлдир), ...сени у ўлдиради...
(Х. О.) Россия Россия, менинг Ватаним (Х. О.) Сиз?
Уэр сўрагани? (Унгул).

Такрорланиш учун шаклда қўлланади: жумла бошида (анафорик), охирида (эпифорик), ўртасида (инфорик).

Жуфт ва соматик жуфт сўзлар маълум бир услубни яратишда хизмат қилади. Масалан: қозон-товоқ дейилганда, фақат қозон-товоқ тушунилмасдан бу нарсалар билан боғлиқ бўлган бошқа нарсалар ҳам тушунилади. Шунингдек, чой-пой (ичамиз), бош-оёқ (сарпо), ичак-човоқ каби.

Айни бир сўзнинг икки жумлада такрорланиши услубий хато бўлади. Масалан: *изоҳли ва таржима лугатлари, орфографик ва орфоэпик лугатлар, синоним лугатлар* иборасининг ҳар бирига *тузилди* феълини қўшсак, услубий хато бўларди.

Аммо мумкин шоирлар бир сўзни икки марта такрорлаш билан ҳам экспрессив маъно ифодалаганлар, нутқ услубининг бир носитасига айлантирганлар:

Сен сен севарим, хоҳи инон, хоҳи инонма.

(Лутфий.)

Элинси. Бирор гап бўлагин (одатда, кесими) «тушиб қолган» гаплар ҳам маълум бир модаль муносабатларни (экспрессивликни) ифодалайди.

Масалан: *Ог кишнашиб топишар, одам эслашиб (мақол). Мард йигит изини сотар, Номард йигит — ўзини (Мақол).*

Градация. Градация (бир босқич ёки ҳолатдан иккинчи босқич ёки ҳолатга ўтишдаги изчиллик) орқали маълум гапда ифодаланган фикр мазмуни кучайтирилади ёки пасайтирилади.

Масалан:

Эй сўз, не ажаб гуҳарсан,
Гуҳар, неки бахри мавжор.

(Навоий.)

Дерки: «Кўзунгга ҳали кал жўжаман,
Махтуми аъзамлик ўзим хўжаман.
Ҳам яна Эрҳубби бўлодур тағо,
Аммиизнинг эрларидур Нурато.

(Муқимий.)

Бирпасдан кейин хотиннинг товуши эшитилди: — Жини бўлманг! Олинг қўлингизни! Бу нимаси?! Қўйиб юбо-

ринг. Қўйиб юбор дейман! Тфу, аҳмоқ! (А. Қаҳҳор, Йиллар).

(Шум боланинг дандон личоқнинг синишидан бошлаб, бойнинг кенжатои ўғли Бўрибойваччанинг ўлимигача бўлган ваҳимали ёлғонини эсланг Ғ. Ғулом. Танланган асарлар, III том, Тошкент, 1959 йил, 146—148-бетлар.)

Фонетик воситалар. Нутқ оҳанги ҳам маълум талаблар асосида услуб яратувчи воситага айланади.

Фонетик воситаларга — интонация (гап ва сўз оҳангининг товланиши), урғу, пауза, аллитерация, ассонанс, товуш такрорланиши, нарса ва жонивор товушларига тақлид каби ҳодисалар киради.

Фонетик воситалар кўпроқ бадний (поэтик) нутқда ритм, қофия, радиф, бандлар учун, шунингдек, оғзаки нутқда қўлланади.

Масалан: *нозанин, олим, авлиё* каби сўзларни киноя билан айтиш.

Грамматик категориялар. Ҳар бир морфологик категория — сўз туркумлари, аффикслар — узининг асл грамматик, лексик маъносидан ташқари, қўшимча модалъ (услубий) маъноларни ифодалашни мумкин.

Морфологик категориялар маълум бир жумлада оҳанг ўзгариши билан услубий маъно ифодалашни мумкин. Ҳар бир сўз туркуми бирор услубни яратиш учун восита бўлади. Феъллар ва бошқа сўз турлари ўз семаантикаси билан ёки маълум бир контекстида кўчма маъноси билан бирор услуб турини шаклантиради: *нозик, лапангламоқ, жилмаймоқ, кулимсирамоқ, ҳаяжонланмоқ, гижинмоқ, қашинмоқ, ясанмоқ* ва *безанмоқ*; мен ўрнида *фақир ёки камича* каби.

Баъзан бир маънони англатувчи ўзбекча ва тожикча аффикслар параллел (мувозий) қўлланади. Бунда тожикча аффикснинг услубий таъсири анча кучли бўлади:

бепарво — парвосиз, бадбахт — бахтсиз, бадхаёл — ёмон хаёлли.

Дсярли ҳамма сўз туркумлари, ёрдамчи сўзлар ва аффикслар (асосан, субъектив баҳо ифодаловчи аффикслар), маълум контекста (*мен ўрнига биз ёки камича*) мазмун талаби билан экспрессив (модалъ) маъно ифодалаб, бирор нутқ услубини ташкил этиши мумкин.

Модаль сўзлар, айрим боғловчилар (*ва, ҳамда, аммо, лекин, ёхуд, ёинки*), кўмакчилар (*туфайли, сифатида, воситасида*), юкламалар, ундовлар, тасвирий (тасвирий ва образли сўзлар) сўз ва иборалар маълум контекстда ўз маъноси билан экспрессив мазмун ифодалаб, бирор нутқ услубини шакллантиради.

Синтактик воситалар. Содда гапнинг мазмун ва интонацияга кўра турлари (дарак, сўроқ, ундов, буйруқ гаплар), уюшиқ ва ажратилган бўлақлар, киришлар, инверсия (одатдаги гап бўлагини тартибининг ўзгариши), синтактик синонимия, қўшма гап, период, текст, такрорланиш ва параллеллик (мувозийлик) гапнинг умумий мазмуни ва контекст талаби билан услубий воситага айланади. Синтактик воситалар сифатида айрим сўз бирикмалари ва гаплар хизмат қилади:

ҳарбий кучлар, иқтисодий стратегия, алоҳида аҳамиятга эга.

Содда гаплар оммабоп услубда, қўшма гаплар — илмий услубда ишлатилади.

Турли синтактик синонимияда икки ёки учта бир хил конструкцияларда умумий бир мазмун ифодалансада, ҳар қайси конструкцияда нозик мазмун фарқлари сақланади.

Баъзи синтактик категориялар ҳам маълум талабларга кўра, модаль маъноларни ифодалаш учун нутқ услубини яратувчи восита бўлиб хизмат қилади. Илмий услубда кесимлар таркибида *дир* боғламаси ёки *дейилади* деган феъл қўлланади, баъзи аниқловчилар (аттритив) (сўз бирикмалари (*шартли* ва *шартсиз рефлекс*), сўроқ, буйруқ, ундов гаплар, ундалмалар, ажратилган бўлақлар, инфинитив гаплар, номинатив ва сўз-гаплар, эмоционал гаплар, тўлиқсиз гапнинг баъзи турлари, синтактик синонимия, киришлар, боғланган ва эргаш гапли қўшма гапларнинг кўп турлари, фразеологик бириклар, периодлар, кўчирма ва ўзлаштирма гаплар бирор (одатда, илмий, бадний, расмий) услубни яратувчи восита бўлиб хизмат қиладилар.

Ундалмалар ўз лексик маъносидан ташқари маълум бир услубий мазмунга ҳам эга бўлади. Айниқса, гап брасида ва охирида қўлланган ундалмаларда эмоционал маъно кучли бўлади.

О, жоним Фарғона, оқ олтиним, боғим (Ойбек). Бу одамларга жуда-жуда кўп нарсалар ярашади, *отатон!* (*А. Қаҳҳор*). Ол, *жиан*, йўл юриб келгансан (*Ой-*

бек). Сени унутмас асло, эй *Урта, Осиё, Урта Осиё* (*В. Инбер*).

Эмоционалликни орттириш учун ундалмалар такрорланиши (бир шаклда ёки турли шаклда) мумкин:

Россия, Россия, менинг Ватаним,
Мен сенинг ўғлингман, эмасман меҳмон.

(*Ҳ. Олимжон*.)

Дунай, Дунай! Дунай дегани шу экан-да! (*О. Гончарь*)

Кўчирма ва ўзлаштирма гаплар ҳам услубий воситалардан бири бўлиб, бадиий нутқ услубида кўпроқ қўлланади.

Масалан: — Буви, буви, — дейман паст овоз билан, — Эшон ойимингизнинг тўртта қизлари бор экан (*О.*). Юрьев батареяни бу ердан бошқа жойга кўчириш ҳақида буйруқ беради (*И. Раҳим*).

Қўшма гаплар ҳам маълум бир услубни шакллантирувчи воситадир. Одатда, илмий услубда эргаш гапли қўшма гаплар ва боғланган қўшма гаплар қўлланади. Содда гаплар ва боғловчисиз қўшма гаплар оммавий услубга хос гаплардир. Расмий иш юритиш услубида кўпроқ мураккаб ва изоҳли қўшма гаплар ишлатилади.

Синтактик синонимия. Содда гап ва қўшма гапларнинг турлари мазмунан бир-бирига яқин турса, синтактик синонимияни ташкил этади ва бир-бири билан (контекст талаби билан) алмашиши мумкин. Синтактик синонимия бир мазмунни ифодалаш учун қўлланган турли конструкциялар демакдир.

Масалан: 1. Унинг бирдан кириб келиши биз учун кутилмаган ҳодиса бўлди — У бирдан кириб келди — бу биз учун кутилмаган ҳодиса эди. 2. У бирдан кириб келди ва биз ҳайрон бўлиб қолдик. 3. У бирдан кириб келгач, биз ҳайрон бўлиб қолдик.

Илмий тадқиқот (диссертация, монография, илмий мақола)лар тузилишига кўра бир турда бўлиб, бу ҳам илмий услубнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлади: 1. Кириш. 2. Асосий қисм (боблар). 3. Хулоса. Илмий услубни яратувчи воситалардан ташқари, «мазкур бобда, мазкур фикр, олдинги бобда айтиб ўтилгандек, хуллас, қисқаси, хулоса қилиб айтганда, шундай қилиб» каби сўз ва иборалар билан қўлланиши билан ҳам характерланади.

Синтактик синонимияда синоним бўлган конструк-

цияларда умумий мазмун сақланади, фарқ фақат мазмун оттенкаларида ва гап қурилишида бўлади: содда гап қўшма гап бўлиб кетади ва аксинча, содда ёки қўшма гапнинг бир тури иккинчи турига ўтади.

Диалог, монолог, полилог (бир неча киши нутқи). Маълум бир асарда персонажларни характерлаш учун диалогик нутқдан фойдаланилади.

Баъзи ўринда муаллиф ўз фикрини бирор персонаж тили ёки фикри билан ифода этади ёхуд персонажнинг ички нутқи бўлади:... Искандаров секретарь қизнинг гўрига гишт қалаб келяпти. Ундоқ қиламан, бундоқ қиламан. Бўшагаман... (*Саид Аҳмад, Собик ўғри, 8-бет*)

Период. Содда ёки мураккаб таркибли период илмий ёки нотиклик услуби соҳасида қўлланади. Нутқнинг бу тури ҳам услубий воситалардан бири ҳисобланади.

Абзац (сатр боши). Маълум бир мақсад ифодаланишида фикрлар гуруҳланади. Ҳар бир гуруҳ алоҳида мақсадни ифодалайди ва ёзувда янги йўлдан — абзацдан бошланади. Фикрни абзацларга бўлиниши ҳам нутқ услуби воситаларидан бирига айланади. Абзац одатда илмий, бадиий, расмий нутқ услубларини шакллантиради. Ҳар бир абзац фикрни ажратиб кўрсатиш ва шу йўл билан ўқувчига таъсир этишдир. Ҳар бир абзац бошқаси билан мазмунан боғланишдан ташқари, бирор грамматик восита билан (эски ўзбек тилида *ва* боғловчиси, ҳозир, кўпинча, *лекин, аммо* боғловчиси) ёки лексик восита билан боғланади (мазмунан муҳим ҳисобланган гап бўлагининг такрорланиши, кириш сўзлар, айрим равишлар ...*худди шу кун* каби иборалар).

Параллелик (мувозийлик). Сўз, сўз бирикмаси ва гапларнинг мувозийлиги (параллел қўлланиши) ҳам экспрессив маънога эга бўлиб, маълум бир услубни ташкил этади.

Масалан: Сен ўғлимсан, хотининг келиним (*Ҳамза*).
Лабинг дўрдоқ, кўзларинг ғилай (*Ҳамза*). Сен — Одил,
Сен — Қодир, Сен — Нодир.

Инверсия. Гап таркибидаги айрим бўлақларнинг ўрин алмашиши (аниқловчининг аниқланмишдан олдин келиши, кесимнинг гап бошига кўчирилиши, ажратилган гап бўлақлари, ундалма ва кириш сўзларнинг ўринлашиши ва эргаш гапнинг бош гапдан кейин қўлланиши ва б.) ҳам гапга қўшимча экспрессив (модалъ) маъно беради ва маълум бир нутқ услубини шакллантиради.

Масалан: Келур сени ҳам йўқлагудек бир замон яхши (Завқий). Қобил бобо, яланғоч, яланг оёқ, яктак чан, дағ-дағ титрайди (А. Қаҳҳор). Эндигина қутула бошладик эмасми бундай офатлардан! (Ғ. Саломов, Совет Ўзбекистонин, 2. XI.90.)

Инверсия, асосан, шеърятда, оғзаки нутқда, автогипи (—...деди Раҳимжон)да қўлланади.

Коннотация. Услубий бўёқ олган сўз маъноси. *Донотатив маъно* — сўзнинг оддий лексик маъноси. Мас.: Тарвузи қўлтиғидан тушди.

Фразеологик бирликлар. Фразеологик бирликлар (бирикмалар, гаплар) бадний ва бошқа нутқ услубини яратувчи асосий воситалардан биридир. Фразеологик бирликларнинг ҳамма тури: субстантив (эга ҳукмида), предикатив (кесим ҳукмида), холли, аниқловчи, чили, аралаш турлари бирор қўшимча экспрессив маъмун ифодалаб, бадний, оммавий ва бошқа услубларни шакллантиради:

Иши бошидан ошиб ётибди. Иши кетга кетди. Кир қўйлакка жун жияк. Кўзга сурди. Кўздан олов чиқиб кетди ва б.

Ёзувчи ёзма ёки оғзаки услуб турига маълум бўлган фразеологик ибораларни қўллашдан ташқари, янги фразеологик ибораларни ҳам яратади:

Дард деса, пирт кетма, суварак! (М. Исмоилий.) Ерининг юрагига қулоқ, солишга тўғри келади (Шуҳрат). ...қўлига паттасини тутқазиб, кавушини тўғрилаб қўймайсизми? (О. Ёқубов). Ана шунда юракларни суви сиқи-лаётган анордек эзилиб кетарди (Шуҳрат).

3-§. ЁЗМА НУТҚ УСЛУБИНИНГ МЕЪЁРЛАРИ

Ёзма нутқ меъёрлари (мезони, ўлчови, нормаси) тилда қабул қилинган фонетик, лексик, грамматик қонуниятлари асосида белгиланади.

Тил — бу қисмлари бир-бири билан узвий боғланган системадир. Нутқ кўпчилик томонидан қабул қилинган тил меъёрларининг амалга ошиши, реаллашишидир.

Тил меъёрининг асосий белгилари — барқарорлик, стабиллик (маълум давр учун турғунлик) ва динамикилик (ўсиш ва ривожда бўлиш) дан иборат. Демак, тўғри ва қондали нутқ учун, аввало, тил меъёрлари ишлаб чиқилиши ва кўпчилик томонидан қабул қилиниши шарт. Бунинг учун бу қонунлар мукамал ишланган бўлиши керак.

Тил меъёрининг шаклланишида айрим сўз усталари —

Тил ва бадий тил меъёрларини белгилашда, грамматик, фонетик тарихийлик принципларини асосга олишни унутмаслик керак.

Адабий тил меъёри асарлар бўйи шаклланган тил қонда ва қонуниятларининг умумлашмаси, адабий тилнинг асосий белгисидир. Илмий, адабий, оммавий асарлар ўз навбатида маълум тил меъёрларини тарғиб қилади, қўллаш намунасини кўрсатади. Адабий тил меъёрининг шаклланишида газета тилининг ҳам роли катта. Тилдаги бўлган турли вариантлилик (фарқли томонлар), аввало, газета тилида кўринади, чунки газета замон билан ҳамнафас, оператив (ҳозиржавоб) бир қуролдир.

Турли вариантлилик ва янгилик, аввало, матбуотда ёки бирор асарда маълум қилинади. Бундай ҳолда матбуотда бир тушунчани ифодалаган икки вариант берилиб, маълум давр ўтиши билан бу вариантларнинг бири қолади ва қонунилади.

Бадий асарда муаллиф тили маълум тил меъёри асосида тузилади. Аммо персонаж тилида бу меъёрдан узоқлашиш ҳолатлари ҳам учрайди: маълум бир персонажнинг яшаш ўрни, касби, жамиятда тутган маъқеи, маданиятига қараб, унинг тилида диалектал, касбга оид сўзлар бўлиши, жаргонлар ва адабий меъёрдан узоқ тил хусусиятлари қўлланиши мумкин. Турли услубий меъёрларни аралаштириб қўллаш маълум бир мақсадга йўналтирилган бўлса, бу бадий услуб учун қонуний ҳисобланади. Оғзаки нутқда эса айрим сўзларнинг ноўрин ишлатилиши, гап бўлакларининг тартиби ўзгариши, шевачиликка йўл қўйилиши мумкин. Бу ўзгаришларнинг қанчалик қонуний ёки қонунсиз эканини белгилаш оғзаки нутқ меъёрлари орқали рўй беради.

Албатта, кейинги даврдаги фан ва техника, ижтимоий ҳаётда бўлган кескин ўзгаришлар, рус тилининг таъсири тил меъёрларини қайта кўриб чиқишни талаб қилди. Аммо бу ўзгаришлар эскини «инкор этиш» йўли билан эмас, уни янада ривожлантириш ва мукамаллаштириш йўли билан боради.

Қўрсатилган диссертациянинг авторни қуйидаги ҳолатларни тил меъёрининг бузилиши деб тушунади: *...бузоқни қантариб қўймоқ* (қантариш), *дард деса парт кетма* (парт ёрилиш), диалектал ҳамда русча сўз ва ибораларнинг ҳамда сўзларнинг нотўғри қўлланиши (*хал тусинла*), тавтология (*муҳим ва актуал*), русча

иборалар (прием покойдамиз. Любой касалинг биринчи очиртда мени қўлимдан ўтади), фразеологик бирикмаларнинг нотўғри» қўлланиши (қўлига паттасини тутқазиб, кавушини тўғрилаб қўймайсизми? Ана шунда юраклари сиқилаётган анордек эзилиб кетарди. Ие, гунажсин кўзини сузибди-ку. Қатиқ ичган қутилди, айрон ичган тутилди. Эшакни шиирсанг, ҳанграб шарманда қилади ва б.) каби. Кўрсатилган ўринлар хато эмас, балки ёзувчининг (мисоллар С. Аҳмад, А. Қаҳҳор, М. Исмоилий, Шухрат, О. Ёқубов, Ҳ. Ҳошимов каби сўз усталарининг асарларидан олинган) ўзига хос услуби бўлиб, поэтик маъно оттенкаларини ифода қилишга хизмат қилади. Аммо айрим ҳолларда айрим асарларда, сўз ва ибораларнинг, фразеологик бирикмаларнинг мазмунини нотўғри тушуниш асосида йўл қўйилган хатолар ҳам учрайди. Бу камчиликлар баъзи сўз ва гапларни ноуриин ишлатиш, услуб турларини нотўғри ёки бузиб қўллашда ҳам кўринади.

Шундай қилиб, услубий меъёрини яратувчи воситалар уч турга бўлинади: асосий, ёрдамчи (факультатив) ва шахсий — окказионал воситалар. Асосий услубий воситаларга лексик маъносин билан бирор услубни яратувчи воситалар (масалан, бадий услубни яратувчи бадий тил воситалари) кирса, ёрдамчи (факультатив) воситаларга маълум контекстдагина бирор услубни яратувчи воситалар — сўз ва иборанинг иккиламчи ихтисослашувини (масалан, маҳкамага онд сўзларнинг бадий услубда қўлланиши), шахсий — окказионал услубий воситаларга эса ёзувчининг маълум матнда бир сўз ёки сўз бирикмасини услубий восита сифатида қўллаши киради.

Демак, услубий меъёрларини белгилашда услубий воситаларнинг айтиб ўтилган хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Бунда ёзма нутқнинг умумий ва хусусий қўлланишинини ҳам инобатга олиш керак бўлади. Услубий меъёр маълум воситалардан ўринли фойдаланиш йўллариини кўрсатишини лозим. Фикрини аниқ, ихчам, равоин ва таъсирчан ифодалаш учун зарурий тавсияларини беришини даркор. Бу тавсиялар — меъёрлар ёзма ва сўзлашув тили учун ҳар бир услубда алоҳида белгиланишин зарур. Меъёрини белгилашда сўзлашув тилидаги типик (кўп қўлланадиган, намунали) ҳолатини олиш ва мавжуд грамматик, лексик, фонетик қондалардан четга чиқмаслик керак.

Тил меъёри муаммолари ҳали тўлиқ ҳал бўлган деб бўлмайди. Ҳали адабий тил билан тил меъёри ўртасидаги фарқлар, услубнинг ҳар бир турини тузиш йўллари, сўз бирикмалари ва сўзларни бир-бири билан боғлана олиш ва боғлана олмаслиги, тўғри ёзиш (орфографик) ва тўғри сўзлаш (орфоэпик), синоним турларнинг ҳар бир услубда табақаланган ҳолда қўлланиши каби масалалар ҳал бўлиш олдида турибди.

4-§. ЎЗБЕК ТИЛИ ЁЗМА НУТҚ УСЛУБИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

1. Ўзбек тили ёзма (прозаик) нутқ услубининг шаклланишини 5 даврга бўлиш мумкин:

1. Қадимги туркий тили услуби (VII—X асрлар).
2. Эски туркий тил услуби (XI—XIII асрлар).
3. Эски ўзбек тили услуби (XIV—XVIII асрлар).
4. Янги ўзбек тили услуби (XIX асрнинг иккинчи ярми—XX асрнинг 20-йиллари).
5. Ҳозирги замон адабий тили услуби.

1. Алишер Навоийга қадар бўлган ёзма ёдгорликлар (Ўрхун-Енисей битиклари, XV—XIV аср ёзма ёдгорликлари: «Девону луғати турк», «Қутадғу билиг», Аҳмад Яссавий «Ҳикматлар»и, «Ҳибатул ҳақойиқ», «Қиссан Рабғузий», «Муҳаббатнома», «Ўғузнома», «Ҳисрав ва Ширин», «Қиссан Юсуф», Лутфий, Саккокий, Атоий ва бошқа ёзувчи ва шоирларнинг асарлари тили ва услуби сўзлашув тилига яқин, ҳамма уларнинг асарларини бемалол тушунади. Албатта, ўз даври талабларига кўра, кўп сўз, ибора ва ифодалар ўзига хос бўлиб, уларни маълум луғатлар билан тушунишга тўғри келади.

2. Алишер Навоийнинг тили ва услуби эса форсий-тожикча, арабча сўз ва иборалар билан бойитилганки, бу ҳол ҳозирги замон ўқувчисини кўп ўринда луғатсиз Навоий асарларини тушунишини қийинлаштиради.

Шуни унутмаслик керакки, замон, ижтимоий ва сиёсий вазият ёзувчи, шоир ва олимнинг ёзма нутқи услубига ҳам таъсир кўрсатади.

3. Алишер Навоийдан кейин унинг яратган ёзма нутқ услуби туркий тилда ижод қилувчи кўп шоир ва ёзувчиларга намуна бўлди, шу услуб асосида ижод қилдилар. Аммо бу ҳолат (жонли сўзлашув тили билан ёзма нутқ орасидаги узилиш) узоқ давом этмади. Муҳаммад Солиҳ, Абулғози Баҳодирхон, Турди, Гулханий асарларида эски анъанавий услубдан узоқла-

ниш ва халқ сўзлашув тилига яқинлашишга интилиш устун турди.

4. Эски ёзма нутқ услубидан халққа тушунарли услубга ўтиш Амирий, Фурқат, Муқимий асарларида кўрина бошлайди. Албатта, бу шоирларнинг прозаик асарлари анъанавий услубни давом эттирса ҳам, поэтик асарларида бу услуб ўзгара бошлайди — сўзлашув тил услубига яқинлашади. Бу яқинлашиш айниқса С. Айний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Элбек, Авлоний, Сўфизода асарларида, XIX аср охири ва XX аср бошида нашр қилинган газета ва журналлар тилида ёрқин кўринади. Шунинг учун ҳам бу адибларнинг, газета ва журналларнинг услуби ҳозирги замон услубининг шаклланишида асосий роль ўйнайди.

III. Шу нарсани ҳисобга олиш керакки, ҳозирга қадар бирор тарихий даврга оид адабий ёзма нутқ услуби на меъёрлари назарий жиҳатдан ишланган эмас, ҳар бир ёзувчи, олим ўз давридаги мавжуд асарларни ўрганиб, даврининг ижтимоий, сиёсий вазиятига қараб ўз асарини яратади, даврининг анъанавий ёзма адабий тил услуб меъёрларига асосланади. Янги давр, янги ижтимоий, сиёсий, маданий муносабатлар, фан ва техниканинг ўсиши янги ёзма нутқ услубини келтириб чиқаради. Услубнинг мукаммаллашишида жамият томонидан белгиланган ижтимоий-сиёсий, маданий тадбирлар ҳам катта роль ўйнайди. Бу соҳада чет тилларининг ҳам роли катта бўлади (тарихда форс-тожик, араб тилларининг, XIX аср иккинчи ярмидан рус тилининг ўзбек тили услубига ва фразеологиясига катта таъсирини кузатиш мумкин).

II. Ҳозирги замон услубининг деярли ҳамма турлари инқилобдан олдин ҳам мавжуд эди. Илмий, оммабоп (айниқса, XIX аср иккинчи ярмидан), ёзишмалар (хатлар), расмий-китобий, расмий (маҳкама услуби), нотиклик, бадний, аралаш услублар қўлланиб келинган. Инқилобга қадар нотиклик услуби махсус дарс бўлиб ўқитилди.

Аммо бу услуб турлари мавжуд бўлса-да, улар илмий жиҳатдан ишланмаган ва маълум услуб меъёрлари белгиланмаган эди.

III. Ёзма нутқ услубларининг шаклланиши ва риёжланиши учун тилнинг ижтимоий вазифаси — қўлланмиш доираси кенгайиши шарт. Айниқса, XX асрнинг 20-йилларидан ўзбек тилининг қўлланиш доираси кен-

гайди — бу ҳол баъзи услуб турларининг бўлинишига ва янада такомиллашшига сабаб бўлди, баъзи услуб турлари қўшилиб, аралаш услуб турини яратди. Руштинининг таъсирида расмий (ҳужжатшуносликнинг) янги ва янги турлари келиб чиқди: газеталарнинг бош мақсдалари, баъзи бир адабий жанрлар (памфлет, эссе, фельетон ва б).

IV. Ёзма услубнинг шаклланишида оғзаки нутқнинг шоир, ёзувчи, олим, публицист, мухбир, айниқса таржимонларнинг роли катта. Улар мавжуд услубларни мукаммаллаштирадилар, янгиларини яратадилар.

V. Шуни ҳисобга олиш керакки, эски ёзма нутқ услуби ҳеч вақт инкор қилинмайди. Фақат сўзлашув тилига ёд бўлган сўз, ибора ва гап қурилишлари ўзгаради, тушунарли оммабоп сўз, ибора ва гап қурилишлари билан алмашади. Шундай бўлса-да, айрим анъанавий услуб воситаларининг айрим кўринишлари (айниқса, поэзияда) сақланади.

VI. Ҳозирги замон ёзма адабий услубнинг шаклланишида, айниқса XX асрнинг 20 ва 30-йилларининг боши кўзга ташланиб туради, феълнинг-ур шакли-ар, -дир // дур шакли-ди шаклини олиши, ўғуз тилларига хос сингармоник шакллар, *кашиюф*, *фирқа*, *ўтомоч*, *миргазаб* (турма назоратчиси), *эмгакчи* (меҳнаткаш), *йўқсил* (пролетариат), *ер билиги* ёки *жўгрофия*, *экин билгич* (*агроном*), *сувчил* (*кислород*), *тўр* (*президиум*) кабилар истеъмолдан чиқди.

VII. Халқ оғзаки нутқида оид махсус лексиканинг (касб-ҳунар, жаргон, шева хусусиятлари, вулгаризм ва архаизм ва историзмлар) нинг ҳам ёзма нутқ услубининг шаклланишида роли катта. Аммо бу муҳим қатлам адабий ёзма нутқ услубида чегараланган ҳолда, маълум бир услубий мақсадлар учун қўлланади.

АДАБИЁТ

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРИХИ

Сўз санъати инсоният яратган мўъжизалардан биридир. Сўз санъати энг қадимий ва доим боқий маънавий бойликдир. Бадий адабиётда инсониятнинг босиб ўтган узоқ, мураккаб йўли, тарихи, ўзини қуршаб турган муҳитни, коннотни, жонли ва жонсиз олами, табиат ва жамиятдаги воқеа ва ҳодисаларни англаш, тушуниш, идрок этиш ва уларга ўз муносабатларини билдириш жараёни ва даражаси акс этгандир. Бадий адабиёт инсон қалби, ақл-заковати, тафаккури ва идроки, кечинмалари, туйғулари, орзу-армонларининг кундалиги, йилномаси. У инсоннинг маънавий камолоти сари юришининг ўзига хос тарихидир.

Ҳар бир халқнинг сўз санъати чуқур миллийдир. Чунки бадий адабиётда у мансуб бўлган халқнинг ўзига хос турмуш тарзи, жуғрофий манзараси — ҳавоси, иқлими, табиати, айниқса шу халқнинг меҳнати, кураши, одамларнинг ўзаро муносабати, урф-одати, кийиниш маданияти, жамиятни бошқариш усул ва йўллари акс этади. Айниқса сўз санъатида миллатнинг ҳаётни, воқеликни, ҳодисаларни, олами ва ундаги ўзгаришларни тушуниш, идрок этиш ва уларни бадий тушунтириш тарзи, ўзига хос бадий тафаккур йўсини, тинчоллар олами акс этади. Ҳар бир миллий адабиёт умуминсоний масалаларни, жумбоқларни ўзига хос бадий тафаккури, ўзига хос бадий шакл, ифода воситалари орқали тушунтиради. Умуминсоний ғоялар, фикрлар ва туйғулар ҳар бир адабиётнинг, у катта халқнинг адабиёти бўладими, кичик халқнинг адабиёти бўладими, бундан қатъи назар, унинг қон томири, жону тани бўлади, аммо улар бирма-бир ифода этиш,

акс эттириш, бадний тушунтириш усуллари, шакллари, йўллари, шакллари жиҳатидан фарқ қилади. Ўзинга хос ва бетакрордир. Аммо бадний шакллари воситалар, худди шунингдек жанрлар доим имконияти кенгайиб, ранг-баранглашиб боради. ХХ асрнинг иккинчи нисонининг ҳаёти, олам ва одамни тушунтириши билан осмонча фарқ бўлганидек, уларнинг бадний факкурида ҳам шундай катта фарқ бор. Сўнгра қайси адабиёт ва унинг ёзувчиси ўз қобигида, яна миллий адабиёти доирасида ўраланиб қолмайди, албатта, бошқа адабиёт, бошқа ёзувчилар таърифидан, эришган ютуқларидан ўрганади (ҳам гоёвий, бадний, ҳам шакл бобиди). Борди-ю ўрганмаса, бадний адабиёт, бундай ёзувчи камол топмайди — баъзи тафаккур имконияти кенгаймайди. Бир жанрнинг иккинчи адабиётга кириб келиши учун шу адабиётнинг кўртак шаклида бўлсада, янги жанр уруғи бўлганда, агар муҳит, шарт-шароит, миллий анъана имконияти мавжуд бўлмаса, у томир отиб, «қўқлаб» кетмайди. Миллий имкониятлар — миллий асос ўша жанрнинг ички қирраларини кашф этиб, ўзиники қилиб олади — миллийлаштиради. Сўнгра баъзи бир халқда адабиётнинг бирор жанри тараққий этиб, унинг маънавий ва руҳий эҳтиёжини қондирса, иккинчи халқда бошқа жанр тараққий қилиши мумкин. Масалан, қадимги Юнонистонда драматургия жанри кенг ривожланган. Роман жанри антик даврда тугилган бўлса-да, XIX асрда тараққий этди. Ўзбек адабиётида қадимдан шеърнинг шундай жанр бўлиб келган, достонлар (масалан «Ҳамса») Шарқнинг ўзинга хос шеърӣ романидир. Насрий романининг етук намунаси Ўзбек адабиёти тарихида XX асрнинг 20-йилларида пайдо бўлди ва миллий ўзбек романи сифатида жаҳонда тан олинди. Аммо жанрлар моҳиятан байналмилал жанр бўлиб, уларнинг тўғибелгиси, ички қонун-қондаси мустаҳкам, боқийдир. Ўзбек адабиёти тарихи шеърӣ тўртликлардан шеър, маснавий, қасида, ғазал, нома, достон, ҳамсағачи (муҳаммас, рубоӣ ва яна ўнлаб шеър турлари бор) ва охири драматургия ва реалистик роман жанригача бўлган узоқ, катта тарихий йўлни босиб ўтди.

Ўзбек адабиётининг илдизи халқ ижодида бориб уланади. Тарихий манбалар ва кейинги асрлардаги илмий, тарихий, бадний асарлар орқали етиб келган маълумотларга қараганда («Авесто», «Тарихи Тиби

Берунийнинг «Ўтмиш аждодлардан қолган ёд-
навислари», Геродотнинг «Тарих» китоблари ва ҳ. к.)
қадимги давр ўзбек адабиёти намуналари, ҳар хил
аждодлар эрмизмдан аввалги IV—II асрларга ман-
суб. Қиёмарс, Жамшид, Сиёвуш тўғрисидаги афсо-
налар ва бундан кейинги давр ўзбек адабиёти мар-
кази ақлим адолатли шоҳ, баркамол инсон, дўстлик,
қўшани, нифо-садоқат, эзгуликни тарғиб этиш ва
қўшани, аўранонликни, нопокликни, босқинчиликни
қўшани ётади. Сиёвуш ҳалоллик, тўғрилиқ, ҳақгўй-
лик, садоқат рамзи бўлиб қолган ва бадий асарларда
қўшани такрор-такрор учрайди (ҳатто Фитратнинг
«Қиёмарс» трагедиясида ҳам иштирок этади).
Қиёмарс, Широқ ҳақидаги қиссаларда эса босқинчи-
лик қарши кураш, Ватанга садоқат, адолат ва гинч-
ликни ушлари олға сурилган. Буларда қаҳрамонлик
қўшани ақлим қилади. Широқ Эрон аскарларини ен-
гил қўшани ўз жонидан кечади: қулоқ-бурнини ўзи кесиб,
қўшани томонига ўтиб, унга ўзиникилардан — саклардан
қўшани айтиди ва уларни енгиш йўлини била-
ни айтиди: шу ҳийла билан Эрон аскарларини
қўшани қўшани етаклаб бориб, уларни алдагани ва
қўшани сўқилишдан ҳалок бўлажакларини айтиди. Улар
қўшани қатл этадилар. Халқ, Ватанга садоқатни,
қўшани ақлимни мана шундай тушунади.

Шунинг унутмаслик керакки, бу афсоналар, «Авесто»,
қўшани Энасой битиклари битта ўзбек халқининг мулки
қўшани, балки барча туркий халқларнинг ва форс-
қўшаниларнинг маънавий бойлигидир. Зардуштлиқ
(зороастризм) таълимотини тарғиб этувчи «Авесто»
қўшани миллоддан олдинги VI асрда пайдо бўлган бўлиб,
қўшани, яхшилик ғояларини улуғлайди, ёмонликни қо-
қўшани. Ундаги образлар бирор фазилат ёки бирор
қўшанининг рамзидир: эзгу кучлар сардори Ахура Маз-
да бўлиб, унинг олти ёрдамчиси эзгу фикр, юксак ҳа-
қонлик, адолатли ҳокимият, садоқат, саломатлик, ман-
гиллик рамзи ва ёмонлик тимсоли бўлмиш Ангра Ман-
гилнинг ҳам олти ёрдамчиси бўлиб, улар ёвуз фикр,
қўшани, ўлим, уруш, ҳасад, ножўя ишлар рамзидир.
Зардуштлиқ ғояси араб босқинчиларига қарши кураш-
ган Муқанна каби қаҳрамонларга йўлчи юлдуз бўлиб
қўшани ётган (Ҳ. Олимжоннинг «Муқанна» драмасини
қўшани мумкин).

Тошга ўйиб ёзилган Урхун-Энасой битиклари илмий
адабиётларда VI—VIII асрларга мансуб дейилади. Агар

X—XII асрдаги ўзбек халқи ҳаётидаги Буюк
 ғониш — Ренессеанс даврини ўйласак, бунинг зами
 томири узоқ-узоқларга бориши мумкин. Ал
 Ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, Абу Али ибн Син
 Маҳмуд Қошғорий, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссави
 Сулаймон Боқиргоний каби улуг даҳолар бўш жой
 майдонга келмайди-ку! Афсуски, ўша асос, замин бў
 ган асарлар тўла сақланиб қолмаган. Муғуллар иста
 лоси кўплаб маънавий-маданий, илмий бойликлар
 мизни ер билан яксон қилган. Бироқ кейин ислом д
 нининг бу юртларда қарор топиши, узоқ йиллар ара
 тилининг давлат тили сифатида қўлланиши, бу ерлар
 га ислом маданияти ва араб дунёсидаги илмлар (Юно
 нистондан ва бошқа мамлакатлардан арабларга тар
 жима этилган асарлар)нинг кириб келишига сабаб
 бўлди. Ислоннинг инсонпарварлик ғоялари адабиёт
 мизнинг қон-қонига сингди ва ўн беш асрча муддат да
 вомида унинг камолотига, айниқса инсоннинг маъна
 вий, руҳий гўзаллашишига ёрдам берди. Айни чоқда
 ўзбек олимлари ўз асарларини араб тилида ёзиб,
 араб илмининг ҳамма йўналишлари, айниқса, матема
 тика, медицина, фалсафа ва илмшўносликда, аниқ
 роқ айтганда ҳадис илми бобида араб дунёсига катта
 ёрдам берди. Жаҳонда «иккинчи муаллим» деб ном
 таратган Форобийни (Аристотель биринчи муаллим)
 XIX асрда яшаган немис арабшўноси Ф. Дитриче
 «араб фалсафасининг асосчиси», деб атайдн. Буюк
 муҳаддис Абу Абдуллоҳ ибн Исмоил ал-Бухорийнинг
 «Ал-Жомъ ас-саҳиҳ» («Ишонарли тўплам») деб
 помланган 4 жилддан иборат ҳадислар тўплами ислом
 оламидаги бошқа муҳаддислар тузган ҳадис тўплам
 ларидан энг мукаммали ва энг ишонарлисидир (у 600
 минг ҳадис тўплаб, бу тўрт жилдга 7275 тасини танлаб
 киритган). X—XI асрларда араб тилида яратилган ўз
 бек адабиёти ҳам диққатга сазовордир. Абу Мансур
 Абдулмалик ибн Муҳаммад ибн Исмоил ас-Саолибий
 ан-Найсобурий (961—1038) томонидан яратилган
 «Иатимат ад-даҳр фи маҳосин аҳл ал-аср» («Аср аҳ
 лининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси»)
 деган асарида шу асарнинг тадқиқотчиси И. Абдулла
 евнинг ёзишича, Бухоро, Хоразм, Тошкент ва Марказий
 Осиёнинг бошқа минтақаларида яшаб, араб тилида
 ижод этган юзлаб ўзбек ижодкорлари асарларидан
 намуналар берилади. Масалан, шулардан бири бухо
 ролик Абу Таййиб Муҳаммад ибн Хотим ал-Сустабий
 да шундай мисралар бор:

Дунё, сен фисқу, фасод ва қаллобликдан иборатсан;
Сен ҳеч кимга вазфо қилмайсан ва ҳеч кимга омонлик
бермайсан.

... Нечун донолар доно қашшоқ,
Нечун аблахлар утакетган бой?

(Таржималар И. Абдуллаевники.)

Ўзбек адабиёти ривожига форс-тожик адабиёти-
нинг олтин даври — X—XII аср адабиёти ҳам катта
таъсир қилди. Бу даврда Абу Абдулло Рудакий, Фир-
адисий, Носир Хусрав, Умар Ҳайём, Муслиҳиддин Саъ-
дий Шерозий, Ҳофиз Шерозий каби даҳолар яшаб
ижод этган. Форс тилида асар ёзган Низомий Ганжа-
вий ҳам шу замонда яшади. «Шоҳнома», «Гулистон»,
«Бустон»ни туркий халқлар севиб ўқишган ва туркий
ёзувчилар ҳам бу асарлардан озиқланганлар. Собир
Термизий, Бадр Чочий, Паҳлавон Маҳмуд каби ўзбек
шоирлари форс тилида ижод этганлар. Айни чоқда шу
даврдан бошлаб то Ҳамза ва Фитратларгача ўзбек
ёзувчилари икки тилда — ўзбек ва форс тилларида
асар ёзишни одат қилганлар. Лутфий, Навоий, Муҳам-
мад Солиҳ, Турди, Ғозий, Маҳмур, Ҳозик ва бошқалар
икки тилда бадий юксак асарлар ёза олишини на-
мойиш қилганлар. Шу туфайли бу икки халқ адабиёт-
лари мазмуни, руҳи, орзу-армони ва образлари, бадий
ифода воситалари, жанрларида муштараклик кўп. Шу
нарсга муҳимки, форс, араб ва туркий тилда яратилган
бадий ва илмий асарлардан шу маконда яшаган
барча халқлар озиқланганлар.

Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк»,
Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югна-
кийнинг «Ҳибатул-ҳақойиқ», Аҳмад Яссавийнинг «Ҳик-
матлари»нинг ҳар бири илм ва бадият оламида ўзига
хос кашфиётдир. Туркий тилларнинг луғат бойлигини
ажойиб синчковлик ва теранлик билан кўрсатиб берган
Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида
кўплаб шеърӣ парчалар, мақол, маталлар келтирила-
дики, булар адабиётимизнинг хазинасини тўлдирувчи
дурдоналардир. Бу парчаларда инсонни баркамол бў-
лишга чорловчи мисралар кўп учрайди:

Урган анинг биликин,
Кунида ангра бару.
Қутқулиқни тапингин,
Қўзғил қуваз нару.

Мазмуни:

Урган унинг билимин,
 Борган ушар сари.
 Қутлуғ ишга бўйсунгин,
 Кибри қув нари.

Аҳмад Яссавий эса ўзбек адабиёти тарихида янги йўналишни бошлаб берган улуғ шоирдир. Бу художўй шоир Куръон ва ҳадисларнинг инсонпарварлик руҳини ўзининг жуда содда, жуда сертуйғу, самимий ва жозибали ҳикматларига сиғдириб, инсонни руҳий маънавий баркамолликка етказлади. Бу тасаввуфчи шоиримизнинг эътиқодича, баркамолликка эришиш ҳаққа, худога етишиш демакдир. Баркамол бўлиш учун эса инсон ўз нафсини тийиши—бойликка ружу қўймаслиги, шайтоннинг йўлига юрмаслиги, диёнатли, имонли-эътиқодли, қаноатли, камтар бўлиши, пок, ҳалол яшаши, ёмонлик, зулм, ғафлат, жаҳолат тузоғига илинмасликка даъват этади:

Оқил эрсанг ғарибларнинг кўнглини овла,
 Мустафодек элни кезиб етим ковла,
 Дунёпараст ишқинлардан бўюн товла,
 Бўюн товлаб дарё бўлиб тошдин mano.

Ёки:

Нафсинг сени охир дамда гадо қилғай,
 Дин уйини ғарат қилиб адо қилғай.
 Улар вақтда имонингдин жудо қилғай,
 Оқил эрсанг нафси бадин бўлғил безор.

Яссавий нафс деганда фақат бойликингина назарда тутмайди, айни чоқда имонлилик, эътиқодлилик, ахлоқий поклик, амал-тож-тахтга иштилмаслик каби инсонни гўзаллаштирувчи, мукаммаллаштирувчи ҳамма нарсани тушунади. Аҳмад Яссавий ижодида ҳам, унганча ва ундан кейин яшаган шоирлар асарларида ҳам панд-насиҳат, ҳикмат-дидактика етакчи фазилатлардан биридир.

Ўзбек адабиёти тарихида кўплаб Яссавий издошлари пайдо бўлган. Кейинчалик яссавийликнинг янги босқичи — нақшбандийлик тариқати вужудга келди. Ҳожа Баҳсруддин Нақшбанд (1318—1389) номи билан боғлиқ дунёга келган нақшбанд тариқати инсонларни ҳалол меҳнат қилиш ва пок яшаш орқали ҳаққа — худога етишиш ғоясини кенг тарғиб этди: «Дил ба ёру, даст ба кор» — деганинг худода, қўлинг ишда, бўлсин, деган таълимот иҳоятда ҳаётини ва мақбул моҳиятга эга бўлганлиги учун халқ орасига чуқур ки-

риб борди, уни фаолликка, ҳақиқат ва адолат учун да-
дил курашга йўналтирди. Бу гоё ўтмиш шеърлатимиз,
биринчи ўринда Алишер Навоий шеърлати жисмига
ғиниб кетгандир.

Юсуф Ҳос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари ада-
биётимизнинг яна бир босқичидир. Унда маънавий
баркамол инсонни шакллантириш ва фозил жамиятни
яратиш муаммоси ўртага қўйилган. Одил ва ҳалол
ишашга даъват унинг ўқ томиридир: «Одил бўл, йўқот-
ми адолат йўлини» («Кўни бўл, йитурма кўнлини йў-
лини»), «Ҳалол дунё топгин, гадоёга улаш», «Киши қў-
лидан тут, кўмак қил, қараш» («Ҳалал дунё қазган,
чигайқа ула, киши элги тутғил, йанут қил пула»). Аҳ-
мад Юғнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойиқ» асари ҳам маз-
муни, йўналиши ва руҳияти жиҳатидан «Қутадғу би-
лиг» асарига яқин. Унда муаллиф инсонийлик, маъри-
фатлиликни ва адолатни улуғлайди:

Кўч эмгак тегурма кишига қоли,
Агар тегса эмгак кишининг кўтур.

Мазмуни:

Агар имкони бўлса кишига зулм қилма,
Қийинчиликка учраса унга кўмак бер.

Ўзбек адабиёти тарихида диний мотивлардан, диний
сюжетлардан адолат, ҳалоллик, илм-маърифатга ин-
тилиш гояларини тарғиб этиш ҳаракати тобора кучая
борди. Айниқса, Қутб, Рабғузний, Дурбек ижодида
Қуръон, ҳадислар, пайғамбарлар ҳаёти билан боғлиқ
мавзулар марказий ўринни эгаллайди. «Қиссаи Рабғу-
зий»да, масалан, Довуд пайғамбарнинг адолатли под-
шоҳлигини кўрсатиш учун унинг кечаси дарвеш ки-
йимини кийиб, шаҳар айланиб одамлардан подшоҳ
(яъни ўзи) тўғрисидаги фикрларни сўрагани ва камчи-
ликлари тўғрисидаги танқидий гапларни эшитиб, бу-
ларни йўқотишга интилганини ҳикоя қилади. Бу илк
наصريй асар бўлиши билан ҳам қимматлидир.

Ўзбек адабиётининг борган сари жанр, ифода воси-
талари, айниқса қамрови, кўлами кенгая борди. Фа-
залчиликда Саккокий, мунозара жанрида Юсуф Ами-
рий («Бани ва чоғир орасидаги мунозара»), Яқиний
(«Ўқ ва ёй») юсак санъатлари билан тарихда қолди.
Саккокийнинг Улуғбекни улуғловчи қасидаларининг
мазмунини ва руҳи ҳақиқатга монанд эканини замона-
мизнинг улуғ олим ва шоҳ Улуғбек номини эъозлаш
ҳам тўла тасдиқлайди. Ёки мунозара жанри моҳият

эътибори билан рамзий бўлиб, унда инсонлар ва жамиятдаги иллатлар танқид қилинди.

XV аср арафасида ўзбек фани, адабиёти янги поғонага кўтарилиб, Навоий ва Бобурдек улуғ зотларнинг пайдо бўлишига замин яратди. Навоий тимсолида шу давргача бўлган ўзбек адабиётидаги изланишларнинг самарали натижаси — синтези ёрқин намоён бўлди: ғазалчилик на XV асргача ва на ундан кейинги даврда Навоий ижодидагидек юксакликка кўтарилмаган эди; унинг ижодида шеърининг барча турларининг гузал намуналари яратилди; туркий, яъни ўзбек тилидаги «Хамса»си билан хамсачиликда буюк кашфиёт қилди; насрий ва илмий асарлари билан ўзбек адабиётида янги йўналишлар очди. У амирн каби бир сифатида давлатни адолат, ҳақиқат, тинчлик билан бошқаришга интилди. Ўзбек адабиёти тарихининг ўзига хос, бошқа халқлар адабиётида кам учрайдиган фазилатларидан бири унинг қатор вакиллари ҳам шоҳ, ҳам ижодкор, яъни ёзувчи сифатида шуҳрат қозонишларидир. Улуғбек буюк олим. Навоий улуғ амир ва буюк шоир эди, унинг дўсти шоҳ Хусайн Бойқаро илм-маданият ҳомийси ва иқтидорли шоир бўлган эди, Бобур шоҳ сифатида қандай машҳур бўлса, нозик дидли шоир ва «Бобурнома» дек бетакрор ноёб асарнинг муаллифи сифатида инсоният тарихида абадий эъзозга сазовор бўлди. Шоҳлик, ҳукмдорлик билан ижодкорликни уйғун олиб бориш анъанаси кейинги асрларда ҳам давом этди. Масалан, Муҳаммад Солиҳ ҳам амирул-умаро ва маликуш шуаро унвонларига эга бўлган. Унинг «Шайбонийнома»си бизнинг эпик шеърлятимизда тарихий шахслар, тарихий воқеалар ҳақида ҳикоя қилувчи асар тарзида қимматга эга ва шу томон билан «Бобурнома»га яқин. Бу қаҳрамонлик руҳидаги ўзига хос жангномадир. Мазкур асарларда реалистик ҳолатлар (айниқса «Бобурнома»да) кучли. Классик ўзбек адабиётига яхлит назар ташланганда, унда ҳаётни, воқеликни романтик усулда бадий тадқиқ этиш устун. Унда шартлилик, сербўёқлик, кўтаринкилик, «идеаллаштириб» тасвирлаш, афсона, миф, ривоят, эртакларга кенг мурожаат этиш кучлидир (одил шоҳ, фозил жамият, баркамол инсон идеалини тарғиб этишда ёрқин кўринади). Навоий «Хамса»сида бу белгиларни аниқ кўриш мумкин. Мажлисийнинг (XVI аср) «Қисса Сайфулмулук» асарида мифологик кучлар иштирок этади. Унда саргузашт сюжет ҳоким-

лик қилади, бош қаҳрамон ўз бошидан ажойиб-ғаройиб саргузаштларни ўтказадн, синов довларини босиб ўтади.

Ўзбек адабиёти қайси мавзу, қайси муаммога бағишланмасин, уларда ижтимоий мазмун, халқ, давлат аҳамиятига молик дард, орзу-армон иштирок этади, диққатда туради. Пошшоҳожа бинини Абдулваҳоб холининг «Мифтаҳул-адл» асарининг марказида одил шоҳ муаммоси туради: «Ҳар кимарса султон бўлиб ё бек бўлиб, адл қилмайин зулм қилса, у дунёда балога гирифтор бўлур», дейди. Шундан кўринадикки, ислом ақидалари инсонпарварлик ғояларини тарғиб этиш учун хизмат этдирилади. Ўиллар, асрлар ўтиши билан ўзбек адабиёти тобора халқ ҳаётига яқинлаша ва воқеликка танқидий ёндаша бошлайди.

Турди (XVII аср) меҳнаткаш халқ аҳволининг оғирлашиш сабабларини адолатсиз ҳукмдорлар зулмидан, бекларнинг порахўрлиги, ўзаро урушлари ва айниқса маҳаллийчилик туйғуларининг авж олишида кўради:

Фуқаро бўлди бу шоҳ асрида кўп зору наҳиф,
Зулмидин бўлди раият эликим хору занф.

Ёки:

Эй юзи қаро, кўзи кўр, қулоғи кар беклар!

Яна:

Тор кўнгиллик беклар, манман деманг,
Тўқсон икки бор ўзбек юртидур тенглик қилинг.
Бирин қилчоқу бирин юз, бирин найман деманг.
Қирқу юз, мингсон бўлиб, бир жон ойинлик қилинг!
Бир ёноқдан бош чиқариб, барча бир тўнга кириб,
Бир ўнгурилик, бир тирезлик, бир яқо-енглик қилинг!

Турди турк эли ва юртини хонавайронликка олиб келаётган бош иллатни — ноиттифоқлик, уюшмаслик, парокандачилиكنи теран ҳис қилди ва куйиб, ёниб бирлашишга даъват этди.

Демократизм, ҳаққонийлик, халқ ҳаётини реалистик тарзда идрок этишга интилиш Машраб ижодида ҳам хосдир (XVII—XVIII). Унинг араб-форс сўзларидан холи, содда, ростгўй, тугёнли, халқчил, ўйноқи, эҳтиросли, мусиқий шеърлари халқ орасига чуқур кириб борди:

Дили тиғи ситамдин пора бўлган халқни кўрдим,
Тани дарду аламдин ёра бўлган халқни кўрдим.

Эътиборли томони шундаки, Турди, Машраб, Ҳувайдо, Ғозий, Махмур, Гулханий каби шоирлар турли асрларда яшаб ўтган бўлсалар-да барчасида зolim

фалакнинг зулми ва адолатсизлигидан қаттиқ нолиш ғамгинлик устундир. Машрабнинг «Уртар» радифли ғазалидаги руҳни эслатувчи Ҳувайдонинг ушбу мисраларига эътибор беринг:

Ғазаб айлаб Ҳувайдони агар солсак тамуғ ичра,
Фигону нолама дўзах чидолмай айлагай фарёд.

Агар Машраб дардимни айтсам, бутун жаҳон уртайди, деса, Ҳувайдо фигонига дўзах чидай олмаслигини таъкидлайди. Ғозий эса «Ситаму жавру жафо ҳаддан ошти», «кимга дод қилай», дейди, Махмур эса золим ва адолатсиз замонни қаттиқ танқид қилиш даражасига бориб етди («Ҳапалак» шеъри):

Қайси бир зулмнинг этгай бедод, эй гардуни дун,
Ким сенинг бедоду жавринг ҳадди ғоятдин бурун.
Беҳунар жоҳилга бердинг беадад дунё-ю дун,
Жамъи доноларни қилдинг ҳолини зору забун,
Зогни аъло қилиб, тўтини нодон айладинг.

Увайсийнинг (XVIII—XIX) «Замона кулфатидан бу кўнгил доғ ўлди, доғ ўлди» мисраларни ҳам юқоридаги шоирлар асарларидаги йўналиш, оҳангга тугашдек. Ўзбек адабиётининг ўзига хослиги, бойлигини тасдиқловчи далиллардан бири унинг Увайсий, Нодири, Маҳзуна, Дилшод каби қатор талантли аёл шоирларининг бўлганлигидир. Улар асарларида умуминсоний туйғу, фикрлар, дардлар билан бирга аёллар оламига хос кечинмалар, дардлар чиройли ифодаланган.

Ўзбек адабиёти тарихида Мунис, Огаҳийлар шоир, тарихчи, таржимон сифатида ўчмас из қолдирган ижодкорлардир. Бу фозил, кўп қиррали ижодкорлар, айниқса Огаҳий ўтмиш адабиётининг энг йирик вакилларида биридир. Унинг шоирлик санъати ҳам баланд, таржимонлиги эса яна беқиёс аҳамиятга моликдир. Мирхондининг етти жилдлик «Равзатус-сафо» тарих китобининг иккинчи жилдини, Жомийнинг «Юсуф ва Зуллайхо», «Саламон ва Абсол», «Баҳористон», Саъдийнинг «Гулистон», Қайковуснинг «Қобуснома», Воиз Қошифийнинг «Ахлоқи Муҳсиний», Бадриддин Ҳилолийнинг «Шоҳу гадо» каби йиғирмага яқин асарни ўзбекчага ағдарди. Унинг «Риёзуд-давла», «Зубдатут таворих», «Жомеъул-воқеоти султоний», «Гулшани давлат», «Иқболи Ферузий» каби бешта тарих китоблари Хоразм тарихини ўрганишда биринчи манба сифатида бебаҳодир. Огаҳий шеърлари, таржималари ва тарихга онд китоблари аини чоқда ўзбек тилини бойитди ҳам.

Сўз санъати тобора реал ҳаётга яқинлаша ва халқ-

нинг оғир аҳволи, жамиятнинг адолатсизлик сабабдарини қидира бошлади. Аввал бой ва камбағалларга бўлинган жамиятни фақат ақлли, доно, сахий, жасур, ғавқулодда маънавий ва жисмоний қудратга эга бўлган одил шоҳ бошқариши ва уларнинг ҳаммасини бахтиёр қилиши мумкин, деган ғояни тарғиб этган бўлса, энди илм, маърифат орқали ҳаётни яхшилаш мумкин деган фикрни кенг тарғиб қилишга ўтилди (ўзбек адабиёти доим илмга эътибор бериб келган). Ҳатто илгор мамлакатлардаги давлат тизимидан ўрганиб, (масалан, Россиядан) хонлик тузумини ислоҳ этиш лозим, деган ғояни ўртага ташладилар. Булар маърифатпарвар ижодкорлар эди (Аҳмад Дониш, Сатторхон Абдугофур ўғли. ва ҳ. к.). Адабиёт бу даражада тўхтаб қолмади. Энди феодал қолоқлиқни, жаҳолатни, исломни ниқоб қилиб халқни таловчиларни, айниқса чор мустамлакачиларининг зулминини танқид этиш, сатира остига олиш ҳаракати кучайди. Шу туфайли ҳажвчилик кенг ривожланди. Айни пайтда адабий жанрларининг янги қирралари очилиб ва янги жанрлар ҳисобига бойиб борди. Муқимий ва Завқий сатираси, Фурқатнинг публицистикаси, Авазининг ижтимоий кучли шеърлари, наср, драматургиядаги изланишлари ўзбек адабиётининг воқелиқни ва инсонни бадий таҳлил этиш имкониятини кенгайтиради, ушн демократик йўналишга солиб, реалистик адабиётга айлантирди. Бунда ўзбек адабиётининг рус, озарбайжон, турк, татар, тожик адабиётлари билан тобора ўсиб бораётган алоқаси ҳам катта аҳамиятга молик бўлди. Натижада ўзбек адабиётида жаҳидчилик йўналиши келиб чиқди ва бу йўналишни дастлаб ислоҳотчиликдан бошлаган бўлса-да, 1917 йилларга келиб жамиятни, тузумни ўзгартириш ниятига етиб борди. Юқорида тилга олинган шоирлар, ёзувчилар сафига аввал Бехбудий, С. Айнӣ, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Авлоний, улар билан кетма-кет Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон каби миллий ўйғониш даврининг булажак йиприк вакиллари кириб келдилар. Улар адабиётнинг мазмуни, йўналиши, руҳи, мавзуси, орзу-идеали, шакли ва жанри, ифода йўлларини бойитдилар, XX аср ўзбек адабиётининг тамал тошини қўйдилар.

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЎЗБЕК АДАБИЕТИ

Ҳозирги замон ўзбек адабиёти ўз бошидан мураккаб жараёнларни кечирди. Шу вақтгача мумтоз ада-

биётимиздан кейинги давр совет адабиёти деб юритилиб, бу давр 1917 йилги Октябрь инқилобидан кейин бошланган ва республикамизнинг миллий мустақилликка эришган пайтгача бўлган тарихини ўз ичига олади. Гап бу воқеани аввал Октябрь инқилоби, ҳозир эса Октябрь тўнтарини деб юритилишидагина эмас. Ҳозирги замон ўзбек адабиётининг туғилиши Туркистоннинг Россия томонидан зуравонлик билан босиб олган даврига бориб тақалади. Бу даврда ижтимоий-иқтисодий ҳаётда, халқ оғида, унинг снёсий ва бадний тафаккурида юз бера бошлаган ўзгаришлар — демократик кайфиятлар, маърифатпарварлик ғоялари Муқимий, Фурқат, Аваз каби шу давр адабиётининг йирик вакиллари ижодида ёрқин кўринди. 1905 йилга келиб Россиядаги инқилоб, Туркия, Озарбайжон, Татаристонда бошланган жадинчилик ҳаракати таъсирида Туркистонда ҳам жадинчилик келиб чиқди. Мактаб-маорифин ислоҳ қилишдан бошланган бу ҳаракат бора-бора ўз олдига ижтимоий тузумни ўзгартириш, миллий мустақилликка эришишни бош мақсад қилиб қўйди. Бехбудий, Мунаввар Қорн, Абдулла Авлоний, Ҳамзалар янги мактаблар очиб, улар учун дарсликлар, қўлланмалар яратиб, газета ва журналлар нашр этиб жадинчилик ғоясини кенг тарғиб этдилар. Айни чоқда улар шеърлар, ҳикоялар ва драмалар, публицистик асарлар ёзиб, шу янги, илғор ғояларни тарғиб этдилар. Бу ҳаракат ўзбек адабиёти ва санъатида драматургия жанри, театрчиликнинг, насрчиликнинг туғилишига олиб келди. Жадинчилик ҳаракати на чоризмга, на мутаассиб маҳаллий амалдорлар, тақводор дин пешволарига маъқул келди: улар халқнинг оғи ўсиши, қалб кўзининг очилиши — ҳақиқатни таниб қолишидан чўчишди, шу туфайли жадинларни қувғин қилишди, сазойи этишди, мактабларини ёпиб қўйишди, газета ва журналларининг чиқишига иқтисодий ва маъмурий томондан тўсқинлик қилишди. Лекин тарихнинг ғилдирагини орқага юргизиш мумкин эмас эди, бу ҳаракат ўз сафига тобора жамиятнинг ҳамма табақасини торта бошлади. Улар сафига Фитрат, А. Қодирий, Чўлпон каби йирик санъаткорлар келиб қўшилди. Бу ёзувчилар Октябрь инқилобидан кўп нарса умид қилдилар — Октябрь инқилоби жадинлар орзу қилган эркинлик, тенглик, миллий мустақиллик, маърифат беради, бахтсаодат йўлига олиб чиқади, деб ўйладилар ва уни мадҳ этишга уриндилар. 1917 йилдан кейин жадин

ёзувчиларининг ўз иқрофига кўра (А. Авлоний, Мунаввар Қори ва бошқалар), янги тузум — советлар томонига ўтдилар. Асарларида ҳам халқни шу тузумни ҳимоя қилишга даъват этдилар. Лекин кўп ўтмай юртда фуқаро уруши, босмачилик ҳаракати, аслида халқ қўзғолони бошлангач, янги тузум, большевиклар партияси олиб бораётган сиёсат халқнинг орзу-армонидан, жаҳидларнинг мақсад-идеалларидан узоқ эканлиги маълум бўлиб қолгач, Чўлпон, Фитрат, А. Қодирийлар яна миллий мустақиллик, эркинлик, тенглик, адолат ҳождарини фаол тарғиб этишга ўтдилар. Қўзғолончилар енгилгач Чўлпон эди «Сомон парча», «Хазон» каби таслимчилик руҳидаги шеърларни ижод қилишга мажбур бўлди. Большевизм совет диктатураси ижодий эъёилиларга қарши таъқиб-таъйиқни, курашни бошлаб юборди. Ҳатто А. Қодирий бир бор қамалиб ҳам чиқди. Чўлпон ва Фитратни матбуотда, мажлисларда қаттиқ танқид қилиб, миллатчиликда айблай бошладилар. 1930 йилда Боту қамалди, кўп ўтмай машъум қатағон-қирғин йиллари бошланиб кетди: 1938 йилга келиб А. Қодирий, Чўлпон, Фитратлар отиб ташланди, Усмон Носир, Элбек каби ўшлаб эъёилилар ҳибсга олиниб сургун қилинди ва улар ўша йироқларда ҳалок бўлдилар.

Мана шундай шаронтда, шу муҳитда (1929 йилда Ҳамза ҳам ўлдирилган эди) адабиётга кириб келган Ойбек, Ғ. Ғулом, Ҳ. Олимжон, А. Қаҳҳор, Уйғун, Миртемир каби ёш ёзувчилар қўрқиб, чўчиб ижод қила бошладилар, большевизм, совет ҳукумати, ленинизм уларни ўз чизиғидан юришга мажбур этди. Албатта, ҳақиқий талапт ижодкордан ҳаёт ҳақиқатини ифодалашни тақозо ҳам қилади. Мазкур ёзувчилар воқеликда ва инсонлар онги, қалбида, психологиясида юз бераётган ўзгаришлар, янгиликларни тўғри, ҳаққоний акс эттирувчи асарлар ҳам яратдилар. А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», Фитратнинг кучли, жиддий илмий асарлари, «Абулфайзхон» фожиаси, Чўлпоннинг шеърлари, «Ёрқинной», «Замона хотини» драмалари, «Кеча ва кундуз» романи 1917 йилдан кейинги ўзбек адабиётининг маҳсулоти эди, булардан кейин Ойбекнинг ажойиб шеърлари, Ғ. Ғуломнинг «Шум бола», «Ёдгор» қиссалари, Ҳ. Олимжоннинг муҳаббат ва инсон эрки масаласини кўтариб чиққан «Зайнаб ва Омон» достони, А. Қаҳҳорнинг ўтмиш ҳақидаги ҳикоялари бу давр адабиётининг ижобий ҳодисалари эди. Гарчанд узоқ йиллар кеча ва бугун,

яъни кеча, 1917 йил Октябрь инқилобидан аннале
ёмон ва бугун — совет даври яхши, деган при
ижод қилинган бўлса-да, шу кеча тасвири орқав
хил имо-ишоралар йўли билан бугунни танқид
чи, халқни огоҳликка чорловчи асарлар ҳам
Жумладан, Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романида
империясини фош этувчи саҳифаларнинг остиди
та фикр қатлами — большевизмнинг, қизил асар
нинг зулми, ноҳақ хатти-ҳаракати тўғрисида ҳу
ди. Чўлпон жадид билан Мирёқуб суҳбатиди, мил
чилик йўли социалистлар йўлидан бутунлай фар
лиши, жадидлар одамларнинг ерга эга бўлиши, фаб
рикалар қуриб, бой бўлишини истайди, л
тилда, ишда туркий халқларнинг бирлашиниши у
ди, орзу қилади, дейди. Чўлпон мустамлакачилик
моғидан қутулиб, мустақилликка чиқишга ишорат
қилади.

Ҳозирги замон ўзбек адабиёти ўз йўлида кўн
саларни ҳам бой берди, ҳам қўлга киритди. Иккин
жаҳон уруши даври ўзбек адабиётининг бош паф
моҳияти талончилик урушини қоралаш, эркин
тинчлик, дўстлик ва айниқса қаҳрамонлик, ватан
варлик ғояларини тарғиб этишдан иборат эди бу
даврга келиб собиқ СССР таркибига кирган ҳам
республикаларга ягона ватан туйғуси ва бу Ватан
Россиядир, деган тушунча зўр бериб сингдирилган эди
ўз юртини куйлаш, улуғлаш миллатчилик деб қор
ланиш одат тусига кирган эди (бу айниқса урушдан
кейинги йиллар—50-йилларда янада кучайди). Шу
нинг учун Ҳ. Олимжоннинг «Россия» шеъридаги
деярли барча ижодкорлар асарларида ҳам тарғиб
лар эди. Бориб-бориб бу ғоя ягона оила туйғуси, деган
тушунчага, рус халқи оға ва бошқа халқлар ука, деган
фикрга айланиб кетди, бунинг заминида бошқа мил
латлар иккинчи даражали, рус халқига тобедир, деган
ният ётар эди. Шу туфайли йирик эпик асарларда рус
кишиси образи фақат ақл-фаросат ўргатувчи, йўл кў
сатувчи, етакловчи тарзида, ҳеч хато қилмайдиган об
раз тарзида; асосан ижобий қаҳрамон сифатида кў
сатилди.

Иккинчи жаҳон уруши даври совет тузуми ва совет
халқларининг кучли ва заиф томонларини намоён қил
ди, аммо совет халқларининг немис фашизми устидан
ғалаба қилиши бир томондан совет кишиларининг бу
юк жасорати, ватанпарварлигини кўрсатса, иккинчи

бу талаба совет тузумининг, коммунизм ғоя-
сининг моҳиятининг янада бир неча ўн йил
ишлари учун хизмат қилди. Чунки инсоният
қоралаган, тинчликни истаган эди. Шу уруш
даври адабиётида инсонпарварлик, қаҳрамон-
лик, умуминсонийлик — байналминаллик ва
инсонларнинг тарғиб этишда ибратли тажриба-
лар кўрсатилди. Ғ. Ғуломнинг инсонлар ирқи, милла-
тига назар ташлаб қатъи назар ҳаммаси тенг-
лигини тарғиб этувчи «Мен яҳудий», «Сен
армянин» каби шеърлари, Ҳ. Олимжоннинг эрк,
қўлини тарғиб этувчи «Муқанна» асари, Ойбекнинг
инсонпарвар образини гавдалантирган «Навоий»
асари қаҳрамонлик руҳидаги М. Шайхзоданинг «Жа-
ҳоннинг Мангуберди», Уйғун ва И. Султоннинг «Али-
Навоий» драмалари, Зулфиянинг «Ўни Фарҳод
қилди» достони каби ўнлаб асарлар шу давр
адабиётининг инсон ва жамият, тарих ва замонни ўр-
натгани маълум ютуқлардандир.

Шу давр адабиёти материали, мазмуни, образлар
асосини ҳаётдан миллий ҳаётга, миллий адабий
асарларга анча яқинлашди: мумтоз адабиётдан, ай-
нан эски ижодидан баҳраманд бўлиш, уларнинг ғоя-
ларини, шаклий тажрибаларидан ўрганишда кўзга
татиётли ибратли ютуқларга эришди. Айни чоқда
руҳини дастлабки йиллари Россиядан кўлаб маш-
ҳур бўлган, шоир, санъат вакиллари (А. Толстой,
А. Ахматова каби) ва олимларнинг Ўзбекистонга эва-
зилари қилиниши, уларнинг бу ерда ўзбек ёзувчилари
билан ҳамкорликда яшаши ва ижод қилиши туфайли
адабиётдан, қардош халқлар ва жаҳон адабиёти-
ни ўрганиш сезиларли даражада жонланди. Бу давр
тарихий теманинг вазни ошди, тарихий шахслар,
адаблардаги афсонавий қаҳрамонлар драматик асар-
ларга, достонларга, шеърларга материал бўлиб хизмат
қилди. Шу маънода бадий тафаккурда миллий замин-
ни ҳис қилиш юз берди.

Шу йиллар адабиётининг бир етакчи фазилати бор
эди, бу яратувчи инсон, меҳнат кишининг образини
қўлини битилишдир. Буни урушда вайронага айланган
амалиёт ҳолати, иқтисодий аҳвол, одамларнинг тинч-
ликни ташналиги тақозо қилар эди. Тўғри, иккинчи
даври урушида совет мамлакатининг ғолиб чиқиши
адабиётда мадҳиябозлик, қасидачилик, дабдабозлик,
халқни кўтаринкиликни авж олдирди, йирик эпик асар-

ларда воқеликдаги кескин зиддиятларни, курашни четлаб ўтиш, хаспўшлашга зеб берилди. Ленин, Сталин, Коммунистлик партияни кўкка кўтариш, оддий инсонни, унинг руҳий дунёсини, мураккаб кечинмасини назар-писанд қилмасликка уринилди. Колхоз ҳаёти, деҳқонлар, ишчилар меҳнати романтик бўёқларда шодёна руҳда тасвирланди, инсон характерининг шаклланиши, уни ўрганиш эмас, балки меҳнатнинг ўзини, техникаси, саноат ва қишлоқ хўжалик муаммоларини ечиш асар марказига қўйилди. Деҳқонлар, ишчилар, хотин-қизлар ва зиёлилар йўлини намуна қилиб кўрсатиш баҳонасида («Олтин водийдан шабадалар», «Қўшчинор», «Опа-сингиллар», «Ўқитувчи») совет тузумининг афзаллиги гоёси тарғиб этилди. Адабиёт асосан партиянинг маддоҳига айланиб қолди. Ижод эркинлиги қогозда, оғиздагина айtilди, амалда ижодкорнинг партиянинг чизган чизиғидан бир эпик чикишига йўл берилмади. Бунда социалистик реализм методи ниқоб вазифасини ўтади. Ҳатто 50-йиллар бошида бир қатор ёзувчилар (М. Шайхзода, Миртемир, С. Аҳмад, Шухрат, Шукрулло, М. Исмонлиев ва бошқалар) ҳибсга олиниб, сургун қилинди.

1956 йилдан, (тўғрироғи Сталин вафотидан кейин) музлар бироз эрий бошлади, эркинлик эпикчилари эса бошлади. Мазкур ёзувчилар озодликка чиқди, 30-йилларда қатағон қилинган, отиб ташланган ёзувчилар оқланди. Аввал А. Қодирийнинг номи тикланди, «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романлари баъзи қисқартиришлар (албатта, нотўғри қисқартириш) билан босилиб чиқди, 80-йилларга келиб, Боту, Элбек, У. Носир, Чулпон, Фитрат каби ёзувчилар тўғрисида фикр юритиш, асарларидан намуналар бериш имконияти тугилди. Мазкур ёзувчиларнинг адабиётимиз тарихи ва тақдиридаги ўрни ва аҳамияти ҳалол баҳолангач, аср бошидаги адабиётимиз ҳолатини ҳаққоний кўрсатиш имконияти тугилди.

Аммо 50—70-йиллар адабиётини фақат қора бўёқда кўрсатиш адолатдан эмас. Катта талант эгаи ҳаёт ҳақиқатини ифодаловчи асар ёзмаслиги мумкин эмас. Бундай ижодкорлар рост гапини айтиш йўллариини қидиради ва топади ҳам. Ғ. Ғуломнинг «Вақт», «Ўзбек халқининг гурури» каби шеърларида, Миртемирийнинг «Сурат» поэмаси, М. Шайхзоданинг «Мирзо Улугбек» фожиаси, А. Қаҳҳорнинг «Даҳшат», «Туйда аза», «Гобутдан товуш», «Ўтмишдан эртақлар» асарлари, Зул-

фиянинг ҳижрон ва садоқат мавзuidaги шеърлари адабиётимиздаги бадий силжишдан далолат беради, Мазкур ёзувчилар сафига Ш. Рашидов («Қашмир қўшиғи»), Саид Аҳмад («Келинлар қўзғолони»), А. Мухтор («Чинор»), О. Ёқубов («Улуғбек хазинаси», «Диёнат»), П. Қодиров («Юлдузли тунлар»), улар кетидан Э. Воҳидов (шеърлари, «Олтин девор», «Рухлар исёни» достони), А. Орипов («Йиллар армони», «Жаннатга пул»). Р. Парфи, О. Матжон шеърлари, У. Ҳошимов, («Икки эшик ораси»), Ш. Холмирзаев («Бодом қишда гуллади» ҳикоялар тўплами, «Қора камар» пьесаси), Х. Тўхтабоев («Сариқ девни миниб...»). Ш. Бошбеков («Темир хотин») асарлари ва улардан кейин адабиётга қадам қўйган У. Азим, Ж. Камол, Х. Даврон шеърларидан янги руҳ, янги оҳанг, янги ифода йўллари кўринди. Адабиётнинг ҳамма жанрларида ибратли гоёвий-бадий изланишлар содир бўлди. Айниқса ҳозирги замон ўзбек шеърляти умуминсоний йўналиши, фалсафий теранлиги, қамровининг кенглиги ва психологик чуқурлиги билан жумҳуриятимиздан узоқ-узоқларга етиб борди. Тарихий романларимиз ва комедияларимиз ҳам жаҳоннинг кўплаб китобхонлари ва томошабинларига маъқул бўлди. Чунки тарихий мавзудаги асарлар ва комедияларда, сатирада, юморда ёзувчиларимиз ўзларини бир қадар эркин ҳис қилдилар ва ҳақиқатни дадилроқ айта олдилар. Сўнгра ёзувчилар, айниқса адабиётимизнинг ёш авлоди рамзий образлар, ҳар хил ривоят, афсона, мифлардан фойдаланиб, жиддий, муҳим ҳақиқатни, қалтис гапларни айтишга интилди. 1986 йилга келиб мамлакатда қайта қуриш деган жараённинг бошланиши муносабати билан ёзувчилар катта ижодий эркинликка эга бўла бошладилар. Айниқса республикамиз миллий мустақилликка эришгач, ижодкорлар учун янги имконият, янги давр бошланди.

Адабиётимизда миллий руҳ, миллий тафаккур тобора жонланмоқда: бу жамият ва инсонга ўтмишда ўтган улуғ даҳоларимиз фалсафасидан келиб чиқиб ёндашишга, яъни фозил жамият ва фозил, баркамол инсон, одил йўлбошчи идеалидан келиб чиқиб ёндашиш, инсоннинг руҳий такомил хусусида исломий ақидалар — Қуръон ва ҳадисларга суяниб фикр юритиш, Ўсавий ва Нақшбанд фалсафасидан озиқланишда кўринмоқда. Албатта, бу руҳ, бу тенденция ҳали

асарларнинг бутун жисмига, ҳужайрасига, қалбига қонига, қалбига сингганича йўқ.

Адабиёт ва сиёсат, адабиёт ва мафкура адабий ҳаётнинг кун тартибига турган. Танқидчилик миз етмиш уч йиллик адабиётни, совет адабиётини, совет адабиёти, коммунистик партия йўл-йўригини, тузуми мафкурасини тарғиб этган адабиётлар баҳолади. Айни пайтда адабиёт, сиёсат, мафкура холи бўлиши керак, деди. Кейинги фикр унча эмас. Албатта, адабиёт ва санъатнинг унга қарақчиёт қонунин бор ва бу қонун ижтимоий жамият тараққиёти қонунига мос келмайди. Бироқ адабиёт ва санъатнинг ривожига ижобий ёки манфатли таъсир этиши мумкин. Агар жамият — тузум, адиллик ишларни олиб бораётган бўлса, халқ, инсон манфаати унга қарши курашади. Чўлпоннинг ёки Фитратнинг асари сиёсатдан холи эди? Ахир улар миллий муқаддаслик учун, адолат учун, халқ манфаати учун курашганлиги туфайли миллатчиликда айбланди ва қўлга олинди. Улар асарларида ҳақиқат туйғуси бадий шаклда ифодаланди. Аммо қатагон йиллари, тўнғулик даврида яратилиб, коммунистик партиянинг сохта сиёсатини тарғиб этган, ёлгон сўзлаган асарларни реализмдан, ҳаққонийликдан чекинган асарлар деймиз, бу тўғри. 90-йиллар арафасида (1985 йилдан кейин) ва шу 90-йиллар бошларида ўзбек шеърининг айниқса ёшлар шеърини сиёсатга ғоят фаол ариштириди, боқий мавзуларини четга суриб қўйди. Сиёсатчиликнинг, публицистика жанрининг вазифасини ўз бўлиши олишга интилиш бир лаҳзаллик, ўткинчи шеърларнинг ёзилишига олиб келди. Бугунги кунга келиб қатъий жанговар шоирларнинг жимиб қолиш сабабларидан бири ҳам шу ерда — сиёсат, мафкура ва адабиёт деган муаммони бир тамоилама тушурилишида, бадий мезонини назар-писанд қилмасликда эди. Адабиёт ва санъатда сиёсат бўлади, мафкура бўлади, аммо адабиёт ва санъат сиёсат, мафкура қурол эмас. Инсоний ўрғаниш ва унинг бугунги, эртаси тўғрисида қайғуришни нуқтаи назардан сиёсат, мафкура билан жинс боғланади.

Ҳозирги шеърини, умуман адабиётимизда ўзбек халқининг ўтмишда жаҳон цивилизациясига қўнган буюк ҳиссаси — математика, медицина, фалсафа, ис

қонини, ҳарбий санъат, адабиёт ва шу каби кўп сонли инновациядаги фаол иштирокидан қонуний ҳаётини ва ўлигини танишга астойдил интилиши. Адабиётнинг ҳаракати кучли. Тарихимизни янгилаш, янгилаш, янгилаш, янгилаш ҳаққоний идрок этиш боғлиқ. Инновациялар қилинмоқда. Э. Воҳидов, Ш. Раҳимов, Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган шеърлари», Набижон Боқийнинг «Қатлнома» каби асарларида теран маънавий-руҳий изланишлар кўрилади. Ҳозирда бизда кейинги йилларда тарихий воқеаларнинг ҳужжатлар ва тарихий шахсларга ёндашган (80-90-йиллар орасида) гоҳ ўнга, гоҳ сўлга қарай содир бўлиб келди. Жумладан Шароф Рашидовнинг «Қатлнома» китобида баъзи насрий асарларда у баланд тарғиб мақталди, у оламдан ўтгач ва унга нисбатан ҳаққонийликча ёндашилган пайтда ёзилган бир асарларда унга нисбатан қора бўёқ ишлатилди. Адабиётдаги онгли иккиюзламачилик эди. Етмиш йиллар давомида одил бўлганми, золим бўлганми, буидан ҳаққонийлик деярли барча шоҳлар ва хонлар қора бўёқ билан қарай бошладик (Улуғбек ва Бобурларни чет элдан қўлга олиш, Улуғ Темурни қўлга олиш билан қарай бошладик), Улуғ Темурни тилдан қўлга олиш одамнинг тили кесилибгина қолмади, ҳатто қўлга олиш остида қолди. Эндиги публицистик мақолаларда, бадий асарларда гуё ҳамма шоҳлар, ҳамма хонлар одил, яхши дейилмоқда, гуё тарихда яхшилик билан ҳаққонийлик ўртасида доим кураш давом этмагани. Насимийнинг тириклай терисининг шилиниши, Насимийнинг энг эзгу-армони адолатли шоҳ ва баркадори бўлиши эди. Қўллаб асарларида, жумладан «Ҳайрат» асарида шоҳ қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги фикрларини ўртага ташлаган эди-ку! Ҳатто Навоий илоҳий бўлса шоҳлик тожидан қутулишни ҳам уйлайди:

Тож кўп дарди сар берур бизга,
Зулмидур ақли хуш торожи.
Бошимиздин бу тожни гум қил —
Барча гар бўлса салтанат тожи.

Абу Наср Форобий «Фозил шаҳар одамлари қарашлари» асарида фозил шаҳар ҳокимининг ўн иккита фазилати, унинг ўрнига келган ҳокимнинг унга қўнган олти фазилати бўлиши кераклигини айтади

ва ахлоқли одамнинг ҳам ўн иккита туғма хислати бўлиши лозим дейдики, одам бу хислатларга осонликча эришмайди. Олим яна шундай орзу қилади:

«Маданий жамият ва маданий шахар (ёки мамлакат) шундай бўладик, шу мамлакатнинг аҳолисида булган ҳар бир одам касб-ҳунарда озод, ҳамма баббаравар бўлади, кишилар ўртасида фарқ бўлмайди, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб-ҳунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар. Бир иккинчисига ҳужайин бўлмайди. Одамларнинг тинчлик ва эркинликларига халақит берувчи султон (яъни подшоҳ) бўлмайди. Улар орасида турли яхши одатлар, завқ — лаззатлар пайдо бўлади. Уларнинг ўзларидан сайланган раҳбар ёки бошлиқлар ҳокими мутлақ бўлмайди. Улар одамлар ичидан кутарилган, синналган энг олижаноб, раҳбарликка лойиқ кишилар бўладилар. Шунинг учун бундай раҳбарлар ўз сайловчиларининг тула озодликка чиқарадилар, уларни ташқи душмандан муҳофаза қиладилар. Ҳаммага баробар муносабатда бўладилар, ҳатто халқнинг манфаатини ўзларининг манфаатларидан ортиқ кўрадилар, умумининг манфаати учун ўзларининг шахсий манфаатларидан кечадилар, халқ манфаати учун ўзларидаги кучгайрат ва бойликларни аямайдилар».

Уша замонларда бизнинг даҳоларимиз мана шундай орзу қилган бўлсалар-да, биз, шоҳ, хон, ҳокимларга фақат бир ёқлама ёндашсак адолатдан эмас. Шу уринда яна бир гапни айтиш лозим. Бизнинг адабиётимиз бойларни ва бойликни ёмонлаб келди. Ёзувчиларнинг меҳр-муҳаббатини камбағалларга қаратилди — ишчи-деҳқонлар, баъзан зиёлилар бош ва ижобий қаҳрамонлар қилиб кўрсатилиб келинди. Андижонлик Миркомилбойга ўхшаган ишбилармон ва халқнинг манфаати учун ибратли ишлар қилган, ҳатто чоризмга қарши курашувчиларга иқтисодий ёрдам берган одамларни (отаси бор бойлигини фарзандларига тенг бўлиб берган, лекин фақат Миркомилбой ишбилармонлик қилиб бой бўлган) чоризм ҳам таъқиб қилган, Февраль инқилобидан кейинги Вақтли ҳукумат ҳам унга кун бермаган ва Октябрь инқилобидан кейин эса большевиклар уни отиб ташлаган. Халқ ва адолат учун жонини тикканлар бойлар ёки зиёлилар орасидан чиққан бўлса, уларга синфий ёв сифатида қаралган. Лекин бугунги кунга келиб Йўлчи, Гулнор, Зайнаб ва Омонлардан воз кечишимиз керакми?! Йўқ, албатта.

Жамият тақдирини ноз-неъматлар тайёрлаб бераётган деҳқонсиз, техникани ишга солаётган ва улугвор иншоотларни барпо этаётган ишчиларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада ҳам Навонидан ўрганиш керак. «Маҳбуб ул-қулуб» асарида жамиятдаги ҳамма касб эгасининг таърифини беради, деҳқонлар тўғрисида эса «Оламнинг ободлиги деҳқонлардан, меҳнат аҳли шодлиги улардан», «тирикларнинг ҳаммаси шу деҳқоннинг фарзанди-ю, унинг ўзи Одам Атодир», дейди. Жамият аъзоларига худди шундай одил ёндашниш ва улар образини ҳаққоний яратиш лозим. Сўнгра биз бойликка эмас, маънавиятга, руҳий ва маънавий баркамол инсон идеалига интилишимиз керак. Акс ҳолда ҳозир даҳолар олға сурган тасаввур ғоясини ардоқлашимизнинг нима кераги бор?

Октябрь инқилоби, босмачилик ҳаракати, «кўлхоз тузуми, хотин-қизлар озодлиги, ўзга халқлар, айниқса рус кишини образини яратиш масалаларида ҳам фақат адолатли нуқтада туриб фикр юритмоқ керак: Октябрь инқилоби ва умуман инқилобий йўл керакми?! Октябрь инқилоби халқларни нотўғри йўлга бошлабгина қолдими?! 20-йиллар даврида ўзбек адабиётида юз берган уйғониш илдишлари шу инқилоб билан боғлиқ эмасмиди?! Нега Чўлпонлар хотин-қизларнинг озодлиги, жамиятдаги мавқе тўғрисида ёзди (шеърлари, «Замона хотини» пьесаси)!? Босмачилик даврида босмачиларни ҳаммаси Мадаминбеклар каби фақат озодлик, миллий мустақиллик учун курашдимми?! Халқ орасида уша қизил аскарлар, большевиклар каби халқни талаган «босмачи»лар йўқмиди?! Кўринадики, тарихимиз ниҳоятда мураккаб, фақат ҳақиқат ва яна ҳақиқатни ёзиш орқалигина халқнинг ҳаёт, кураш тарихини ҳаққоний ёритиш мумкин. Ҳозирги ҳаётимиздаги янгилашниш жараёнлари; унинг қийинчиликлари, умидбахш куртаклар, ўткир зиддиятлар, халқимизнинг руҳий тетиклашиб бориши адабиётда теран таҳлил этилаётгани йўқ. Муўгли шеърлар, босиб ўтган йўлнинг фақат мудҳишликларини курсатувчи асарлар, қуруқ мактов-мадҳия-бозлик руҳидаги тўқималар ҳам ёзилмоқда. Адабиёт ва санъатга нур берадиган нарсаси бу орзу-армондир, идеалдир. Шу идеал — буюк мақсад инсонни яратишга, яшашга, олдига чорлайди, қийинчиликларини енгиб ўтишга кумаклашади, халқни бирлаштиради, руҳини кутаради.

(1441—1501)

Алишер Навоий улуғ ўзбек шоири, мутафаккири, ўзбек адабиёти ва ўзбек маданиятининг яловбардори, ўзбек адабий тилининг асосчиси. Унинг асарларининг умуминсоний ғояси — инсонпарварлиги, халқпарварлиги, адолатпарварлиги, дўстлик, тинчлик, меҳр-садоқат, пок севги ва вафо, маърифатлилик каби гўзал туйғуларни юксак баъдий шаклда ифодалашни орқали ўзбек адабиёти шуҳратини дунё миқёсига олиб чиқди ва ўзи ҳам Низомий, Фирдавсий, Хомер, Шекспир, Данте, Гёте, Пушкинлар қаторидан ўрин олди. Алишер Навоий ўзбек адабиётида ғазалчиликни юксак босқичга кутарди, бетакрор гўзал «Хамса»си билан хамсачилигимизга асос солди, насрий асарлари билан ўзбек насрчилигини катта йўлга олиб чиқди. Адабиёт, айниқса шоир ва ёзувчилар, аруз илми, тил ва дин, тарих ҳақидаги илмий асарлари орқали теран олим эканлигини намойиш қилди. Шоҳ Хусайн Бойқаронинг энг яқин дўсти ва саройининг энг обрўли кишиси — улуғ амири сифатида халқ тақдири, адабиёт, санъат, маърифат, ободончилик ва умуман мамлакатнинг тақдири, тараққиёти тўғрисида жон куйдиришининг ажойиб намунасини кўрсатди. У ўз давридаёқ меҳрибон ва талабчан устоз сифатида буюк ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлган эди, кейин ўзбек адабиётининг ярим асрлик тарихида ҳам ижодкорларнинг раҳномоси бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда — ҳижрий йил ҳисобида 844 йил рамазон ойининг ўн еттинчисида Ҳиротда дунёга келди. Алишернинг отаси Ғиёсиддин Муҳаммад (у Ғиёсиддин Қичкина лақаби билан машҳур эди) теурийлар саройининг эътиборли-обрўли кишиси бўлиб, Сабзавор ҳокими эди, онаси эса Кобулнинг амирзодаларидан Шайх Абу Саид Сангнинг қизи эди. Кўринадики, Алишер ўзига тўқ, ўқимишли, маърифатли ва обрўли оилада дунёга келди (тоғалари Мир Саид Кобулий, Муҳаммад Али Ғарибийлар ҳам эътиборли шоир, санъаткор бўлганлар).

Алишернинг саводи жуда эрта чиққан, у болалигидаёқ Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» асарини ёд олган, йигитлик чоғида эса 50 минг мисрадан кўпроқ шеърни ёд билар эди. Алишер Навоий ўзигача

яшаб ижод этган форс, туркий ва араб шоирлари, олимлари асарларининг теран ўрганди (Фирдавсий, Низомий, Яссавий, Лутфий ва ҳ. к.). Форс, араб тилларининг яхши билган ва йигитлик давридаёқ «зулличсонийн» (икки тиллик, яъни ҳам туркий, ҳам форсий тилда ижод этувчи) номининг олган Алишер Навоийнинг ўз она тилига муҳаббати чексиз эди ва кейин бутун ижоди давомида туркий тилнинг қудрати ва чексиз имкониятга эга эканлигини ёрқин намоён қилди.

Алишер ўн икки ёшидаёқ отаси вафот этади, у анча вақт иқтисодий қийинчиликларини бошидан кечиради. Машиҳадда (1456), кейин Самарқандда мусофирликда ўқиди (1466—1469), у ерларда кўп улуг алломалар билан ҳамсуҳбат бўлди. Ёшлигидан қалин дўст бўлган Ҳусайн Бойқаро Ҳирот тахтини эгаллагач (1469), Алишер Навоийни Самарқанддан чақиртириб олади ва аввал уни муҳрдор этиб тайинлайди, кейинроқ вазирлардангина эмас, ҳатто амирдан ҳам юқори турувчи улуг амир (амири кабир) даражасига кўтарди. Навоий улуг амир лавозимида халқ ва давлат тақдири учун қайғуради, илм, фан-маданият ривожига, шаҳар-қишлоқларни ободонлаштиришга, юртда тиinchлик-осойишталикни сақлашда ўз ҳиссасини қўшди. Навоий «Вақфия» асарида «Илгимдин келганча зулм тигини ушотиб, мазлум жароҳатига интиқом малхамини кўйдим. Ва илгимдин келмаганини ул ҳазрат (Ҳусайн Бойқаро демоқчи) арзига еткардим», деганида жуда ҳақ эди. Навоий давлат маблағининг хайрли ишларга сарф этилиши учун жон куйдирибгина қолмасдан, ўзининг шахсий маблағи ҳисобига эл учун уч юздан ортинқ иш-шўотлар қурдирди («Ихлосия», «Низомия», «Хусравия» мадрасалари, «Халосия» номли хонақоҳ, «Дарул-хуф-фоз» (қорилар уйи) гумбази ва ҳ. к.). Бобурнинг таъкидлашича, адабиёт, санъат ва фан аҳли тақдири тўғрисида ҳеч ким Навоийдек қайғурмаган ва кўмак бермаган экан. Бунда, сўзсиз, Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаронинг яқин дўстлиги, бир-бирини чексиз ҳурмат қилиши, бир-бирига суяниши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ҳусайн Бойқаро адолатли ва халқпарвар подшоҳ сифатида Алишер Навоийнинг ҳурматиغا сазовор бўлган эди. У адабиёт ва санъатни теран тушунадиган, ўзи ҳам Амирий таҳаллуси билан мазмун, гоҳ ва бадний даражаси юқори ғазаллар ёзар эди. Улар бир-бирларининг шеърларига ўхшатма-татаббулар, назиралар, муҳаммаслар боғлар ва бир-бирларининг

асарларини юқори баҳолар эдилар. Ҳусайн Бойқаро ўз «Рисола»сида Навоийни туркий тилининг буюк қудратини, намоён қилганлиги учун «сўз мулкисининг соҳибқиронини», «турк тилининг ўлан жасадиға масиҳ анфоси билан руҳ» киритди, масиҳ нафаси билан жон ато этди, дейди. Навоий «Хамса»ни ёзиб тугатганида Ҳусайн Бойқаро унга ўзининг энг олий ҳурматини билдиради — ўзининг оқ отига шоирни миндириб, ўзи пиёда отининг жиловидан етаклаб шаҳар ўртасидан олиб ўтади. Алишер Навоий ҳам шоҳга садоқат билан хизмат этибгина қолмай, «Хамса»да, «Лисан ут-тайр»да унинг шаънига самимий илқ фикрларни айтади. Алишер Навоий «Хазойинул маоний»га ёзган «Дебача»да Ҳусайн Бойқаро туғрисида сўзлаб «Шукрим, бу банда назм василаси ва шеър воситаси билан тамоm умрумни ул ҳазратининг мадҳи билан кечурдум. Ва барча ҳаётимни аниқ дуоси билан уткардим», дейди. Албатта, Алишер Навоийнинг эл орасидаги катта шону шуҳратини, буюк талантини ва Ҳусайн Бойқаро билан қалин дўстлигини кўра олмаган Мажидиддин каби ҳасадгўй, золим амирлар саройда йўқ эмас эди. Булар Ҳусайн Бойқаро билан Алишер Навоий ўртасига нифоқ солишга уринганлар. Алишер Навоийнинг Астрабодга ҳоким бўлиб боришида ҳам шу игволарнинг хизмати ҳам бўлиши, ҳам нотинч у ўлкани тинчлантиришга Навоийдек обрўли шахснинг зарур бўлиб қолган бўлиши ҳам мумкин.

Алишер Навоий доим ижод завқ-шавқи билан ёнар, улкан ниятларини рўёбга чиқариш учун тинмай ишлар, аммо вақти етмас эди. У бадний ижод деб амирликдан воз кечади, бироқ бари бир шоҳнинг энг ишонган кишиси, унинг номидан мамлакатни бошқариш ҳуқуқига эга бўлган олий мансабдор шахс бўлиб қолди. Навоий сўнгги нафасигача шоҳга буюк иззат-ҳурмат билан қаради: Ҳусайн Бойқаро сафардан қайтаётганда Навоий унга пешвоз чиқиш учун ўн бир тош йўл босади, шоҳ яқинлашганда Алишер Навоийнинг боши айланиб беҳузур, беҳаловат бўлади, у шоҳнинг қўлини ўпиш учун отдан тушади, лекин юришга мадори етмайди, одамлар суянци ва етовида Ҳусайн Бойқарога яқинлашиб, бошини унинг қучоғига қўяди. Қасал ўз қилмишини қилади, миясига қон қўйилади. Ҳаракат ва сўзлашдан қолган улуғ шоир уч кундан сўнг, 1501 йилнинг 3 январида ҳаётдан кўз юмади. Алишер Навоийнинг жасади Ҳиротга қўйилади.

Алишер Навоий ниҳоятда кўп ишлар, давлат иши билан бирга бадний ижоддан ҳам бир дақиқа тўхтамас эди:

Ким бор эди бошимга кўп меҳнатим,
Йўқ эди бош қошиғали фурсатим,

— дер эди унинг ўзи.

Шу туфайли Алишер Навоий анча аввалдан бош оғриғи — қон босими касалига дучор бўлган кўринади. Сўнгра унинг таъби ниҳоятда позик бўлган. «Дебоча»да «Бағрим қизғонидин жисмимда ҳумой лозим ва кўнглум озғонидин бошим айланмоғи ва кўзум қоромоғи дойим не тонгдин оқшомгача ўзумга бир ҳам ғизобин ком, не оқшомдин тонггача турфатул-айни кўзумга уйқудин ором...», деб ёзган эди. Демак улуғ шоирнинг даҳо асарлари улуғ истеъдод ва машаққатли меҳнат эвазига дунёга келган эди.

Алишер Навоийнинг ижоди жуда эрта бошланган. У етти-саккиз ёшидан шеър ёза бошлаган ва 14—15 ёшида эса элга танилган эди. Олим Иzzат Султонов Навоийнинг «Фурқатингда заъфарон узра тўкарман лолалар» ва «Лабинг кўргач, илгим тишларим ҳар дам тахайюрдим» мисралари билан бошланувчи, шунингдек «Анга» радифли ғазалларида Навоий 14—15 ёшида ёзганини ва уларнинг бадиий юксак эканлигини таъкидлайди. Хондамир эса Лутфийнинг саккиз ёшдаги Алишернинг:

Оразин ёпқоч кўзумдин сочлар ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким пайдо бўлур, юлдуз ва хон бўлғоч куёш,—

матлаи билан бошланувчи ғазалини эшитиб лол қолганини ва ўзининг туркий ва форсийда битган ўн икки минг байтдан ташкил топган девонини шу ғазал билан алмаштиришга рози эканини айтди. Навоий 24 ёшидаёқ девон тузган ва уни «Бадоеъул бидоя» (Бошланғич ижодлар) деб номлаган. Иккинчи девони «Наво-дирул-ниҳоя» («Энг нодир шеърлар») эса 1480 йилда тузилди. Алишер Навоий ғоят сермахсул ижодкор бўлган. Ўзбек адабиёти тарихида янги саҳифа бўлиб очилган ва Навоий шухратини жаҳон бўйлаб кенг ёйилишига сабаб бўлган «Хамса» асарини бор-йўғи икки йилда 1483—1485 йилларида ёзиб битказди, ваҳоланки битта «Садди Искандарий» достони 7215 байтдан иборат (бутун «Хамса» 51230 мисра)дир. Навоий ижодининг яна бир қаноти унинг «Хазойинул маоний» («Маънолар хазинаси») шеърый асари бўлиб

(1492—1498), у халқ орасида «Чор девон» деб ҳам шуҳрат топган. Навоийнинг барча туркий шеърларини ўз ичига олган мазкур тўрт девонга 3132 шеър киритилган. («Хазойинул маоний»дан кейин Навоий уч йилча умр кўрди ва табиийки, яна бир қанча шеърлар битди). Чиндан ҳам тўрт девондан иборат бўлмиш бу асарнинг биринчиси «Ғаройибус-сиғар» («Болалик ажойиботлари»), иккинчиси «Наводируш шабоб» («Йигитлик нодирликлари»), учинчиси «Бадосъул-васат» («Ўрта ёш бадеалари») ва ниҳоят тўртинчиси «Фавойидул-кибор» («Кексалик фойдалари») деб номланади. Гарчанд Навоийнинг ўзи «Хазойинул маоний»га ёзган «Дебоча»сида ёшлик вақтларимдаги шеърларимни «Ғаройибус-сиғарга» киритдим деса ҳам («Туфлият овониким етти, саккиз ёштан йигирма ёшқача чечмаси бўлгайким умр фусулининг навбаҳори ва ҳаёт гулшанининг шукуфа ва гулзоридур, анинг мадҳида «Ғаройибус-сиғар» билан сарф қилдим») ва бошқа девонларини ҳам умр фаслларига мослаб тузганини таъкидласа ҳам навоийшуносларнинг текшириши ва иқдорларига кўра (олим Ҳ. Сулаймонов) булар шартли равишда умрнинг тўрт фаслига мослаб бўлигандир, масалан, болалик фаслига мансуб бўлмиш биринчи девонда қариллик йиллари руҳиятини ифодаловчи ёки кексалик даврига нисбатан берилган «Фавойидул-кибор»да ёшлик кайфиятини ифодаловчи шеърлар ҳам ўрин олгандир.

Алишер Навоий форс тилини жуда мукаммал билган ва ҳатто «Муҳокаматул-луғатайн» («Икки тил ҳақида муҳокама», 1499) китобида форсий ва туркий тилларини бир-бирига илмий қиёслаб, уларнинг ўзларига хос фазилатлари, имкониятлари ва қудратини ёрқин кўрсатиб беради. Ватанпарвар Навоий туркий тилнинг кучи, назокати ва катта имкониятини намойиш қилиш, унинг ривожига катта йўл очиш мақсадида асарларини асосан туркий тилда ёзди. Айни чоқда форс тилида ҳам кучли асарлар ёза олиши, Саъдий, Ҳусрав Деҳлавий, Ҳофиз ва Жомий каби форсигўй улуғ алломалар билан ҳам беллаша олажанин амалда исботлаш мақсадида Фоний тахаллуси билан ҳам шеърлар ёзади ва «Девони Фоний»—«Фоний девони»ни тузади (1496), Устозни Жомий Навоийнинг туркий ва форсий ижодига жуда юксак баҳо бергани ҳам бежиз эмас эди. Навоий Жомийнинг «Нафахотул-унс» асарини ўзбек тилига эркин таржима қилди, тўғрироғи унга суяниб туриб,

фалсафий йўналишдаги асарини яратди ва унга «На-соимул-муҳаббат» деб ном берди. Бевосита устозининг шаъни-шавкатини улуғловчи «Хамсатул-мутахаййри» («Беш ҳайрат») асарини ҳам ёзди (1492). Навоий ўз устоз ва дўстларини улуғловчи «Ҳолати Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолати Паҳлавон Муҳаммад» каби насрий асарларини ижод этди. Алишер Навоий ўзбек насрчи-лиги ривожига ҳам катта ҳисса қўшган. Навоийнинг «Маҳбубул-қулуб», «Мажолисун-нафос», «Мушшаот» асарлари ҳам ўзбек адабиёти тарихида янги ҳодиса, янгича йўналишдир. Унинг шеър вазни ҳақидаги «Ме-зонул-авзон» (1492), муаммолар ҳақидаги «Рисолаи муаммо» (1492), тарих ва улуғ авлиёлар, даҳолар тўғ-рисидаги «Тарихи мулки Ажам» (1485), «Тарихи анбиё ва ҳукамо» (1498—1499) каби асарлари қомусий билим, юксак талант эгаси эканлигини ва ўта заҳмат-кашлигини яна бир бор тасдиқлайди. Навоийнинг ҳат-то ўз вафотидан бир кун аввал ҳам бир ғазал битган-лиги унинг ўз қаламини бир дақиқа ҳам қўймаганлиги-дан далолат беради. (Навоийшунос А. Ҳайитметов «Айламас» радибли ғазали шоирнинг энг сўнгги асари эканлигини далиллайди).

Алишер Навоий шеърини мазмунининг чуқурлиги, қамровининг кенлиги, олга сурган фикр-ғоя, тўлақ-ар-монларининг юксаклиги ва ўткирлиги, жанрларининг хилма-хиллиги, шаклининг мукаммаллиги ва ғўзаллиги, образларининг бойлиги ва ҳаётийлиги билан қимматли ва эътиборлидир. «Ҳазойинул маоний»да ун олти та ли-рик жанрга доир шеърлар бўлиб, кўпчилигини ғазал ташкил этади: 2600 ғазал, 135 рубой («Назмуд-жа-воҳир»да 266 та рубой, шунингдек насрий асарларида юздан ортиқ рубойлар бор), 210 қитъа бор. Баъзи жанрларда, жумладан таркибанд, соқийнома каби жанрларда биттадан шеър ёзган. Ўзбек шеъринида Навоийгача ва ундан кейин ҳам ҳеч ким ғазал жанри-ни бу улуғ шоирдек юксак даражага кўтармаган, худ-ди шунингдек рубой ва қитъа жанрларини ҳам На-воийдек фаол ва зарур жанрлар даражасига кўтара олмаган. Навоий бу жанрларга шунчаки қаламини си-наш ва маҳоратини намойиш қилиш учун эмас, балки қалбидаги фикр, орзу-армонлар, туйғу, кайфиятларни ифодалаш имконияти нуқтаи назардан мурожаат этади, уларнинг янги қирраларини намоён этади. Масалан, ғазалда кўпроқ ишқий туйғуларни ифодаласа, рубой-да фалсафий қарашларини, қатъада ижтимоий-сиёсий,

ахлоқий кечинма ва фикрларини акс эттирди. Навоий шеърларида, айниқса ғазалларида анъанавийлик кучли сезилса-да, бари бир ҳамма жанрдаги шеърларида унинг таржимаи ҳолига ва айниқса замонасидаги муҳим ижтимоий, сиёсий, ахлоқий муаммоларга боғлиқлиги устунлик қилади. Шунинг учун улар Навоий умрининг ҳамма фаслларининг, шоирнинг турли ҳолатдаги, турли кайфиятдаги қалбининг ҳаққоний кўзгусидир. У «Бадбеъул бидоя» «Дебоча»сида очиқдан-очиқ бундай уқтиради: «...агар баъзиси васатисинда (ўрта ёшда) айтилган бўлса, баъзи сиғарасинда (ёшликда) айтилиб эрди ва баъзи фикрий бўлса, баъзи бадиха (экспромт) ва баъзи усруклукда (кайф пайтида) ва баъзи хушмандликда бўлса, баъзи девоналикда воқеъ бўлуб эрди...»

Навоийнинг ижоддаги имон-эътиқоди — кредоси эса қалбидаги фикрни, дардини, туйғуни, кайфиятни, орзу-армонини чин, ҳаққоний, рост ва тиниқ ифодалашдир:

Сўзда, Навоий, не десанг чин дегил,
Рост наво нағмага тахсин дегил!

Шу қонда туфайли Навоий ғазалларида мавзунинг ранг-баранглиги, қамровининг кенглиги, инсоний фикр-туйғуларнинг хилма-хиллиги, кечинмаларнинг бойлиги ва эҳтиросининг кучлилиги устуворлик қилади. Навоий, Хусрав Деҳлавийнинг муҳаббат мавзунини муҳирона куйлашига, Ҳофиз Шерозийнинг ўткир нафасига, риндона шеърларига ва Жомийнинг орифона-ижтимоий, сиёсий, фалсафий шеъриятига мафтун бўлади:

Бири мўъжиз баёнлик сеҳири ҳинд,
Ки ишқ аҳлини ўртар сўзу ҳоли.
Бири Исо нафаслик рияду Шероз,
Фано дайрида масту лоуболи.
Бири қудси асарлик орифи жон,
Ки жоми жамдурур синғон сафоли.
Навоий назмига боқсанг, эмастур
Бу учнинг ҳолидин ҳар байти ҳоли.
Ҳамоно кўзгудурким, акс солмиш,
Анча уч шўх маҳвашнинг жамоли.

Навоий Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий ва Жомий шеъриятининг бош фазилатларини айтиб бўлиб, ўз шеъриятида шу уч даҳо асарларининг белгиси, фазилати, таъсири — яъни уч «маҳвашнинг жамоли» мавжудлигини таъкидлаб ўтади. «Бадоеъул-бидоя»да Навоий девон тузишда бир муҳим иллатни, яъни фақат ёрнинг ҳусн-жамолини, ҳатту холини мақташ билан че-

гаралайиш ва маърифатомуз шеърларнинг йўқлигини танқид қилади ва ўз девонида ғазаллар орасига панд-насиҳат руҳидаги байтлар киритиб юборганини айтади («бирор-иккирор насиҳат оро ва мавъизат оро байт ир-китиб қилинди...»). Мана, бир қатор ғазалларидан олин-ган байтлар:

Орзу қилдим вафо аҳлин кўрай деб топмадим,
...Хоҳ зоҳид, хоҳ фосиқ, хоҳ сойил, хоҳ шоҳ.

Ёки:

Топмасанг давр аҳлидин меҳри вафо айб этмаким,
Бутмамин бу мева даврон боғининг энгорида.

Яна:

Чун жаҳон бирла жаҳон аҳлига йўқ эрмиш вафо,
Эй Навоӣ, мен вафо сар риштаси маҳкам тутай.

Навоӣ ижодидаги асосий мавзулардан бири вафо-садоқатдир. Шоир бир умрга ўзгаларга яхшилик, вафо қилиб, ўрнига ёмонлик, жафо, бевафолик кўрганини қайта-қайта уқтиради. Шундай бўлса-да «вафонинг сар риштаси маҳкам тутажагини» айтади. Албатта, шоир ҳамма нарсага ва ҳар кимга инсонга нечоғлик мадад бера олгани, фойда келтириши мумкинлиги нуқтаи назардан ёндашади: Навоӣ учун инсонийлик, одамийлик, яхшилик, поклик, ҳалоллик, садоқат-вафодорлик инсоннинг кимлигининг белгиловчи бош мезондир.

Одами эрсанг, демагил одами,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.

Чулки Навоӣ учун инсон бутун тирик мавжудот-нинг гултожидир, Оллоҳнинг севган бандасидир. Ҳам-ма нозу-неъмат инсоннинг саодатли умр кечириши учун яратилган.

Очилғон бу гулшанда инсон гули,
Не инсон гули, боғи ризвон гули.

Навоӣ шу «ризвон гули»нинг хор бўлиши, эзилиши, хўрланишини сира-сира истамайди, жафокаш одамлар ва золим замонанинг инсонга, халққа қилган адолат-сизлигига чидамай фарёд кўтаради:

Эй золим замона, доду фарёд,
Атфолингга неча зулму бедод?!

Ёки:

Юз жафо қилса менга, бир қатла фарёд айлабон,
Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам.

Улуғ шоир оламини тутиб турувчи ва инсонни саодатманд қилувчи куч яхшиликда, дўстликда, тинчликда, ҳалол меҳнатда, меҳр-вафода деб билади:

Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ
Ер ўлуғ бир-бирингизгаки, эрур ёрлиғ иш.

Ёки:

Яхшилиғ гар қилмаса, бори ёмонлиғ қилмаса,
Ким ёмонлиғ қилмаса, қилгонча бордур яхшилик.

Алишер Навоийнинг буюк орзу-армони одил шоҳ, адолатли тузум эди. Бу гоё барча шеърнати ва дostonларини, илмий-ахлоқий китобларининг ўқ томиридир. Шоҳ «адл ила бунёд этар», «золим анн барбод этар», дейди у. Ҳатто Навоий бу борада сарбадорлар гоёсига мафтун бўлиб, мамлакатни шоҳсиз, кўпчилик бўлиб бошқаришни орзу қилади:

Тоғ кўп лардисар берур бизга,
Зулмидур ақлу ҳуш торожи.
Бошимиздин бу тоғни кам қил,
Барча гар бўлса салтанат тоғи.

Навоий инсоннинг чексиз куч-имкониятга эга ва бахт-саодатнинг калити ўзида, ҳалол меҳнатида эканлигини қайта-қайта уқтиради: «Ҳар не истарсен, ўзунгдин истагил!», дейди «Лисонут-тайр»да. Шоир ҳар бир дақиқанинг қадрига етишни, ўтган кунни қайтариб бўлмаслигини, ҳар бир дамни ғанимат билиш, туғилмоқ бор ерда ўлмоқ муқаррар, шунинг учун яхши яшаш ва эзгу ишлар қилишга ошиқниш кераклигини айтади:

Бу дамни тут ғаниматким, келур дамдин асар йўқтур,
Не дамким ўтти худ андин киши топмас нишон ҳаргиз...

Ёки:

Ажал чун муқаррардур ўлмак учун бас таъмадин,
Недур юз ғам ўтига қуйдирмак ўзни?
Чу туғмоқдур ўлмак учун, бас не яъни
Ўлардин бурун ҳар дам ўлтурмак ўзни.

Навоий ғазаллари ҳақидаги муҳокамага яна қайтасак, уларнинг кўпчилигида ишқ-муҳаббатга боғлиқ туйғулар, кечинмалар қайноқ эҳтирос билан ифодаланади. Ўзбек мумтоз адабиётида ишқ-муҳаббатни, ошиқ-маъшуқ қалбини ҳеч ким Навоийдек чуқур, атрофлича ва ростгўйлик билан тасвирламаган. «Ҳамса»даги дostonлардан тортиб то ғазаллари-ю ва бошқа катта-кичик асарларигача, ҳаммасида муҳаббатни инсон қалбидаги

энг олий муқаддас туйғу тарзида куйлади. Шоир ишқ-вафо — садоқат билан боғлиқ барча ҳолатлар, кечинмаларни, изтироблар ва шодиёна кайфиятларни ғоят таъсирли, жозибали қилиб ифодалайди. Бунинг сабабларидан бири ишқнинг ширин онларини ҳам, ҳижрон азобларини ҳам Навоийнинг ўз бошидан кечиришидир. Маълумки, Навоий уйланмай, бир умр танҳо ўтган. Шеърларидан унинг бир қизни қаттиқ севгани ва унинг висолига ета олмаганини англаш мумкин. Шоирнинг ўз гулини бум (бойўғли), зоғ томонидан мулаввас бўлганлигини очик айтади:

Бир гул ғамидин дедим қўяй бағримга доғ,
Бергайму дебон атр, димоғимга фароғ.
Баргим чу мулаввас айлади бум ила зоғ,
Энди они исламакка юз ҳайф димоғ.

Ёки бошқа ўринда:

Айламанг бекаслимни таън, бир кун бор эди,
Менда ҳам бир нозанин, чобук сувор, эй дўстлар.

Навоий учун ишқ бобида ҳамма, шоҳу гадо тенгдир, ошнқ-маъшуқларнинг тили билан дили бир бўлиши, бир-бири учун жонини фидо қилиши, доим вафо-садоқатли бўлишини орзу қилади:

Қўнғлум ўртансун агар ғайрига парво айласа,
Ҳар қўнгул ҳамким, сенинг шавқингни пайдо айласа,

Ёки:

Ошнқ ани билки, эрур дарднок,
Ҳам тилу, ҳам қўнғлиш ҳам кўзи пок.

Навоийнинг ишқ зиммасига юклаган маъноси жуда чуқур, катта: у инсоннинг инсонга бўлган ишқинигина куйлаб қолмасдан (буни Навоий мажозий ишқ дейди), айни чоқда ҳаққа — худога бўлган ишқни ҳам меҳр-эътиқод билан ифодалади (буни ҳақиқий ишқ деди). Мажозий ишқ ҳақиқий ишқ сари ташланган илк қадамдир. Руҳий пок, комил инсонгина худога етишиши мумкин. Бир ғазалида Навоий «Мажоздин менга мақсуд эрур ҳақиқий ишқ», дейди. Бу сўфиёна фикрни бир қитъасида яна қуйндаги тарзда айтади:

Эй Навоий, кўп мажозий ишқ ила машъуфсан,
Ўткил андин, доғи ён ишқи ҳақиқий сори бот.

Навоий ўзи чин мусулмон бўлгани ва асарларида «Қуръон» ва ҳадислар ғояларидан мўл-кўл фойдалангани ҳамда «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Насойимул-муҳаббат» асарларини ёзгани ҳолда динни ниқоб қи-

либ элни алдаган, фирромлик билан бойлик йиққан ва лопок ишлар қилган рибкор шайхларни, сохта руҳонийларни қаттиқ танқид қиладнки, бу нарса ҳам улуғ шоирнинг ғоят адолатли эканлигидан яна бир далолатдир («Шайх» радифли ғазали). Навоий «Лисон ут-тайр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонларида суфиёна ғояларни кенг тарғиб этган. С. Олимов «Ишқ, ошиқ ва маъшук» китобида (1992) «Лисон ут-тайр»ни «соф тасаввуфий асар»дир, «фанога етиш йўллари шарҳланган ўзига хос бир бадий рисола»дир, дейди. Ҳудҳуд, Тутти, Булбул, Қумри, Товус, Олақарға, Қарға, Қалхат каби қушлар одил подшоҳни орзу қиладилар ва Ҳудҳуд шундай подшоҳ борлигини, Симурғ деб аталлишини айтади. Қушлар қуръа ташлаб, Ҳудҳудни ўзларига раҳбар қилиб белгилаб, унинг раҳнамолигида етти водийни босиб ўтадилар (Талаб, Ишқ, Маърифат, Истиғно, Тавхид, Ҳайрат, Фахру фано водийлари). Қушлар ўзлигини унутишиб, ўзлигидан кечиб сadoқат ва ихлос билан мақсад сари интилиб «иқбол даргоҳи»га етадилар — фоний бўладилар. Қушлар кейин билишсаки, уларнинг ўзлари Симурғ, яъни «си» — ўттиз, «мурғ» — қуш экан. Инсон бу ерда кўрсатилган етти водийни босиб ўтиб, ҳамма қусурлардан форис бўлгандагина комил инсон даражасига кўтарилиши мумкин. Навоийнинг бош мақсади ҳам шу комил инсонни кўриш ва ҳаққа етишишдир.

Навоий ўзининг ўткир фикрлари, эзгу тилаклари, қайноқ туйғулари, ранг-баранг кечинмаларини бадий юксак шаклда ифодалади. Унинг ғазаллари айни чоқда мусиқийлиги, образларининг янгилиги, жозибадорлиги ва улуғворлиги, ифода йўлларининг ранг-баранглиги билан ҳам кишини мафтун қилади. Навоий ғазалда у мавзудан бу мавзуга ўтиш, кўчиб юришни маъқулламайди, ҳар бир ғазалда бир масала, бир ҳолат, бир кечинмани ёритишга диққат қилади. Шунинг учун уларда изчиллик, лирик сюжет, тасвирда мантиқийлик бўлади, натижада ҳар бир ғазал ўзга бир олам, қуйма санъат асарига айланади. Шоир инсон психологиясини, маълум бир ҳолатдаги кайфиятини, руҳий кечинмаларини теран ифодалаш учун маънавий, лафзий санъатларнинг жуда кўп турларини ишга солади. «Эрур» радифли ғазалида «Жон» ўзакли сўз ўттиз олти марта ишлатилади, ҳатто «ҳижрон», «жаҳон», «зиндон», «ранжон» сўзлари қофия сифатида қўлланиб,

«жонон» сўзига оҳангдош бўлиб келиб, яна шоирнинг бош ниятини эслатиб, таъкидлаб туради:

... Жоним андоқ тўлди жонондинки, бўлмас фаҳким
Жон эрур жонон эмас, ё жон эмас, жонон эрур.
Бўлса жонон бордурур жон ҳам чу жонон қилди азм,
Жон кетиб жонон билан жондин манго хижрон эрур.
Жон манга жонон учундур, йўқки жонон жон учун,
Умр жононсиз қотиқ, жонсиз вале осон эрур...

«Қизил» радифли ғазалида бошдан-оёқ қизил ранг-ни ифодаловчи сўз — бўёқ ишлатилади ва шоирнинг «Ранглар ичра берур кўнгулма ором қизил» (қизил, қон тўкмак, лаъли шавқи, қизил май, қон йиғлади, шафақ, қоплиғ кўнгул) деган фикрни тасдиқлайди. Айни пайтда «Бог мендек сарғайиб, булбул менингдек бўлди дол» мисраси билан бошланувчи ғазалида образлар баҳор-кўнни ифодалаш учун контрастли шаклда қўлланилади (баҳор-хазон, қизарган барг — сариғ-рухсор, сариғ-ол...). Бошқа бир ғазалида шахматни образга тартади, руҳ тўғри йўлдан юргани учун шахмат тасисининг энг чеккасидан жой олган, фарзин ҳар тарафга юра бериш сифатига молик бўлганлиги учун шоҳнинг ёнида туради, яъни тўғри сўзли одамлар чеккага сурилиб, лаганбардорлар, шамол қаёқдан келса, шу ёққа юз бурувчилар иззат-икромда, ошиғи олчи, демоқчи:

Шаҳ ёнин фарзин киби кажлар мақом этмиш не тоит,
Ростгавлар арсадн гар тутсалар рухдек йироқ.

Навоий ўз ғазалларида инсоннинг ҳаёти, турмуши ва уни ўраб турган муҳитдан олинган аниқ, бор нарсалар, ҳодисалар, воқеалар ёки тарихий воқеалар, ҳикоялар, нақллар, мақоллар, маталларни байтнинг иккинчи мисрасига образ тарзида ишлатиб, биринчи мисрадаги фикрни тасдиқлайди ёки унинг ашёвий кўриниши, сурати, манзараси тарзида беради. Бу параллел қўйиш усули Навоий шеърларидаги реалистик йўналишни чуқурлаштириш учун ҳам хизмат этади:

Сўэи ҳажринг ичра ҳар дам заъфлиғ жисмим ёниб,
Ўтқа тушган қил масаллик ўртанурмен тўлганиб.

Еки:

Кўйила киргач мени муиғлуғ, ҳужум этти рақиб,
Ўйлаким, итлар гадо кўрганда ғавғо қилдилар.

Қисқаси Навонӣ ўз ниятини ўқувчига тўла ва таъсирли етиб бориши учун ифода воситалари ва йўллари-
ридан санъаткорона фойдаланди.

Алишер Навонийнинг юксак таланти «Хамса» асари-
да янада равшанроқ, тўлароқ намоён бўлади. «Хамса»
ёзиш Шарқ халқлари адабиётида анъанага айланган
бўлиб, қирққа яқин ижодкор бу соҳада ўз қаламини
синаб кўрган. Шулардан тўрт даҳонинг асари етук, ўзи-
га хос, бетакрор асар сифатида тан олинган. Булар
Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Абдураҳ-
мон Жомий ва Алишер Навонийлар «Хамса»сидир. На-
воний «Хамса»си энг аввало, туркий тилда бўлиши билан
қимматлидир. Юқоридаги зотларнинг «Хамса»лари
форсийда эди. Навонийнинг ўзи:

Форсий ўлди чу аларга адо,
Туркий ила қилсам ани ибтидо.
Форсий эл топти чу хурсандлик,
Турк доғи топса барумандлик,— деди.

Навонӣ «Хамса»сига кирган дostonлар «Ҳайратул
аброр» («Яхшилар ҳайрати»), «Фарҳод ва Ширин»,
«Лайли ва Мажнун», «Сабъан сайёр» ва «Садди Ис-
кандарий»дир. Гарчаки бу асарлар бир-биридан мазму-
ни, йўналиши, оҳанги, шакли жиҳатидан фарқ қилиб
турсалар-да, масалан, «Ҳайратул аброр» фалсафий-ди-
дактик пардада, «Фарҳод ва Ширин» қаҳрамонлик,
«Лайли ва Мажнун» фожиавий пардада, «Сабъан сай-
ёр» саргузашт сюжетлар асосида ахлоқий-рамзӣй ва
«Садди Искандарий» ижтимоӣ-сиёсий пардада ёзил-
ган бўлса-да, бироқ ички моҳияти, пафоси, олға сурил-
ган фикр — гоё, орзу-армон, ижодкор идеали нуқтаи на-
зардан ўзаро жипс боғлиқдир, яхлитдир. Гуё «Ҳайратул
аброр»да фозил жамият ва баркамол инсон, адолатли
ва зolim шоҳлар, инсонни инсон сифатида кўрсатади-
ган яхши фазилатлар ва унга зид ёмон сифатлар севги,
муҳаббат, садоқат, дўстлик ва зулмкорлик, пасткаш-
лик, хиёнаткорлик, нопоклик, бир сўз билан айтганда
яхшилиик ва ёмонлик, гўзаллик ва хунуклик тўғрисида-
ги қарашлари қолган дostonларда аниқ инсон тақдири
орқали кўрсатилгандек. Зотан аслида шундай ҳам, «Ҳай-
ратул аброр»да жамиятнинг барча ижтимоӣ табақала-
рига баҳо беради, уларнинг сифатларини таърифлайди,
кейинги дostonларида шу мезон билан одамларни та-
розида тартади. Айтайлик унда «Вафо» тўғрисида ажой-
иб фикрларини айтади, «Фарҳод ва Ширин»да эса

қахрамонлик ва вафодорликка мадҳия яратади. «Лайли ва Мажнун»да ишқ ўтида ёнган икки ёшни кўрсатади; ун еттинчи мақолада Баҳром тўғрисида гап очади, «Сабъан сайёр»да Баҳром тақдири асардаги ҳикояларни, саргузаштларни келтириб чиқаради, уларни ўзаро бир-бири билан боғлайди; «Хайрат-ул аброр»да Искандарнинг етти иқлим мамлакатининг ўз қўлига кiritгани ва буш қўл билан бу дунёдан кетгани тўғрисида сўзлайди, «Садди Искандарий»да бу чизик асарининг марказий масаласини, ўқ томирини ташкил этади.

Навоний дostonларида воқеани, қахрамонлар ҳаёти ва тақлиги тўғрисидаги ҳикоясини ниҳоятда қизиқарли, мафтункор шаклда олиб боради. Dostonлардаги қахрамонлар узоқ йўлни — синов йўлини босиб ўтади, шу жараёнда илми, тажрибаси, ақл-заковати ўсиб боради. Бошларидан бир-биридан мушкул қийинчиликларни ўтказади, турли-туман афсонавий кучлар, қудратли ғовлар билан тўқнашади. Жумладан, Фарҳоднинг бошидан ажойиб саргузаштлар кечади, ҳам илми эгаллаган Фарҳод бутун тўсиқларни енгиб ўтади, Шпринга етиш илипжида тоғ қазиб, ариқ очиб мислсиз қахрамонликлар кўрсатади, бироқ ёмон одамларнинг ҳийла-найрангининг қурбони бўлади. Навоний бу билан ёруғ оламда инсондек қудратли ва айни чоқда инсондек адолатсиз, золим, ҳийлакор, ярамас зод йўқ демоқчи бўлади. Шоир бу ғоясини Шпринга уйланмоқчи бўлган Хусрав ва унга хуштор бўлиб ўз огаси Хусравни ўлдирган Шеруя образлари орқали ёмонлиқни нафратлайди, инсониятни баркамолликка чорлайди. Dostonни:

Баҳамдиплаҳки бу ғам дostonи
Фироқ аҳлига мотам дostonи,—

деб тугатиши ҳам бежиз эмас.

Dostonда ажойиб-ғаройиб саргузаштлар ҳам, қахрамонларнинг кучли драматик тўқнашувлари ҳам, уларнинг иозик лирик кечинмалари ҳам, туйғулари, психологик ҳолатлари манзараси ҳам бор. Фарҳод — Хусрав диалоги драматик асарлардаги энг кескин тўқнашувларга, сўз-фикр қиличбозлигига ўхшайди:

Дедимким: шаҳга бўлма ширкат андеш!
Деди: ишқ ичра тенгдир шоҳу дарвеш!
Деди: жонингга бу ишдин алам бор,
Деди: ишқ ичра жондин кимга ғам бор?!
Деди: кишвар берай кеч бу ҳавасдин!
Деди: бечора, кеч бу мултамасдин!

Деди: ишқ ичра қатлиғ ҳукми эткум!
Деди: ишқиди мақсудимға еткум.

Достондаги Ширин — Фарҳодларнинг бир-бирига юборган мактублари уларнинг муҳаббат ва садоқат туйғулари тўла қалбларининг тиниқ кўзгусидир. Ширин «Тикон кирса кафинга кинасидин чиқарсам эрди киприк игнасидин», «Кўруб хору хас ўрнунгда, ниҳоний сочим бирла супурсам эрди оии», дейдики, бу қизнинг ўз ошиғига бўлган чексиз меҳр-муҳаббатининг шарқона ифодасидир. Агар «Фарҳод ва Ширин» билан «Лайли ва Мажнун»ни бир-бирига муқояса қилинса, «Лайли ва Мажнун»нинг бошдан оёқ муҳаббатга бағишланганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Шонр муҳаббат эрки, инсон эрки масаласини жуда чуқур ва теран бадний талқин этиб, бу ошиқ-маъшуқларнинг жисмонан бир-бирларига етиша олмасликларининг сабаби (улар руҳан бирлашган эди) ижтимоий тенгсизликда — «бой бойга боқар, сув сойга оқар» мақолидаги ҳақиқатда эканлигини кўрсатади. «Ромео ва Жульетта» асарига ҳам муҳанг бўлган бу достон бахтсиз муҳаббат ҳақидаги мунгли қушиқдир. «Сабъан сайёр»да Баҳром-Дилором севгиси ҳақидаги қолиновчи ҳикоядан ташқари етти мусофир тилидан бир-биридан қизиқарли ҳикоялар бериб (Ахи ҳақидаги, «Зайд-Заххоб», «Меҳр ва Суҳайл» каби қатор ҳикоялар), инсонийлик, одамийлик, сахийлик, поклик, адолат ва ҳақиқатпарварликни улуғлайди. Баҳром образи мураккаб ва серқатлам бўлиб, унинг фожиати, инқироzi орқали инсонни ҳалокатга олиб келувчи қусурларни кўрсатади. Навоий ноҳақлик, адолатсизлик, бевафоллик, худбинлик жавобсиз қолмайди, ҳаёт, тақдир бир кун албатта, жавобини бергусидир, ўч олгусидир, демоқчи бўлади. Шу маънода бу достон инсонни огоҳликка чақирувчи сабоқли асардир.

Шоҳ ва раият, салтанат ва раият, яъни ҳукмдор ва халқ, жамият ва халқ муаммоси ҳар доим буюк даҳоларни қизиқтириб келган. Инсоният пайдо бўлибдики, қандай йўлдан борса, мамлакат, олам тинч ва халқ бахтиёр бўлади, жамият ва инсон баркамолликка эришади, деган саволга жавоб қидиради. Бу муаммо Алишер Навоийнинг ҳам қалбини банд этган. Бадний асарлари ва амирлик ҳуқуқи, жамиятдаги катта обрўи орқали бу саволга жавоб истади, уни ечмоқ йўлларини қидирди. Бу масала унинг ижодининг бош жиҳатларидандир. Шеърнати ва достонлари у ёқда турсин, ҳатто «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида Одам атодан тор-

тиб Юсуф алайҳис-салом, Мусо, Довуд, Сулаймон алай-
ҳис-салом ва Суқрот, Афлотун, Аристотелис ҳақимлар-
гача ёзиб, буларнинг адолат йўлидаги ишларини ало-
ҳида таъкидлаб ўтади ва Мусо пайғамбарга келганда
«Ва бани Исроилга жафо ва ситамни ҳаддан ўтқорди»,
деб зулмкорлигини танқид қилиб ўтади. Ҳукмдор ва
раият масаласи «Хамса»даги ҳамма дostonларда ё у,
ё бу даражада таҳлил қилинган. Аммо «Ҳайрат ул-аб-
рор»да ва айниқса «Садди Искандарий»да бевосита шу
жумбоқни ўртага қўяди. Ҳаёт шони яқинлашган пайт-
ларида, яъни 1500—1501 йилларда ёзган «Маҳбуб ул-
қулуб» («Қалблар севгиси») асарида ҳам энг аввало
одил шоҳлар тўғрисида фикр юритади: «Адолатли под-
шоҳ ҳақ таолонинг халойиққа кўрсатган марҳаматидир;
бундай шоҳ мамлакат учун тишчлик ва фаровонлик са-
бабчйисидир... Одил шоҳ қуёш билан баҳор ёмғиридек
қора тупроқдан гуллар очади ва мамлакат халқи бо-
шига олтин билан дурлар сочади. Камбағал ва бечора
одамлар унинг яхши, мулоим муомаласидан, роҳатдан
золим амалдор ва миршаблар унинг сиёсати тивидан
қўрқувда. Адолатли шоҳ шундай қўриқчики, унинг со-
яи давлатида қўй-қўзилар бўри хавфидан омон; ёмон-
ларга шафқатсизлигидан йўлдаги мусофирлар; йўлтў-
сарлар ваҳимасидан эсон...» (асарни Иноят Махсум
насрий баён этган).

Навоний худо ва диний ақидалар орқали ҳам адолат
ва ҳақиқатни ҳимоя қилади. Юқорндаги кучирманинг
охирда «Адолатпарвар шоҳ халқни рози қилса; ҳақ-
таоло шоҳдан рози бўлади», деган жумла бор. «Ҳай-
рат ул-аброр»да Ануширваннинг тарихда адолатли иши
билан шухрат топганини айтиб туриб, бундай дейди:

Қолдию ул адл ила топти ҳаёт,
Қуйди қиёматга дегин яхши от.

«Садди Искандарий» «Хамса»га қирган дostonлар-
нинг энг йириги, энг фалсафийси, энг ижтимоийроғи.
Унда адолат масаласи умуминсоният миқёсида талқин
қилинади. Зероки Искандар тўғрисидаги афсона эра-
миздан аввал икки мингинчи йилларда Юнонистонда
тўқилган ва жаҳон бўйлаб кезиб, бизнинг Шарққача
етиб келган. Улуғ қалам соҳиблари бу кўчма сюжетдан
адолатли ҳукмдор тўғрисидаги орзу-армонларини ифо-
далашда фойдаланганлар. «Садди Искандарий»нинг
охирда «Раиятни адл айлаб обод қил», деган мисра
бор. Дostonда неча ўнлаб шоҳлар тарихини ибрат қи-

либ келтирилиши, Искандарнинг барча ишлари, саргу-заштларининг тасвир-таърифи ва унлаб фалсафий ҳикоя, нақллар, ҳикматларнинг киритилиши буларнинг ҳаммаси ўша юқоридаги бир мисрага жойлашган фикр, ният, армонни ўтказиш учун йўналтирилгандир. Ҳайратга соладиган жойи шундаки, Навоий биргина Искандар тарихи орқали ҳам шу ниятини ифодалаши мумкин эди. Йўқ, у турли-туман сабоқли тарихлар, далиллар келтиради. Асар бошидаёқ тўрт минг уч юз ўттиз олти йил давомида Эронда ҳукмронлик қилган тўрт сулолани тилга олиб қайсилари адолатли ишлар қилди, қайсилари раиятга зулм ўтказди, шуни айтади. Сўнгра Искандарнинг шоҳлик тожини ўз ихтиёри билан ташлаб ўзини бахтиёр ҳис этган доно одам билан бўлган суҳбатини беради. У одам икки қўлида иккита бош чапогини кўтариб олган. Буларнинг қай бири шоҳники, қай бири гадонники эканлигини ажратиб бўлмаслигини айтиб, «Бу икки мато ўлгандаку бир, тирикликда нечун низо қиладилар?» дейди. Дониншманднинг бу жавоби ва абадий ҳаёт, қариликни билмайдиган инсон умри, камбағаллик ва ғам-ғуссани билмайдиган турмуш ҳақидаги орзуси Искандарни лол қолдиради. Булар, албатта, Навоийнинг орзу-армони эди.

Навоий ўз орзу-армонини Искандарнинг шоҳлик лавозимини қабул қилиш жараёнидаги ҳолатини тасвирлаш орқали очиқ айтади. Искандар отасидан кейин шоҳлик тожини кийини керак эди. У кўнмайди. Халқ илтимос қилади. Шунда Искандар шоҳ қандай бўлиши керак, деган саволга жавоб беради, бу хусусдаги ўз қарашларини бирма-бир санайди: «Ҳар ишда замон аҳлининг талабларига жавоб берадиган одам бўлса», «ақл-заковати қуёшдек мунаввар», «адолат бобида навруз фаслидек, сиёсат бобида эса жаҳонни куйдирадиган яшиндек бўлса», «машаққатли кезларда душманга чўра қилувчи, оғир кунларда кўмак берадиган адолатпеша бир зот бўлса, дейди. Давом этиб «Борди-ю девонбегиси фуқарога ситам қилса, унинг қўлини кесиб ташласин, мусофирлар қатнови тўхтамасин», «ўғрилари тутиб, уларнинг нопок қўлини қирқсин», «зулм-бедодлик одатлари тамоман йўққа чиқарилсин. «Ҳатто зулм деган иборанинг ўзи эл орасида бўлмасин!» дейди (дostonини насрга айлантирувчи Иноят Махсум).

Искандар халқ талаби бўйича тўж кияди ва ўзини «инсоф ва адолат таянчи» деб ҳис қилади. У эолимларни жазолайди, адолатсиз ҳукмдорларни йўқ қила-

ди, аввал ноҳақ чиқарилган қонунларни бекор этади, бозордаги нарх-навои тартибга солади, тарозининг тошларини ҳам темирдан ясатиб, муҳрлатади, узунлик ўлчовларини ҳам темирдан қилдиради, йўлларга қорувулар қўяди, хуллас «адолатли замон бунёд этади». Искандар амалдорлар, аскарларнинг бировдан ҳатто бир қарич ип ёки бирор тангасини зўрлаб олишига йўл қўймайди. Шоҳ раиятни ўзидек кўришни лозим:

Халойиққа кўрма, қилиб бенаво,
Ўзингга раво кўрмагани раво!

Яна бир ўришда «Шоҳ — халқининг ризқ-рўзига кафилдир, бинобарин, барчасини баробар кўрмай, уларнинг бирига ортиқ, бирига кам бермоқ ёмондир», дейди.

Навоий Искандарнинг ўлимини ҳам адолат, ҳақиқат билан, мол-дунёнинг бевафолиги, умрнинг ўткинчилиги, поклик, ҳаққа эътиқод масаласи билан жипс боғлайди. Искандар бутун оламини, қуруғу ҳўлни забт этади, аммо унга «нима берган бўлса, ҳаммасини қайтариб олди-да, ўзини ҳам ҳалок қилди». Искандар ўлими олдидан онасига мактуб ёзиб, шундай илтимос қилади: «Ва лекин мени тобутга ётқизган пайтингизда ёқут тешигидан илми чиқазиб қўйилгани каби, албатта, бир қўлимни тобутдан чиқазиб қўйинг. Токи халойиқ бу қўлга ҳайрат кўзи билан эмас, балки ибрат кўзи билан боқиб «Бу папжалар саф тортиб ер юзини ўз қўлига олган эди», «мана энди бу қўллар дунёдан шол кишининг қўлидай қуруқ, чинорнинг япроқсиз бутоғидай бўм-бўш кетаётир!» десинлар. Бу ҳол одамлар учун бир ибрат мактаби бўлиб, дунёни эгаллаш машғулотидан қўлларини тортсинлар».

Навоий доим адолатсиз урушларни қоралаган, тинчликни бахт-саодат, баркамоллик гарови деб билган. Достонда «Уруш — бу довул! Довулгина эмас, ғам-андўхнинг селидир. Ундан бутун дунё халқларига кулфат ва амал етади», «Уруш кунлари ошнолар бегоналашадди», «уруш балоси халқ бошига қирғинлик, ватангадолик каби кулфатларни солади», дейди.

Навоий раиятдан ўз ватанини севишни, уни гуллаб-яшнаши учун тинмай ҳалол меҳнат қилишини талаб этади. Халқ шоҳдан, ҳукмдордан адолат, ҳақиқат, меҳрибонлик талаб қилар экан, ўзи ҳам унга чексиз садоқат кўрсатиши керак, жонини унинг эзгу ишлари учун тикиши керак. Ҳукмдор билан халқ тил топмаган ерда

душманининг кераги йўқ ёки душман учун дарвозани кенг очиб қўйилишидек гап. Навоий ватанни фақат имони бор одамгина севади, деган ақидани олға суради: «Гурбатда ғариб бўлиб юриш иккинчи дўзах ҳисобланади; ватанни севиш эса имон шишонасидир».

Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида жамиятнинг бошқаришда, ватанни гуллаб-яшнатишда юртнинг ҳамма тоифаси иштирок этишини, ҳаммасининг ўз ўрни борлигини ёзади: ҳар бир касбни ва шу касбдаги кишиларнинг ватан, ҳукмдор олдидаги бурчини чиройли қилиб таърифлайди. Ҳатто овчилардан тортиб шилқим гадоларгача ҳамма тоифани таҳлил этади. Ҳаммасига фақат ватан, халқ учун қиладиган ҳалол меҳнати, келтирадиган фойдаси нуқтаи назаридан баҳо беради. Шунинг учун ҳам Навоий ҳаммадан, ҳатто шоҳдан ҳам деҳқоннинг улуг туришини уқтиради. Бутун тирик мавжудот шу деҳқон яратган неъматлар туфайли тирикдир, шунинг учун уларнинг ҳаммаси «шу деҳқоннинг фарзанди-ю, унинг ўзи Одам атодир», «Оламнинг ободлиги деҳқонлардан, меҳнат аҳли шодлиги улардан!»

Алишер Навоий ижоди чексиз уммон, унинг тўғрисида қанча гапирсанг ҳам, барча фазилатини очиш мумкин эмас. Навоий ўз замонида ҳам буюк устоз санъаткор сифатида тан олинган, унга Бобур томонидан берилган юксак баҳо бунинг ёрқин исботидир. Мана, беш юз эллик йилдан буён Алишер Навоий ўзбек ёзувчилари учун буюк мактаб бўлиб келмоқда, уни туркман шоирлари ҳам, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ сўз санъаткорлари ҳам ўз устозларидан бири деб тан олишган. Ўзбек-тожик адабий алоқаларининг ривожига Навоий — Жомийнинг ажойиб гузал дўстлиги жуда катта аҳамиятга молик бўлди. 1917 йил Октябрь инқилобидан кейин мумтоз адабиётга эътибор сусайган эди, қизил империя халқларни ўзларининг қадриятларидан маҳрум бўлиши учун қўлидан келганича тўсқинлик қилди: Навоийларни сарой шонри деб ёмонлади, араб алифбосини лотин, кўп ўтмай крил алифбоси билан ўзгартириб, халқнинг йиллик меросдан маҳрум қилди. Иккинчи жаҳон уруши арафасида Навоий ижодини ўрганиш ва асарларидан намуналар нашр этиш иши сал жонланди, 70—80-йилларда унинг кўп жилдли асарлари босилиб чиқди (ўзбек ва рус тилларида), ҳозир йигирма жилдлик «асарлари» нашр этилмоқда. Навоий ижоди кенг кўламда ўрганила бошланди. Иккинчи жаҳон уруши йиллари адабиётимизда Навоий образи яратила бошлан-

ди: Ойбекнинг «Навой» романи, Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навой» драмаси, бу асосда яратилган «Алишер Навой» киноси улуғ шоир образини яратишдаги дастлабки қадамлардир. Бу асарлар ёзилган пайтда Ҳусайн Бойқаро каби шоҳларга муносабат, динга ва тасаввуфга муносабат салбий эди, шу туфайли мазкур асарларда бу масалалар ўша замон руҳида талқин қилинган эди. Ҳозирги вақтда ижодкорлар олдида Алишер Навойнинг образини янгича, ҳозирги замон нуқтан назаридан, яъни ҳаққоний тарзда ёритиш вазифаси турибди.

(1483—1530)

Заҳириддин Муҳаммад Бобур XVI аср ўзбек адабиётининг йирик вакилидир. У инсоният тарихида муқаррар ўз ўрнига эга буюк давлат арбоби ва талантли ёзувчи сифатида эътироф этилган ажойиб сиймодир. У тарихда Ҳиндистондаги бобурийлар давлатининг (тарихда нотўғри равишда «Буюк мўғул империяси» деб шуҳрат топган) асосчиси ва «Бобурнома» номли тарихий-жуғрофий — мемуар асарининг муаллифи тарзида тилга олинади. Бу ерда биргина Жавоҳарлал Нерунинг қуйидаги ажойиб фикрини келтириб ўтиш kifоя. У «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» ва «Жаҳон тарихига бир назар» асарларида бундай ёзади: «Бобур дилбар шахс, Уйғонини даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган. У санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди». «Бобур энг донишманд ва дилбар шахслардан бири эди. Унда мазҳабий таассубдан, қолоқлик ва қисқа фикрликдан асар ҳам йўқ эди. У ўзининг ижоди каби вайрон қилиш, хароб қилиш йўлидан бормади. Бобур санъат ва адабиётни қўллаб-қувватлаган кишилардандир».

Бобур 1483 йил 14 февралда Андижонда туғилди. Отаси Умар Шайх Мирзо Темурнинг невараси бўлиб, Фарғона вилоятининг ҳукмдори эди. Опаси Қутлуғ Нигоржоним эса Тошкент ҳукмдори Юнусхоннинг қизидир. Бобурнинг ёшлиги Андижонда, Ахсида ўтди, саводи эрта чиқди, шеърятга, ҳарбий санъатга ғоят қизиқди, у моҳир мерган эди. У ғоят довюрак, қўрқмас бўлгани учун Бобур, яъни йўлбарс деб лақаб олган эди ва охири бу Заҳириддиннинг тахаллуси бўлиб қолди.

1494 йилда отаси томдан йиқилиб вафот этади, ёш йигитча Бобур шоҳ деб эълон қилинади. Бобур давлат ишлари билан астойдил қизиқади. Ёш бўлишига қарамай Самарқандни ўз қарамоғига олиш учун ҳужум қилади, аммо тажрибасизлиги туфайли ниятига ета олмайди. 1500 йилда иккинчи бор юриш қилиб, қўлга киритади. Лекин Шайбонийхон ҳужум қилиб, шаҳарни тўрт ойча қамал қилиб туради, аҳоли иқтисодий қийналади, шу туфайли Бобур Шайбонийхон билан битим тузиб, шаҳарни ташлаб кетишга мажбур бўлади. Андижон ҳам қўлдан кетади, уни қайтариб ололмагач, ўзига содиқ одамлар билан 1504 йили Кобулга юриш қилади ва

жангсиз уни эгаллайди. Кобулни ўғли Комронга топширгунча — 1526 йилгача идора қилди, юртда кўп хайрли ишлар қилди: карвонсаройлар, мачит-мадрасалар қурдирди, ариқ-каналлар қаздирди, боғ-роғлар барпо эттирди, янги ерлар очирди, фан ва адабиёт, санъатнинг ривожига фаол кўмак берди. Ҳатто «Бобурнома» да айтилишича, у ерга шакарқамаш келтириб эктирди.

Бобур аини пайтда ҳарбий юришларини ҳам тўхтатмади: 1506 йилда Самарқандга ҳужум қилиб, уни забт этди, 1512 йилда Бухорога юриш қилиб, Убайдулла хондан енгилди. 1522 йилда Қандаҳорни қўлга киритди. Ҳиндистондаги ҳокимларнинг иттифоқсизлигидан ва ўзаро жанжалдан фойдаланиб 1525 йилда Панжоб вилоятини босиб олди. Моҳир саркарда Бобур ўн икки минглик армияси билан Деҳли султони Иброҳим Лудининг юз минглик армиясини енгади (1526 йил), бир йилдан сўнг Ҳинд ҳукмдорларидан Рожа Санграмни ҳам енгади, Пойтахтни Аграга кўчиради. Бобур Ҳиндистон халқларининг тинч-тотув яшашлари учун зарур шароит яратди, юртни иқтисодий, маданий ривожланишини таъминлайди. «Бобурнома»да қайд этилишича ва аини пайтда авлодлари, замондошлари, тарихчилар, сиёсатчиларнинг таъкидлашича, Бобур Ҳиндистон юрти учун жуда кўп улуг ишлар қилди ва одил, маърифатли, илғор ғояли шоҳ сифатида тарихда абадий қолди. У 1530 йилда Аграда вафот этди, унинг васиятига кўра 1533 йилда хоки Кобулга келтирилиб, ўзи севган боққа кўмилди. Бобурнинг фарзандлари, айниқса невараси шоҳ Акбар бобурийлар шуҳратига яна шуҳрат қўшди.

Бобур ҳам шоҳ, ҳам ёзувчи эди. Бу икки соҳадаги фаолияти бир-бири билан жипс боғланган. У ўз мақсад-орзу идеалига интилишда шоҳлик амалидан ҳам, бадий ижоддан ҳам фойдаланди. Лекин унинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти билан бадий ижодининг мазмуни ўртасига тенглик аломатини қўйиб бўлмайди. Бобурнинг дунёқарашида (сиёсий, фалсафий, этик-эстетик идроки — шуурига) уни қўраб турган муҳит, реал воқелик, ижтимоий ҳаёт, ҳақсизликлар таъсир қилмай қолмас эди, натижада шоҳлик фаолиятига — мавқеига анд фикр-ғояларни ҳам ўз асарларида ўртага ташлар эди. Унинг устига Бобур бадий ижодда рост сўзлаш, ҳақгўй бўлишга интилди ва буни ижодий қонда деб билди. «Бобурнома»да шундай дейди: «Бу битилганлар-

дан ғараз шикоят эмас, рост ҳикояттурким, битибтурмен. Бу мастур бўлгонлардин мақсуд ўзининг таърифи эмас, баёни воқеи бу эдиким, таҳрир этибтурмен. Чун бу тарихда андоқ илтизом қилинибтурким, ҳар сўзнинг ростини битилгай ва ҳар ишнинг баёни воқеини таҳрир этилгай». Бобур Самарқандни Шайбонийхондан тортиб олишнинг сабабларини санаб кўрсатиб бўлгач, «Бу билганлардин мақсуд ўзини ортирмоқ эмас, рости бу эдиким мастур бўлди», дейди. У «Бобурнома»ни назарда тутиб шундай дейди:

Бу олам аро ажаб одамлар кўрдум,
Олам элидин турфа ситаamlар кўрдум.
Ҳар ким бу «Воқоъ» ни ўқур, билгайким,
Не раижу, не меҳнату, не ғамлар кўрдум.

Бир маснавийсида «Рост қилгайсан эътиқодингни», бир рубойсида «Шеримда агар ҳазил, агар жид кечурунг, яхши борида агар ёмон бўлса нетонг» деган мисралар учрайди. Ёки «Бобурнома»да Шонр Мир Сарбарахнинг ижоди тўғрисида сўзлаб, «Мир Ҳамза қиссасининг муқобиласида умри зое қилиб, узун-узоқ ёлгон қисса боғлабтур, бу амр муҳолифи табт ва ақл-дур», дейди. Мана бу эътирофлардан кўриниб турибдики, Бобур ўз фикр-кечинмаларини, ҳис-туйғуларини ва кўрган-кечирганларини, кайфиятларини, ўй-мушоҳадаларини рост, самимий баён қилишга интилан. Унинг бу фазилати «Бобурнома»дагина эмас, балки шеърлятида ҳам тўла намоён бўлган.

Биз учун Бобурнинг бадий ва илмий мероси беистисно буюк аҳамиятга эга. У улуғ Навоидан кейинги давр ўзбек адабиётининг энг йирик ва етук намоён-дасидир. Унинг устига Бобур Навоийнинг анъанасини самарали давом эттирди, халқпарварлик, адолатпарварлик, маърифатпарварлик, пок муҳаббатни улуғлаш, риёкор руҳонийларни ва ёмонлиқни қоралаш каби тенденциялар Бобур ижодида ҳам давом этди. Айниқса ўзбек тилида асар ёзиш ва бу тилда ижод қилувчиларни қўллаб-қувватлаш, фан, адабиёт, санъат, маданият кишиларига ҳомийлик қилиш Бобурнинг ҳам фазилатларидан эди. Шу билан бирга унинг ўзи ҳам, фарзандлари ҳам икки тилда — туркий ва форсийда ижод қилиш анъанасини давом эттирди. Бобур девон тузиш ва насрий асар ёзишдан ташқари, илмий ишлар ҳам қилди, таржима билан ҳам шуғулланди (Хўжа Аҳрорнинг «Волидия»сини ўзбекчага ағдарди). Бобур ўз шеърлари, насрий асарларини содда тилда ёзди. У

Навоийни улуғлаганда, унинг ўзбек тилида ижод қилганига ҳам аҳамият берди: «Алишербек назир ийўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас», дейди. У арузшуносликда ҳам Навоий бошлаган йўлни давом эттирди. Навоийнинг машҳур «Мезон ул-авзон» китобига ўхшаш «Мухтасар» китобини яратди ва ҳатто Навоийнинг баъзи қарашларига эътирозлар ҳам билдирди. Унда аруз қоидаларидан тортиб ўзбек шеъриятида мавжуд кўринишлари, ўзига хосликларигача ёритади (арузнинг 21 баҳри ва ундаги 537 вазига таъриф беради). Навоий таъсири «Бобурнома»да ҳам кўринади. Навоий «Мажолисун нафоес»да шоирлар ижоди, маҳорати, жамиятда тутган ўрни ва шахсиятини лўнда қилиб таърифлаган эди. «Бобурнома»да ҳам Бобур кўплаб шоирлар, рассомлар, мусиқашунослар, ҳаттотлар тўғрисида жуда муҳим, қизикarli фикр-мулоҳазаларни айтади. Бобурнинг мусиқа, ҳарбий иш бўйича ёзган рисоалари ҳам унинг нақадар қомусий билимга эга эканлигидан далолат беради. Иқтисодий билимларни «айниқса солиқ солиш тартиби» шеърӣ баён қилувчи «Мубаййин» рисоласи иқтисод-ҳуқуқшуносликка ҳам қўшилган ҳиссадир. Бобур тарихда туркий тил алифбосини яратишга бел боғлаган шахс сифатида ҳам маълум. Унинг «Хатти Бобурий» номи билан аталувчи алифбоси соддалиги, қулайлиги (диакритик белгилардан холилиги) билан аҳамиятга моликдир. Араб алифбосининг халқ учун қийин эканлигига қарши чиқиб, уни лотин ҳарфи билан ўзгартиришни ўртага қўйган буюк озарбайжон мутафаккири, шоир, драматурги Мирза Фатали Охундов (XIX аср) Бобурни ва бобурийларни ҳурмат қилар эди. Бу борада Бобурдан илҳомланган бўлиши мумкин.

Бобур XVI аср ўзбек адабиётининг ривожланишига ўз шеърияти ва айниқса «Бобурномаси» орқали катта ҳисса қўшди. «Бобурномаси» билангина эмас, балки айни чоқда газаллари, рубойлари, туюқлари орқали ҳам новатор ижодкор сифатида майдонга чиқди. Бу унинг шеърлари мазмунининг ижтимоий-сиёсий йўналишида бўлишида, ҳаққонийлиги, яъни реалистик тенденцияларга моликлигида, фалсафий теранлигида, психологик чуқурлигида, фожиавий оҳангининг ҳаётбахшлик руҳи билан йўғрилиб туришида, инсонийлиги, самимийлигида, мусиқийлигида, образларининг ҳаётӣйлиги ва жўшқинлигида, услубининг соддалигида, автобиографик ҳолатларнинг кучлилигида кўринади. Бобуршунослар

унинг традицион эстетик қонун-қоида чегарасини дадил ёриб чиқиб шеърятни реал ҳаётга яқинлаштиришга муваффақиятли уринганини тўғри таъкидлайдилар. Воҳид Зоҳидов Бобурда «кучли реалистик тенденциялар ҳам кўзга очиқ ташланиб туриши»ни таъкидлаб, «биринчидан, Бобур ўзини, ишлари ва фикрларини объектив ифодалашга уринган, иккинчидан, ўзини фақат ўз шахсий тор доирасида эмас, балки атрофдаги сиёсий, ижтимоий ҳаётнинг катта масалалари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ифода қилишга интилган, учинчидан, даставвал, Бобур мазкур асарлардаги реал деталларда киши руҳини, унинг ички дунёсини тасвир қилиш ва очишда, севги ва соғинч, хурсандлик ва хафалик туйғуларини ифодалашда юксак маҳорат кўрсатган», дейди. Б. Валихўжаев «автобиографик характердаги ғазаллар бор»лигини таъкидлайди, ундаги «реалистик тасвир услубининг романтик таъсир услубидан устунлигини уқтириш лозим»лигини айтади. И. В. Стеблева кўпгина мақолаларида айниқса «Бобур ғазаллари семантикаси» монографиясида (Москва «Наука» 1982) бу масалага махсус ёндошади. Мазкур китобнинг «Традицион мавзу ва Бобур ғазалларидаги автор шахсияти» деган бобида Бобурнинг кўпгина ғазалларининг дунёга келиш жараёнини, булардаги ҳаётий ҳужжат, воқеалар, прототипларни асосли ва илмий тарзда кўрсатиб беради.

Бобур 15—16 ёшидан шеър ёза бошлаган, «Топмадим» радифли шеъри 1500—1501 йилларда ёзилган. У юздан ортиқ ғазал, икки юзтача рубоий, ўнлаб туюқ, бир неча маснавийлар ижод этди. Ун бир ёшидан Андижон тахтига ўтирган Бобур Марказий Осиёда бирлашган давлат тузаман деб кўп ҳаракат қилади, бу уринишлари муваффақиятсиз чиққач, юртини ташлаб кетишга мажбур бўлади. Бу жараёнда бошидан кўп аччиқ-чучук кунларни кечирази. Шунинг учун ҳам унинг шеърятисида тахт учун курашиш жараёнида қалбида туғилган фикр-ўйлар, ҳис-туйғулар, кечинмалар, ва айниқса соғинч-ҳижрон туйғулари марказий ўринни эгаллайди. Улар заминисида инсонийликни, ҳаётни, ишқ-муҳаббатни, садоқат ва дўстликни ардоқлайди:

Жонимдан ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.

Ёки:

Диёру ёрдин Бобур жафо, жавр кўп кўрди,
Хуш мулким ёрдин қатъ айлабон тарки диёр этса.

Яна:

Даврон мени ўткарди сару сомондин,
Айирди бир йўли мени хонумондин,
Гаҳ бошима тож, гаҳ балойи таъна.
Неларки бошига келмади даврондин.

Одамлардан, даврдан куйиб-ёниб ёзилган мисралар Бобур шеърларида кўп учрайди. Булардаги туйғулар Бобурнинг шахсий тақдири билан жипс боғланганлиги шундай кўриниб турибди. Бобурнинг ғазаллари, рубоийлари ва ҳатто «Бобурнома»сида «Оёғим етганча Бобурдек кетар эдим, нетай...», «Келди ул вақтки, бошимни олиб кетгайман, Олам ичра аёғим етганича етгайман», «Муяссар бўлмаса бошимни қўймоқлик оёғига, бошимни олиб, эй Бобур, оёқ етганча кетгайман», «Чун бошимни оёғингга қўярга ярамас, бошимни олиб оёқ етганча кетай», «Бу икки иш муяссар ўлмаса оламда, Бошимни олиб бир сориға кетса киши», «Ишқингни доғи бартараф этмак мушкул, бошни олибон ҳар сари кетмак мушкул» каби мисраларда унинг ҳаёт йўли, характери, руҳияти билан боғлиқ ҳолати, кайфияти ифодаланмоқда. Ана шу бир сўзлилиги, чўрткесарлиги ва катта гурур эгаси эканлиги юртни ташлаб, Қобул, Ҳиндистон сари кетишга мажбур этганлиги аниқ. Бобур «Ота тахтида фориг ўлтурдум, Балки отам кўрмагани мен кўрдум», «Олти ой ичра олти тахт олдим, етти иқлима балки кўз солдим» мисраларида бевосита ўз ҳаётини баён қилмоқда. Айни чоқда Бобур ўз ҳаёти ва тақдири билан боғлиқ фикр-туйғу, кечинмаларга замонаси, замондошлариникини ҳам қўшиб юборади. Шу туфайли унинг ёридан қилган ҳасрати замондан ҳасрат, ёр висоли тўғрисидаги орзуси ватани ҳақидаги орзу-армони даражасига кўтарилиб кетди. У айни вақтда ёмонликни, зулмни, золимликни қораловчи шеърлар ҳам битди:

Дер эдим, эй вафоси йўқ золим,
Зулмдан етти ўлғали ҳолим.

Зулмдин ўзга ишни билмайсан,
Мени мискинга раҳм қилмайсан.

Гар мен ўлтургулукмен ўлтургил,
Йўқ эса сўргулук эсам, сўргил.

Мана шу руҳ, шу мотив «Бобурнома»сида ҳам мавжуд. Сулгон Маҳмуд тўғрисида «зулм ва фисққа кўп машғул эди» дейди. Шайбонийхон хусусидаги ушбу гапидан Бобур инсоннинг дунёга яхшилик қилиб номини

абადийлаштириш фикри томонида эканлиги ойдин бўлади: «Шайбонийхон Ҳирини олғондан сўнг, бу подшоҳларнинг зох ва зоди билан ёмон маош қилди, не ёлғиз бу жамъ била, бори халойиқ била. Рустойи ва подидкиши, беш кунлик ўтар дунё учун мундоқ ёмон от қозонди». Ёки Бобур надаркуш Абдуллатифни ҳам қаҳр билан тилга олади: «Улуғбек мирзодин ўгли Абдуллатиф олди. Бу беш кунлик ўтар дунё учун андоқ донишманд ва қарн отасини шаҳид қилди». Бобур бошқа асарларида «Бори элга яхшилиғ қилгилки, мундин яхши йўқ, Қим, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ», дейди.

«Бобурнома» Бобур номини, ўзбек халқи шухратини жаҳонга ёйган асарлардан биридир. У 1586 йилдаёқ форс тилига, кейин голланд (1705), инглиз тилига (1826), немис тилига (1818), француз тилига (1871) таржима бўлди. Инглиз, рус ва француз тилига қайта-қайта таржималар бўлди. Асарда Мовароуннаҳр, Афғонистон ва Ҳиндистон тарихига, жуғрофиясига, флорасига, маданияти ва адбиётига, урф-одатига доир бебаҳо маълумотлар жамланган. Бобур ўз даврининг неча юзлаб турли шахсларнинг жамиятда тутган ўрни, уларнинг маънавий дунёси, эътиқоди, ҳунари, қиёфаси тўғрисида рост, аниқ маълумотларни беради. Унинг адабиёт ва маданият аҳли тўғрисидаги мулоҳазалари (Навоий, Жомий, Беҳзод, Биноий ва бошқалар) муаллифнинг ўз даврининг етук, илғор адабий танқидчиси эканидан далолат беради. «Бобурнома» ўша давр ўзбек тили ва фольклорини ўрганишда ҳам тенгсиз манба бўлиб хизмат қилади. Энг муҳими асарда Бобурнинг ҳаёт йўли, тахт учун олиб борган курашлари ва Афғонистон, Ҳиндистонда марказий давлат тузиш, фан ва маданиятни ривожлантириш, шаҳарларни ободонлаштириш йўлида қилган ҳаракатлари ўзининг кенг, ҳаққоний ифодасини топган. Унда тарихий фактлар, иқтисодий, социологик мулоҳазалар билан ҳаётни, одамларни бадний тадқиқ этиш фазилати бирлашиб кетган. Унинг мазмуни, сюжети, композициясини Бобурнинг ҳаёт ва кураш йўли белгилайди. Асар воқеасига кескин драматизм руҳини бахш этган нарса ҳам Бобурнинг ўз душманлари билан бўлган қаттиқ тўқнашувлари, курашларидир. Бобур воқеа юз бераётган жойлар, шарт-шароитни, табиатни аниқ тасвирлайди, айниқса асарда иштирок этувчиларнинг ташқи ва ички қиёфасини, одатлари, қилиқларини сезгирлик ва линчковлик билан тасвирлайди.

Бобурнинг турмушини, муҳитни, воқеани ва одамларни тасвирлашида, уларга берган баҳосида, ўзининг ўй-фикрларини рўй-рост ифодалашида унинг образи гавдаланади: кўз олдицизда у довжорак, тетик, доно, билимдон, меҳрибон, айни пайтда шафқатсиз, бир сўзли, тили ўткир, ҳазил ва ҳажв туйғуси кучли, муваффақиятсизликдан чўчимайдиган ва зўр иродали шахс сифатида кўринади. Бир сафар қаттиқ совуқ ва қалин қорда қолишади, Бобур қор курак билан қорни очганда қорнинг баландлиги кўкрагигача келади, иссиқроқ уйга кирмасдан туни билан жангчилар билан шу қорни ичида туриб чиқади, бир қанча одамнинг оёғи, қўли, бурун-қулоқларини совуқ олади. «Кўнгулга кечдиким, борча эл қорда ва чоп кунда, мен иссиқ уйда ва истироҳат билан мунда борча улус ташвиш била машаққатта, мен мунда ўйку билан фароғатда. Мурувватин йироқ ва ҳамжиҳатликдин қироқ ишдур. Мен ҳам ҳар ташвиш ва машаққат бўлса кўрайин, ҳар нечук эл тоқат қилиб турса турайин, бир форси масал бор: «Магр бо ёрон сураст» («Дўстлар билан биргаликдаги ўлим тўйдир»), дейди Бобур. У Кобул ёнида ер қимирлагани тўғрисида ёзар экан, зилзила даҳшатини ўз кўзингиз билан кўргандай бўласиз: уйлар қулаб кетган, ерлар ёрилиб, узун ариқчалар пайдо бўлган, унга одам сиғиши мумкин, туя бўйи баландликлар пайдо бўлган, чанг-тўзон кўкка кутарилган. Бир кунда ўттиз уч бор ер силкинган. Бобурнинг кузатувчанлигини тасдиқловчи яна бир мисол: Кобул атрофида лоланинг тури жуда кўп экан, Бобур уларни санаттурса, ўттиз тўрт хил чиқибди. Конибодом билан Хўжанд ўртасида Ҳадарвеш деган жойда дони қаттиқ шамол бўлиб туради, дейди Бобур. Бу жойда (уни ҳозир Қарақчиқум дейилади) ҳозир ҳам тез-тез қаттиқ шамол бўлиб туради. Бобур бирор жойни, шаҳарни тасвирламоқчи бўлса, бутун чеғарасини, нечта ариқдан сув ичишини, майдони, аҳолиси, миллати, халқнинг урф-одати, мева-чеваси, ҳайвон, паррандаларнинг ҳамма-ҳаммасини яхлит, атрофлича баён қилади. Мана бу фактлар «Бобурнома» ўзбек мумтоз насрининг энг порлоқ намунаси эканлигидан далолат беради.

«Бобурнома» Ойбек, Уйғун ва Иззат Султон, О. Ёкубов, Н. Қодиров, Муҳаммад Алиларнинг тарихий асарларининг ҳаётий, ишонарли чиқишида ҳам бебаҳо манба бўлиб хизмат қилади.

(1859—1909)

Фурқат XIX асрнинг иккинчи ярмидаги ўзбек адабиётининг етук вакилларида биридир. У йирик маърифатпарвар шоир ва ўзбек демократик адабиётининг шаклланишига ўз ҳиссасини қўшган илғор фикрли ижодкордир. Унинг тақдирида ва ижодида Туркистон ўлкасидаги XIX аср иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар, яъни Туркистонни Россия томонидан зуравонлик билан босиб олиниши туфайли юз берган салбий ва ижобий ҳолатлар ўз аксини топган. У Муқимий каби айни чоқда мустамлакачиликнинг ёмон оқибатларини кўрди, бундан изтироб чекди ва Россия давлат тизими, фани, техникаси ва маданиятидаги илғор жиҳатларни маъқуллади, тарғиб этди. Фурқатнинг рус, у орқали Оврупо маданиятига яқинлашиши унинг ижодида кучли маърифатпарварлик йўналишини келтириб чиқарди. Шу билан бирга унинг ижодида дostonчиликнинг янгиланиши, айниқса публицистик жанрнинг яхши намуналарининг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Фурқат асарлари автобиографизм, яъни унинг таржимаи ҳолига, ҳаётига оид ҳолатларнинг кучлилиги билан ажралиб туради, бу унинг лирикасида ҳам, русларнинг илм-техникасини таърифловчи шеърларида ҳам, чет эллардан дўстларига ёзган шеърӣ мактубларида ҳам, публицистик мақолаларида ҳам яққол кўринади. Фурқатнинг «Хўқандлик шоир Зокиржон Фурқатнинг аҳволоти. Ўзи ёзғони» деган номда «Туркистон вилояти» газетида эълон қилинган насрий асарида эса бевосита унинг таржимаи ҳолига доир маълумотлар берилган (профессор А. Абдугафуров «Зокиржон Фурқат» номли монографиясида бу асарни Бобурнинг «Бобурнома» сига ўхшашлигини таъкидлаб, «Фурқатнома» деб атайди).

Фурқатнинг ўзи ҳам шеърларининг ўзи ҳақида тўла маълумот беражagini назарда тутиб, бундай деган эди:

Эй муҳаббат аҳли, рамзи ишқ фаҳм айлай десанг,
Ёзилган хунн жигардин, Фурқат, ашъорим а боқ!

Фурқат 1859 йилда Қўқонда дунёга келди. Унинг отаси Мулло Холмуҳаммад маърифатли одам бўлиб, тижорат ишлари билан шуғулланган, опаси ҳам оқила

дабириёти яхши тушунувчи аёл бўлган. Зокиржоннинг ўткир бола эди. У олти ёшида Мулла Муҳаммад Ҳамиддан таълим олади, тезда саводини чиқаради, саккизи ёшида Атторминг «Мантиқуттайр» асарини ўқиб чиқариб, Навоий, Ғузулийларни ўрганади. «Қуръон»ни ёдлади ўқишни ва ҳаттотликни ўрганади. Ун бир ёшида ун таълим олган Ашур Муҳаммад Қори мактабида таълим қилади. Мударрис Подшоҳўжа эшондан араб тилидан сабоқ олади ва 14 ёшида мадрасага ўқишга боради. Аммо Туркистоннинг Россия томонидан босиб қолгани ва Қўқон холигининг тугатилиши, айни пайтда Фарғона вилоятининг тузилиши воқеаси муносабати билан Қўқонда ҳам нотинч вазият юзага келади. Зокиржон ҳам ўқишни ташлаб тирикчилик билан шуғулланишга мажбур бўлади. У Янги Марғилонда (Фарғона вилояти деб юритилган) тоғаси билан савдо ишида ишлайди, кейинча 2—3 йил ўзи мустақил дўкондорлик қилади. Айни пайтда фуқароларнинг аризаларини ёзиб олиб, мирзалик ҳам қилади.

Отасининг даъвати билан 1880 йилда Қўқонга қайтиб келади, оила қуради. Бироқ оиласи бузилиб яна Янги Марғилонга кетади (1886—1887). Бу ерда дўкон қўяди, ина иши юришмагач, Муродхон деган савдогарнинг ҳисоб-китоб ишлари билан шуғулланади. «Фурқатнома» асарида илгари «Русия халқидан бирор одамни кўрсам, қочиб йироқдан ўтуб кетар эдим» деб ёзган Зокиржон энди рус тили, рус маданиятига қизиқа бошлайди. 1889 йилда Тошкентга келади, астойдил рус тили ва фарғона маданияти билан қизиқади. Бу ерда Н. П. Остроумов, В. П. Наливкин каби маориф, матбуот, илм ва адаблари билан танишади, дўстлашади ва ҳамкорлик қилади. Тошкентга кетгунча «Фурқат» баъзан «Фарғона» таълиму билан машҳур бўлган ва йигирма ёшлардаги девон тузган бу шоир Тошкентдаги ўзбек ва рус интилокларининг эътиборини ўзига тортади. Ҳожи Аҳмад кумагида тўққиз ойча Қўқалдош мадрасасида, кейин Шайхонтахурда яшовчи Маҳмудхўжа исмли маърифатли одамнинг уйида истиқомат қилади. У Тошкентда «Туркистон вилояти газети»ни иштиёқ билан ўқийди, ҳатто унинг муҳаррири Н. П. Остроумов ва у ерда хизмат қиладиган маърифатпарвар Сатторхон Абдулғаффор билан дўстлашади, 1890—1891 йилларда ўша газетани хизмат қилади. Гимназия, виставка, концерт ва театрларга боради ва у ерларда олган таассуротлари асосида ўйлаб шеърлар, дoston ва мақолалар ёзади.

Тошкент муҳити Фурқатда дунёни, ўзга халқлар ҳаётини чуқурроқ ўрганиш истагини уйғотади. Фурқат 1891 йил 14 майда Истамбул, Юнонистон, Макка-Мадина, Бомбай, Кашмир, Тибет, Қашқарга сафар қилади. 1893 йил сентябрларигача Еркентга келади. Еркентда муқим туриб қолиш сабаблари, биринчиси рўзгорининг бузилиши («Хотун» ҳажвиясида «Жавридин охир азиямат йўлини туткай киши, бу касофат бирла маҳруми диёр айлар хотун», дейди), иккинчиси ўзининг чет элдан юборган хатларида ёзганидек тоға-амакиларидан хафа бўлиб қолиши («Вале бордур гила андак амак бирла тоғалардин»), ўз юртидаги иқтисодий-сиёсий вазиятнинг оғирлиги, жаҳолат, адолатсизлик, қашшоқлик каби ҳолатлар ҳам уни жаҳонгаишта ва мусофир бўлишга мажбур қилгандир. Фурқат Истамбулдан 1891 йилда Тошкентдаги дўстларига юборган мактубида («Сабога хитоб») давр-даврон, замон-фалакдан жабр-жафо, бевафолик кўрганини айтади:

Ичим қон ўлди даврон ғуссасидин,
Бу даврон ичра ҳижрон ғуссасидин.

... Билурсизким жаҳоннинг йўқ бақоси,
Жаҳон аҳлини ҳам меҳру вафоси.

Фалак ғаддордир, кажрав замона,
Киши кўрмас мурувватдин нишона.

Замонни ҳар нафас табдили бошқа,
Юз онча умрнинг таъжили бошқа.

Еркент аҳолисининг Фурқатга кўрсатган меҳр-оқибати уни ўша ерда турғун бўлишига даъват этади. Ўзи ҳам «Бул шаҳарининг обу ҳавоси ва мардумлари яхшилигидан кетмакни ихтиёр қилмадим» деб ёзади. Еркентдан дўсти Тошболтуга юборган шеърини мактубида яна:

Менга мунда муқим ўлмоқ худо тақдири ўлмишдур,
Эмасдур бандалик дам урмагим «чину чоро» лардин,

деб тақдир ҳукмига қарши чорасиз экайлигини тан олади. Фурқат ватанидан узоқда яшаши, мусофирлик оғир кулфат эканлигини теран ҳис қилар эди ва ўша мактубида «олиб ёдиға, сўрмас кимса Зокиржон Фурқатни», деб афсус-надомат чекади, ўксунди. «Сабога хитоб»ида «Ғамингдин кеча тонг отгунча йиғлар, тонг отқоч доғи кун ботгунча йиғлар», дейди очикдан-очик.

Фурқат Еркентда янги оила қуради, Нозимжон, Ҳакимжон деган фарзандлар кўради. У ерда шеърлар, сиёсий, публицистик мақолалар ёзади, ўзининг иқрорича, саёҳатномалар ижод қилади, табиблик ва тижорат билан шуғулланади. Афсуски Фурқатнинг Еркентда ижод қилган кўпгина асарлари бизгача етиб келмаган. Фурқат тишим билмади, турмуш, муҳит, замон, тақдир уни у шаҳардан бу шаҳарга, у юртдан бу юртга кўчиб юришга мажбур этди. Уттизга кирмай туриб қон томири касаллигига учрайди, Хўжандда, Тошкентда бироз даволанади, эҳтимол Еркентда ҳам касалига даво истаб табибликни ўрганган бўлиши мумкин. Фурқат жуда ёш, 50 ёшида, 1909 йилда Еркентда вафот этди.

Фурқат 9 ёшидан бошлаб шеърлар бита бошлайди. 20—22 ёшларида ўз девонини тузди (аммо у топилганича йўқ). 24 ёшидаёқ Қўқонда тартиб берилган қўлёзма девонга катта шоирлар қатори унинг ҳам тўққизта ғазали киритилган эди. Унинг илк асарларидан бўлмиш «Ўлтирғуси» ғазалига Муқимий тахмис боғлайди. Бу ҳолатлар Фурқатнинг жуда эрта ўзига хос шоир сифатида тан олинганлигини тасдиқлайди.

Фурқат етук ғазаллар, сермазмун муҳаммас, мусаддаслар, қатор кучли манзумалар ва дostonлар ижод этди, насрий асарлар — «Фурқатнома», ўткир публицистик мақолалар, фельетон, памфлетлар яратди, фольклоршунослар, этнографлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган «Тўй тавсифи», «Ғап тавсифи», «Аза тавсифи» каби рисоалар ҳамда шеърини назариясига доир «Илми ашъорнинг қондан авзони» каби асарларини ёзди. Фурқатнинг лирикаси таҳлилига киришмасдан аввал унинг ўзбек халқининг урф-одати, миллий кийим-кечаги, миллий мусиқа асбобларини чуқур билиши ва булардан шеърларида ҳам образ сифатида фойдаланиши таъкидлаб ўтиш керак. «Нағма ва нағмагар ва унинг асбоби ва ул нағма таъсири хусусида» шеърида рояль тўғрисида фикр юритар экан, ўзбек миллий мусиқа асбобларини шундай санайди (рояль овозини шу қадар аниқ ва ёрқин таърифлайдики, унинг туйғунлигига қойил қоласиз):

Мусулмон ичра лекин нағма кўп бор,
Чунончи гужжаку танбуру сетор.
Дутору арғанун, қонун ила руд,
Рубобу доира, чангу найу уд.

Ёки «Тошкент шаҳридаги виставка хусусида» аса-рида кўргазмага қўйилган миллий кийим-кечак, қурол-

яроқ, тирик ва ўлик ҳайвон, паррандаларни санаб ўтади (исфиҳоний қилич, икки дамли пичоқ, атлас, беқасам, адрас, шоҳи, духоба, тосу кимхоб, зардўзию зарриниу зартоб, гилам, чекман, от, тот, тева, эшак, кийик, ҳўкиз, буғи, товук, кабу, ғоз, ўрдак, турна, тарву, лайлак, тўтию қумри, бургут, этолгу ва ҳ.к. «Сурмадин кўзлар қаро» («Келинчак») ғазалида келинчакнинг миллий безаклари, кийим-кечагини бирма-бир таърифлаб бўлиб, сўнгра унинг ҳолати руҳияти, яъни сурати ва сийратини чизади:

Сурмадин кўзлар қаро, қўллар хинодин лоларанг,
Ғозадин юзларда тобу, ўсмадин қошлар таранг.
Заҳфароний кўйлак узра аргувоний камзихур,
Рўймол оғушидин пешонанинг аҳволи танг.
Бори нозик панжалар олтун узукдин зебнок,
Қўл биларзукдин музайян, нуқрадин оғизда чанг.
Гавҳар оққон халқалар сиймин бано гўшида банд,
Кўринур зулфи тунида субҳи содиқдек аранг...

Иккинчи мисрадаги «Ғозадин юзларда тобу» жумласидаги (қизил рангли упадан юзларда жило) таъриф ҳозирги, XX аср охиридаги қизларнинг икки юзига қизил суртиб юриш одатларини эслатадики, бу нуқта Фурқатнинг кузатувчанлигини, қизларнинг ўша вақтдаги одатини ҳам намойиш қилади. Фурқат «Чиройлик» радифли ғазалида гўзалликка анъанавий, образлар воситасида жуда тиниқ, ёрқин тасвирлайдики, бундан ҳам Фурқатнинг юксак талантини кўриш мумкин (ўзини гулга, юзини парилар чеҳрасидан ҳам чиройли эканлигини, қадди-қоматига санобар тан беражаги, товусни ҳам уялтириши, юзи олмага, қовоғи бодомга, кўкраги анорга ўхшашлигини ёзади).

Фурқат ижодида унинг ғазаллари, мусаддас ва муҳаммаслари алоҳида ўрин тутади. Албатта, Фурқат дастлаб устозлари Навоий, Фузулий, Бобур, Машраб ғазалларига, улардаги мазмун, шакл ва образларга эргашган. Фурқатнинг:

Кўр бўлсун кўзларимким, ўзгага солсам назар,
Жонга ўт тушсун агар сандин бўлак ёр айласам.

Ёки:

Этгали наззора бўлмас, Фурқатий, рухсориға,
Ёш тўлар кўзга киши боқса, қуёш сиймосидини.

Яна:

Мунча қилгон орзулардин муяссар бўлмаса,
Фурқатий узлат учун бир кунжи ғор истар кўнгул,

каби мисралари Навоий ва Бобур мисраларини (охирги байт) эслатади. Лекин Фурқат шеърят сирларини эгаллагандан сўнг, воқеликни, инсонларни ўзи баҳолай бошлагач, замона ва унинг дард-ташвишлари, инсоннинг севги-садоқат туйғулари, орзу-армонлари тўғрисида етук, гузал, ўз сўзи билан айтганда «руҳпарвар байтлар» тўқий бошлайди. Фурқат ўз ғазалларида севги-вафони улуглайди. Унинг севги, ёр, ошнинг тўғрисидаги қарашлари инсонни улуглаш ғояси, баркамол инсон орзуси билан жипслашиб кетади. Фурқат ғазалларида «Фидодур бир қошиқ қоним йўлларида», «Остонамда тўкилса бир қошиқ қоним мани», «Ўлдуруб ташланг ани кўйиға, эй аҳбоблар, иглари тирноғига бўлсун хино қоним манинг» каби ёр учун жонини фидо қилиш ғоясини ифодаловчи мисралар кўп. Фурқат сўзларнинг оддий такроридан севгилисини идеал гузал ёр тарзида таърифлашга муяссар бўлади («Дахан нозик, забон нозик ки лаб нозик, сухан нозик»). Яна бошқа ғазалида:

Лаб гул, ораз гул, бадан гул, жабҳа гул наҳдлин,
Эй, вужудинг гулшанида бор бу миқдор гул,—

деб ёзади.

Фурқат ғазалларида ижтимоий мазмун салмоғи тобора ошиб боради. У Қўқонда, Янги Марғилонда, Хўжанд, Тошкентда ва чет элларда яшаган, сафарда бўлган пайтларда адолатсизлик, зулм, зўравонлик ва камбағалларнинг хор-зорликда яшашини куриб, ғамгин, фоживазий руҳдаги асарлар ёзади. Унинг қалб кўзи кун сайин очилиб, дунёнинг тескари тузилганлигига ишона боради. «Бўлуб борур жаҳон кўзимға тор оҳиста-оҳиста», дейди бир ғазалида. Бир ўринда ўзининг ноилж ҳаётидан нолиб афсус чекади ва қаҳр-ғазаб билан дейди:

«Хубларга зўру зар» — эл ичра бу масал бор,
Мен хастани, фиғонким, илкимда зўру зар йўқ!

Ёки «Тортадур» ғазалида ҳам мана шу сариф олтин касрининг оддий инсонга келтирадиган кулфатини алоҳида таъкидлайди:

Чархи кажрафторининг бир шевасидин доғман,
Айшни подон суруб, кулфатин доно тортадур.
Сориг олтун касрати кўнгулни айлайдур қаро,
Чунки сафро бўлса ғолиб ўзга савдо тортадур.

Яна:

Йўқ эътибори — зари йўқ, — агарчи бўлса малак,
Эл ичра дев-зари бўлса, — муътабар кўрдум.

Жаҳонни кулфатида булбул ўрнига, афсус,
Либоси бахмалу кимхоб ҳанги ҳар кўрдум.

Фурқат ваташи Қўқонни тарк этгач, доим уни саниб, унга талпиниб яшади. Агар ўз юртини ташлаб чиқишга мажбур бўлмаганда эди, унинг ижодида илҳом мавзун бу қадар кенг ва чуқур бадиий таҳлил этилган бўлур эди. У бир неча асарида ит образини ишлатди ва «Адашган ит каби Фурқат қаён борғум билан масман», «Мисоли телба итман, карвонимдин адашганман» деб ўзининг аччиқ тақдирига ишора қилади (Шоир ўзини «Етим қўзи»га ҳам ўхшатади). Фурқат қайси масала, мавзу хусусида ёзмасин, албатта юрагини мудди ўртаб турган дардини — Ватан соғинчини қўшиб кетди «Кашмирда» радибли асарида ҳинд гузаллини таърифлаб туриб, гапни «Ватан тарки» масаласига буради ва тақдирида шу кулфат ёзилганини айтади. Фурқат асарларида «Ватан оворадурман дўстонимдин адашганман, ватансиз бенаводурман маконидин адашганман», «Ўз диёридин адашган Фурқатий девонамен», деб тавридор-такрор ёниб ёзади (садоқат-вафодорлик ва адашган ит образига ҳам алоқадор). Бошига ватанидан ва халқидан жудо қилган фалакка, даврон ва замонага нисбатан кескин норозилик билдиради.

Фалак бахти қаро ҳасратда умрумни адо қилди,
Гирифтори фироқ айлаб бу ғамга мубтало қилди.
Фалакдин шиква айлаб, доду фарёд айласам камдур,
Юракка хуну ҳасрат тўлдию икки кўзум намдур.
Фалак кажравлигидан жони айшим ерга яқсондур,
Ютуб хуноби ҳижрон таҳ-батаҳ бағрим тўла қондур.
Фалак тоқинг бузулсун, кўб балоларга дучор эттинг,
Қулоқ солмай фиғонимга мени кўб бемадор эттинг.

Фурқатнинг «Баҳор айёмида», «Фиғонким», «Тортадур», «Кашмирда», «Сайдинг қўябер сайёр», «Адашганман» каби ғазал, мусаддас ва мухаммаслари унинг асарларидандир ва айни чоқда, ўзбек классик шеъриятимиз хазинасидан муқим ўрин олган умрбоқий намуналардир. «Сайдинг қўябер сайёд» мусаддаси эрксизликка исён, озодлик, инсон эрки учун курашга чорловчи чин инсонпарварлик руҳидаги асардир. Унда уч образ — овчи, тутқун ва шоир гавдаланади. Сайёд — овчи — зўравонлик, зулм, адолатсизлик, рамзи, тутқун — оҳу билан шоир тақдири муштарак. Фурқат оҳунинг тузоққа илиниши воқеаси орқали тутқун инсоннинг тақдири ҳақидагина ҳикоя қилмайди, кўпроқ ўзининг қисмати тўғрисида сўзлайди:

Сайдинг қўябер сайёд, сайёра экан мандек,
Ол домини бўйиндин, бечора экан мандек,
Ул ёрини топмасдан овора экан мандек,
Иқболи нигун, бахти ҳам қаро экан мандек.

Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мандек.
Куйган жигари-бағри садпора экан мандек.

Куронидикин, Оҳу худди Фурқатдек доим йўлда, бе-
ра, ёрини топа олмай овора, бахти қаро, иқболи ту-
шди, ҳижрон азобидан юраги яра, жигар-бағри илма-
ганин Кейинги бандларда шоир овчидан Оҳуни озод
қилишни ялиниб сўрайди, ундан раҳм-шафқат тилайди.
1904, у фақат ялиниш билан чегараланиб қолмайди,
афлотсизликка қаршин исён кўтаради:

Тоғда очилиб лола, ер сабза баҳор ўлса,
Охир бу нечук бедод, олам анга тор ўлса,
Чикмай деса жойиндин — узлатда фиғор ўлса,
Гар чиқса баногоҳи — домига дучор ўлса,

Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мандек,
Куйган жигари-бағри садпора экан мандек.

Фурқат бу мусаддасини Тошкентда вақтида (1889—
1901 йиллар) ёзган. Унинг мазмуни ва руҳи, ундаги
оқинг ва кайфият шу даврдаги, саёҳат баҳонасида эрк,
омодлик, адолат излаб чет элга бош олиб кетаётган
Фурқат ҳолатига жуда-жуда ҳамоҳанг эди.

Фурқатнинг чет элда ёзган «Адашганман» радифли
муҳаммаси «Сайдинг қўябер сайёд»га жуда яқин. Ун-
да ўз ватанидан жудо бўлган инсоннинг қалб тугёни,
лард-алами, ўкинчи, зори, армони бор бўйича тўла ифо-
даланган. Бу асарни Фурқатнинг ўз сўзлари билан
айтганда, ватанидан жудо бўлган инсоннинг «мусибат-
номаси»дир, истаса уни «юз қулочли шарҳи дoston»га
айлантиришни мумкин. Асардаги ҳар бир образ, ҳар бир
белги ҳижрон, ватан, соғинч ҳақида гапиради: ундаги
булбул бўстонидан ажралган ва фақат фиғон қилади,
онасини йўқотган етим кўзи, карвонидан адашган телба
ит, биёбонда саргардон Мажнун... Асарда ғариб, ғур-
батий, ғам, ғурбаткаш, ҳажр, ғариблик, ғарибий, фи-
ғон, хароб хазон бағри қон — хуллас Фурқат тахаллуси
мазмуни билан ҳамоҳанг сўз образлар кўп. Ҳатто асар
охирида шоирнинг ўзи ҳам атайин эътиборни ўз тахал-
лусига тортади:

Қадимни ҳам кўранлар, ишқ бори меҳнати, дерлар,
Танимда нотавонлик боиси ғам касрати, дерлар,
Қаён бўлса бир ғурбаткашида улфати, дерлар,

Замона аҳли таҳаллус бу сабабдин Фурқатий дерлар,
Неча йилдулки ошуби замонимдин адашганман.

Фурқатнинг чет элдан ўз юртига — дўстларига ёзган мактублари шахсий қимматга эга бўлибгина қолмасдан, улар энг аввало шоирнинг таржиман ҳолини (чет эллардаги саёҳати ва Ёркентдаги турмушини ўрганишида катта аҳамиятга эга. Буларда ҳам Фурқат ўз юртига ва халқига муҳаббат ва соғинч туйғуларини ифодалайди. Муқимийга ёзган мактубида (1889) «Соғлиқ йўқдур танимда ҳар куни беморман», дейди. Шу туфайли у Тошкентга келаётиб, Хўжандда бир неча ойлаб туриб даволанмоқчи бўлади, аммо фақат Тошкентга келгач, дардига бироз даво топади. Сўнгра хатда Янгиқўртон қишлоғида тура олмаслигини айтиб, «Сўзлашурга бир дуруст одам йўқ, ҳам гармдур, мундайин ерда туро олмасман юроғи торман», дейди. Гап бир қишлоқ ҳақида кетаётган бўлса-да, бари бир бу ерда Фурқатнинг димиққан муҳитдан чиқишга ва сафар, саёҳатга мойиллиги ҳам сезилиб турибди. «Сабоға хитоб» мактубида унинг қалбидаги «Ҳижрон ғуссаси» акс этади, айни чоқда шоирнинг фалакнинг адолатсизлиги ва замона ташвишлари тўғрисидаги одил фикри ҳам ифодаланган. Фурқатнинг шеърини мактублари унинг қатор мусаддас, муҳаммас ва газаллари каби реалистикдир.

Ҳаётга яқинлиги, маърифий қимматга моликлиги жиҳатидан Фурқатнинг «Гимназия», «Илм хосияти», «Тошканд шаҳрида бўлгон нағма базми хусусида», «Виставка хусусида» (учта шеър), «Нағма ва нағмалар анинг асбоби ва ул нағма таъсири хусусида», «Акт мажлиси хусусида» каби манзумалари ажралиб туради. Буларда Фурқатнинг янгиликнинг ҳақиқий тарғиботчиси, чин маърифатпарвар шоир ва байналмилалчи зиёли эканлигини кўриш мумкин. Фурқат Туркистоннинг Русия тасарруфига ўтишдаги ижобий жиҳатни англаб этади. Бу аввалги хонлик давридаги каби ўзаро уруш-жанжалларнинг барҳам топиши ва юртда нисбатан осойишталик қарор топишида, илм, маърифатдан баҳраманд бўлишда, деб билади:

Қачон Русия аҳли қўйди юз Фарғона мўлкиға,
Мусулмонларни ул шўру балолардан амон этти.

Фурқат Русия илми, фани, маданияти ва у ердаги давлат тизимининг афзалликларини мақтаб, тарғиб этибгина қолмасдан, ўз юртининг бошлиқларини дадил танқид қилади:

Эсизким, бизни ўтмуш хону беглар,
Кечиб ишратда зайи субҳу шони.
Кетурмай ёнига бир аҳли дониш,
Ўзига хос этиб неча авоми.
Чу илму фазл элини тутмадилар,
Қилибон тарбиятда эҳтироми.

Фурқат «Рус аскарлари таърифида» ва «Суворов ҳақида» достонида рус халқининг ҳурмат билан мақтайди. Фурқат Тошкент театрида рус муаллифининг Суворов ҳақидаги пьесасининг томоша қилиб чиқиб, уни шеърини баён қилади. Достонда Суворов, шоҳ мулозими, Маркиза Нипули каби бир нечта образлар бўлиб, Фурқат буларнинг монолог ва диалогларининг ҳам беради. «Суворов ҳақида» ва «Юнон мулкда бир афсона» (1891—1893 йилларда ёзилиб, 1896 йилда босилган) асарлари Фурқатнинг эпик шеърини ўз қаламининг синов қўрганлигининг тасдиқлайди. Бу афсона асосида ёзилган достонда саргузашт сюжет ётади: қаҳрамон, рималик (Рим) қиз бошидан қутилмаган саргузаштлар ўтади. У аввал бахтиёр эди, кейин касал (сил) бўлиб, денгиз бўйида даволаниб юради, шунда тўлқин тортиб олиб кетади. Бу бахтсизликдан кейин у яна бахтиёр бўлади: бир балиқчи йигит уни қутқариб, даволаб оғасига топширади. Асар Шарқ достончилигидаги ва Ғарб саргузашт-романтик асарлардаги каби бахтли якуни билан тугайди. Фурқат асарда одамининг, меҳр-оқибатини улуғлайди. Фурқат ўзининг босиб ўтган йўли, кўрган-кечирганлари, замондошлари ҳақидаги «Фурқатнома» мемуар шаклдаги насрий асари, «Ёқуббек марҳумнинг қўлига тушган Қашқар вилоятининг аҳволоти хусусида» (1897), «Қашқар вилоятидаги сартия халқларининг зиндагонлик ҳаволотлари хусусида» (1897), «Хорижия шаҳардин ёзган бир эшоннинг сўзи» (1905) каби қатор публицистик мақолалари «Туркистон вилояти газети»да босилган. «Фурқатнома»да Фурқатнинг таржиман ҳолига онд нодир маълумотлар, жумладан илк шеъри, устозлари, замондошлари, фозил кишилар тўғрисидаги мулоҳазалари, ўзбекларнинг урф-одатлари, маориф-маданияти, руслар ҳақидаги қарашлари ўрни олган. Театрнинг шундай таърифлайди: «Неча марта театр ном Русия халқининг тамошоҳонасига бориб, андаги ўюн-тақлид тартибларининг кўрдум. Аларнинг кўрсатган тамошоси бизнинг масхарабозидек махз кулгу учун эмас экан, балки ибрат учун экандур. Бу тариқадаким, ўтган замондаги одамларни аҳволлари ва тирик-

чиликларини ва ул мардум ораларида бўлгон муомалаларни тақлид қилиб кўрсатар экан ва баъзи кулгулук ўйинлар бўлса, борганлар андин ҳам ибрат, ҳам хурсандлик истифода қилур эканлар. Ул тамошохопа катта бир олий иморат ўлуб, анда эркак ва хотунлар келиб ҳаммалари курсида яхши одоб тутуб ўлтурур эканлар».

Фурқат публицистик асарларида дунёдаги сиёсий аҳволни ҳинд, афғон уруши моҳиятини, инглизларнинг Шарқдаги сиёсатини, Қашқардаги халқларнинг аҳволини чуқур билишини ва одил баҳолашини намоён этган. Буларда у инсонпарвар, адолатпарвар инсон ва зулм, тенгсизлик, қирғин келтирувчи уруш душмани тарзида кўринади. Энди Фурқат лирик шоиргина, маърифатпарвар ижодкоргина эмас, айни чоқда ўз замонасининг илғор зиёлиси тарзида ҳам ўз талантининг янги қиррасини кўрсатади.

Фурқат ўзбек шеъриятининг ҳаётийлиги, ҳаққонийлигининг ошinishига, дostonчилик, шеърий мактуб, меъмуар жанри, публицистиканинг ривожига, айниқса ўзбек адабиётида маърифатпарварлик йўналишининг камол топиши ва демократик адабиётнинг ривожиди ўзининг катта ҳиссасини қўшган йирик ва ўзига хос ижодкордир.

Фитрат ҳозирги замон ўзбек адабиёти, ўзбек фани ва маданиятини янги йирик вакилидир. У қомусий билимга эга олим, адабиёт назариячиси, ўткир тилшунос, ўзига хос драматург ва шоир, жанговар сиёсий публицист, ношир, журналист ва талантливий давлат арбоби эди.

Фитрат ўз таржиман ҳолида ёзишича, 1884 йилда Бухорода туғилди (С. Айний уни 1886 йилда туғилган дейди). Отаси Абдурахимбой савдо иши билан шуғулланар эди. Шунинг учун чет элларга (Қашқар, Туркия, Эрон) борар, дунё аҳволидан бохабар эди. Онасининг исми Бибижон эди. Фитрат бошланғич тарбияни диний мактабда олди, кейин «Мирараб» мадрасасида таҳсил олди. Форс, араб тилларини мукаммал билган Фитрат ўз давридаги ижтимоий-сиёсий воқеаларга ҳам қизиқиш қаради. Ўзининг айтишича, аввал жадидлар ҳаракатига қаршилик қилди, кейин унинг моҳиятини англаб етгач, бу ҳаракатга қўшилди. Ҳатто ашаддий тарғиботчиларидан бирига айланди. Шу жадидлар маслаҳати ва ёрдами билан Истамбулга (Туркияга) ўқишга боради ва 1909—1913 йилларда шу ерда истиқомат қилади. Туркиядаги ҳаёти Фитратнинг дунёқараши, сиёсий онгини кескин ўзгартириб юборди. У Туркистон ҳаётига Туркиядаги ўзгаришлар (бу пайтлар «Ёш турклар инқилоби» воқеаси бўлган эди) ва илғор мамлакатлар даражасидан чиқиб қарай бошлайди: диний хурофотни кескин танқид қилди, ҳатто динни, мактаб-маорифни ва Туркистондаги идора усулини ҳам ислоҳ этиш гояси билан нафас олди.

Фитратнинг 1909 йилда Истамбулда «Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли бир мударриснинг бир неча масалалар ҳам усули жадида хусусида қилган мунозараси» китоби босилиб чиқди (Фитрат асарини 1908 йилда ёзганини айтади). Асарни амир Бухорода босилишига рухсат бермагач, Истамбулда нашр эттирган эди. Асар форсча ёзилган, уни Ҳожи Муин ўзбекчага айлантиради ва «Туркистон вилоятининг газетаси»да бостиради (1911). 1913 йилда алоҳида китоб ҳолида чиқади, унга Бехбудий кириш сўзи ҳам ёзган эди. «Ҳибс қилиш, ўлдириш, сангсор қилиш кундаги одатлардан эди,— дейди Фитрат,— у замонларда китоб ёзишнинг ўзи «кофир»лик эди. Мен шу вақтларда биринчи асарни ёздим. Бухоронинг идора усулини, таълим-тарбия усулини, бир

қўй расмий идораларни танқид қилдим. Бу китоб Бухорода тарқалар эди. Унинг ноширлари бўлган Бухоро жадидларини таҳликага туширмаслик учун амирга қаратиб бир сўз боши ёздим ва шунинг билан, гуё, танқиднинг унга эмас, маъмурларига оид бўлганини кўрсатдим. Бу замондаги Бухоронинг ижоби эди. Шунинг билан мени Бухоро амирининг тарафдори, дейиш ҳам мумкин эмас. Менинг Бухоро амирига қарши ҳар вақт курашганим ва курашган ташкилотларга раҳбарлик қилганимни билмаган йўқ».

Фитрат адабиётининг ҳамма жанрларида қалам теб-рата бошлади. У 1910 йилда Истамбулда «Сайха» («Чорлов») деган шеърлар тўпламини бостирди. У ҳам форс тилида эди. «Ҳинд сайёҳининг қиссаси»ни ҳам форсча ёзади ва 1912 йилда Истамбулда нашр этилади.

Фитрат Туркиядан қайтгач, Бухоро, Самарқанддаги қизгин адабий жараён, маданий, маориф ишларига ва сиёсий ишларга аралашиб кетди. Самарқандда 1917 йилдан чиқа бошлаган «Хуррият» газетасига муҳаррирлик қилади (27—87-сонларига). Газетада миллий мустақиллик ғоясини тарғиб этади. Большевиклар ҳаракатини ёқлаш керакми ёки йўқми, унга қарши туриш керакми, деган масала кун тартибда турган пайтда Фитрат ботшевикларни ёқлаб «Хуррият» газетасида бош мақола эълон қилади. «Мақолада,— дейди Фитрат,— курашнинг қайси томонига қўшилиш керак?» деган саволни қўйиб, ўзим сўл томонга қўшилишни ёқладим. Бу курашнинг «ўнг» томонидан бизга хайр йўқлигини даъво қилдим. Менинг бу даъватим каромат эмас, тажриба натижаси эди, чунки Бухоро амири билан бўлган жанжалимизда муваққат ҳукуматнинг тўппатўғри амир томонида турганини, бизнинг эса, рабочийлар томонидан, ишчи-деҳқон-солдат депутатлари Совети томонидан ҳимоя қилинганимизни ўз кўзим билан кўрган эдим ва коммунистлар фирқасининг миллат масаласини бутун дунёдаги сиёсий фирқаларга кўра тўғри ҳал қилганини яхши билар эдим. Менинг муҳаррирлигим остида чиққан мазкур «Хуррият» газетаси Самарқанд жадидларининг ношири афкори эди, сўнг замонларда бир бойнинг пули билан чиқар эди. Мен шунга қарамасдан газетамни большевикларга хайрихоҳ бир нутқтада сақлашга тиришдим, большевиклар мақоаларига ўрин бердим. Самарқанддаги ишчилар ташкилоти билан «Шўрои ислом» орасидаги

курашда ишчилар ташкилотининг ношири афкори каби ҳаракат қилдим».

Қўқон Мухторияти тузилганда (1917 йил ноябрь) Фитрат Самарқандда эди. Шу ердан унга аъзо қилиб сайланади. «Қўқонга бормадим. Мухториятнинг ҳеч бир ишига иштирок қилмадим», дейди Фитрат. Аммо ўзининг «Хуррият» газетасида бу воқеани юракдан қувватлаб мақола эълон қилади: «Эллик йилдан бери эзилдик, таҳқир этилдик. Қўлимиз боғланди, тилимиз кесилди. Оғзимиз қопланди. Еримиз босилди. Молимиз таланди, шарафимиз емурулди. Номусимиз ғасб қилинди, нисонлигимиз оёқлар остига олинди. Тўзимли турдик. Сабр этдик. Кучга таянган ҳар буйруғга бўйин сундук. Бутун борлигимизни қўлдан бердик. Ёлғиз бир фикрни бермадук, ёшунтурдук, имонларимизга ўраб сақладук. Бу — Туркистон мухторияти.

Маҳкама эшикларидан йиғлаб кетганда, ёруқсиз турмаларда ётганида, йиртқич жандарманинг тепкуси билан йиқилганда, юртларимиз ёндурулганда, диндошларимиз осулганда онгимиз йўқолди. Миямиз бузилди. Қўзимиз ёғдусиз қолди. Бирор нарсага кўролмадик. Шул чоғда тушқун руҳимизни кўтармак учун, шул қопқора дунёнинг узоқ бир ерида ойдин бир юлдуз ялқиллаб турар эди. Бирор нарсага ўтмаган қўзимиз шуни кўрар эди. Ул нима эди? Туркистон мухторияти!» («Хуррият», 1917, 5 декабрь).

Фитрат Бухорога бориб Колесов воқеасига (Туркистон халқ Комиссарлар Кенгашининг раиси Ф. И. Колесов отряди билан ёш бухороликларнинг биргаликда амирликни ағдариб ташлаш учун қилган қуролли қўзғолони) аралашади. Қўзғолончилар томонидан Бухоро амирига топширилган ультиматив Фитрат томонидан ёзилган эди. (1918). Бу пайт Фитрат Бухоро компартиясининг аъзоси эди, 1919 йилда эса Марказий Комитет ва кейинча Сиёсий Бюро аъзоси бўлган. Колесов мағлубиятидан кейин у Тошкентга келади ва Афғонистоннинг Тошкентдаги элчихонасида таржимонлик қилади (1919—1920), Бухоро большевикларининг «Тонг» журнаliga муҳаррирлик қилади (у Тошкентда нашр этилар эди, 1920). 1918 йил охирида «Чигатой гурунги» ташкил этилади. Фитрат унинг раҳбарларидан ва фаол аъзоларидан бири эди. Бу ҳаракатнинг вужудга келишига зарур сабаблар бор эди: мактабларда усмонли тил ва усмонли адабиёт она тили ўрнида ўқитила бошланади, ўзбек тилининг мавқеи тушиб кетади. Фитратнинг таъ-

кидлашича, «Чигатой гурунги» ўзбек миллатчилиги: ўзбек тили, ўзбек адабиёти шиорлари остида пантуркист тўдаларга ва шунга берилган жадидларга қарши курашди... «Чигатой гурунги» ўз замонида пантуркизм, панисломизм ҳаракатларига қарши курашмоқда эди. Фитрат 1921 йилда Бухоро ҳукуматида Халқ маорифи нозир, кейин Хорижия нозир, халқ хўжалиги Кенгашининг раиси, жумҳурият Марказий ижроия қўмитасининг ўрибосари, халқ нозирлари Шўросининг муовини, ҳукумат режа ва харж-сарф ташкилий ҳайъатининг раиси каби масъулиятли вазифаларда ишлаб, Бухоронинг равнақи учун қўлидан келган ёрдамни аямади. Айни пайтда Ф. Ҳўжаев бошчилигидаги Бухоро ҳукумати раҳбарларининг миллатнинг тараққиёти учун олиб борилаётган кенг куламдаги яхши ишлари Москвага ёқмади. Москва Бухоро ҳукумати таркиби бой, савдогарлардан иборат бўлиб қолган, деган айбни қўйиб, ҳукумат аъзолигидан беш кишини, жумладан Фитратни ҳам чиқаради (1923 йил 12 июндаги Пленумда). Фитрат Москвага кетинга мажбур бўлади. У ерда Шарқ тиллари институтида илмий ходим бўлиб ишлади (1923—1924). Шу йиллари унга профессорлик унвони берилди.

Фитрат Москвадан қайтиб келгач, Бухоро, Самарқанд, Тошкент университетларида дарс берди, Ўзбекистон Давлат илмий-тадқиқот институтида, Тил ва адабиёт институтида, Ўзбекистон Фанлар комитетида ишлади. Бу йиллари қатор бадиий асарлар билан бирга жуда кўп илмий асарлар яратди. Аммо Фитратнинг миллатпарварлиги большевиклар ва шўро ҳукумати раҳбарларига ёқмас эди. Уни Чўлпон, А. Қодирий, У. Носирлар билан бирга миллатчиликда айблаш тобора кучайди. Фитрат Бухорода ишлаганда у ерда Ёш бухорлик инқилобчилар фирқаси ва Бухоро коммунистлар фирқаси бор эди, у коммунистлар фирқаси томонида турди, кейин ҳам, Тошкентда вақтида ҳам шу йўналишда ишлади. Фитратнинг ўзи «Мен ўзбек миллатчиси бўлган замонларда (миллатпарвари демоқчи — С. М.) ҳар вақт Шўро ҳукуматига ва коммунистлар фирқасига хайрихоҳ бўлиб турдим», дейди. Афсуски коммунистик идеал учун, ҳақиқат, адолат, маориф, фан, маданият ва миллат тақдири учун туну кун меҳнат қилган бундай улуғ зотик шу партия, шу шўролар ҳукумати қамоққа олди ва 1938 йил 4 октябрда А. Қодирий, Чўлпонлар билан бирга ваҳшийларча отиб ташланди.

Фитрат кўп қиррали ижодкордир. Бу — унинг лирикаси, драматургияси, публицистик ва илмий мақолаларидир. Аммо шунга айтиш керакки, Фитрат ҳамма жанрларда ҳам битта, ягона қалби билан намоён бўлади: у бадий ижодда ҳам, илмда ҳам, ижтимоий фаоллигида — давлат ва жамоат арбоби сифатидаги хатти-ҳаракатида ҳам бир мақсад, бир орзу-армон билан нафас олади. Бу — халқнинг жаҳолат, турғунлик, гафлатдан уйғотиш, илм-маърифатга чорлаш, эркин, озод, бахт-саодатли ҳаётга, биринчи навбатда миллий мустақилликка эришишга чорлашдир. У ўзбекининг ўзлигини таниши, ота-боболари каби улугвор кашфиётлар қилишга, бирлашган, кучли, қудратли давлат тузишга ва дунёнинг илғор маданий мамлакатларига етиб олишга чақирди. Бутун ижоди халқнинг қалб кўзини очишга ва меҳнат, уқини, яратиш, курашга — инқилобга даъватдан иборатдир.

Фитратнинг илк тўплами «Сайха»нинг фазилати, Файзулло Хўжаев таъкидлаганидек, «Бухоро мустақиллиги ғояси ёрқин миллий шаклда биринчи бор ифода-лаб берилиши эди». Шу туфайли бу тўпламнинг Бухорода босилишига амир Олимхон қаршилиқ қилади. Шунга қарамай «Сайха»ни 1910 йилда Туркияда (Истамбулда) ўз ҳисобидан нашр эттиради. Тўпламдаги шеърлар форс тилида, ундан 15 тачаси ўша вақтларда (1914 йил) «Садон Туркистон» газетасида ўзбекча изоҳи билан босилади. Тўплам Ватанга муҳаббат, халқ ғам-ғуссасига ачинаш ва зулмдан қутулишга ундаш туйғуси билан йўғрилган.

Ҳам моҳи мангу осойиш, исзу шарафи ман,
Ҳам қаъби ман, қиблаи ман, чамани ман.

У — менинг осмондаги осойишта ойим, иззатим, шарафим.

(У — менинг саждагоҳим, жону таъимдир).

Фитратнинг «Учқун» деган тўпламининг чиққанлиги тўғрисидаги хабар ҳам босилган (1923), аммо у топилмаган. Республика матбуотида, «Ўзбек ёш шоирлари» тўпламида (1922) қатор шеърлари босилган. Гарчанд Фитрат форс, араб тилларини яхши билса-да, ўз шеърларида иложи борича уларни ишлатмасликка ва содда ўзбек тилида ёзишга интилди. Унинг устига Фитрат ўз бадий ижоди ва илмий мақолалари орқали бармоқ вазнининг қулайлиги ва кенг имкониятларини тарғиб қилади. «Бир оз кул!», «Ишқининг тарихи», «Яна ён-

дим»... «Ўқитувчилар юртига», «Қор» каби шеърларни соддалиги ва ички туйғу ва кечинмаларни ҳаққоний ифодалаб бериши билан жозибалидир. «Ўқитувчилар юртига» шеърда элни маърифат, ҳақиқат йўлига йўналтириш, жаҳолатга қарши курашишга даъват этади:

Орқадoshлар жангли ўйин йиққали,
Эл кўзини олгон қоронғу пардаларни йиққали,
Биз эрурмиз маърифат арслонлари, илм эрлари,
Тупланайлик, турунг, элга тўғри йўллар очғали.
Эллари махвдан қутқарон илм эрур,
Бизлари ҳам бу кундан ўзи қутқарур.
Биз эрурмиз элнинг инсонлик қонин қайнатгувчи,
Турк арслонин ўрисиз уйқудан уйғатучи.

Фитратнинг энг машҳур шеърларидан бири «Мир-рих юлдузи» га деб номланади. Бу шеър унинг бошига кўп кулфатлар солди, уни миллатчи деб айблашда яна бир қўшимча дастак бўлиб хизмат қилди. Шеърда Фитрат юлдуз баҳонасида Оллоҳга мурожаат этиб, большевикларнинг, босқинчи рус аскарларининг ваҳшийликларини фош этади ва юртдошларини уларга қарши нафратини қайрайдн:

Борми сенда бизим каби инсонлар,
Икки юзли ишбузарлар, шайтонлар.
Ўртоқ қонини қонмай ичган зулуклар,
Қардош этин тўймай еган қоплонлар?
Борми сенда ўкеус, йўқсулнинг қонин —
Гурунглашиб — чоғир каби ичганлар?
Борми сенда бутун дунё тузугин
Ўз қопчинин тўлдиргани бузганлар?
Борми сенда бир ўлкани ёндириб,
Ўз козонин қайнатгувчи хоқонлар?
Борми сенда қорин, қурсоқ йўлида,
Элин, юртин, борин-йўгин сотганлар?

Мана шу мисрларнинг ўзиде Фитрат шеърларининг миллий уйғониш ва инқилобий руҳда эканлигидан далолат беради.

Фитратнинг «Сайёҳ ҳинди» («Ҳинд сайёҳининг қисаси») насрий асари 1912 йилда босилди. Бу асарнинг аҳамияти унинг на шеъриятидан ва на драматургиясидан қолишмайди. Асарда жаҳон халқлари, илғор мамлакаглар фуқароси кўзи билан Бухоро, умуман Туркистоннинг давлат тузумига, тартиб-қоидаcига, халқнинг турмуш тарзига, иқтисодига, сиёсатига, мафкураси, маданиятига, маорифига назар ташлаб, улардаги ибратли жиҳатларни қўллаб-қувватлаб, иллатларини беаёв фoш этган. Фитрат асарда Бухоро ҳаётини беш қўлдай биллини, унинг ривожига гов бўлган барча ил-

латларни бартараф этиш чораларини кўрсатиб бера олишни намоиш қилади. Асардаги сайёҳ номидаги шахс («Мен») Фитратнинг ўзидир, у бирор шахс билан — мезбон билан суҳбат қилиш, мунозара этиш жараёнида ўзининг эзгу фикр, тилак-армонларини айтади. Асарни Бухорони, умуман Туркистонни тараққиёт йўлига олиб чиқиш дастури дейиш мумкин. Мана «Уламо» бобида Бухоронинг илм маркази бўлганлигини таъкидлагани ҳолда энди орқада — жаҳолат ботқоғида ботиб қолганлигини айтиб, шу бухороликларга бошқалар ҳам «Жаҳолат ва ғафлат ботқоғига ботдилар», «бугунги ҳақиқий илмдан мутлақо хабарсизлар», дейди. «Умаро» бобида эса амалдорлар «хукмронлик отига миниб, бечораю бадбахт халқнинг мол, жон, арз, помус ва шарафини шафқатсизларча поймол этадилар», дейди. Фитрат иллатларни жуда асосли, шафқатсиз таҳлил қилади: ҳовузлардаги ифлос сувлардан ичиш — касалликларни ичишдир, сохта мозорларга эмас, фақат Оллоҳга сўғиниш лозим, дейди. Мутаассиб руҳонийларнинг ҳадисларда йўқ гапларни ташвиқ қилишларини танқид қилиб, ўзининг Қуръон, ҳадисларни, Имом Насойи Бухорийни чуқур билишини намоиш қилади; Бухорода печта мадраса борлиги, уларнинг номлари ва «оламга тўрт юз олимни ҳадя этгани»гача, ҳозир эса чуқиб қолганини гапирди.

«Эй бечора миллат! Буларнинг барчаси мажбуран шаърийлаштирилган ҳуқуқлар бўлиб, сен ҳозир ана шу зўравонлар — қонинини сўрувчи, ҳопумонинини кўкка совурувчи, шараф ва номуснинг буёғидига ўт қўювчи кишиларга тарафдорсанки, ҳали ҳам буни тушунмайсан!» дейди. Яна бир жойда «Ҳаммага маълумки, ҳар бир миллатнинг тараққиёти учун илм асосий сабабдир. Сизнинг илмингиз йўқ», дейди.

Фитрат тижорат ва бой бўлишни тарғиб этади, аммо бойликка сажда қилиш, имон-этиқодни, инсофни йўқотишни қоралайди. Шарият пешволари тижоратни, бойликни қоралайди, дейишди. Фитрат пайғамбаримиз «камбағаллик кофирликка яқиндир» деган эди дейди ва фақат нафсин тийиш кераклигини уқтиради («Тижорат масаласи башариятнинг ҳаёт-мамури масаласидир» дейди Фитрат). Асарда халқни бирлаштиришга, завод-фабрикалар қуришга, тижоратни ривожлантиришга чақиради.

Фитрат яхшигина иқтисодчи ва доно сиёсатчи эди. «Шарқ сиёсати» (1920) китобида «Мусулмон дунёсининг энг оқиллари, остида йиқилган, тебраниб, талишнинг

турадир», деяр экан, Туркистоннинг инглизлар қулига тушмаслик ва тараққий қилиши учун Россия билан яқинлашиши кераклигини айтади: «Мусулмон дунёсини Оврупо жаҳонгирларидан қутқармоқ керак. Лекин мусулмон дунёси бўлган билимсиз, онгсиз, ҳунарсиз қолгон: бирлиги йўқ, иш йўлларини билмайдир, уруш яроғи йўқдур, шунинг учун Овруподаги кучларнинг бириси билан қушулардан бошқа чора йўқ», шунинг учун «Россия Шўролар ҳукумати билан келишмак, бирлашмак керак», дейди.

Бу кўчирмани келтиришимизнинг боиси яна шундаки, 1920 йилда «Чин севиш» ва ундан уч йил кейин 1923 йилда «Ҳинд ихтилолчилари» фожиасини ёзади. Бунда инглиз босқинчиларидан Ҳиндистонни озод қилишга киришган ёшларнинг кураши, жасоратини кўрсатади. Бу гоа «Чин севиш» пьесасида ҳам олға сурилади. «Чин севиш» Фитратнинг сиёсий-фалсафий йўналишдаги кучли асаридир. Фитрат тасаввуф, нақшбандлик, яссавийчилик тўғрисида тегаран рисола, мақолалар ёзган. «Чин севиш»да буларнинг таъсири сезилади. Асарда инглиз босқинчиларига нисбатан, капитализмнинг ахлоқ бобидаги қусурларига, Оврупонинг мусулмон дунёсига бўлган душманлик сиёсатига нисбатан нафратини ифодалайди. Фитрат Овруподан давлат тузуми, фан-техника соҳасидаги барча ютуқларни ўрганиш, ўзлаштириш тарафдор. Аммо у ерда меҳр-шафқатлиликни бир чеккага суриб бутун чоралар билан фойда кетидан қувишни, пулга, олтинга сажда қилишни қаттиқ танқид қилади. Асар қаҳрамони Каримбахш «Оврупода билим бор, лекин инсоф йўқ. Оврупонинг билими қоплоннинг тиши, тирноғи каби бир нарсадир. Кучсизларни йиртиб мак тўғрисида кўп иш кўрмишдир», дейди. Асардаги Ватанин озодлиги учун жонини тиккан йигит Нуриддиннинг Зулайхога бўлган ишқи сўфиёна ишқ — чин севишдир, Мажнунлар ишқи сингаридир. У севгилисига жисмонан етишишдан кўра юқорида тилакни — руҳий бирлашишни орзу қилади. «Оврупода руҳ йўқдир. Улар руҳоний лаззатдан бир нарсанга англаёлмайдилар. Чин севиш ва ҳақиқий ишқнинг туб ери Шарқдир. Мажнун, Фарҳодлар каби ишқ пайғамбарлари Шарқда етишдилар. Бутун Овруподаги ишқ отини олган ҳоллар ҳайвонлик ҳаваслардан бошқа нарсанга эмасдир», дейди. Албатта, Фитрат бу ерда Овруподаги бешарм, яланғоч, ибосиз севгини, айш-ишрат ва бойиш манбаига айланган сохта муҳаббатни, ҳайвоний ҳирсини назарда тутмоқда.

20-йиллар охири в
миллатчиликда айбла
пьесаларидан ҳам дас
Дийнқса Х. Олимжонни
мақоласида «Чин севи
соғанаси» (бундан бир
даги барча фикр-ғояни
даъво қилган. Аслида
ласи ўша даврнинг ку
Фитрат шу ҳолатдан
айниқса босмачилик
кураши авж олган па
латсизлиكنи назарда
лик, озодлик кураши
шу рамзийлик, имо-ни
«Ҳинд ихтилолчилари
Дилнавоз, қаландар Л
ватанпарварлигини ку
гаплар сўзсиз қизил
эди: «Инглизин Ҳинд
биринчисидир», «Қуръ
ришдек буюк», «...чў
эзгу» иш лозим, «ула
лашмоқ» керак, «Бу
кесиладир», «Масжид
сийёсий йиғин ясагон бў
хотин ўзаро кўпроқ га
дорға осилар. Бу кўп
йиқилгон шаҳарлар,
уйлар, кесилгон бош
қонлардан бошқа бир

Пьеса юртдошлари
ундов эди. Асарни «Р
миз», деб тугатилиши
Фитратнинг «Абулф

30-йиллар бошида Фитратни
и ҳаракати авж олган пайтда
так сифатида фойдаланганлар.
и Фитрат туғрисидаги каттагина
», «Ҳинд ихтилолчилари», «Темур
парча қолган холос) пьесалари-
шуроларга қарши айтилган, деб
ам Ҳиндистон ва инглизлар маса-
и тартибида турган масала эди.
ойдаланиб туриб, босқинчиларга,
ҳаракати, яъни халқ озодлиги
итни, ўша даврдаги қиргин, адо-
ллатсизлик, халқни миллий мустақил-
чақиради. Фитрат пьесаларида
чора усули кенг қўлланилган.
«Раҳиббахш ва унинг севгилис
олаҳардиёл каби фидойиларнинг
сатиб беради. Асардаги жуда кўп
мперияга ҳам қарши қаратилган
стондан қувмоқ эзгу ишларнинг
онини ҳайвон тепкисидан қутқа-
чани масжиддан ҳайдаш каби
таловидан қутилмоқ учун бир-
кун ўлкада қўйдан ортиқ одам
да номоз учун йиғилганлар —
либ, тўпго боғланар эди, эр билан
пирганда ҳукуматга қарши бўлиб,
устидагина шу ўлкага қарағанда,
ендирилган қишлоқлар, талафтон
лар, осилгон гавдалар, тўкилгон
парса кўрмаймиз...»

ушун бир сабоқ, дастур, чорлаш,
иртқичлардан элиминизни қутқара-
ҳам бежиз эмасдир.

Фитратнинг «Абулфайзхон» трагедияси 1924 йилда
Москвада нашр этила
ди. Трагедия гарчанд XVIII асрда
Абулфайзхон ҳаёти ҳа
сулоласининг сўнгги вакили
қанда ҳикоя қилса-да, аслида ўша
ҳаётига ҳамоҳанг эди. Драматург
таж-тахт ва шоҳ, тож
таж-тахт ва адолат, тож-тахт ва халқ
қдири масалаларини кўяди. Зулм,
лик мамлакат ва халқни хароб
ради: зolim шoҳ, зolim амалдор-
и якунланиши ва фақат адолатли
тга тинчлик, бахт-саодат бериши

мумкин, деган гоё олға сурилади. Шу жиҳати билан асар 20-йиллардаги юртдаги қирғин, зуравонлик ва уни келтириб чиқарган тузум билан жипс боғланган. Абулфайзхон фақат қон, зулм эвазига тахтга чиқади ва шу йўл билан ҳукмронлик қилади. У акасини, ўрнидаги Фарҳод оталиқини, дўстларини ўлдириб, тахтни эгаллайди, бу қилмишни туфайли бемалол ухлай қолмайди, доим қўрқув, таҳликада яшайди. Бу ҳақда шундай дейди:

«Ортуқ ҳеч кимнинг менга ишончи қолмади... Буларнинг ўзи йўлга келиб, менга душманлик қилмоқчи тасаласа, нима бўлур? Йўқ... Йўқ. Буларнинг ўзи йўлга келмайдир. Ўлдираман, ўлдираман. Дунёда битта душманнинг қолмагонча, қон тўкаман. Улфатнинг сўзи тўғри. Подшолик қон билан суғорилатурғон бир ёғочдир!»

Сарой аҳли Ҳакимбей бошчилигида Абулфайзхонга қарши туради. Эрон шоҳи Нодиршоҳ Бухоронини олиб йўлга чиқади. Суянчиги йўқ Абулфайзхон унга қарши курашмоқчи бўлади. Ҳакимбейлар кучи, қуроли душонитифоқ хонининг бу йўлини қувватламайди. Нодиршоҳ билан музокара олиб бориб, тинч йўл билан таслим бўлиш фойдали эканлигини айтишади ва шунга қарор қилишади. Нодиршоҳ гоё уста ҳукмдор бўлганига учун Бухоронини олишга эмас, балки у ерга меҳмон бўлиб келаётганлиги ва Абулфайзхонни ўз ўрнида қолдиришнинг айтиди, совгалар келтиради. Лекин Ҳакимбейлар бу ҳийлани билишиб, Абулфайзхонни ўлдиради, фарзандларини ҳибсга олади. Унинг ўрнига Абулфайзхоннинг 15 яшар ўғли Абдулмўминни хон қиладилар. Раҳимбой унга заҳар бериб ўлдириб, ўзи тахтни эгаллайди, у ҳам қирғин бошлайди.

Фитрат ижодида диний мавзуда ёзилган қатор рисола, мақола, ҳикоя ва пьесалар бор. «Қиёмат» (1924), «Меҳрож», «Зайнабнинг иймони», «Оқ мазор», «Қийин эшон», «Зайд ва Зайнаб» каби фантастик ҳикоялар (1928—1932), «Шайтоннинг танирига исёни» (1924) ва «Рўзалар» (1930) пьесалари шулар жумласидандир. Бу асарлар тўғрисида ҳозир ягона, тўғри фикр, яъни бир хил фикр йўқ. Баъзилар буларда «Ислом дини ақидалари ҳақидаги афсоналарнинг меҳнаткаш халқ бемиянлигининг заҳарлаш, унинг ижтимоий озодлик ва бахтли турмуш сари интилишларини кишанлаш учун уйлаб топилган қурол эканини кўрсатади. Ҳали диний ва ҳуруфий зулмат пардаси кўтарилмаган бир пайтда ёзилган бу асарлар Фитратнинг жасоратли адиб бўлганлигини

дероди» дейди (Н. Каримов). Адабиётшунос
имон эса «Шайтоннинг тангрига исёни» асари
да тўхталиб, «Айрим тадқиқотчилар унда ате-
истлар кўрадилар. Бу бизнингча, тўғри эмас.
хоти ҳам, фаолияти ҳам бундай дейишга имкон
ди. У динга эмас, аксинча динсизликка, имон-
сиз, эътиқодсизликка қарши. Айни пайтда мута-
икнинг ҳам душмани», дейди. Бу олим ҳатто маз-
рда сузувчининг Октябрь инқилобига муносабати
ни фикрини ҳам ўртага ташлайди. Бу олимнинг
пайтда мутаассибликнинг ҳам душмани», деган
йони бор. Фитрат исломга эътиқод қўйган, унинг
ни чуқур билган шахс эди. Мадрасада ислом
дан дарс ҳам берган ва «Мухтасар ислом тарихи»
дан узбекчага қилинган таржимаси 1915 йилда
тилган) рисоласи бунинг исботидир. Рисолада
он ва на пайғамбаримиз шаънига бирор оғиз таъ-
ган йўқ, аксинча пайғамбаримиз сифатларини
таърифлаб, ибрат қилиб кўрсатади:
«Фитратнинг ахлоқ ва одоблари бисёр мақбул ва
булғон, ҳеч вақт ёлғон гапирмаганлар, ҳеч кимга
қилмаганлар, ноинсофлик, мурувватсизлик ва
икдан йироқ эдилар», у «энг олий хулқ ва раҳим-
ватларга эга булғонлар. Раҳим ва шафқат, қарам
ҳоват, мадад ва илм бобларида оламда машҳур
лар, беҳуда ғазабга келмас эдилар. Дин ишлари-
шқа масалаларда жузъий камчиликларни кечи-
дилар. Инсоф доирасидан бир қадам ҳам ташқа-
қилмас эдилар, ҳар каснинг билими ва имкония-
тариб иш буюрардилар. Ҳеч касдан ҳеч нарсада
ни булмоғонлар ва садақа ҳам олмағонлар»,

Фитрат «Ҳинд сайёҳининг қиссаси» асарида Бухорода
юзга яқин мадраса борлиги, унинг уч тоифага
лини ва барча мадрасанинг номини бирма-бир
ди. У бу мадрасалар энди «разолат уйига» айла-
рилганини, бу ердаги уламолар «мазлум халқлар-
қонини ичиб келаётганини» қаҳр ва алам билан
«Рузалар» пьесасида сохта эшон ва қозиларни
рини соғми-касалми, бундан қатъи назар маж-
руза туттиришлари, узлари эса яширинча овқат-
и, кўкнорни сў юришларини фош этади. «Оқ мазор»
ида ҳам дин ниқобидаги юлғич, товламачи ҳо-
и кўрсатади. Етти бор ҳаж қилган бу одам эшаги
и кўмиб, авлиёнинг мазори деб гап тарқатади.

Ғазабланган халқ уни қозига олиб боради. Қози ғазаб билан уни сўроқ қилади. Шунда ҳожини ўттиз сўм пора бериб, буни эшагим «Қози бобомга бер!», деган дейди. Қози «Раҳматлигининг бошқа васиятлари йўқми?» дейди ва ҳожини ҳимоя қилади. Қўринадикки, бу ҳикояда ҳам дин эмас, балки уни сотиб еювчиларни қоралайди. «Қий-шиқ эшон» ҳикоясида ҳам «зарбани дин билан қуролланган хоинлар»га қаратади.

«Шайтоннинг тангрига исёни» асари юзаки қараганда замона билан жинс боғланмагандай ва ундаги шайтон образи ислом адабиётида, айниқса Қуръон, ҳадислар, халқ ижодидаги талқинга ҳамоҳангдек туюлади. Чуқурроқ эътибор берилса, замона билан яқиндан боғлангани ва шайтон образини традицион йўлдан бормай янгича талқин қилганини сезиш мумкин. Фитрат «Шайтоннинг тангрига исёни»да ўша оғир вазиятдан келиб чиқиб, доим салбий маъно кўтариб юрган Шайтон образига «Сен эслик бўл, туша қолма тузоққа, ташла тожнни, бу таёққа берилма», дейди. Худога қараб:

Узоқ бўлсин, мен юраман бу кун шод,
Тутқуликдан, кулликдан-да озод.
Раҳбарим фан, пайғамбарим билимдир.
Топинғумдир ёлғизгина ўзига,
Елғиз ўзим қутилдим деб юрмайман,
Бошқалардан хабар олмай юрмайман
(Одамни кўрсатиб)

Буни дахи қутқарғумдир қўлингдан,
Чиқарғумдир сенинг янглиш йўлингдан.

Ўзини эркин ҳис қилган Шайтоннинг озодликка, илм-фанга чорлаши, ҳаётга очиқ кўз билан қараб, ўз кучига суяниб иш тутишга ундаши, албатта, Фитратнинг билвосита, киноя, қочирим йўли билан айтган фикрларидир, дардидир.

Фитрат ижодишининг яна бир асосий йўналиши унинг илмий асарларидир. У ҳам талантли адабиётшунос, ҳам кучли тилшунос эди. «Ўзбек тили грамматикаси» («Сарф», «Нахв, 1924/30 йилларда олти марта нашр этилди), «Тожиқ тили грамматикаси» (1930) ва «Тилимиз» каби тил ҳақидаги ўнлаб мақолалари унинг зўр тилшунослигини кўрсатади. Адабиёт соҳасидаги фаолиятига назар ташласак, унинг ўзбек ва форс адабиётларини, адабиёт назариясининг чуқур билимдон эканига ишонамиз. «Эски ўзбек адабиёти намуналари», «XVI асрдаги сўнгги ўзбек адабиётига умумий бир қараш», «Чигатой адабиёти» ва Яссавий, Навоий, Муҳаммад

Солиҳ, Машраб, Турдия, Фурқат, Муқимий, Нодира, Умар Хайём, Фирдавсий, Бедил ҳақидаги ва назарияга доир «Адабиёт қондалари», «Аруз ҳақида», санъатининг келиб чиқиши ва шеъринят, ўзбек мусиқаси тўғрисидаги асарлари унинг илмий куч-қудратининг зўрлиги ва кенглигини тасдиқлайди. Машраб тўғрисидаги мақоласида «қаландар» деб кимга айтилади, улар мақсади, яшаш тарзи, кийим-кечаги, соч-соқоли — хуллас, рассом ёки театр режиссёри, рассоми учун қаландарнинг қиёфасини яратишда тайёр намунани кўрсатиб, таърифлаб беради. Ёки «Тилимиз» мақоласида ўзбек тилининг ашаддий тарғиботчиси ва ҳимоячиси сифатида кўрилади. Битта «бил» ўзагидан 98 та сўз ясаш мумкинлигини ва туркий тилнинг сўз бойлиги форс, араб тилларига нисбатан кўпроқ эканлигини таъкидлаб бундай дейди:

Араб, форс, рус, немис, француз тилларидан қай бирининг сарф (морфология демоқчи) китобларини олиб қарасак, кўрамизким, бир сўзни ясамоқ учун бир қанча ёзилгон, ундан сўнг шу қондадан таниқари қолгон (мустасно) сўзлар деб тўрт-беш сўз кўрсатилган. Турк сўзларида эса, бундай сўз топилмайдир. Юсуфизлик деган ҳоллар (истиснолик ҳоллар) туркча сарф сира йўқдур. Тилимизнинг авжи тўғрисида ҳам бойлиги, тугаллиги билидими? Энди сўзни туркчанинг бахтсизлигига кўчираман. Турк тили шунча бойлиги, шунча тугаллиги билан бахтсизликдан қутула олмаганидир. Турк тили дунёнинг энг бахтсиз тилидир», деб араблар, форслар ҳукмронлиги даврида бу тилнинг қисилганлигини айтиб, шўролар даврида ҳам эркин ривожланмаётганига очик ишора қилади. Ёки Фитрат яшаган даврда Машрабнинг тарихий шахс эканлигига шубҳа билан қаралар эди. Фитрат аниқ далиллар асосида унинг афсонавий шахс эмас, балки яшаб ижод қилиб ўтган улкан ўзбек шоири эканлигини исботлаб беради. Фитрат адабий ҳодисалар илдинини аниқ топади. Сомонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар ва хоразмшоҳлар даврида форс адабиётининг «кўтарилган қисми қасидачилик эди», деяр экан, бу қасидаларни ҳукмрон доира, «ўз фойдаларига ташвиқот учун ишлатиши» туфайли оммавий тус олганига эътиборни тортади. Фитрат мусиқани яхши тушунган, ўзи ҳам чалган зот эди. У ўзбек классик мусиқасини шу қадар яхши билганки, қайси куй қай пайтда — ҳолатда чалинишининггина эмас (мақомлар ёки тароналар), аини чоқда қайси асбоб қайси асбоб

билан бирга чалинганда куй аниқ, гузал чиқишини ҳам айтади: «Бир ғижжак товуши икки танбур товушини еб қўяди», дейди ва схемасини беради: уч танбур, бир рубоб, бир дутор, бир ғижжак, бир болотон, бир қўшнай, бир чанг, бир доира бир ансамблини ташкил этади ва ҳ.к. Фитрат «Ҳалима» операсига суяниб туриб ажойиб миллий опера яратиш мумкин экан, деган ғояни тарғиб этади. «Шарқ чолғуларидаги «мунг» Европа музыкасинда йўқдир. Шунинг учун Шарқ музыкасинда руҳга таъсир Европа музыкасинда руҳга таъсиридан буюқдир», дейди у.

Қўринадики, Фитрат адабиёт ва санъатнинг барча турини позик тушунган ва улар тўғрисида шу соҳанинг етук мутахассиси сифатида фикр юритган.

Фитрат адабий ижоди, илмий асарлари ва ижтимоий фаолияти билан ўзбек адабиёти, санъати, фани ва маданиятига катта ҳисса қўшган улўф зотдир.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

(1894—1938)

Абдулла Қодирий XX аср ўзбек адабиётининг асосчиларидан бири, икки минг йиллик ўзбек адабиёти тарихида реалистик роман жанрини бошлаб берган кашфиётчи ёзувчи ва ўзбек халқининг бахт-саодати учун жонини фидо қилган улуг инсондир. У Марказий Осиё халқлари адабиётида романчилик бобида устоз санъаткор сифатида яқдиллик билан тан олинган ва ҳозирги замон ўзбек адабиёти шухратини жаҳон миқёсига олиб чиққан адиблардан биридир.

Абдулла Қодирий 1894 йил апрелида Тошкентнинг Бешёғоч дехқонининг Эшонгузар маҳалласида тугилган. Отаси Қодир ота аввал дўкондорлик — тижорат ишлари билан шуғулланган, кейинча бу соҳада иши юришмай қолгач (сингач) деҳқончилик билан шуғулланган. Абдулла тугилганда Қодир ота етмиш ёшдан ошган эди, у яна йигирма йилча умр кўриб, 1924 йилда вафот этди. Абдулланинг онаси Ҳосият биби ҳам бола тарбиясида бўшаган пайтларида (Абдулланинг Раҳимберди исмли акаси, Қудратилла исмли укаси бор эди) эрига деҳқончилик ишларида кўмак берар эди (у 1943 йилда вафот этган).

«Бошида боғи оиласида тугилдимми ёки камбағал оиладами, албатта билмадим,— деб ёзди Абдулла Қодирий ўз «Таржиман ҳоли»да,— аммо ёшим 7—8 га етгач, қорним ошга тўймағонидан, устим тузукроқ кийим кўрмоғонидан эниқ билдимки, беш жоннинг томоғи фақат 80 ёшлик бир чол отамнинг меҳнатидан, 1300 саржини боғининг ёзда етиштириб берадиган ҳосилидан келар экан. Агар баҳор ёмон келиб, боғ мевалари офотга учраб қолса, биз ҳам очликка дуч келиб, қиши билан жаврашиб чиқар эканмиз».

Абдулла аввал эски мактабда ўқиди. У ёшлигидан китоб ўқишни севар, чиройли ёзар ва зеҳни ўткир эди. Саводи чиққан пайтлардаюқ «Юсуф ва Зулайҳо», «Ҳурилик», «Лайли ва Мажнун», «Чор дарвеш», «Рустамн дoston» каби китобларни ўқишга киришган ва қўлидан тушмас эди. Икки-уч йил эски мактабда ўқигач, оиладаги қашшоқлик туфайли уни бир бойга хизматчи қилиб берадилар. Абдулланинг хўжайини савдогар бўлиб, русча ёзув-чизувга эҳтиёж сезади. Шу туфайли у Абдуллани рус-тузем мактабига ўқишга юборади. Икки

йил ҳам ўқиб, ҳам бойга хизмат қилиб қийналарди. Уйига қайтиб келади, энди ўша мактабга ўз уйидан қатнайди. Дурадгор акасида хунари ўрганади. 1911 йилда енгил саноат билан савдо қилувчи Расулмуҳаммад исмли бир бойга, йилига 50 сўм иш ҳақи олиб берилади. Шу бойнинг ташқарисидан меҳмонхонада яшаб ишлади. Абдулланинг рус тилини билиши, меҳнатсеварлиги, ҳалоллиги ва китобни кўриши қўл келди. Расулмуҳаммад унинг эртасига катта умид билан қаради ва икки қизидан бирини унга беришга қарор қилди. У инсофли, камбағалпарвар ва ҳаётни, замонни яхши тушунадиган одам эди. Абдулла хўжайинининг катта қизи Раҳбарнисога уйланди. 1912 йилда хўжайинининг иши юришмай қолди, Абдулла ҳар приказчиликдан бўшаб уйига қайтади ва дурадгорлик қилади. Қишда — дурадгорларга иш камчил фаслда маддаси расада ўқийди. 1917 йил февралда Николай тахтдан тушганда халқ милициясига қўнғилли бўлиб хизматга киради. Бир ойдан кейин Тошкентнинг эски шаҳарида очилган озиқ-қўмтасига мирза бўлиб ишга киради.

Абдуллада зулм, истибдод ва қашшоқликка қарши нафрат кучли бўлса-да, бирор сиёсий партияга боғланмаган эди. Бу пайтлар «Турон жамияти», «Турк-адам марказияти», «Мухторият», «Уламо жамияти», «Шўрон ислом» каби турли-туман жамиятлар тузилди. Абдулла «Турон»га аъзо бўлди. Озуқа комитетига ишга киргач, унинг «Турон»дан чиқаришади. Ўзининг айтишича, у сиёсий партияларнинг «чин» маъносига тушуна олмас эди, 1917 йил Октябрь воқеасидан кейин ишчи-меҳнаткашларнинг раҳбарларидан Исмоил Обидов ва кейинроқ Марказий Ижроқўм раиси муовини Султонхўжа Қосимхўжаев билан танишади. Исмоил Обидовга мирза бўлиб, «уламо» ва бойларга қарши хитобнома ва ишчиларни ташкилотга чақириб тарғибномалар ёзади». 1918 йилда озиқ-қўмтетининг раиси Султонхўжа Қосимхўжаевга ўзбекча саркотиб бўлиб ишга киради. Шу комитетнинг 1919 йилдан чиқа бошлаган «Озиқ ишлари» газетасига муҳаррирлик қила бошлайди. 1920 йилда Қасабалар шўросига саркотиб бўлди, кейин «РостА» газетасида мухбир, «Иштирокиюн», «Қизил байроқ», «Инқилоб», «Коммунист йўлдоши» тўпламларида ходим, саркотиб бўлиб ишлади. Абдулла Қодирий «Муштум» журнаlining ташкилотчиларидан эди (1923) ва унда 1924 йилгача — то Москвага ўқишга кетгунча фаол ишлаб, журнал шўхратининг кенг ёйилишига катта ҳисса қўшди.

Абдулла учтўрт йил ўқимоқчи эди, бироқ Абдулла қириндек тақоватли, ҳалол, қатъиятли, жасур ва бир йил кўдр республика учун сув ва ҳаводек зарур эди. 1933 йилида, ёзги таътилдан кейин, ўз юртида қолиб, душманга хизматга киришди (Москвада Валерий Яковлев номидаги журналистлар институтида ўқиди). Абдулла Қодирий бу йиллари ҳам ҳикоянавис, ҳам фелетончи, ҳам журналист, ҳам таржимон — ҳуллаас. Уни қиринли ижодкор сифатида шуҳрат қозонди. Унинг «Алексей Толстой ташриф буюрди (1933)», Москвада Максим Горький билан суҳбатда бўлди (1934). Қозонда Татаристон ёзувчилари қурултойида қатнашиб (1936), татар овулларида икки ҳафтача меҳмон бўлди (Қозонда Г. Гулом, Зиё Саид, Шокир Сулаймон ва бошқалар билан бирга борган эди).

Абдулла Қодирийнинг шафқатсиз фелетонлари, жабурон билан сатирик ва танқидий мақолалари, буларда қолоқлик, жиҳолат, зўравонлик, юлғичлик, адолатсизлик, турфиллик, попокликнинг шафқатсизларча фош этилиши унинг душманларини тинч қўймади. Ёзувчининг ўткир тиги ҳукумат, коммунистлик партия ва болъишчиларини ҳам талвасага солди. Айниқса Абдулла Қодирийнинг романилари ва сатирик ҳикоялари орқали топган катта шон-шуҳрати ҳасадгўйларга уйқу бермади. Матбуотда, мажлисларда уни бекордан-бекорга, тирноқ ичидан қир ахтариб, бетўхтов танқид қилиш авж олди, уни катта айбни «Ўтган кунлар» романидан топнишга уринишди. Масалан, С. Ҳусайн «Ўтган кунлар» тўғрисидаги мақоласида Абдулла Қодирий пролетар инқилобига инсбаган узоқроқ кишидир. Чунки ҳақиқатан А. Қодирий «майда буржуазия ёзувчисидир», деган нотўғри қондага суяниб, романини таҳлил этиб гўё жиддий камчиликларини топади. Афсуски бундай танқидлар остида ижодий-эстетик ниятдан бошқа каттароқ мақсад — сиёсий мақсад ётар эди. 1938 йил 4 октябрда Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпонлар ваҳшийларча отиб ташланди — ўзбек адабиётининг гуллари хазон бўлди. Абдулла Қодирий гарчанд коммунист бўлмаса-да, унинг ўз суви билан айтганда, «аммо ўзим ғоя ва иш эътибори билан чин коммунист эдим», «Мен Маркс ва Лениннинг ҳароратли шогирдиман», «ҳақиқат утининг учқунларимиз» деб, шу тузум, шу замон учун сидқидилдан хизмат қилса-да, шу тузум, шу марксча, ленинча ғоя ва шу коммунистлик партиянинг ўзи уни шафқатсизларча жазолади.

Абдулла Қодирийнинг беш фарзанди — Назифа, Ҳабибулло, Адиба, Маъсуд, Аниса қолди.

Абдулла Қодирий ўз замонасининг энг илғор зиёлиларидан бири эди: араб, форс, турк тилларини пухта билар эди, рус тилида яхши ёзар ва гаплашар эди, умуман Шарқ, Оврупо адабиётларидан яхши хабардор бўлган. У довюрак, бир сўзли, қайтмас, вазмин, камгап, босиқ, тортинчоқ, мулоҳазакор, ўткир кўзли, деҳқонсифат одам бўлган. Ўғли Ҳ. Қодирий «Дадам, ўрта бўй, кенг елка, қорачадан келган киши эди. Унинг юзи тугаракка мойил, узун тим қора сочлари силлиқ таралган, кенг пешона, қора ясси қош, қисикроқ, зулукдек қора жозибали кўзлари ҳамиша узоқни кўргандек, ўйлагандек, бурун қанотлари бир оз керилган, қисқа мўйловли, лаблари юпқа-қалин оралиғида, пастки жағи сезиларсезилмас кенг ўсиқ, ияғи чуқурроқ эди. Сўл юзи билан ияғининг ўнг томонида уч тийинлик чақадек билинар-билинемас ямоқ (пендинка ярасининг изи) бор, юз, пешона ва бурун устларида сийрак бўлса-да, сепкил доғлари кўринар; ўнг қулоғида эса «зирак тақийш учун» бўлса керак, чақалоқликда тешилган тешик ўрни бор эди... Дадам кўпинча қора ёки мош ранг бахмал дўпписини, қиш кезларида эса узун беқасам ёки чит тўнини, савсар телпак, махси-калишини устидан қўймас эди. У ёлғиз чоқларида ҳамиша ўйчан, гўё бир ташвиш бордай, қайғу чеккандай, хаёл сургандай кўринар эди». деб ёзади. У сандалда ўтириб ижод қилар, ўша вақтда энг оғизга тушган «Эпоха» деган папиросдан чекар эди. Асарини бошида обдан пишириб, бир йўла араб алифбосида ёзар эди, камдан-кам ҳолларда тузатиш қилар эди. Жуда эрта туриб ёзишга ўтирар ва чарчаганда ўтин ёрар, кетмон чопар эди. Чойхонада, ҳар хил тоифа, ҳар хил касбдаги одамлар орасида, ҳатто кўкнорихоналарда, жинни, девоналар орасида ҳам бўлиб, улар руҳиятини ўрганишга интилар эди. Пиёда юришни афзал кўрар ва қариндош-уруғлар, таниш-билишлар ҳаёти, сийрати ва суратини, қилиқларини, ўзбекнинг миллий турмуш тарзини, хусусиятларини синчковлик билан кузатар ва эслаб қолар эди. Буларнинг ҳаммаси унинг асарларида ишлатилар эди».

Абдулла Қодирий ижоди 1914 йиллардан бошланган. Ҳ. Қодирий «Садои Туркистон» газетасининг 1914 йил 1 апрель сониде босилган «Янги масжид ва мактаб» хабарини А. Қодирийнинг биринчи мақоласи деб айтади. Кейин «Бахтсиз кув» драмаси (1915 йилда китоб

ри ёшларнинг бағрига отилган заҳарли ўқ бўлганини ҳам ўшанда англаганман. Мана шунинг натижаси бўлиб «Сароб» романи майдонга келди».

«Сароб» романи маҳорат жиҳатдан юқсак санъат асарининг намунаси бўлса-да ва жуда қизиқиш билан ўқилса-да, халқимизнинг совет ҳукумати йилларида босиб ўтган йўлига, айниқса босмачилик, миллатчилик деган гапларга янгича қараш юз берган ҳозирги мустиқиллик даврида бу романда ёзувчи турган йўл, у олға сурган фикр-ғоя нотўғри бўлиб чиқди. А. Қаҳҳор янги жамиятни мустаҳкамлаш учун ўз ҳиссамни қўшмоқдаман, деб ўйлаб Давлат Хавфсизлик қўмитасига (аввал НКВД дейилар эди) ёрдам беради ва «Сароб» романида ҳам унинг мана шу тушунчаси — эътиқоди етади. Асарда бирор персонаж йўқки, у миллатчи деган гуруҳга ёки уларга қарши турган тоифага алоқадор бўлмасин. Бари бир роман ўша давр ўзбек адабиёти тарихини ўрганишда, ўша вақтдаги ижтимоий фикрни ва ҳукумат сиёсатини акс эттиришда кўмак беради. Ахир «Сароб» ўша пайтда жумҳурият энг яхши асарлар учун эълон қилган конкурсда голиб чиқди. Адабий танқидчиларнинг баъзилари уни танқид қилган бўлса-да, лекин кўпчилиги, кенг жамоатчилик уни яхши кутиб олди. А. Қаҳҳорнинг «Бемор», «Анор», «Ўғри», «Адабиёт муаллими», «Санъаткор», «Жонфигон» ва иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги даврда «Қобил бобо», «Даҳшат» каби ажойиб ҳикоялар, «Қўшчинор чироқлари» романи, «Синчалак» ва «Ўтмишдан эртақлар» каби қиссалари майдонга келди. «Ўтмишдан эртақлар» ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотига сазовор бўлди. «Янги ер» («Шоҳи сўзана») комедиясига Иттифоқ Давлат мукофоти берилди. У Москва, Санкт-Петербург, Хитойда, умуман 73 та театрда қўйилди. Кейин «Тобутдан товуш», «Оғриқ тишлар», «Аяжонларим» комедияларини ёзди. Булардан «Тобутдан товуш» жамиятимиздаги порахўрлик иллатини шафқатсиз йўсинда фош этгани учун ҳукумат томонидан тазйиққа олинди, йигирма йилча саҳнадан олиб ташланди.

А. Қаҳҳор ҳикоя ва қиссаларини ҳаққоний, ҳаётий ва ишонарли қилган муҳим бир омил бор: у ғоят кузатувчан, сезгир, сермулоҳаза ижодкор. Деярли барча асарларининг асосида ҳаётда ўзи бевоҳита кўрган кузатган, яхши билган воқеалар, одамлар туради. Ёзувчи учун булар хом масаллиғ бўлиб хизмат этган. Улар-

ни ўз тилаги, орзу-армони, идеалидан келиб чиқиб, обдан қайта ишлайди, бутун қалбини, туйғусини уларга сингдиради. Ёзувчининг ўзи бундай дейди:

«Агар ёзувчининг турмушда кўрган нарсаларининг ўзинигина ёзишдан иборат бўлганида, дунёда бундан осон иш бўлмасди. Ҳаётдан тўғридан-тўғри кўчириб ёзиш китобдан китобга кўчириб ёзишдай яхши натижа бермай, айни пайтда фақатгина нусхагина бўлиб қолаверади. Бундай нарсалардан оригиналликни кутиб бўлмайди. Оригиналлик ҳаёт ҳақиқатини кўнгил призмасидан ўтказиш, уни ҳис қилиш, унга ўйлаб юрган гапларининг сингдириш, тилак ва идеалларини қўшиб ифодалаш билан юзага келади. Бадий ҳақиқатни тўғдирадиган, маҳалла комиссиясининг «бунга ишонинглар» деган мазмундаги справкасига ҳожат қолмайдиган факт ва уйдирмаларини топиш мушкуллиги ҳам худди ана шундадир».

А. Қаҳҳор реализмга ҳаётбахш қудрат берган манба қаерда? Унинг бадийятини мафтункор қилган куч-сеҳр нимада? Булар ёзувчининг шахсиятига, фуқаролик сиймосига бориб тақалади. У ростгўй, ҳақиқатгўй ёзувчи эди. Ундаги шу ҳақиқатгўйлик, жасорат ва фаол курашчанлик фазилати унинг қаҳрамонларининг ҳам қон-қонига сингиб кетди, уларнинг бош фазилатига айланди. Бу борада А. Қаҳҳорнинг ўзи бундай дейди:

«Агар ёзувчининг ахлоқ кодекси тузиладиган бўлса, мен ҳалоллик билан шижоатни биринчи модда қилиб қўяр эдим, чунки ёзувчининг бошқа ҳамма хислатлари унинг қай даражада ҳалол, нақадар шижоатли зеҳнига боғлиқдир, санъат асарида яхшини яхши деб одамларга ибрат қилиш, ёмонни ёмон деб одамларни ундан жиркантириш учун шижоат керак бўлса, шижоат ҳалолликни талаб қилади. Шунингдек, шижоатсиз ҳалоллиكنинг ўзи ўлик сармоядир. Улуғ Навоий ҳақ-ҳаққониятга келганда, вазирлик либосини ечиб ташлаб «қора халқ» қучоғига интилган, Фурқат ёлғончилик уяси бўлмиш бойларнинг юзига «туф» деб шеър ёзган. Чехов ва Короленко ҳаққониятсизликка қарши порозилик юзасидан академик унвонидан воз кечган эди-ку! Короленко ўзи маҳбус бўлгани ҳолда, чор ҳукуматининг бутун бир халққа зулм ўтказгани тўғрисида баланд товуш билан қичқирган. М. Шолохов ноҳақ халқ душмани тақилган кишиларни ҳимоя қилган эди-ку! Буларнинг ҳаммаси мазкур ёзувчиларнинг гражданлик шижоати талант кучидан кам бўлганини кўрсатмайдими?»

А. Қаҳҳор шу уч нарсани — ҳалоллик, шижоат-жасорат ва талантни бадний ижоднинг устуни деб билди. Шунинг учун меҳриғиёси йўқ асарларни, ловуллаб бўлмай бир умр тутаб ўтган ёзувчиларни мутлақо тан олмаган. улар юзига тўппадан-тўғри «Бошқа иш қилинг», деб айтган.

А. Қаҳҳорнинг ўзида шу уч фазилат тўла мужассам-лашган эди. Унинг асарларида ўзбек халқининг ўтмишдаги огир турмуши, совет давридаги ҳаёти акс этган. М. ўтмиш ҳақидаги «Ўғри», «Томошабоғ», «Бемор», «Амор», каби ҳикояларини «ғам-ғуссага тўла» асарлар, дейди. Чиндан ҳам у трагик, яъни фожиавийликни теран бадний таҳлил қилган ёзувчидир. Мазкур ҳикоялардаги Туробжон, Қобил бобо, Сотиболди ёки «Даҳшат» ҳикоясидаги Унсин образлари ёзувчининг ўша меҳнаткаш инсонга ёв тузум устидан чиқарган ҳукмидир. Ёзувчининг «Ўтмишдан эртақлар» повестининг пардасини, руҳини ҳам фожиавийлик белгилайди. Зулм, адолатсизликни ва инсон бардошини ҳаққоний акс эттиради, «Синчалак»да ҳам, «Янги ер», «Тобутдан товуш»да ҳам инсоннинг қадр-қимматини унинг жамиятга ва халқ манфаатига келтираётган фойдаси ёки зиёни нуқтаи назаридан баҳолайди, ўлчайди.

А. Қаҳҳор ҳаётини, воқеликни турли ва қоронғу томонлари, яъни бутун зиддиятлари билан кўрсатиш йўлидан боради. Одамлар яхшиликдан ўрناк олсин, ёмонликдан жиркансин ва унга қарши курашсин, демоқчи бўлди. «Синчалак» асарида Саида тили орқали «Бизнинг вазифа... одамлар кўникиб қолган ёки ноиложликдан кўз юмган ҳамма иллатларга халқнинг диққатини тортиш, бу иллатларнинг сабабини, натижасини эл кўзига кўрсатиш, одамларда фикр уйғотиш, уларни бу иллатларга қарши курашга йўллаш»дир, дейди. «Синчалак»да, сатирик комедияларида, мақола, фелетонларида порахўрлик, тўралик, маҳаллийчилик, текинхўрлик, кўзбўямачилик, бузуқлик, жаҳолат, ароқхўрликни кескин танқид қилади, аёллар, ўқувчилар меҳнатини енгиллаштириш, заҳарли химикатларни йўқотиш хусусида жон куйдиради. Афсуски ёзувчининг бу нидосига қулоқ солинмади ўша 60-йилларда, аксинча унинг «тилини кесиб» қўйишга уринилди.

«Ҳаётимизнинг айрим пайтларида,— деган эди ёзувчининг ўзи,— иллатлар ҳақида минг мулоҳаза билан айтилган баъзи бир камчиликлар ҳам «типик эмас», «спёсий хато», «душман тегирмонига сув қуйиш», «туҳ-

мат» ва ҳоказо ҳисобланар эди. Бу ҳол ўтмиш сарқиларининг яшашига, ҳатто урчишига қулай шароит тузиб берган эди».

А. Қаҳҳор қаҳрамонлари унинг ўзи каби курашчан, журъатли, интилувчан. Сатирик образлари, салбий қаҳрамонлари ҳам ўз гоё, мақсади учун жон олиб жон беради. Ёзувчи икки қутбни ҳаёт-мамот учун муроғи сиз курашувчилар қилиб кўрсатади. Бу нарса асар қонлиқтининг кескин бўлишига, ундаги драматизмнинг рағнаслашишига, характерларининг ёрқин чиқишига олиб келди. Ижобий қаҳрамонлари кураш ва меҳнат билан ўз бахтини топади ва шу жараёнда маънавий ўсади. «Синчалак»даги Саида Қаландаровлар яратган турғунлик муҳитини, шароитни ўзгартириш учун қанча тўғри тўкмади! «Синчалак»да ёзувчи «Тақдирини ўз қўлига олган одамларнинг келажаги, албатта, ёрқин бўлади, ҳали бу неъматга эришмаганларнинг кураш йўлини ёрқинлади», дейди. Саида худди шундай маёқлардан.

А. Қаҳҳор асарларининг куч-қудрати, жозибаси уларда ўткир ижтимоий-сиёсий, ахлоқий масалаларни журъат билан кўтариб чиқилишида эмас, балки шу жиддий фикр-гояларнинг «китобхоннинг қалбига олиб кирадиган образлар», заргарнинг сабри, ҳафсаласи, наққошнинг ҳунари билан оро берилган образлар» билан қалиб солинади. Унинг асарларидаги персонажлар ҳақиқатли, жонли одамлардек кўриниб туради, бир-бирини асло ўхшамайди — ҳаммасининг ўзига хос овози, сўзлаш тарзи, қилиғи, туриш-турмуши, характери бор, ҳар бири дунёси ҳам маъна ман деб кўриниб туради. Ёзувчининг ўзи воқеага аралашмасдан ҳолис тасвирлайди: сўз бошқаруви, тасвири ниҳоятда ихчам, қисқа, содда, метёридик. А. Қаҳҳорнинг ўзи «Қўп сўз ёлгоннинг юзини пардалаш учун керак. Ҳақиқат шундай жонлики, пардоз унинг ҳуснини бузади», дейди. Ёзувчининг 1967—1971 йилларида нашр этилган кичик шаклдаги олти жилдлик «Асарлари»га разм солайлик: энг катта ҳикояси «Асрор бобо» саккиз варақ, «Бемор», «Санъаткор» бир варақдан, «Ўғри» икки варақ, «Даҳшат» тўрт ярим варақ. Лекин булардаги мазмун чуқурлиги ва характерларнинг ёрқинлиги ўқувчини лол қолдиради. «Синчалак», «Ўтмишдан эртактлар» иккаласи биргаликда бир юз етмиш бет. Ийрик прозаси ва пьесалари ҳам шундай ихчам. Бу мисоллар ёзувчининг минг ўлчаб бир кесганини, ҳар бир сўз, ҳар бир деталь зиммасига катта юк ортганини тасдиқлайди. А. Қаҳҳор прозасининг драма жанри

ида босилган), «Жувонбоз» ҳикояси (1915), «Улоқ-
(1916), «Жинлар базми» (1912) ҳикоялари эълон
инди. Булар маърифатпарварлик йўналишидаги,
рироғи жадидчилик руҳидаги асарлардир. Абдулла
ирий адабиётга жаҳолат, қолоқлик, турғунлики ва
ман инсоннинг баркамоллигига халақит берувчи
итларни танқид қилувчи ва кўп ўтмай ўткир ҳажв
и фони этувчи ёзувчи сифатида кириб келди. «Бахт-
куби» фожиасида Солих деган йигит кўрпасига
иб оёқ узатмасдан катта қарз эвазига тантанали
қилади, қарзини узолмай эр-хотин ўзларини пичоқ-
ўлдирадилар. Асар 1915—1920 йилларда сахнадан
маган. «Жувонбоз»да ҳам илм-хунар урганмаган
ининг маиший бузуқликка берилиши ва охир-оқи-
и Сибирга сургун қилинишини кўрсатади. «Улоқда»
и улоқ манзарасини чизар экан, унда ҳалок бўл-
ишон тақдирига ачинади. «Жинлар базми»да ёзув-
иис тасвир усулини қўллаб, ўзи холис туришга —
ёзувчилик йўлидан боришга уринади.

Абдулла Қодирий 20-йилларда ўткир, даҳшатли
фелетонлари ва заҳарханда мақолалари билан «Фель-
лар қироли» деб шуҳрат қозонган. «Муштум» жур-
и 1924 йил 4-сонидан Абдулла Қодирийнинг ўртоқ-
ҳазили йўналишидаги кулгили суратини ва «фелье-
ар қироли Жулқунбой (Абдулла Қодирий) кулди-
иғлатади, йиғлатиб кулдиради» деган изоҳни
и. Абдулла Қодирий фелетонлари ва ҳажвий,
қидий мақолаларида элликдан ортиқ таҳаллус ишла-
и (Жулқунбой, Жу-бой, Думбулбой, Жиян, Қалвак
иун, Тошпўлат Тажанг, Овсар, Шапалақ Мазхун,
иий, Мошхўрдачи ва ҳ.к.).

«Қалвак махзум хотира дафтаридан» (1923—1927);
ишпўлат тажанг нима дейди?» (1924—1927), «Шар-
иола нима дейди?» (1926) каби ҳажвий ҳикоялари
ида Қодирий ижодидагина эмас, айти чоқда умуман
и адабиётида янги ҳажвий ҳикоя, янги сўз, янқи
ий ҳодиса эди. Булар шу жиҳатдан эътиборга лойиқ:
ишидан, Абдулла Қодирий кулгини характерга
илади, бунини у «сажиявий кулги», дейди. Иккинчидан,
и ўзи холи туриб, воқеани қаҳрамоннинг ўзига
и қилдиради ва бунга боғлиқ белги шуки, ёзувчи
и носитасида қаҳрамонни, воқеликдаги иллатларни
илади. Мана ёзувчининг ўзи нима дейди: «Кулги
ида кейинги янгилик сажия музыкасидир. Ўрни
иининг учинчи пояси сажиявий кулгисида. Биз

бунинг мисолларини маним «Тошпўлат тажанг», «Қалвак махзум», «Овсар» ва «Ўтган кунлар» романидаги «Ўзбек сийм» ҳам бошқаларда кўрамиз... Маним кулгиликдаги қаҳрамонларимни олсак, мунда асли ёзувчининг шахсини тамоман кўролмайсиз. Фақат сўзни имзо эгасининг ўз оғзидангина эшитасиз. Қалвак махзумда: кўпдан ҳақиқий ҳаёт билан алоқаси узилган, мадраса хурофоти билан мияси ғовлаган ҳолис бир маҳалла имоми, Тошпўлат ишсиз, бири бит, бити сирка бўлмаган ва шу фақирлик орқасида ўғрилиқ ва фоҳишият денгизда сузиб, тажанглаган ҳолис бир чапани кўрилуру».

Абдулла Қодирий қаҳрамонлари ўзининг ёши, эътиқоди, касб-кори, илм-даражаси, дунёқарashi, фаҳм-фаросати, қизиқишига қараб сўзлайди — фикрлайди, шу фикрлаши ишига, қилмиш-қидирмишига мос, мувофиқдир. Ёзувчи ҳикоя, романларида воқеани сўзлаб бериш йўлидан юрмайди, балки кўрсатиш, тасвирлаш, гавдалантириш йўлидан боради, персонажлар фақат ўзига, ўша вақтдаги, ўша вазиятдаги ҳолатига қараб сўзлайди ва айни чоқда воқеани силжитади.

Абдулла Қодирийнинг улкан таланти «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» асарларида айниқса ёрқин намоён бўлди. «Ўтган кунлар»нинг дастлабки боблари «Инқилоб» журналининг 1923 йил 9—10-сонларида босилган ва «Ёзувчидан» деган сўзбоши остига 1920 йил деган сана қўйилган. Демак, роман 1918—1919 йилларда ёзила бошлаган ва уч бўлимдан иборат бўлган бу асарнинг I бўлими 1924 йилда (I бўлим тузатилиб, 1927 йилда қайта босилади), II бўлим 1925 йилда, III бўлим 1926 йилда алоҳида-алоҳида китоб ҳолида чиқади. Кейин 1927 йилда яхлит шаклда нашр этилади. 1926 йил кузидан «Меҳробдан чаён»ни ёзишга киришади ва 1928 йил 15 февралда ёзиб битиради, 1929 йил март ойида китоб ҳолида босилиб чиқади.

1928 йилда Абдулла Қодирий татар олими Абдулла Шуносийнинг «Физика курси» дарслигини ўзбекчага таржима қилди. 1933—1934 йилларда «Русча-ўзбекча тўла сўзли луғат»нинг «П» ҳарфини тузди, луғат 1934 йилда нашр қилинади 1932—1934 йилларда «Обид кетмон» қиссасини ёзди, у 1935 йили босмадан чиқди. А. Қодирий тарихий мавзуда асар ёзишнинг моҳир устаси эди. Уни ҳозирги замон мавзусида асар ёзишга даъват этишгач, у қиссага қўл урди. Гарчанд қисса кўнгилдагидек чиқмаса-да, А. Қодирийнинг деҳқон меҳнати

меҳр билан улуғлагани ёрқин сезилиб туради. А. Қодирий Н. В. Гоголнинг «Уйланиш» драматик асарини (1935), Чеховнинг «Буқаламун» ҳикоясини (1936) таржима қилди.

«Ўтган кунлар романи А. Қодирий насрининг чўққисидир. Мазкур роман сўзнинг чин, тўла маъносидаги ҳақиқий миллий романдир. И. С. Тургенев «Миллийликдан ташқарида санъат бўлиши мумкин эмас», деб ҳақ гапни айтган эди. «Миллийлик психологияси» китобининг муаллифи Д. Н. Овсянко-Куликовский ажойиб фикрни ёзган эди: «Ақл жиҳатидан ўртадан ҳам паст даражада турувчи шахслар миллий белгилардан маҳрумдурлар» («Психология национальности», 1922, с. 6.). Тўғма талант эгаси бўлмиш А. Қодирийнинг ақл-заковоти, илмий тафаккури ва бадий диди ниҳоятда юксак эди. Унинг ўзида ўзбек халқининг характери, табиати, психологияси, руҳияти, образли фикрлаш тарзи, тил ва тафаккур олами мужассамлашгандир. Белинский «Ҳар қандай халқнинг ҳаёти унинг ўзигагина хос бўлган шаклда намоён бўлади, агар ҳаққоний кўрсатилса, демак у асар халқчилдир», деган эди.

Халқ ҳаётининг шу ўзига хос шакли эса мазкур халқ истиқомат қилаётган жамият ҳолатига, турмуш тарзига, табиати, шарт-шароитига, ижтимоий онг даражасига, халқ ижоди ва адабий анъаналарига боғлиқ. Шу каби энг муҳим омиллар халқнинг ўзига хос характерини миллий психик тузилишини ва бадий тафаккур тарзини шакллантиради. А. Қодирий ўз романларида ўзбек халқининг яқин ўтмиш тарихидаги шу ўзига хосликни ниҳоятда теран илғаб олди ва ўзбек халқининг адолатли тузум, адолатли ҳукмдор тўғрисидаги (Берунийлар Фаробийлар, Навоийлар тарғиб этган бу ғояларни), инсонийлик, одамийлик, поклик, севги эрки ва онла тўғрисидаги, тинч-тотув яшаш ва иттифоқлик тўғрисидаги, зулм ва пастликни, ёмонликни қораловчи қарашларини, нуқтан назарини акс эттирди. Аслида бу масалалар моҳиятига кўра умуминсоний қимматга эга, умуминсоний дард-ташвишлар, фикр-ғоялар, муаммоларни ҳар бир халқ ўзича кўради, идрок этади ва ўзига хос тарзда бадий тушунтиради. Дарвоқе адабиёт, санъатдаги миллийлик бадий шаклдагина эмас, балки энг аввало асар мавзуи, материали, сюжети, конфликтларида ва қаҳрамонлар тақдирида намоён бўлади. «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романларининг мавзу-материали, ундаги воқеалар, қаҳрамонлар саргузаштлари, ўзаро

алоқалари ва курашлари, улар ҳаракат қилган жойлар, шарт-шаронтлар, муҳит — ҳамма-ҳаммаси ўзбек халқи ҳаётига оиддир. Романлардаги фольклор ва адабий образлар, рамзлар, кийим-кечаклар, асбоб-ускуналар, довдарахтлар, паррандалар, ўсимликлар, куй-қушиқлар, ранглар, инсон қилиқлари ва имо-ишоралари — буларнинг ҳаммаси ўзбек халқи характери, психик оламини, маънавиятини акс эттиришга хизмат қилган. Аввало шунини айтиш керакки, романдаги инсон эрки учун кураш гоёси адолатли тузум ва одил ҳукмдор, тинч-тотув, иттифоқда яшаш орзу-армони билан жипс боғланиб кетган. Отабекнинг муҳаббат саргузаштлари, Кумуш — Отабекларнинг висол онлари ва ҳижрон кунлари, фожиали ҳолатларини халқнинг ҳаёти, тақдири, тарихи, ўша даврдаги ижтимоий аҳволдан мутлақо ажратиб бўлмайди. Отабек Шамайдан келгач, гапхонада Россиянинг давлат тизими, у ердаги халқларнинг турмуш тарзи (гап ейиш ҳам миллий турмуш тарзи бўлиб, у ерда ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳам муҳокама қилинади) ва ўрганиш учун зарур бўлган мақбул томонларини мақтайди. Отабек «Менимча, ўриснинг биздан юқоридалиги унинг иттифоқидан бўлса керак, аммо бизнинг кундан-кунга орқага кетишимизга ўзаро низойимиз сабаб бўлмоқда», дейди. Отабекдаги бу фазилят, кайфият эл орасига ёйилган эди, ҳатто Марғилонда Отабек билан Қутидорни Ҳомидлар ҳибсга олишганда унинг шу сифати ва илғор фикрли отаси Юсуфбек ҳожи фаолияти далил қилиб келтирилган эди. Отабек ўша гапхонада золим ва ёмон бошлиқларни йўқотиб, иш бошига «яхши ва холис одамларни ўтқазиниш нажотимизнинг йўлидир», деган эди. Аслида бундай илғор фикр кўпроқ, унинг отаси Юсуфбек ҳожига мансубдир. Юсуфбек ҳожи Тошкент беги Азизбекни инсоф-адолатга чақиради. Отабекка ёзган мактубида унинг «қонли қиличини фуқаро устида юргизиб турган қонхўр», дейди. Юсуфбек халқни, адолатни ҳимоя қилади ва ҳатто Азизбекни ҳокимликдан олиб ташлаш учун бошланган ҳаракатга бошчилик қилади. Шу иши туфайли Худоёрхон Отабек ва Қутидорни дордан озод қилади ва зарбоф тўнлар кийдиради. А. Қодирий Юсуфбек ҳожи образига ҳукмдор қандай бўлиши керак ва юртга, инсонга, фуқарога қандай раҳбарлик қилиш керак деган муаммо хусусидаги фикр-ғояларини, орзу-армонларини сингдиради. Юсуфбек ҳожи юртни одил бошқариш, камбағаллар тўғрисида қайғуриш, золларни йўқотиш, миллий адоват ва ўзаро тахт учун

курашга чек қўйиш тарафдоридир. Қушбеги, амалдорлар қипчоқларга қарши қирғин бошламоқчи бўлганда Юсуфбек ҳожини кескин қарши туради: «наиники, тўртта муттаҳамини деб бутун бир халққа ҳужум қилиш керак бўлса, мени ўлди деб ҳисоблаб бундай «шум иш»ни қилишларингиз мумкин» деб мажлисни ташлаб чиқиб кетади. Хон ўн беш ёшдан етмиш ёшгача бўлган қипчоқларни қирғин қилишга фармон беради. Ҳасанали сузи билан айтганда, «худди қиёмат бўлди!»

Дарвоқе Отабек отасининг ҳалиги қарши туришидан беҳабар, қирғинни кўриб уйига келгач, биринчи бор отасига салом бермайди: «Отабек терсайганча келиб ўтирди, отасига салом ҳам бермади», дейди ёзувчи. Ўзбек миллий характеридаги бу нуқтага эътиборини тортган ёзувчи шу деталь ёрдамида Юсуфбек—Отабекларнинг ҳалиги сиёсий воқеага бўлган муносабатларидаги яқдиллиқни кўрсатмоқчи бўлади. Юсуфбек ҳожини ҳақиқатни ҳимоя қилиш йўлидаги курашга бефойда кетганини айтиб, «Ўз қўлимиз билан ўзимизникини кесишимиздан мамлакат учун қандай фойда бор?», дейди. Отабек отасининг ҳақ эканлигини тушунади.

А. Қодирий Юсуфбек ҳожини характерига, образига ўзининг эзгу тилакларини сингдиради. Қаранг, унинг тили орқали нима дейди:

«Иттифоқни нима эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати йўлида бир-бирини еб, ичган манфаатпараст, дунёпараст ва шуҳратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди».

Ёзувчи Юсуфбек ҳожининг сиёсий дастурини ҳам беради:

«...Аввало манфаати шахсиятидан кечиб, фақат эл бахти учун бош тикканлар жамоаси керак ва бу жамоанинг ўз маслаҳати йўлида кузатган маълум бир нишонаси бўлмоғи зарур. Ана шундан кейин ҳалиги нишонга қараб интилишда оёқ остига олишган чўп-хасларни супура бориш лозим. Мана шундагина тукилган қонлар ўрилиши ва маршрут берилган бошлар чин қурбон ҳисобланадилар. Йўқса, сизнинг боши олишингиз ҳам ановилар қирғинларидан фарқли бўлмас! (қипчоқларни қирғинларни назарда тутмоқда — С. М.). Шу ёшга етиб бу халқ орасида ҳалиги жамоани уч-тўрт нафардан ортиқ учратолмадим, афсус!»

А. Қодирий Юсуфбек ҳожини Кумуш тили орқали «нур ичига чўмилгандек бўлиб кўринган сиймо», деб таърифлайди.

Романдаги муҳаббат олами, ундаги ширин висол онлари, қаттиқ ҳижрон-айрилиқ пайтлари, фожиали якуиларига доир чизиқлар, тарихлар, саргузаштларнинг ҳаммаси миллийдир. Ҳатто ёзувчи роман бошида «халқимизни шу замоннинг «Тоҳир ва Зухро»лари, «Чор дарвеш»лари, «Фарҳод ва Ширин» ва «Баҳром-гўр»лари билан таништиришга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз», деб уқтиради. Кумушнинг Отабекка юборган бир мактуби бундай бошланади: «Юсуф савдосида беқарор Зулайҳо исмидан, Мажнун ишқида йиғлаган Лайли отидан — сизга бошимдаги сочларимнинг тукларича беҳад салом. Мендан ҳадду-ҳисобсиз гуноҳ, сиздан кечириниш». Отабек ва Кумуш севгиси худди шу Лайли ва Мажнунлар, Тоҳир ва Зухролар севгилари каби фожиалидир. Фожа илдири, асоси эса ижтимоий тузумда, умри тугаган урф-одатлардадир.

Отабек Кумушни бир кўришдаёқ мафтун бўлади, севгилисининг Қутидор қизи эканлигини англайди, Зиё шохичини совчиликка юбориб, қиз ота-онасининг розилигини олади. Отабек отасининг руҳсатисиз бирор иш қилмас эди, аммо муҳаббат ўти уни эркинлик сарни этаклайди ва ота-онасининг иштирокисиз Марғилонда уйланади. На Қутидор, на Офтоб ойим Кумушдан бўлажак кўевни ёқтирасанми-йўқми, деб сўрашмайди. Чунки Тўйбека сўзи билан айтганда, «одат шул, Кумуш ота-она ёқтирган кишига рози бўлиш учун мажбур»дир. Кумуш кўевнинг ўша бир бор кўриб, кўнгли тушиб қолган йигит Отабек эканлигини мутлақо билмайди. Шунинг учун тўй тайёргарлиги бошлангандан то Отабекни чимилдиқда кўргунгача гам-ҳасратда яшайди. Аммо исён у ёқда турсин, ҳатто йўқ тегмайман деб айтолмайди ҳам. Чимилдиқда Кумуш «мажбурият остида, ёвқараш билан секингина душманига қаради... Шу қарашда бирмунча вақт қотиб қолди. Шундан кейин бир неча қадам босиб Отабекнинг пинжига яқин келди ва эсанкираган, ҳаяжонланган бир товуш билан сўради:

— Сиз ўшамиз?

— Мен ўша! — деди бек. Иккиси ҳам бир-бирисига бўйхтиёр термулишиб қолдилар».

А. Қодирий Кумуш, Отабекдаги ибo, шарм-ҳаёни, ғурур-сурурни ўзбек халқининг характеридаги муҳим фазилатлардан деб беради. Кумуш кундоши Зайнабга

сира қаттиқ гапирмайди, аммо Отабекнинг битта ўзиники бўлиши унинг ягона орзуси эди. Зайнаб Кумушга заҳар берганда Отабек қаҳр-ғазабининг ниҳояси бўлмайди ва «Кет ифлос, кет! Талоқсан, талоқ!», дейди. Бу орзиниб кутилган «Талоқ» сўзини эшитган Кумушнинг кўзи ярқ этиб очилиб, яна юмилди». Адабий тапқидчилигимиз эътибор берган яна бир деталь: Юсуфбек ҳожи жон бераётган Кумуш ҳузурига кирганда Кумуш ҳам ҳурмат юзасидан, ҳам қайнота олдида ётганидан хижолат тортиб «бесарамжон унга назар ташлади ва таниб... қўзғалмоқчи бўлди». Яна бир муҳим нуқта. Кумуш сўнги куч, мадорини, имкониятини йиғиб, «Ойи... Дада... — сўнгра — бегим! деб ингради. Эрининг юзини юзига қўйди, уялгансимон кўзини юмди...» Қаранг, жон бераётиб ҳам шарм-ҳаёни унутмайди, чунки бу фазилатлар унинг қон-қонига сингган эди. Ёки Отабекнинг одоби, ғурурининг қандай берилганлигига эътиборни қаратайлик. Ҳомиднинг ивбоси туфайли Қутидор Отабекни уйига қўймай ҳайдаб юборади. Отабек Ҳомидларнинг Кумушнинг ўғирламоқчилигини билиб, бу ишни Кумуш ва ўзи учун ор-номус деб билади ва тунда учта ёвузни чавақлаб ўддиради. Аммо бу ишни ҳеч кимга билдирмай Тошкентга қайтади. Қайтиш олдида Қутидорга хат қолдириб, бор гапни айтиб яна «улуғ гуноҳим учун афв сўраб, ҳайдалган ўғлингиз», деб кечирим сўрайди. Отабекнинг Қутидор олдида кирмаслигининг яна бир сабаби бор эди. Отабекнинг Тошкентдан иккинчи хотинга уйланишига Қутидор ҳам фаол бош қўшади. Чунки қизи Тошкентга бормаганидан кейин Юсуфбек ҳожи ва Ўзбек ойим келин кўришлари керак, шунинг учун Отабек уйланса майли, Марғилонга ҳам келиб туради деб ўйлаган эди. Отабек эса қайнотаси шу йўл билан ундан Кумушни ажратиб қолмоқчи деб гумон қилади. Худди шу ерда яна бир ўзбек урф-одати Отабек — Кумуш муҳаббатининг фожиали якунланишига олиб келади. Яъни ўтмишда (ҳатто ҳозир ҳам учрайди) бир шаҳар бошқа шаҳардан, бир қишлоқ иккинчи қишлоқдан қиз олиш — қиз бериш ҳодисаси кам учрайди. Ўзбек ойим ҳам марғилонлик Кумушга шу одат туфайли норози бўлган эди. Ўзбек ойим Кумуш Тошкентга келмас экан, шу ердан уйланасан, деб туриб олади. Отабек ҳам шу одат — асос учун зўрға рози бўлади, аммо Марғилонга боргач, яна уйланиш фикридан қайтади. Қутидор кўнишга даъват этади, қизи Кумушни ҳам кўндиради. Кумушнинг Отабекка бўлган оташин севгиси Тошкентга бо-

ришга мажбур этади ва кундошлик оловида ҳалок бўлади.

Миллийлик, миллий психология рангларга бўлган муносабатда ҳам кўринади. А. Қодирий ёрқин ранглари—оқ, ҳаво ранг, пушти, қизил ранглари севади, унинг Кумуш ва Отабеклари ҳам бу ранглари хуш кўради. Кумуш тўйда оқ шойи рўмол, оқ шойи кўйлак, оқ кумуш заррин сирилган пўстин кияди. Аммо бу оқ ранглар унинг зимистон кўнглининг акс садоси эмас эди, аксинча бу қизиқ мажлис унинг учун базм ўрнини эмас, аза жойини тутгандек эди!

Отабек ҳам, Кумуш ҳам қора рангни, сариқ рангни бахтсизлик, зулм, қабоҳат рамзи деб биладилар. А. Қодирий қора бўёқни ўша адолатсизлик тузумини ифодалаш учун ишлатади. Романдаги «Ёзувчидан» деган ўринда А. Қодирий «мавзун мазийдан, яқин ўтган кунлардан, тарихимизнинг энг кир, қора кунлари бўлган кейинги «хон замонлари»дан белгиладим», деб ёзади. Роман мазмунини ва руҳини, оҳангида шу қора ранг ҳокимлик қилишидан ташқари, бир қатор бобларини «Қора тунлар», «Қоронғу тунлар» деб сарлавҳалайди ҳам. Отабек — Кумуш севгисига, оилавий муносабатларига, бахтига раҳна солган Ҳомидни «қора тиканак» деб таърифлайди. Кумуш ўн бешта кўйлагининг орасидан қора атлас кўйлагини танлаб кияди. Отабекка бу кўйлак ёқар эди деб, соғиниб кийган эди. Бироқ бу кўйлак мудҳиш хабар элчисига айланади: Ҳомид Отабек номидан талоқ хати киритиб юборади ва ёзувчи ибораси билан айтганда энди Кумуш ҳаётида «қора тунлар» бошланади, «бу ҳовлини чин маъноси билан қоронғулик босди». Ёзувчи шу машъум хатни олиб келган пучуқ хотинини — Жаннатни «алвасти» деб айтади. Уйини, туриш-турмушини қора бўёқ билан тасвирлаб, ифлос, маразлигини таъкидлайди. Кумушнинг ҳижронли кунлари билан «ер юзи ўзининг қишқи сариқ кийимини кийган эди», деган тасвир ўртасида боғланиш бор. Ёки Отабек бўзахонада ҳижрон оловида ёниб ўтирар экан (қайнотаси эшикни юзига ёпиб, ҳайдагандан кейин), чолғувчидан ажралиш куйини чалишни илтимос этади. У бундай куйини билмаслигини айтиб, «Наво»ни дуторда ижро этади, куй фожиали руҳда эди, дуторнинг ўзи «қуруққина йиғламас эди, балки бутун кинотини «зир» эттириб ва хаста юракларини «дир» силкитиб йиғлар эди». Отабек ҳам «дунёсини унутиб йиғлар ва хасрат аламини кўз ёшиси билан тукиб йиғлар эди».

Туш ва унинг таъбирини айтиш ўзбеклар орасида кенг тарқалган одат. «Ўтган кунлар»да тушдан бўлажак воқеалар хабарчиси сифатида фойдаланади. Отабекнинг тушида бир сигир гулларни пайҳон қилибди. Отабек қўлида ханжар билан сигир томон югурибди, бир қараса сигир «сарик сочли алвасти» бўлиб қолибди, Отабек «дармонсизланган ва ханжари қўлидан тушган эмиш... Дунёни қоронғулик босган эмиш». Шу куни Зайнаб Кумушни заҳарлаб ўлдиради. Кумушнинг ўзи ҳам бу фожиали тақдирини бир ой бурун ҳис этган эди. Она-сига ёзган мактубида «Келаси ойдан жуда юрагим уюшади... Кечалари кўкка қараб келаси ой шу кунларда ёруғ дунёда борманми, йўқманми дейман... Келаси ойдан қўрқаман... Қўриша олмасак мендан рози бўлинг, дадам ва бошқа ёру дўстлар ҳам», деган эди. Ёзувчи ўз қаҳрамонларидаги бу телепатик туйғуларни берганда ўзбек халқи табиати, психологик хусусиятларидан ва мифологик тасаввурларидан келиб чиқади. Отабек халқ достонларидаги ва Навоий «Хамса»сидаги қаҳрамонлар каби фавқуллодда ақл, куч-қудрат ва ирода-қудратга эга. У Ҳомид, Мутал ва Содиққа қарши бир ўзи курашга отланганда «ё ҳаёт, мамот» деган хамлетона қондадан келиб чиққан эди. Ўлса ҳам севгилиснинг шон-шарафи, ифатини, ўз ғурурини ҳимоя қилмоқчи бўлади. Ёзувчи унинг дилидаги фикрни «гўё дунё ғўзали билан видолашар эди», деб изоҳлайди. Отабек қолиб чиқади. Ҳақиқат учук олиб борган кураши Уста Олим сўзлари билан айтганда, уни «ақллар ишонмас қаҳрамонлик» кўрсатишга сабаб бўлади. Романда ўзбек халқи характери, урф-одати, психик олами, фикрлаш тарзи билан боғлиқ нуқталар шу қадар кўпки, улар асар мазмуни, сюжети, қаҳрамонлар тақдирига сингиб кетган барчасини кўрсатиш романи бир неча бор қайта ҳикоя қилиш демакдир. Битта Отабек — Кумуш тўғи муносабати билан А. Қодирий ўзбек тўйига доир муҳим тартиб-одатини намойиш қилади: хотинлар мажлиси, қизлар мажлиси, Кумушдан ваколат олиш — никоҳ ўқитиш маросими, Кумушга маҳр бериш, унинг қўлига узук тақиш, келин-куёв кийимлари, музика асбоблари ва ҳ.к. А. Қодирий ўзбекларнинг ичкари ва ташқарилик уй қуриш одатлари, уни кун юриш томонга қаратиб қуришларини ҳам алоҳида таъкидлайди. Ёзувчи асар воқеаси Қўқон хонлигига кўчганда хон ўрдасини тавсифидан воз кечади ва буни шундай изоҳлайди. «Романининг ўн учинчи фаслида Марғилон ўрдасининг таъ-

рифиди ёзилганликдан ва бу ўрданинг ҳам ташқариги айланаси ўша ўрда каби бир тусда, бир услуб ва бир кенгликда бўлганлигидан бу ўринда яна қоғоз қоралаш ортиқчадир» дейди.

Биз юқорида Кумушдан бир оғиз розилигини сўрамай ва унга бўлажак куёвни кўрсатмасдан тўй қилинганлигини, бахтли тасодиф туфайли Кумушнинг ўз орзусидаги ва ёқтирган йигити Отабекка тушганлигини айтган эдик. А. Қодирий ўзбек халқи урф-одатидаги мустаҳкам қондага амал қилганидан шундай тасвирлаган эди. Таъқидчи С. Ҳусайн «Ўтган кунлар» романи ҳақидаги мақоласида шу хусусда фикр юритиб, ёзувчинини мантиқсизликда айблайди. Гап шундаки, Отабек билан Кумуш ўртадаги англашилмовчиликлардан кейин алоқалари узилиб кетган, Кумушга турли жойлардан совчилар келади, шунда ота-онаси ундан розилигини сўрайди. С. Ҳусайн шунга асосланиб туриб «Кумуш қиз экан, ота-онаси ундан сўрамай, розилигини олмай эрга беради, эрдан чиққандан сўнг (Отабекдан сохта ажралгандан кейин) иккинчи эрга беришда ота-онаси Кумушнинг розилигини оламиз, деб овора бўлишди. Бу мантиқсизлик А. Қодирийнинг эсига келмайди, чунки шу мантиқсизликни ишлатмаса, романни боғлайдиган ип чувалиб кетади», деб ёзади. А. Қодирий таъқидчига жавобида «Ҳолбуки, бу «мантиқсизлик» турмуш ҳақиқатига қараб иқтиро қилингандир. Зеро эски турмуш айтади: «Қумри қиз экан ота-онасининг танлашлари билан эрга чиқсин, бу одоб, иффат, тақозоси. Вақтики эри ўлди ёки эрдан чиқди, эндиликда ота-онасининг унинг эр қилишида ихтиёрлари йўқ, фақат улар маслаҳатчиларгина (бу одат йигитлар устида ҳам шундай. «Ўтган кунлар»нинг I бўлим, I- фаслига мурожаат). Қизлари эндиликда ўз кўзлари билан кўради, уй-жойларини, касби корини текширади — унга рухсат. Бинобарин, «Ўтган кунлар»даги мантиқсизлик ҳам шу мақомдадир».

А. Қодирий халқ орасидаги маълум ва машҳур одатга қаттиқ амал қилгани учун романни боғлайдиган ип, С. Ҳусайн айтгандек «чувалиб кетмади», аксинча янада таранглашди: Кумуш кимга турмушга чиқаётганини билмай то Отабекни кўргунча ўт ичида ёнади, ўша одат таёғи билан мажбуран чимилдиққа киради. Отабек билан Кумуш сохта ажралгандан кейин олти ой муддат ўтади, шундан кейин Кумушга «совчилар турна қатор» бўлиб кела бошлайди. Ҳатто ифвогар ва ифлос Ҳомид-

206

дан ҳам келади: Қутидор билан Офтоб оғиз уни ёқтирмагани учун, Кумуш кўнглидан келиб чиқиб «Қизимиз бундан сўнг эр қилмасликка қаттиқ исрор этадир», деб жавоб беришади. Кумуш аслида умуман эр қилмасликка қарор берган эди ва «Мен энди эр қилиб бўлдим», деган эди. Бироқ Қутидор тузукроқ ердан совчи келса, зўрлаб бўлса ҳам бермоқни ният қилиб қўяди. Шунда шаҳарнинг олдинги аъёнларидан Салим шарбатдор ўз ўғлига сўратиб совчи юборади. Қутидор Кумушни кўндиришга уринади. Кумуш сўзида қаттиқ туради ва «Бундан сўнг бу ишни хоҳламайман», дейди («эр» сўзини тилга олишга иффати йўл қўймайди). Шунда Қутидор яна бир катта далилни ишга солади: Ҳомид Отабек номидан Кумушга талоқ хати ёзган эди. Кумуш мактубга жавоб ёзган эди. Ҳомидлар яна Отабек номидан иккинчи талоқ хати уюштириб юборган эди. Қутидор бу талоқ хатини Кумушга кўрсатмай юрган эди. Кумуш Салим шарбатдор ўғлига ҳам рад жавобини берган, Қутидор қизининг тамоман бўйинини эгиш ва ўз йўлига юргизиш мақсадида шу хатни беради. Кумуш «юррак жароҳатини қайтадан тирнаб ташлаган» иккинчи талоқ хатини ўқигандан кейин яна кескин равишда севган эрдан «бу янглиғ вафосизлик кўрдим», «бундан кўра дунёда тоқ ўтган яхшироқ», деб жавоб беради. Қутидор бари бир ўз ниятидан қайтмайди, Салим шарбатдорга ваъда бериб юборади. Ваъдасининг устидан чиқиш учун Офтоб оғизига охириги буйруқни беради: «Кўндирсанг кўндир, бўлмаса мендан умидингни уз» дейди. Кумуш энди севимли онасининг тақдирини уйлайди, ўзини «бахтсиз», танландиқ қиз, «уйинчоқ қиз» деган қарорга келади ва тўйини бир йилдан кейин қилиш шартини қўйиб розилик беради (ички туйғуси Отабекдан умидини ўлдирмайди. Бу шарт қўйиш ўзбек халқ дostonларида кўп учрайди).

Кўриниб турибдики, А. Қодирий типик образлар яратиб устидагиларни қайғурмай, айни чоқда ўз қаҳрамонлари, персонажлари яшаётган, ҳаракат қилаётган, курашаётган муҳит, шарт-шароитнинг типик бўлиши тўғрисида ҳам катта меҳнат қилади. Унинг қаҳрамонларининг психологиясини, характерини шу шароит, муҳит, халқнинг кўп асрлик руҳий, маънавий тажрибаси, урф-одати яратади ва улар онгидаги янгиликлар, ўзгаришлар билан тўқнашувга киради. Зотан А. Қодирий бадий асарнинг ҳаққонийлиги, ҳаётийлигининг бош навосини унда кўтарилган масалаларнинг халқнинг тақ-

дири, ҳаёти ва характери, психологияси, руҳияти билан нечоғлик жипс боғлиқ эканлигида кўради. Шунинг учун ҳам С. Ҳусайнга берган жавобда «ёзувчиларимиз ва танқидчиларимиз учун халқ орасига кириш, унинг урф-одатига гарчи машаққат бўлса ҳам вуқуф ҳосил қилиш лозимдир», дейди. Халқ ҳаётидан, урф-одатидан, маданиятидан, характерида вуқуф бўлмаслик — хабарсизлик сохталikka, ёлгончилиkkа, уйдирмалиkkа олиб келади. А. Қодирий «Равот қашқирлари» мақоласида шу кино муносабати билан ҳаққонийлик ва миллийлик хусусида ғоят муҳим, жиддий фикрини ўртага ташлайди. А. Қодирий ёздики, «Шу кунгача ўзбек ҳаётидан ёки умуман Урта Осиё халқлари турмушидан олиб ўйналган фильмларнинг ҳаётимизга ёндашиб келган лавҳалари кўринишлари бус-бутун деб бўлмаса-да ва лекин қисман ҳаёлий, сохтанома бўлади. Бу ҳол ёлғиз кинолардагина эмас, европаликларнинг, ҳатто Урта Осиёда чиқадиган кундалик газета, журналларида ва адабиётларида бизга бағишлаб ёзилган парчаларида, лавҳаларида ҳам шу ҳаёлот ёки ривоят орқали ёзилган «ваҳималарга» кўп учраймиз». Халқ «ўзига иснод қилинган» бу туқима-уйдирмалардан «ёқа ушлайди». А. Қодирий шу сохталикдан қутулиш «афсона кўчасига кирмаслик» нинг ягона йўли — халқ турмушини чуқур билишдир, деб ҳисоблайди. Ёзувчи «мумкин қадар сценарий ёзувчиларни ўзбеклардан етиштириш ва ҳозирча бўлса ҳам европалик сценаристлар ёнига ўзбекларни тиркаб қўйиш, артист ва артисткаларни ўзбеклардан тарбиялашдир», дейди. А. Қодирий бу ерда бошқа миллат ёзувчисини заррача камситаётгани йўқ. «Ўзбек турмушининг майда-чуйдасигача ўзбек боласи билади», деганда ёзувчи фақат ҳаққонийлик, ростгўйликни, асарнинг ишонтириш қудратини мезон қилиб олмоқда. А. Қодирийнинг бу сўзларида мутлақо миллий маҳдудлик йўқ. Қон-қонигача одамийлик, инсонпарварлик, байналмилаллик туйғуси синган А. Қодирий Ўзбекистон Республикасининг тузилганлигига бир йил тўлиши муносабати билан ёзган мақоласида бирликни — иттиҳодни нотўғри тушунган ва ўзбек, тожик, қozoқ халқлари ўртасига нифоқ солишга уринганларни танқид қилиб шундай дейди: Биз ҳақиқатни ҳаётдан олдик. Ҳаммадан илгари шахс ўзини танисин, сўнгра бошқани! Зеро, «ўзини билмаган ўзгани билмас» сўзи турмуш онасининг дард чекиб туққан тўнғич ўғлидир. Биз миллатларни озод ўстирғоч, доираси ғоят тор бўлгон иттиҳоди ислом ва ё туркгина

эмас, балки бутун дунё меҳнаткаш ва деҳқонлари иттиҳоди энг авжида бутун дунё инсонлари иттиҳодини вужудга келтирамиз!» дейди.

А. Қодирий ўз асарларида ана шу эзгу ниятни тартиб қилди. Гарчад унинг асарларининг воқеаси ва қаҳрамонлари Туркистондан олинган бўлса-да, умуминсоний, гуманистик ғояларни олға сурди. Фозил давлат тузуми ва шахс эрки масаласи Шарқ алломаларининг қалбини қанчалик банд қилган бўлса, жаҳоннинг барча сўз санъаткорларининг ҳам диққат марказида турди. «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» асарларининг узоқ-узоқларга парвоз қилишининг боиси шу ерда. Солиҳ маҳдум Ўзбек тупроғида туғилган хасис, аммо унинг хасислигининг намоён бўлиши — халқ орасида «зарбулмасал бўлиши» миллий турмуш тарзи билан жипс боғлиқ бўлса-да, аммо моҳияти жиҳатидан умуминсонийдир, муштаракдир (ҳамма кийимига ямоқ тушган бир чопонни саккиз йилда ҳам ташламайди, бир ойда бир кир ювиради, уйда асосан суюқ овқат қилдиради, шолғом, лавлаги ишлатади, ҳатто куёв қиламан деб юрган Анвар бош мирзаликка тайинланганда уни қутлагани келувчилар учун юмшоқ нон олишга ҳам оғринади, хон Раёнони хотинликка сўраганда Анвардан воз кечиб, унга розилик беради). Тошпўлат тажанг образида ҳам шундай муштараклик бор. Ҳатто «Фарғона» газетасида босилган бир мақолада «Муштум» журналида шу «Тошпўлат тажанг нима дейди?» ҳикояси билан Тошпўлат тажангнинг расми ҳам берилади. Газета бу расм «Мулла Насриддин» журналидаги расмнинг ўзи, демак «Муштум» ўғирлик қилган деб ёзади. Шу муносабат билан А. Қодирий жавоб бериб, бундай дейди: «Кавказ билан Туркистон типларда ва урф-одатда бири-бирига жуда яқиндир. Бунинг яхши билиш керак. Шунинг учун Туркистонда туғилган ўзингизнинг тоғангиз «Тошпўлат тажанг»дан тониб уни кавказлик дейишингиз қаландарона бир сўздир. Ишонмасангиз «тажанг» тоғангизнинг сўзларига, қилиқларига, маданият дунёсига бўлган «писанди»га бир қаранг! (23—25-сонлар. Жулқунбой мақоласи). Бу тип ёлғиз Туркистоннинг ўзидагина эмас, Туркистоннинг ҳар бурчагида ҳам бор ва шунинг учун ўзининг бир «чапанингиз» ҳақидаги соф бир карикатуранинг ўз молимиз деймиз, сизнинг «ўғри ушлаш» нуқтангизга қўшилишимиз ҳам «бу тип Кавказ туркларида ҳам бор экан» дейишдадир».

А. Қодирий «Меҳробдан чаён»да ҳам худди «Ўтган

кунлар»даги каби ҳаёт ҳақиқатига содиқ қолади ва ҳар бир нарсага халқ кўзи билан қарайди, унинг қалби билан тинглайди ва шу халқнинг миллий характери тўғрисидаги мавжуд тасаввурига суянади. Романининг кичирисқида ёзувчининг ўзи номарғуб ва марғуб қаҳрамонларни тасвирлашдан мақсадини айтади ва камбағалларнинг «хонлик тузилишига, қора куч-уламо алайхига чиқиши, меҳнаткаш камбағалларнинг ахлоқи, сажияси, онласи, турмуши ва бир-бирига алоқаси, самимияти»ни беражагини таъкидлайди. Ёзувчи ўша ҳаётни «тарихнинг ҳазми кўтарганча» бериб, сохталикдан қочганини айтиб, эътиборни қуйидаги миллий ҳаёт нуқталарига қаратади: «Шу икки синф курашини тасвир қилиш воситасида хон ҳарами, хотинлари, қирқ қизлар, тарихий ва этнографик лавҳалар, ўзбек ҳаёти, қизиқчилиги, танқидчилиги, ўзбек хотин-қизлари орасидаги истеъдод, шоирлар, аскиячилик ва бошқа яна кўп нуқталар қамраб олинди». Ёзувчи романда бутун миллий ҳаёт тасвирини одил ҳукмдор фалсафасини, инсонпарварлик, эркинпарварлик фалсафасини ифодалаш учун хизмат эттиради, ёвузлик, рибзорлик, адолатсизликни, пасткашликни фош этишга йўналтиради. Анвар қайиновасининг илтимосига кўра мулла Абдурахмонни ўрдага ишга олдирган эди, фисқу фужурни авж олдиргани учун кейинча уни саройдан узоқлаштиради. Мулла Абдурахмон Анвардан ўч олиш учун саройда ҳукм суриб келган разил одатдан фойдаланади, яъни Раънони хонга мақтаб, хотинликка тавсия этади. Икки ёш тақдиридаги алғов-далговлик шундан бошланади.

Романда ўзбек дostonчилиги анъанаси руҳида Анвар — Раъно ҳаёти уларнинг болалигидан бошлаб тасвирланади, бу Тоҳир-Зухролар саргузашти ва тақдири хонлик тузумининг чиркин манзарасини тўлалигича очиб ташлайди. Шарқ адабиётида, шу «Тоҳир-Зухро» каби халқ дostonларида, Навоийнинг «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» дostonларида (шунингдек Низомий ва Жомийларнинг шу типдаги дostonларида ошиқ-маъшуқлар висолига ғов бўлган ҳажр-ҳижрон инсон севгисини синовдан ўтказувчи, тобловчи ва шахсни камолотга етакловчи куч сифатида тасвирланган. А. Қодирий «Ўтган кунлар»да ҳам, «Меҳробдан чаён»да ҳам масалага шу тахлитда ёндашади. Ёзувчи «Меҳробдан чаён»да ўз қаҳрамони тилидан «Ишқ давоси овом ўйла-гунча васл эмас—ҳажрдир. Зеро, васл ишқ ўтин сўндирувчи, ҳажр эса камолотга эриштирувчидир», дейди.

Анвар ҳам, Раъно ҳам ўткир зеҳли, илмли, шоиртабиат, одил, юксак дидли ёшлардир. Ёш, етим йигитчанинг бош мирзоликка кўтарилиши ҳам бежиз эмас. Раъно «шешърий бир ҳусн» эгаси, «фазал ва заковатда ҳам ўтган хон замонлари асрининг нодир учрайтурғон ягона фозила қизларидир». Хон уни Анвардан тортиб олаётганда эртақлардаги қизлардек жасорат кўрсатади. Ёзувчининг ўзи «Раънонинг жасорати, хонга қарши исёни, ҳатто маънос қолган Анварни йўлга солиши ўз замонаси учунгина эмас, бизнинг ҳозирги асримиз учун ҳам лойиқ таҳсин ва Раъно ёш қизларимизга ибратдир», дейди. Анвар ҳам ҳақиқат учун фидойиларча курашувчи инсон даражасига кўтарилади. Анвар дўсти Султонанинги ўлимдан қутқариш учун ўз бошини жаллод кундасига қўяр экан, бу жасоратни ёзувчи ўрда аҳли «му-жассам бир виждон, тоғйорак бир йигит ва ўлим сари кулиб келувчи бир арслонни ўз тарихида биринчи мартаба кўрди ва тонг ажабда қолди. Бу улуг жасорат бир неча дақиқаларгача зулм итларини сукутга солди», деб таърифлайди.

Ёзувчи ўз қаҳрамонларини мана шундай кўтаринки, шоирона услубда, қуюқ, ёрқин бўёқларда — романтик пардада тасвирлайди. Исми жисмига мос Раънога рамзийлик маъносини ҳам юклайди. Раъно сўзи ва қиз тақдири ўша тузумни гўзаллик душмани тарзида талқин қилишга кўмак беради. Хон томонидан Анвар севгилисининг тортиб олинмаётганлиги воқеасини ёзувчи «Шу дамда фалокат бир неча кун ичида Раъно гулини сўлтаёзди», деб талқин қилади. Бу ерда асл маъносидан кўра рамзий маъносига кўпроқ урғу берилмоқда.

А. Қодирий романларидаги миллий руҳ ташқи томондан жуда оддийгина бўлиб кўринган нуқталарда, масалан, ҳатто қаҳрамонларнинг бир-бирига мурожаатларида ҳам яққол кўриниб туради. Инглиз, француз, немис халқларида одамлар бир-бирига мурожаат этганда қўлланадиган махсус сўзлар бор (мисс, мистер каби). Рус тилида бундай анъана йўқ (гражданка — гражданин, мужшина — женщина, деб чақирилади). Ўзбеклар орасида жинси, ёши, маъқасига қараб мурожаат этадиган сўзлар жуда кўп. А. Қодирий ўз романларида бундай сўзлардан кўп ва ўринли фойдаланади. «Ўтган кунлар»да бегим, бек ака, жиян, опа, сингил, амаки, ака, бекачинм, мулла ака, уста ака, фуқаро каби сўзлар учрайди. «Меҳробдан чаён»даги «Шу тўғрида жанобингиз Мирзо Анвардан тўйга уринишимиз учун бир калима

жавоб олиб берсангиз, «Тақсиримда ожиза борлиги пушти паноҳ эшитган эканлар», «Бундан сунг қўқонлик Миён Фазл Ваҳҳоб ҳазратга эрга чиқди», «Ишқ, тақсир — деди деҳқон, — тақсирим шу қоғозни битиб бердилар» каби жумлалардаги сўзларда қанча иззат-ҳурмат бор.

Мазкур кузатишлардан маълум бўлиб турибдики, А. Қодирий асарларидан ўзбекнинг ҳиди келиб туради, ўзбек руҳи жуш уради, ўзбек куйи жаранглайди, Туркистон табиатининг барча ранглари жиловланади. Ўзбек бадинининг бутун жозибаси ловуллаб туради. Ўзбек бадиний тафаккур тарзи ярақлаб кўринади, унинг адолатпарварлик, эркинлик, инсонпарварлик, дўстлик туйғуларини мавжланади, одоби, шарму ҳаёси, меҳр-оқибати, ғурур ва сурури, мардлиги, ватанпарварлиги акс этади. Бу фазилятлар А. Қодирийнинг халқ ҳаёти ва руҳига жуда яқинлиги, унинг тарихи ва тақдирига астойдил куюнганлиги, унинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий қамолотига, ўз-ўзини англашига дил-дилидан қайғурганини ҳамда ўзбек халқи турмушининг қайта қурилиши, фориғланиши, саодатлашига халақит берувчи ёмонликларга чексиз нафратидан туғилгандир.

ЧУЛПОН

(1897—1938)

Чулпон XX аср ўзбек шеърятининг энг йирик вакили. У ўткир шеъряти, юксак таржималари, кучли драмалари, мумтоз романи ва куюнчаклик билан ёзилган публицистик мақолалари ҳамда жанговар ижтимоий фаолияти билан ўзбек адабиёти, ўзбек маданияти ни ўзбек миллий тафаккури ривожига ўзининг жуда улкан ҳиссасини қўшди. Адабиётга маърифатпарвар сифатида кириб келган Чулпон озодлик, тенглик, адолат, мустақилликнинг қўрқмас куйчиси ва зулм, ёвузлик, босқинчилик, талончиликнинг ашаддий душмани сифатида шуҳрат қозонди, ҳатто, «чулпончилик» деган йўналишнинг сардорига айланди (совет мафкурачилари «чулпончилик» иборасини аслида салбий, яъни «миллатчилик» маъносида қўллаган, ҳақиқатда эса у миллатпарварлик, адолатпарварлик тушунчасини ифодалаган).

Чулпон шоирнинг тахаллуси бўлиб, исми фамилияси Абдулҳамид Сулаймоновдир. У 1897 йилда Андижон шаҳрининг Қатортера маҳалласида дунёга келди. Шоирнинг синглиси Фоиқа ая, Абдулҳамиднинг йили сак эди, демак 1898 йилда туғилган, дейди. «Садои Туркистон»нинг 1914 йил 18 апрель сониди Абдулҳамид имзоси билан «Туркистонлик қардошларимизга» ва 24 сентябрь сониди «Маорифпарвар бобомиз муҳтарам Исмоил Гаспирински ҳазратлари ҳақида таъзияномамиз» деган шеърлари босилади. Биринчи шеър остига Абдулҳамидни 15 ёшда, иккинчи шеър остига 16 ёшда, деб қўйилган. Агар сак йилининг 22 мартдан 1898 йил 21 мартгача бўлган муддатни ўз ичига олишини эътиборга олсак, Абдулҳамиднинг «Туркистонлик қардошларимизга» шеъри эълон қилинганда (18 апрель) у ўн беш ёшда В. Ян томонидан «Катта совет қомуси» учун ёзилган мақолада (улар дўст бўлишган, мақоладаги далилларни бевосита Чулпондан сўраб ишлатган) ва НКВД ҳужжатларида 1897 йилда туғилган дейилган.

Чулпоннинг отаси Сулаймон Мулла Муҳаммад Юнус ўғли ўз даврининг илғор, ўқимишли зиёлиси бўлган. У аввал деҳқончилик билан шугулланган бўлса-да, кейинча савдо-тижорат ишлари билан машғул бўлган, Сулаймон баззоз деб ном чиқарган. Гарчанд у руҳоний бўлса-да, жаҳолатга қарши турган, вақтли матбуотни мун-

тазам ўқиб борган, шеърлар битган, ғазаллари «Расво» тахаллусини қўйган. Абдулҳамидни ҳам мулаққат қилмоқчи бўлади, эски мактабда, сўнгра мадраса ўқитади, рус-тузем мактабида таълим олиб, рус тилини ўрганади. Абдулҳамиднинг онаси Ойша аяни саводи бўлмаса-да, ўткир зеҳни, халқ ижодини яхши билган шуурли аёл бўлган. Чўлпон ўша вақтда Тошкентда, Самарқандда, Қозонда, Бокуда ва Туркияда чиқиб турган газета, журналларни ўқиб борган. Исмоил Гаспирински, Муҳаммадхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Ҳамза, айниқса Фитрат асарларини, уларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини ўрганади, улардан руҳланади. «Улуғ ҳинди» мақоласида ёзишича, Чўлпон Навоий, Лутфий, Ҳусайн Бойқаро, Машраб, Умархон, Фазлий, Фурқат, Муқимийдан тортиб Боту, Ғайратий, Олтой, Ойбек, А. Қодирий, Авлоний, Тавалло, Сиддиқий, Ҳамзагача ҳар хил даражадаги ва йўналишдаги ижодкорларни, шунингдек Тўқай, Ҳ. Жовид, Алиф Сайфи, Ризо Тавфиқ, Яҳё Камол, Тагор каби ҳинд, озарбайжон, турк, татар ёзувчиларини ўқийди-ўрганади. Булардан Ризо Тавфиқ, Яҳё Камол, айниқса Тагор дилига яқин туюлади.

Чўлпоннинг сиёсий онги, ижтимоий қарашлари ва миллий бадий тафаккурининг ўсишида унинг ижтимоий ҳаётда фаол иштироки муҳим аҳамиятга молик бўлди. Барча вақтли матбуотларда ўз мақолалари, фельетонлари, шеърлари билан иштирок эта бошлайдди. Аҳмет Зеки Велидий Чўлпоннинг 1917—1918 йилларда Бошқирдистонда ҳукумат раисининг котиби бўлиб ишлаганини айтади. 1919 йилда Фарғонада чиқадиган «Янги Шарқ» газетасида ишлайди. 1921—1922 йилларда «Аҳбори Бухоро» газетасида муҳаррирлик қилади. 1923 йилда Андижонда «Дархон» газетасида масъул муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлайди. 1924 йилда Москвада ўзбек маориф уйида ўзбек театр студияси ташкил этилади. Унда А. Ҳидоятлов, Л. Назруллаев, Уйғур, Е. Бобожонов, М. Муҳамедов, С. Эшонтураева каби ёшлар таълим олишган. Чўлпон шу студияда раҳбар, адабий эмакдош сифатида ишлаган, «Ревизор», «Маликаи Турандот» асарларини таржима қилиб берди ва ўзбек артистлари уларни сахналиштирди. Студия талабалари 1927 йилда ўқишни тамомлаб Тошкентга қайтишди. Москвада катта ижодий муҳитда сиёсий онги ва эстетик диди ўсиб, камол топиб келган Чўлпон большевиклар учун янада хавфлироқ туюла бошлади.

20 йиллар бошларида Чўлпонга қарши бошланган кураш энди авжига чиқди, матбуотда кетма-кет уни миллатчиликдан олиб миллатчига солишди. Олим Шарафидинов «Чўлпон йўқсул халқнинг шоири эмас. У — миллатчи, ватанпараст, бадбин зиёлиларнинг шоиридир», деди. 1927 йил 4—5 октябрда Ўзбекистон маданияти ходимлари II қурултойи бўлади, унда Чўлпонни ҳам Акмал Икромов ҳам танқид қилади, қурултойдан у ҳайдаб чиқарилади. Чўлпон шу қурултой раёсатига мактуб ёзиб, «ўз хатоларимга ўзим тушундим. У айланган нарсаларим ва сўзлаган сўзларим камбағал ва йўқсуллар душманларининг фойдасига хизмат қилганини билдим», деб йўқ айбини бўйнига олади ва театр соҳасида ишлар қилиб айбини ювишга ваъда беради. 1928 йилда «Замона хотини», яъни «Муштумзўр» пьесасини шу ваъдасини устидан чиқиш учун ёзган эди.

Чўлпонга бўлган хуруж, тазйиқ кучайса, кучаядики, лекин сусаймайди. У Файзулло Хўжаев маслаҳати бўйича 1932 йилда Москвага кетади ва у ерда СССР Халқ Комиссарлари Кенгашида таржимон бўлиб ишлайди. Чўлпон 1923 йилда Солиҳа деган қизга уйланган эди, шоир ўзидан фарзанд бўлмаслигини аниқлаганидан сўнг унга жавоб беради ва 1932 йилда Москвада Екатерина Ивановна деган аёлга уйланади. Солиҳа бошқага турмушга чиқиб, тўққиз фарзанд кўради.

Чўлпон шеър ёзадими, пьеса ёзадими ёки романми — нима ёзса, матбуот уни дўппослайверади. Ҳатто унинг маҳорат билан таржима қилган «Ҳамлет» ёки «Она» романларини ҳам қадрламайдилар. 1937 йил 7—8 апрелда Ўзбекистон ёзувчилар Уюшмасининг мажлиси бўлади. Чўлпон сўзга чиқиб имкони борича меҳнат қилиб, янги асарлар ёзгани, кўплаб таржималар қилгани, бироқ улар адолатсизларча танқид қилинганини айтиб, «мен миллатчи эмасман», дейди. Бу вақтда Чўлпон Ҳамза театрида адабий эмакдош эди. «Муштум»да ҳам адабий ходим эди. Чўлпон совет тузумини, компартияни, Ленинни мақтаб «Соз» тўпламини чиқарди, «Жўр» тўпламини нашрга топширди, «Кеча ва кундуз» романида ўтмишни фош этди, «Борис Годунов», «Опа» каби асарларни таржима қилди, «Замона хотини» пьесасида аёллар озодлиги масаласини ҳимоя этди. Лекин уришлари уни фожиадан сақлаб қололмади. 1937 йилда уни ҳибсга олишди, 1938 йил 4 октябрда отиб ташланди.

Чўлпонда ижод туйғуси эрта уйғонди. Ҳали талаба-

лик йилларидаёқ унинг шеър, мақола, фельетон ва ҳикоялари матбуотда кўрина бошлайди. «Туркистон» газетасининг 1914 йил 18 апрель сонидида босилганда Чўлпон 15 ёшда эди. Шу йили унинг «Бизнинг халқ» шеъри «Қурбони жаҳолат» ҳикояси, «Дўхтур Муҳаммадиёр ҳикояси, («Садойи Туркистон») ва «Мадрасаларнинг аҳволи» («Садойи Фарғона»), «Мактаб» («Садойи Туркистон») каби мақола, хабарлари босилди. Буларда маърифатпарвар ёзувчи сифатида кўринади. Чўлпон бадий адабиётнинг вазифаси халқни жаҳолат уйқусидан уйғотиш, жамиятнинг ривожига ва инсон баркамоллигига халақит берувчи иллатлардан халос бўлиш — руҳий, маънавий фориғланишдан иборат деб билди. У «Садойи Туркистон» газетасининг 1914 йил 15-сонидида босилган «Адабиёт надур?» мақоласида «Бас, масала бу тариқ экондур, ҳаётимизнинг бетўхтов ҳаракат қилиб турмоғи учун сув, ҳаво нақадар зарур бўлса, кундалик маишатимиз йўлида руҳимиз ва вужудимизни заҳматкаш фалакнинг қора кирлари, аччиқ қурумларидан ювиб турмоқ учун адабиёт шу қадар зарурдир», дейди. «Қор қўйнида» ҳикоясида қари чолга учинчи хотин қилиб берилган ўн етти яшар Шарофотнинг қора кўни — қора тақдирини кўрсатади. Тўй бўлиб ўтган кўчани «қоп-қоронғи жимжит бир гўристон», «бу кеча худди эшон бобонинг кўнглидек бўлиб қолган», деб таърифлайди. Мамат қоровул бу фожияли ҳолни «Дунё ўзи шу қадар тескари дунё экан... лола-нинг устига қор ёғди», дейди. Чўлпон ижодига фожияли мавзу шу ҳикоясидан кириб келди ва охири — оқибатда ижодининг ўқ томирига айланди. Фожияли вазият, фожияли муҳит ва шаронт, фожияли қаҳрамонни тасвирлаш унинг шеърини, ҳикоя, пьеса ва романининг марказий масаласига айланди. «Қурбони жаҳолат»ни ёзганда Беҳбудийнинг «Падаркуш» пьесаси юртда жуда машҳур эди. «Падаркуш»да фарзанднинг ўғирлик йўлига кириши ва оқибатда ўз отасининг қотилига айланишининг сабаби жаҳолат ва илмсизликка боғланган эди, бир ўринда қурбони жаҳолат бўлди, дейилади. Чўлпон ҳикоясида ҳам ўғирлик қилган йигит, унинг касофатига айбсиз йигитнинг ўзини ўлдириши ҳақида ҳикоя қилинади. Шу жаҳолат қурбони Эшмурод «Биз одам бўлмаймиз... Битамиз... Инқироз бўламиз... Оҳ жаҳолат. Жаҳолат, битдук, битдук. Ўлдук... тирилмайман!», деб фикрлайди. Чўлпон кейин ҳам

«Ойдин кечалар» (1922), «Новвой қиз» (1927) каби ҳикояларни ёзди. Булар бадий жиҳатдан пишиқ. Аммо илк катта ҳикояси «Дўхтур Муҳаммадёр» ҳикоясида қоқлик, жаҳолат танқид қилиниб, илм орқили бяхт-саодатга эришиш мумкинлигини кўрсатувчи бу ҳикоя эса бадий жиҳатдан суст. Унда публицистик тифаккур устун, ёзувчи ғояси қаҳрамон тақдирига, оғир маъзига сингдирилмаган. Албатта, бу ҳикоя Чўлпон ижодининг илк даври, илк босқичига оиддир.

Дарвоқе Чўлпон ижодий йўлини бир неча босқичга бўлиш мумкин. Ҳаётдаги воқеалар таъсирида унинг дунёқараши, нуқтаи назарида ўзгаришлар юз бериб турди. Биринчи босқичи ўша маърифатпарварлик, жамиятчилик руҳидаги асарларини ўз ичига олса, иккинчи босқичи Октябрь тўнтариши кунларида ёзган шеърларидир. Чўлпон Октябрь инқилоби халққа орзу қилинган озодликни, тенгликни, мустақилликни беради, деб умид қилди ва ишонди. Унинг «Қизил байроқ» (1917), «Шарқ нури», (1918), «Қизил байналмилал» (1920) каби шеърлари шу руҳга йўғрилган. Кўп ўтмай ўйлаган орзулари сароб бўлиб чиққанлигини англади. Юртда мустамлакачиликка қарши озодлик ҳаракати янғиб олди. Чўлпон бу курашдан ғоят руҳланди, зулм, босқинчилик, тенгсизликни фош этиб, чин озодликка чақирди. «Пўртана», «Ёруғ юлдузга», «Тортишув тоғи», «Халқ», «Мен қочмадим», «Бузилган ўлкага» (булар 1920—21 йилларда ёзилган шеърлари шу йўналишдадир). Тўртинчи босқичдаги шеърлари 1921—1923 йил ўрталарига тўғри келади. Бу даврда босмачилик ҳаракати мағлубиятга учрай боради. Шундан сўнг Чўлпон «Амолимнинг ўлими», «Енғин», «Кураш», «Виждон эрки», «Қўзғалиш», «Кўнгил», «Бас энди» каби шеърларини яратади. 1923 йилга келиб Туркистонда «босмачилик» ҳаракати тор-мор этилади, шу туфайли Чўлпон руҳий таслим йўналишидаги шеърларини ёзади. «Сомон парча», «Хазон» (1923) шеърлари мана шу бешинчи этап-босқичга доир. Шоир ижодининг олтинчи босқичи эса унинг совет позициясига ўтиши, қизиллашиши давридир. «Созим», «Мен шоирман», «Ўн олти», «Октябрь», «Яна олдим созимни», «Янги мен» каби шеърлар ана шу руҳдаги асарлардир. Ҳақиқий ижодкор яратган образларда қалбининг таржимаи ҳолини ҳамда у мансуб бўлган халқнинг ҳаёт йўлини ўқиш мумкин. Агар Чўлпон образларига назар ташланса, Октябрь инқилобига болаларча сами-

мий ишонишидан туғилган романтик шеърларидан тортиб то умидларининг сароб бўлиб чиққан пайтларидаги мунгли, фожиавий руҳдаги шеърларигача, халқни ёвдан ўч олишга, эзгу ният учун жонини қурбон қилишга чорловчи ва ниҳоят руҳий тушкунликка тушган муҳит, замон — тузум ҳукмига таслим бўлган онларидаги кайфияти — ҳолатигача билиш, сезиш мумкин. Чунки Чўлпон ўзини халқнинг бир зарраси, унинг дилини ифодачиси ва унинг халоскори деб ҳис этар эди. У ниҳоятда таъсирчан, эҳтиросли, қайноқ, ёниқ шоир эди. Унинг ўз ибораси билан айтганда, у «туйғуси сел шоир» эди, инсоннинг «руҳига кириш»га муваффақ бўларди. Чўлпоннинг ҳамлетона руҳдаги: «Улуғ, қаттиқ ағдарувчи бир кураш. Ё бор бўлиш, ё йўқ бўлиш: йўқ яраш!», деган мисралари эътиборга лойиқ. Чўлпон ўз виждонини «илоҳий виждон», севгисини шунчаки муҳаббат эмас, балки «илоҳий муҳаббат», дейди, юртини, халқини шунчаки яхши кўрмайди, балки «фақат Мажнун бўлиб севади» ва «бошимни у учун дорга қўяман», дейди, душманининг қудратини ҳам яхши билади ва шунинг учун «улуғ ёв» дейди. Чўлпон воқеликдан, ҳаётдан қандай қаттиқ таъсирланган, қандай ҳолатга ва кайфиятга тушган бўлса, айтайлик ё қаттиқ қаҳрланса, ё чексиз изтиробга тушса, ё руҳи инқилоб қилса, шу ҳолатини, шу кайфиятини борлигича шеърга кўчиришга эришади. «Мен шоирми?» шеърда «Шундай гўзалликни, аттанг агар мен рассом бўлсам эди, чизиб берардим», «ҳар бир тушунчамни ёза олмагач, рассомдек хаёлга чиза олмагач», «шоирлик менда бир соями, дейман», дейди. Аслида Чўлпон инсоннинг руҳий ҳолатини равшан чизиб берувчи, ҳар бир тушунчанинг ҳам суратини ола билувчи буюк рассомдир. Шеърларининг ўқувчини сەҳрлаб, мафтун қилпб қўйишининг боиси шу ерда. Унинг аксарий шеърлари ё ўзининг — «Мен»нинг бевосита дардини изҳор этади ёки кўпроқ иккинчи шахсга қаратилиб, ҳам унинг, ҳам сўзловчининг руҳияти, кайфиятини ифодалайди. Шунинг учун очиқ, самимий, рост ва гоҳ сўроқ; гоҳ мурожаат, гоҳ ундов, гоҳ суҳбат оҳангини олиб туради. Такрор ва синонимлар, ҳар хил таъкидларнинг кўплиги ҳам шу туйғуни, ниятини мукамал бермоғидан «Қиз қўшиғи» шеърда банднинг бешинчи мисрасида «Қора кўплар тушди менинг бошимга» деган жумланинг фақат биринчи сўзи алмаштирилиб, ҳар сафар такрорланиб келади (ёмон, огир, қийин, қонли, ўтли, ёрсиз кўплар

тушди менинг бошимга) ва қиз ҳолатини бор бўйича гипдалантиради. «Қизил байроқ»да, «Энди қора яқин исмас нурлар сачратган оққа», деган мисра бор. Чўлпон зулмини, адолатсизлиқни, тенгсизлиқни, бахтсизлиқни қора рангда ва эзгулик, поклик, бахтиёрлик, адолатни оқ рангда идрок этади. Бу шеърни ёзган пайтида Октябрь инқилоби халқни қора кундан — ўтмишдан, бахтсизликдан халос этди, деб тушунган эди. Кўп ўтмай бу шодлиги шунчаки бир сароб, ҳаёл бўлиб чиққанини сезади ва энди ўзбек халқининг қайтадан бахтсиз бўлиб қолганини ифодаловчи «кўланка», «булут», «нарда», қисқаси «қора» образи янгича маънода фаоллашади, бу образлар то «Кеча ва кундуз» романи ёзилгунча шу маънода қўлланади. Бу роман ёзилган пайтда Чўлпон руҳий енгилган, совет тузумига таслим бўлиб, яна ўтмишни қоронғу, яъни кеча тусида идрок этишга мажбур бўлган эди. Чўлпон романи «Кеча ва кундуз» деб, «Кеча» қисмида ўтмишнинг қоронғу манзарасини чизган бўлса (ёзувчилик таланти билан чорчимизнинг мустамлакачилик башарасини ҳаққоний очган ва ўзбек халқи орасида миллий уйғониш юз берётганини кўрсатган бўлса), ёзилмаган ёки ёзилган бўлса-да топилмаган «Кундуз» қисмида, эҳтимол, халқнинг Октябрь инқилобидан кейинги ҳаётини бахтиёр кўринишда бермоқчи ва шу йўл билан ўзини таъқиб, сиртмоқдан сақлаб қолмоқчи бўлгандир. Чўлпон «Кеча» романида ўша тузумни «сиқиқ муҳит», «кишанли жамият», «қоронғи муҳит» дейди, бир қаҳрамони «кеча-кундуз ишлаб қорнинг тўймаси, бу қандай замон бўлди?» дейди. Чўлпон «Қизил байроқ» шеъридаги Октябрь инқилоби халқнинг қора кунини ёруғ қилди, деган фикрдан тезда қайтади: юртда авж олган талончилик, қирғин, бузғунчилик, адолатсизлик, тенгсизликни кўргандан кейин икки ўт ичида қолади, ўртанади, ёнади, йиғлайди. Энди «ўшал эски, жароҳатли қалбини сатрларнинг наштари-ла тилади», «йиғловчи чолғуларни-ла» ўша фожиали муҳитни таҳлил қилади:

Бир кўз йўқми қонли ёши томмаган,
Бутун кўнгил умидсизми, синиқми?

(«Ёнғин»)

Ёки.

Қўз ёшимда ювсам
Юртнинг бағрини,
Тилим билан сўрсам
Оққан қонини...
Қонли кунлар тушди менинг бошимга.

(«Қиз қўшиғи»)

Чўлпонни ўша 20-йиллари йиғлоқи шоир, деб тилини қисишган, ижодини бўғишган. Ёнаётган юртини кўриб туриб, халқ бошига тушган катта фожианинг гувоҳи бўла туриб, фожиавий шеърлар ёзмасдан илож йўқ эди.

Чўлпон Тагор тўғрисидаги мақоласида унинг бошига тушган кулфатни — аввал биродарининг хотини, кейин ўзининг хотини, икки қизи, икки ўғли ва отаси ўлганини айтиб туриб, бундай дейди: «Тагорга ўлимнинг зарбаси ҳам жуда қаттиқ бўлгон. Шунинг учун унинг асарларида ўлим тўғрисида кўп учратиларди». Мана, Чўлпон ўз кўз ёшларининг сабабини — ижодининг фожиавий пардада бўлганлигининг сабабини қандай равшан очиб беради. Чўлпон халқни бир жигаридек ҳис этган ва унинг фожиаларини ўз бошига тушган фожа деб билган. Чўлпон «Менинг ўйимми қора? Ёки юрт кўкида булут?», «Йўқса унга мангуликми қора тун?» дея экан, ўз танқидчиларига жавоб бергандай бўлади, яъни уни йиғлатган юртдаги аҳвол эканлигини таъкидлайди. Шоир зулмга бутун халқ қаршидир, яъни «халқ истаги: озод бўлсин, бу ўлка, кетсин унинг бошидаги кўланка» дейди. Чўлпон халқни озодликка, мустақилликка чақирувчи жарчига айланади: янги тузумни бир кишан ва халқимизни қул тарзида идрок этади.

Тириксан, ўлмагансан,
Сен-да одам, сен-да инсонсан,
Кишан кийма,
Бўйин эгма,
Ки сен ҳам ҳур туғилгансан!

(«Кўнгул»)

Чўлпоннинг «Гўзал Фарғона», «Бузилган ўлкага» шеърлари шу қадар халқ орасига кенг ёйилдики, унга қадар катта руҳий мадад бердики, совет тузумининг ҳимоячилари бу асарга қарши қанчадан-қанча шеърлар, мақолалар ёздиришди (Ғайратийнинг «Тузалган ўлка» каби). Бироқ шеър озодлик мадҳиясига, айланиб кетди. Боймирза Ҳайит бундай ёзади:

«Миллий қўмита (Олмонияда тузилган Миллий Туркистон Миллий қўмитаси — С. М.) Чўлпоннинг «Гўзал Фарғона» шеъри ва унинг куйи асосида биров ўзгартиш билан миллий Туркистон миллий маршини пайдо бўлишига ташаббусчи бўлди. Бу «Гўзал Туркистон» бугунги кунда чет мамлакатларда яшаган муҳожир-

ларимиздан бугунга қадар ажралмаган севикли бир миллий куй бўлиб хизмат этмакдадир».

Чўлпоннинг образлари орасида «бўри», «қарға», «бойқуш», «шайтон» каби рамзлар тез-тез учраб туради. Қаранг: «Бўрилардан омон кутмак тентакларнинг ишидир», «Кўнглим каби йиқиқ уйлар, қишлоқлар бойқушларга бузуқ кўксин очганми?». Бу образлар остида шоир рус халқини эмас, балки рус босқинчиларини, большевикларни, чоризм сиёсатини давом эттирувчиларни фош этмоқчи. Чўлпон рус халқи, рус адабиёти ва маданиятини ғоят севар, қадрлар эди: рус тилини зўр билган, рус ёзувчиларининг шоҳ асарларини ўзбекчага ағдарган, рус аёлига уйланган, «Кеча ва кундуз» романида рус аёлининг ижобий образини яратган ва ҳ. к.

«Миллат,— деб ёзади Боймирза Ҳайит,— Чор Русиясининг қўпол ва талон-торожлик сиёсатидан кейин большевизмнинг алдамчи ва турли вақтларда турлитуман тактикалар билан кўринган зулмларини кўрди. Аслида большевизм Чор Русиясининг Туркистон сиёсатини мураккаб равишдаги давомидир. Биз бу ерда нима учун бундай фикрда бўлмоқдамиз дейилган саволга жавоб бериш ўрнига мужоҳид ва шаҳид шоиримиз Чўлпоннинг шеърларидан бир байтини хотирласак, масала аниқ бўлса керак, деб ўйлаймиз: Чўлпон шундай ёзган эди:

На исён, на тўлқин, на тўфон, на ўт,
Кўзимда оғир бир таслим нури бор.
Эй ўтли кечмишим, юзингни беркит,
Сенда шайтонларнинг ҳақсиз зўри бор!

Миллатимиз Чўлпон орқали билдирилган туйғуни кўп вақтдан бери англаган эди. Миллатимиз шайтонларнинг зўрлигидан қутулмоқ йўлига кирди. Туркистон Русияни истило этмади, аксинча Русия Туркистонни ишғол этди. Бунинг билан икки халқ орасида тарихий рақобатлар бошланди. Рус миллати империалист эмасдир. Аммо унинг империалистик табиатини ташинган нақиллари бутун дунёдаги империализмнинг устозларидир. Русиянинг шундай бир тўдаси Русиянинг ҳам ҳокимидир. Туркистон Русиянинг Салтиков-Шчедрин пйитганидек «абадий ейдиган, лекин тўймаган» («вечно живущих, но не сытых») табиатидан қутулмоқни истайди. Туркистон ҳеч бир вақт рус халқининг душмани бўлмагандир».

Чўлпон худди шу позицияда турди. Чўлпон ҳам рус халқининг душмани бўлмаган, аксинча унинг маданиятини, эркинлик руҳини ўзбеклар орасида тарғиб этган. Аммо босмачилик даврида зolim большевик руслар элни шафқатсиз қирди, талади. Туркистон Халқ Комиссарлар Кенгашининг раиси Қ. Отабоев 1922 йил 18 июлда Туркистон коммунистларининг тўртинчи пленумида қилган докладыда Қўқонга дашноқлардан тузилган отряд юборилганини айтади. Улар савдогарлардан тортиб шаҳарнинг оддий косибларигача ҳаммасининг бор-будини тортиб олади, ўзларини отиб ўлдиради, мачит-мадрасаларни, Қуръони Каримни ёндириб юборадилар, ҳатто номоз ўқиётганларни ўққа тутадилар, хотин-халажларни зўрлайди, қози-уламоларни ҳибсга оладилар, деҳқонларнинг овқатидан тортиб уруғлигигача тортиб оладилар. Шу туфайли, дейди Отабоев «бутун омма совет тартибига қарши қўзғолон кўтарди». Демак, Чўлпоннинг большевизмга, рус босқинчиликлари-га қарши исёни қонуний ва адолатли эди:

Қўлимда сўнгги тош қолди,
Ёнимга отмоқ истайман.
Қўзимда сўнгги ёш қолди,
Амалга етмоқ истайман.

Бу қаҳрамон, жасур шоирнинг рост сўзлари эди. Ҳаёт, воқеалик шу қадар қайноқ, алғов-далғовли эдики, бу ҳолат Чўлпон шеърларида «денгиз», «тўлқин», «пуртана», «қиёмат» каби образларни туғдирди. «Қанот» образида эса эрксизлик ва озодлик учун интилиш туйғусини беради: «Менда-да қанот бор, лекин боғланган», «Чарчаган қанотим куч сезди» дейди. Шоирнинг «чечак», «кўклам», «баҳор», «гул» образларида ҳам унинг олий орзу-армони — озодлик, мустақиллик туйғуси ётади. Маҳмудхўжа Беҳбудий хотирасига ёзган шеърида «Азиз отам, қўлимдаги гулларнинг мотам гули эканини билмайсан, шодлик гули кўпдан бери сўлганин», дейди «Кўклам билан юртимга ҳам бир кўкариш келсайди», деб орзу қилади. Шоирнинг «тилак юлдузи», «нажот юлдузи», «чиқадиған қуёш» иборалари остида ҳам унинг умиди ётади.

Чўлпоннинг қалби, орзу-армони шеърнятигагина эмас, балки бутун ижодига сингиб кетган эди. Ҳатто «Ҳамлет» ёки «Она» романи таржимасида ҳам Чўлпоннинг эрк, адолат, одамийлик ва ҳақиқатга бўлган чексиз ташналиги мавж уради. Зероки бундай асарлар худди шундай руҳ билан Чўлпонни мафтун этган эди.

Чўлпон унлаб драмалар ёзди, кўплари ўз вақтида нашрланган эди, қўлёзмалари ҳам йўқ бўлиб кетган. «Бой», «Ҳалил фаранг», «Чўпон севгиси», «Чўрининг исени», «Узун қулоқ бобо» каби сахна асарларини ёзган. «Ўртоқ Қаршибоев» пьесаси кўйилганда матбуотда қизғин мунозаралар бўлган. «Ёрқиной» пьесаси илгир этилган ва у бор, 1992 йилда Чўлпоннинг «Замона хотини» (ўз вақтида «Муштумзўр» сарлавҳасида нашрланган) асари топилиб нашр этилди. Чўлпон В. Яннинг «Хужум» пьесасини ўзбек тилига таржима қилиш ва қайта ишлаш, тўлдириш орқали ҳам ўзбек театри шухратини Москвада ёйилишига ўз улушини қўшди (1930 йилда Москвада ўзбекистонлик артистлар уни намойиш қилди ва ижобий баҳолади). В. Ян ўз «Қундалиги» да ««Хужум»ни биз Чўлпон билан бирга ёзганмиз», деб таъкидлаган. Асар тили гоят жозибали, халқ кўшиқларига бой, ҳазил, мутойиба, аскиялар сингдирилган унга. 1921 йилда сахна юзини кўрган «Ёрқиной» ни танқидчилик найза билан кутиб олган ва ҳатто «бугундан бошлаб пролетариат сахнасида кўтариб ташлансин!», деб ҳукм қилинган эди матбуотда. Аслида эртак асосида ёзилган бу асарда зулм, адолатсизлик, эрксизлик, қонхўрлик қаттиқ танқид қилиниб, унга қарши фаол курашган одамлар улугланган, адолатли, фозил тузум, адолатпарвар шоҳ, чин севги-садоқат идеали олға сурилган эди. Ёрқиной ва Пулатлар адолат учун курашчилар тимсоли сифатида берилади. «Замона хотини» (1928) пьесасида аёллар эрки ва уларнинг жамиятти бошқаришдаги иштироки масаласи кўтарилган бўлса-да, асар моҳиятида адолатли тузум, ҳақиқатпарвар ва инсонпарвар жамият ортиси ётади. Бош қаҳрамони Раҳима хола тили орқали Чўлпон «Билинги, ҳукумат чироғ: сизнинг қўлингизда ўғирликка ишласа, менинг қўлимда тўғрилиқка ишлайди». Қаҳрамонлардан бири «Қандай қилайлик шуларнинг қўлида қўл эканмиз», бошқаси «илоҳим, ер юзини большовойни. Ҳаммани қон қақшатиб кетди!», «Бу ҳукумат ўзининг амалдорини ҳам ҳеч аямайди. Қонча катталарни ўзи отиб юборди» дейди. Кўриниб турибдики, Чўлпон ўша тузум, ўша тартибга жуда тикилиб ёндашади, ўзи қаттиқ тазйиқда бўлса ҳам ҳақиқатни айтишдан қайтмайди.

Чўлпоннинг жамият, тузум қандай бўлиши керак, халқ қандай яшаш керак ва зулм, зўравонлик, тенг-

сизлик, мустақиллик хусусидаги қарашлари унинг «Кеча ва кундуз» романида янада кенг, атрофлича ўртага ташланди. Биринчи жаҳон уруши пайтидаги Туркистон халқининг аҳволини, турмуш тарзини, чоризм мустамлакачилигининг мудҳиш оқибатларини, чор амалдорларининг маънавий бузуқлигини ва халқнинг зулмга, зўравонликка қарши исёни, маърифат, нурга интилишини акс эттирган бу роман Чўлпон талантининг яна бир ёрқин қиррасини намойиш қилади. Романда жадид Шарафиддин Хўжаев Мирёқубга чор амалдорларини назарда тутиб: «Биз буларни ёмон кўрамыз. Булар — бизнинг душманлар!», «Бизнинг мамлакатимизга рус ҳукумати бир «мустамлака» деб қарайди, яъни мамлакатларнинг ўғайи сингари... Шу учун бу ерда яхши амалдорларни юбормайди», дейди. Чоризм вакили Нойиб тўра ҳам чоризмнинг инқироз сари юз тутганини ҳис қилади. У «буюк империя даҳшатли тўлқинлар ичида зулматга, белгисизликка, йўқликка қараб кетаётир», дейди Мирёқуб империянинг нима эканлигини сўраганда, Тўра подшоҳнинг девордаги суратини, сўнгра ўзини ва елкасидаги погонини кўрсатади. Чўлпон романда шу империянинг ҳалокат сари йўл тутганига китобхонни ишонтиради: биринчи жаҳон урушида Россиянинг толиқиши, мустамлака ўлкаларда маҳаллий халқнинг чор зулмига қарши исёнлар кўтаришини кўрсатади; Тўра юзлаб одамларни қириб ташлайди, қамоққа олади, сургун қилади, қишлоқларни ер билан яксон этади, оддий халқни одам ўрнида кўрмай, бой-амалдорларга ён босиши, миллат манфаатини ўйламайдиган лаёқатсиз, қўғирчоқ одамларни (Акбарали каби) раҳбар қилиб тайинлаши, ахлоқий тубанлиги (Тўра ҳам бузуқ, хотини эса хизматкори Зуннун, кейин Мирёқуб билан ишрат қилади) ва ҳ.к. Ҳатто кундошлар можараси билан тасодифан заҳарланиб ҳаётдан кўз юмган Акбарали мингбоши ўлимини (унинг учинчи хотини Султонхон Зебини заҳарлаш учун тайёрлаган сувни тунда Зеби билмасдан эри Акбарали мингбошига ичириб қўяди) ҳам Зебини суд қилаётганда прокурор «Русия давлатига ва подшога садоқат билан танилган одамни» қасддан ўлдирган деб сиёсий тус беради ва Зебини ўлимга ҳукм қилинишини талаб қилади.

Романда Чўлпон ўлканинг мустақилликка эришиши ҳолатини («Кичкина миллатлар мустақил бир ҳукумат қуриб» ишгаётганини айтади), туркий халқларнинг

бирлашишини) «Тилда, фикрда, ишда бирлик!» керак дейди ва иқтисодий бардамликка эришиш учун илҳомий ташаббусга, ишбилармонликка кенг йўл очиб бериш, эркин савдони ривожлантириш лозимлиги туғрисида фикр юритади. Бу фикр-армонларни жадид Шарафуддин Хўжаев образи орқали, Мирёқуб тақдир орқали олға суради. Илгари Акбарали мингбошининг суяничиғи, айтиш мумкин, ақли, тили-забони бўлган, ниҳоятда эпчил, ишбилармон ва ахлоқий бузуқ Мирёқуб жадид Шарафуддин Хўжаев билан суҳбатлашгач, жадидликни англайди, «кўзим очилди», дейди ва бундан кейинги ҳаётини жадидлар каби миллат минфаатига бағишлашини айтади. Ёзувчи Мирёқубнинг виждони орқали тергов қилади. Мирёқуб барча қилмиш-қидирмишларининг сабабларини айтади. Шу тергов ва кундалик дафтари орқали Мирёқубнинг, Маръумнинг руҳиятида содир бўлаётган ўзгаришларни кўрсатиб беради. Бундай ўринлар драмага ўхшаб кетади. Дарвоқе, романда кўрсатиш, ҳаракат, саҳнавийлик кучли. Ҳамма воқеа ва қаҳрамонларнинг ҳолати, катти-ҳаракати, кураши бевосита кўз олдингизда намойиш бўлади. Роман мустақил, аммо бир-бирини тақозо этиб турган саҳналардан ташкил топгандай. Бу саҳналар ўткир драматизм билан сугорилган. Роман заминида фожиавийлик ётади. Асар бошиданоқ, табиат ҳам, Зебилар ҳам эркинликка талпинишади. Ёзувчи Зебининг тутқун-қафасдаги қушга ўхшатади. У бир оз озодликка чиққан қушдай қишлоқда озод нафас олади ва худди шу ерда тузоққа илинади — Акбарали мингбошини тўртинчи хотин бўлиб, кундошлар жанжалининг ўпқонига тушади. Бойнинг учала хотинининг тақдирини ҳам фожиали, ўша тузум уларни ахлоқий майиб қилган. Зебининг суд қилиниши жараёни романининг юксак нуқтасидир. Мустамлакачилар Зебининг сиёсий жиноятчига чиқариб, Сибирга сургун қилади. Зебининг айбисиз эканлигига қаттиқ ишонади, бу содда қиз суд қўйиб юборганда уйга қандай кетишини ўйлаб ўтиради. Ҳукми эшитгач, лол, қарахт бўлиб қолади ва уларга бўлган бутун ишончини йўқотади. Отаси Раззоқ сўфи аёлларга паст назар билан қарар ва бойлар, амалдорлар, айниқса пири эшонларнинг соясига салом берар эди. Зеби тақдирини эшитиб, эшонга ёрдам сўраб боради, у ашула айтиб, хурсанд ҳолда кутиб олади, далда бериш ўрнига уни ҳам сургун қилмаганликлари учун афсусланади. Шунда Раззоқ сўфининг

кўзи очилади, унга қарши қўл кўтаради. Эшон ундарра билан савалатиб, музлаган ҳовузга ташлатади. Кейинча суфи барибир эшонни ўлдириб кетади. Зеб ҳажрида онаси ҳам жинни бўлиб қолади. Зебининг илмуҳаббати ҳам ғунчалигидаёқ ер билан яксон бўлади. Ёзувчи фожиалар ўтмиш—«кеча» туфайлидир, демо-чи бўлади.

Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романи-ридан кейин ўзбек адабиётида яратилган етук романлардан бўлиб келди. Чўлпон шеърияти, прозаси драматургияси ва бебаҳо таржималари доим маҳорат мактаби бўлиб қолади.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР

(1907—1968)

Абдулла Қаҳҳор ҳозирги замон ўзбек насрининг пешқадам ёзувчиларидан бири. У ўзбек реалистик ҳикоячилигини дунё миқёсига олиб чиққан подир талант эгасидир. Ёзувчи Леонид Ленч А. Қаҳҳорнинг «Тўйда яш» ҳикояси хусусида тўхталиб, «одамнинг ўлими ҳақида кулгили қилиб ёзиш жуда қийин иш. Бу фақат Чеховнинг қўлидан келарди. Фақат французлар бунинг уйдасидан чиқарди. Ҳозир буни бизда эплайдиган ёзувчи камдан-кам. Буни қарангки, Абдулла Қаҳҳор шундай қийин ишни бемалол бажарибди», дейди. А. Қаҳҳор ҳаққоний, ҳаётний, кенг қамровли, содда, психологик таҳлили чуқур ва миллий характери аниқ, жазобали қилиб тасвирлаб берувчи, ниҳоятда ихчам ва гўзал ҳикоялари билан ўзбек ҳикоячилигида етакчи ўринни эгаллади ва устоз даражасига кўтарилди.

Абдулла Қаҳҳор 1907 йилда Қўқонда Кўмирбозор маҳалласида туғилди. Отаси темирчи бўлган, шунинг учун бир жойда муқим яшашмаган — тирикчилик деб қишлоқма-қишлоқ кўчиб юришган. Абдулла зидигина бирор қишлоқдаги муҳитга ўрганиб, ўтроқ топай деганда тирикчилик ўтмай ёки бой, амалдорлар сифдирмасдан бошқа қишлоққа кўчишга мажбур бўлишган. Чунки отаси ғурурли, тўғри сўз, бир сўзли одам эди. Бунинг устига Абдулла беш ёшга кирганда онаси вафот этади. Онасининг ўлиmidан сўнг у индамас, одамови бўлиб қолган эди. Дастлаб маҳалласидаги отинойида ўқийди, аммо кўпроқ китобга ишқибоз, ўтқир зеҳили отасидан илм ўрганади («Баҳори дониш», «Бобо Равшан» каби китобларни ўқиб беради). Октябрь тўнтарышидан кейин жадид мактабида ўқийди. Абдулла Авлоний, Тавалло асарлари билан танишади. «Истиқбол», «Коммуна мактаби», «Намуна» билим юртида таълим олади. «Адиб» деган адабий деворий газета чиқариб, унда ўз машқлари билан қатнашади, мукофотлар олади. Шу билим юртида Чўлпон, Рафиқ Мўмин, Ҳамзаларни кўради, тинглайди. У ерни битирмай шаҳар комсомол қўмитасига ишга киради (1924). Шу йили ой тутилади, унга бағишлаб шеър ёзади ва «Норин шилпиқ» имзоси билан «Муштум»да босилади. У 1925 йилда «Қизил Ўзбекистон» газетасига ишга чақирилади. Бу йиллари ёзган фелъетон, ҳикоя, мақола-

лари ўзи ёзганидек «деярли ҳаммаси диний урф-одатларга, дин аҳилларига, динга қарши қаратилган асарлар эди». Уларга «Норин шилпиқ», «Мавлон куфур», «Гулуёр», «Эркабой» имзоларини қуяр эди. Шунинг эътиборига латиб ўтиш керакки, Октябрь тўнтаришидан кейин мамлакатда диний жаҳolatга қарши кураш ҳаракати бориб-бориб умуман динга ва динга эътиқод қўйган одамларга қарши курашга айланиб кетди, шу туфайли 1917 йилгача диний шеърлар ёзган Ҳамзадан тўртинчи дегарли барча ёзувчилар дин ва дин ҳомийларини қораловчи асарлар ёзишди. Фақат қайта қуриш даврига, айниқса Республикамиз мустақилликка чиққан пайтдан бошлаб диний эътиқодга, умуман динларга кенг йўл очилди.

Абдулла Қаҳҳор Ўрта Осиё Давлат дорилфунунининг ишчилар факультетида ўқиди, у ерда «бўйи барабар китоб ёзган Толстой», «русларнинг буюк шоири Пушкин» номини эшитди. Кейинча Чехов, Гоголь, Тургенев, Достоевскийларни таниди, айниқса Чеховдан ҳикоячилик, проза «сири»ни ўрганди: қаҳрамонларни жонли одамдек гаудалантириш, фикр-ғоя, мақсад-идеални персонажлар тақдири, воқеага сингдириш маҳоратини, содда ва ихчам ёзишни таълим олди. Ўқишни битиргач, Қўқонга келиб қишлоқ ўқитувчиларини қайта тайёрлаш курсида дарс берди, кейин «Янги Фарғона» газетасида котиблик қилди ва ҳажвий бўлим «Чигирнқ»ни бошқарди. «Ниш» таҳаллуси билан танқидий мақолалар эълон қилиб борди. Сўнгра Ўрта Осиё Давлат дорилфунунининг педагогика факультетини битирди, Тил ва адабиёт илмий текшириш институтида аспирантурада ўқиди. Бу йиллари республикада миллий мустақиллик учун курашга отланган зиёлиларни (жумладан А. Қодирий, Фитрат, Чўлпон ва бошқаларни) миллатчиликда айблаш ҳаракати авж олган эди. А. Қаҳҳор каби ёшлар ҳам «миллатчи», «синфий душман», «халқ душмани» деган тўхматларга ишонишиб, уларга қарши олиб борилаётган курашни ёқлашар, ҳатто кўмак беришар эди. А. Қаҳҳорнинг ўзи ёзган эди: «Тақдир мени шу душман синф вакиллари бўлган эски ва «янги» зиёлилар, ўзини миллат ҳомийси, миллатчи, деб атаган бир гуруҳ ватан хонларини билан учраштирди. Булар билан учрашиш мен учун, бир жиҳатдан, оғир кўргулик бўлса, иккинчи жиҳатдан катта мактаб бўлди... Мен адабиётнинг кураш қуроли бўлишига ҳеч қачон бунчалик зарурат ҳис қилмаган эдим. Чўлпоннинг кўп шеърла-

рига яқинлиги ҳам бежиз эмас: воқеа-ҳаракат кучли, конфликт ўткир, характерлар ёрқин, эҳтиросли, яхлит композицион бўлак-саҳнавийлик бор, диалоглар айни чоқда ҳаракатни тезлаштирувчи, конфликтни кескинлаштирувчи куч ҳам. Ёзувчи ва персонажлар нутқида калқ, фольклорнинг буюк қудрати намоён бўлган. Унинг асарларида катта бадий юк ташийдиган рамзий образларни эслайлик: «Синчалак»нинг охирида асар сарлавҳасига изоҳ беради. Қаландаров Саидани синчалакка ўхшатган эди. Бу ўхшатишнинг нотўғри эканлигини икковининг ўзаро кураши, фаолияти ва бунинг натижасини тасвирлаш орқали исботлайди. Қаландаров охири «Кичкина, нимжон бўлсанг ҳам, осмонни кўтаргули қувватинг, ғайратинг бор экан» деган хулосага келади, тан бериб айтади. «Даҳшат» ҳикоясидаги барча образ ва деталлар «тирик ғўристон бўлган бу даргоҳнинг (яъни Олимбек додгоҳнинг уйи) даҳшати олдида ўликлар ғўристонининг даҳшати унга даҳшат бўлиб кўринмас», деган фикр-ҳақиқатни ўтказиш учун хизмат этади. «Оғриқ тишлар», «Тобутдан товуш» деган сарлавҳалар ҳам икки асарнинг бутун руҳини, йўналишини акс эттиради. «Ўтмишдан эртаклар» сарлавҳаси муносабати билан ёзувчининг ўз изоҳини ҳам эслатиб ўтиш лозим. Асар қўлёзмаси муҳокамасида баъзи танқидчилар асарда ёруғлик, нур кам, яъни ҳаётнинг яхши томонлари жуда кам кўрсатилган, унда зулмат, даҳшат кўп ўринли эгаллайди, деган мулоҳазани айтганда, А. Қаҳҳор бор ҳақиқатни тасвирлаши ва шунинг учун унга бошқача ном эмас, балки эртақ, яъни «Ўтмишдан эртаклар» деб ном қўйганини таъкидлади. Сўнгра асар на Л. Толстой, М. Горькийларнинг «Болалик» асарларига ҳам ўхшамаслигини, улар типдаги асарни кейин ёзажagini ҳам ўқтиради. Чиндан ҳам асарда ёш Абдулланинг ҳаёт йўлини кўрсатиш бош ўринда турмайди, аксинча ўткир, даҳшатли ҳикоялардан ташкил топган бу қисса ушам замоннинг руҳини ифодаловчи кўплаб тақдирлар ғўрисида ҳикоя қилади. А. Қаҳҳор «Ҳаёт ҳодисаларидан бадий тўқимага» (1965) мақоласида «Анор» ҳикоясидаги Туробжон образи учун Бабар деган йигитнинг фожиали ҳаёти туртки бўлганини айтиб, ёзганлики, «Бабар қиссасининг давоми фожиали, бу ҳақда яна бирон нарса ёзиш ниятим бор». Сўнгра Бабарнинг хотинини қутирган ит қоғиб олганини, даволаш учун Тешиктошга олиб боргани, бозорда уни ўғри деб қалтқилаб қамаб қўйишгани ва эсларидан чиқиб совуқда

эрталабгача қолиб кетгани, отқоровул бошидан оши-
риб ўқ отгани ҳам миқ этмай тургани ва уйига қай-
таётиб совуқда музлаб ўлиб қолганини ҳикоя қилади.
Худди шу воқеани «Ўтмишдан эртақлар»нинг «Тешик-
тош» бобида янада даҳшатлироқ қилиб тасвирлайди.
Ундаги «Хур қиз» бобида ҳам шундай фожиали тақдир
(Саври) ҳақида ҳикоя қилади. Ёзувчи ҳамма асарла-
ридаги каби бунда ҳам қаҳрамонлар психологиясини
шундай далиллайдики, шундай ёрқин, чуқур таҳлил
қиладики, улар тирик одамлардек гавдаланади, кишини
ишонттиради.

Ёзувчининг сўзни заргарона ишлатишини тасдиқлов-
чи ва характернинг руҳиятини тиниқ очувчи айрим нуқ-
таларга разм солайлик. «Синчалак»да Эшонни мана
бундай тасвирлайди: «Унинг бўйни тошбақанинг бўйни-
ни эслатар, юзи сўриб ташланган ҳусайни узумга ўх-
шар, лекин бир томонга силлиқ қилиб таралган сочи,
оёғидаги амиркон туфлисидан ҳам қорароқ ва кўпроқ
ялтирар эди». Шу тасвир орқали китобхон муносаба-
тини Эшонга нисбатан белгилаб қўяди.

Санданинг аччиқ кесатиғини кўрайлик. Қаландаров
уни колхоздан кет дейди, у кетмаслигини айтади. Шун-
да Қаландаров:

«Колхоз ёқиб қолган бўлса, эр-пер топиб бера
қолай,— деди. Саида унинг афтига қаради.

— Мен сизни фақат яхши пахтакор деб билар эдим,
бошқа касбингиз ҳам бор экан!

Қаландаровнинг дами ичига тушиб кетди».

«Даҳшат» ҳикоясининг биринчи жумласиданоқ та-
биат ҳолатини шундай тасвирлайдики, бу тасвир кейин-
роқ юз берадиган даҳшатнинг элчиси — даракчисидек
туюлади: «Яқин икки ҳафтадан бери кўз очирмаётган
кузак шамоли яйдоқ дарахтлар шохида чийиллайди,
шувуллайди, томларда вишиллайди, ёпиқ эшик ва дар-
чаларга бош уриб уф тортади». Ёзувчи ҳикоянинг фо-
жиавий пардасини шу жумладаёқ белгилаб олади.

А. Қаҳҳор образли тафаккурнинг нодир намунасини
яратибгина қолмади, айти чоқда бадний асар тили ус-
тида қандай ишлаш борасида ҳам муҳим фикр-мулоҳа-
заларни ўртага ташлади.

«Гап шундаки,— дейди ёзувчи,— ҳозирги вақтда, ти-
лимизнинг бойлигини, унинг қочирқиқларини ўрганишга
эринган, сўз санъатига ҳунар деб эмас, касб деб қарай-
диган, бисотидаги бир ҳовуч сўзни йиллар давомида
айлантириб кун кўриб юрган бир туркум қалам аҳли-

нинг «фаолияти», чала мулла баъзи олимларнинг «илмий хулоса»лари натижасида ажиб бир тил бунёдга келган. Бу тилда ҳеч ким гапирмайди, зотан гапириш мумкин ҳам эмас, фақат ёзиб ўқиб бериш мумкин. Бу тилда ёзилган нарсани бир қиёмда ўқимасдан ҳам илож йўқ. Бу тилнинг ҳеч қаерга ёзилмаган, лекин амалда жорий бўлган темир қонунига кўра «яҳши овқат едим», деб бўлмайди, албатта «сифатли овқатландим» деб ёзиш шарт. «Папирос чекадиган одам гугуртни олиб юриши керак», деб ёзиш тўғри эмас, «Папирос чекиш одатига эга бўлган киши ўзини тегишли гугурт билан таъминлаб юриши керак», деб ёзилса тўғри бўлади. Бу тилда латифа айтиб бўлмайди, ёзиб бўлмайди. Бу тилда ҳазилга, мақолага, масалга, ажойиб халқ ибораларига ўрин йўқ. Бу тил ҳар қанақа жонли фикрга қафас кийгизади, ҳар қанақа ўйноқи мазмунни тахтага тортади, ҳар қанақа лекторни гурбатнинг уясига, ҳар қанақа аудиторияни ўлик чиққан ҳовлига айлантиради!»

Бу сўзлар ҳозир ҳам ўзининг тўла аҳамиятини сақлаб қолган.

А. Қаҳор майда гапини кўтариб, қашшоқ шаклда тилда асар ёзиб кеккайиб юрган ёзувчиларни «махалла классиклари», «Тўйтепадан нарига ўтолмайдиган» асар муаллифлари деб атарди. У А. Қодирий тўғрисида сўзлаб, «Абдулла Қодирий одамлар айтмоқчи «бир-икки рисола ёзган» анчайин бир ёзувчи эмас, балки янги давр адабиёти, Европа адабиёти гази билан ўлчаганда ҳам тўлақонли асарлар ёзган, ўзбек романичилигини бошлаб берган улкан адибдир», дейди. Бу сўзларни Абдулла Қаҳҳорнинг ўзига ҳам тўла нисбат бериш мумкин. Унинг бадий олами сўз санъатининг ҳар қандай юксак мезони, гази ва тоши билан ўлчаганда ҳам бардош беради, кўтаради, арзийди.

(1936)

Эркин Воҳидов ҳозирги замон ўзбек шеърятининг йирик вакилидир. Айни чоқда «Олтин девор» каби комедияси, Гётеннинг «Фауст» каби ажойиб таржималари билан ҳам ўзбек адабиёти ва санъати, ўзбек маданияти ривожига салмоқли улушини қўшиб келаётган кўп қиррали ижодкордир.

Эркин Воҳидов 1936 йилда Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги қишлоқда ўқитувчи оиласида дунёга келган. Отаси тарих ўқитувчиси, билимдон, дилкаш, қувноқ, сўзга чечан одам бўлган, онаси ҳам саводли, ўткир зеҳинли аёл бўлган. Отаси фронтда бош миясидан жароҳатланади ва ўпка шамоллаш касалига дучор бўлади. Бу дард 1945 йилда уни олиб кетади, кўп ўтмай онаси ҳам оламдан ўтади. Тўққиз ёшидаёқ ота-онасиз қолган Эркин Воҳидов адлия ходими бўлмиш тоғасининг қарамоғига ўтади. Эркинжон бу оиланинг ягона фарзанди — ёдгори эди, унгача туғилган қиз гўдаклигида ва укаси икки яшарлигида вафот этишган эди. Тоғаси адабиётни дилдан севгувчи, қўлидан Навоий, Бедил, Фузулий асарларини қўймайдиган одам эди. Уларникида шоир Чустий, шоир, таржимон, олим Алихон Соғуний, хонандалар ака-ука Шожалиловлар тез-тез йиғилишиб, Шарқнинг буюк шоирлари ижоди хусусида баҳслар қилишар эди. Эркин Воҳидовда Навоий, Фузулий ижодига, ғазалчиликка буюк муҳаббат шу оилада туғилган эди. Кейинчалик у ажойиб камтар ва дилкаш инсонлар — Ғайратий тўғараги, Миртемир семинаридан ҳам катта баҳраманд бўлди, бир умр бу устозларнинг ҳурмат билан ёдга олади. Эркин Воҳидовда шеърингта ҳавас-иштиёқ жуда эрта туғилди: еттинчи синфда ўқиётган вақтдаёқ «Муштум»да биринчи шеъри босилди ва 1961 йилда, йигирма беш ёшида «Тонг нафаси» деган илк тўплами нашр этилди. Шу вақтдан бошлаб Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Шайхзодалар эътиборига тушди ва номи эл орасида тобора кенг ёйила бошлади. Кейин ўзбек ва рус тилларида унлаб китоблар бостирди. «Ёшлик девони» (1969), «Муҳаббат», «Тирик сайёралар» (1980), «Рухлар исёни» (1979), икки жилдли «Сайланма» (1986), «Яхшидир аччиқ ҳақиқат» (1992) каби шеърини китоблари, достонлари ва «Олтин девор» (1969), «Истамбул фожиаси» (1985) ка-

би драматик асарлари ва «Изтироб» (1992) каби публицистик китоблари китобхонларнинг муҳаббатига сиёвор бўлди. У «Ёш гвардия» нашриётида бош муҳаррир, «Ёшлик» жаридасида бош муҳаррир ва Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида директор лавозимларида хизмат қилиб, маданиятимиз ривожига ўн улушини қўшди. У халқ ноёби сифатида ҳам жумҳуриятимизда адолат ва ҳақиқатни ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсатди. Унинг китоблари Ёшлар мукофотини, Ҳ. Олимжон номи мукофотни, Ҳамза номи Ўзбекистон давлат мукофотини олди, шоирга «Халқ шоири» деган унвон берилди, қатор орден ва медаллар билан тақдирланди.

Эркин Воҳидов шеърияти бугунги ўзбек адабиётида ноёб ҳодисадир. Унинг шеърияти халқ қалбига чуқур кириб борди. Бунга сабаб шоирнинг ижодга, шеърятга катта муҳаббат ва чуқур эътиқод билан ёндашиб, уни инсоннинг бахт-саодати учун кураш воситасига айлантиришидир. «Ҳамма даврларда ҳам ёзувчилар халқнинг кўрар кўзи, виждони, қалб садоси бўлганлар. Бизнинг бу чигал замонда ҳам одамлар ўз юракларидаги минглаб саволларга ёзувчидан жавоб қидирадилар, уларга умид боғлайдилар»,— дейди Эркин Воҳидовнинг ўзи. Шоир ўзбек халқининг кишилик жамияти бешигини тебратишдаги буюк ҳиссасини, ўрнини яхши билади, ундан сурурланади. Унда она-Ватан, меҳрибон халқига муҳаббати чексиз, улар учун жонини садақа деб билади ва унинг баркамоллик йўлига ғов бўлган кучларга қарши шафқатсиз туради, демак унда кураш, исёнкорлик тояси — руҳи ҳам кучли. Унда ота-боболар ишига, руҳига, орзу-армонига садоқат туйғуси мўл-кўлдир. Фалсафийлик, донолик, ҳазил-мutoйибага мойиллик, нозик ҳесатиш ва қочириқлар, киноя, рамзийлик, мусикийлик, симикийлик, соддалик, жўшқинлик, тиниқлик унинг шеъриятига хос ғазиллатдир. Унинг шеърияти ростгўй, ҳаққоний ва айни пайтда кўтаринки, ҳаётбахш шеърятдир. У «олов бўлиб» халқ қалбини иситишни бош орзу-армони деб билади. Шеърятда «бутун оламнинг шавқ-дарди мужассам» бўлишига интилади. «Рубобим тори иккидур» ғазалида ҳаётдаги қувноқликни ҳам, маҳзунликни ҳам — зиддиятли, мураккаб одам ва одамни ҳаққоний кўрсатишга беа боғланади. У «Ҳеч қачон одам дилин виждон юки, имон ёки тарк этмасин», деб куюнади, «оталарнинг эътиқоди, эзгу ҳислари, исёнкор руҳи» билан яшаш, курашиш-

га чорлайди. «Эркин Воҳидов шеърнатида,— дейди Абдулла Орипов,— абадий мавзулар хазинасига аниқ замон ва макон калити орқали кириб борилади. Халқимиз кейинги даврлар мобайнида босиб ўтган ва ўтаётган гоҳ машаққатли, гоҳ армонли, гоҳ тугъили, гоҳ ифтихорли йўлларининг манзара ва оҳанглари, садолари Эркин Воҳидов шеърнатида тўла мужассамдир».

Эркин Воҳидов бу даражада кўтарилиш учун ижоднинг узоқ машаққатли йўлларини босиб ўтди: шеърнат сирини ўрганишдан ташқари воқеликка, ҳаётга ва инсонга қарашда мустақил назарга ҳам эга бўлиш ва буларни ўзига хос тарзда ифодалаш йўллари, усуллари топиш керак эди. Эркин Воҳидовлар адабиётга кириб келган 60-йиллар бошларида адабиётда кўтаринки руҳ ҳоким эди. Айни пайтда ёш қаламкашларгина эмас, балки энг аввало Миртемир, Мақсуд Шайхзода каби катта авлод вакиллари ҳам ҳаётнинг номукамаллигидан, инсон эркини бўғувчи кўринмас занжирлар борлигидан қайғуриш ва нолишга ўта бошладилар. «Биз бугунги кун назари билан эллигинчи йиллар адабиётига «сохта кўтаринкилик», «тантанаворлик» адабиёти деб қарамаслигимиз керак,— дейди Эркин Воҳидов.— Уша адабиётлар ҳам миллионларнинг қалб эҳтиёжи туфайли яратилган. Эллигинчи йиллар ўртасида жамиятда янги руҳ, янгича қарашлар бошланди. Адабиёт ва санъатда ҳам янгиланиш белгилари пайдо бўлди; ижод заминий ҳисларга, ҳақиқатга, инсон қалбининг мураккабликларига яқинлаша бошлади».

Шу янги руҳ, янгича қараш Эркин Воҳидов шеърларида ҳам кўрина бошлади. «Юрак ва ақл» шеърнда юрак буюрган ишни қилмоқлигини, ақл жиловидан ташқарига эркин чиқишни орзу қилди. «Юрак мени алдамас» деб ишонди. «Фузулий ҳайкали қошида» шеърнда юрагига қулоқ солиб, Фузулий шеърндаги дардни тинглай бошлайди. Ундаги «Фузулий нолаи дилсўзини оҳанг тутмишлар», «Кўз ёшларнинг ҳолини ва билсин мардуми ғофил» мисраларни келтириб, «Менинг шоирлигим ёлгондир, аммо Фузулий шеърига ошиқлигим рост», дейди, яъни унингдек инсонга ҳамдард ва ростгўй бўлишни орзу қилади. Шоирдаги бу ниятни сезиб олган «сезгир» ташкилотлар — адабиёт шу тузумни фақат мақташи керак, деган посбонлар Эркин Воҳидовга таъна ва тазйиқлар қилди. Бу шеърдан икки йил кейин — 1964 йилда «Вокзалда» шеърини ёзади. Бунда «инсоннинг нечоғлик туйғуга бойлигига»

эътиборни тортиб, ана шу туйғуларни — ҳаяжон, шод-лик, умид, армон ва кўз ёшларни тасвирлайди. «Кардиограмма» (1971) шеърида ҳақиқатгўй шоир сифатида шаклланаётганлигини намоён қилди:

Юрагимга қарши бир сўз айтдимми?
Ёки кимларгадир тавози этиб
Оқни-қора дедим — имон бетабар?
Ёки ноҳақликни кўриб, эшитиб,
Кўзимни кўр қилдим, қулогини кар?

У «Ўзбекистон» фахриясини, «Илтижо» ва «Ўзбегим» каби машҳур шеърларини ҳам худди шу йиллари (1968—1971) ёзди. Шоирнинг Фузулий ҳақидаги, ақл ва юрак мунозараси ёки кардиограмма, вокзал ҳақидаги шеърларида асосий ниятини жуда яширин, мисраларнинг қат-қатига сингдириб беради. Умуман бу йиллари шоирлар имо-ишора, рамзий йўллар орқали ҳақиқатни айтишга уринардилар. Эркин Воҳидовнинг ўзи кейинча «Шеъриятимиз ишоралар шеърияти бўлиб қолганди. Мана энди, ҳамма гапни айтиш мумкин пайтда лол бўлиб қолдик. Биз бир умр ниқобни кўтаришга уриниб яшадик», дейди. «Ўзбекистон» ёки «Ўзбегим» шундай уринишлардан бири эди. Шоир юртини ва халқни инсоният жамияти тарихидаги ўрнини тасвирлаш орқали, унга ўзлигини англатмоқчи, ғурур туйғусини уйғотмоқчи ва яна улугвор ишларга сафарбар этмоқчи бўлди. Шоир «Ўзбегим» қасидаси тўғрисида «Бундай шеър халққа ўз қадрини англаш учун керак», дейди, Яна бир ўринда «Халқни мақтаган шоир улуг эмас, унинг ўзлигини ўзига кўрсатиб беролган, аёвсиз гапни айтолган шоир улуг» дейди. Ҳатто қасиданинг ўзида ҳам «Ўзлигим билмоққа даврим берди имкон, ўзбегим» деган мисра ҳам бор. Шоир қасидада улуг ота-боболардан тортиб то ўзбекининг кимлигини кўрсатишга далил бўлувчи одамийлигига ҳаммасини келтирар экан, эътиборини унинг бойлиги, борлиги, эрки, ҳуқуқининг оёқ-ости қилингани, юлиб олиб кетилганлигини таъкидлашга қаратади. Ўч, алам, армон, қаҳр-ғазаб, нафрат туйғуси ловуллаб туради:

Ёғди тўрт ёндин асрлар
Бошингга тийри камон,
Умири қурбон, мулки торож,
Юрти вайрон ўзбегим.
Давр зулминга ва лекин
Бир умр бош эгмадинг,
Сен — Муқанна, сарбадор — сен,
Эрксевар қон, ўзбегим.

Қасида эл орасида шу қадар машҳур бўлдики, 'совет империяси ҳимоячиларини чўчитиб юборди. Қасидани қўшиқ қилиб айтилишига, ҳатто шеърнинг бирор йўғинларда ижро этилишига очиқдан-очиқ тўсиқлар қўйилди. Қасиданинг бу қадар шуҳрат топиши халқ қалбида ўзлигини таниш иштиёқи уйғонганлигини тасдиқловчи далил ҳамдир.

«Ўзбегим» Эркин Воҳидовнинг «Ёшлик девони»дан ўрин олган эди. «Ёшлик девони» ўша давр ўзбек шеъриятида бир воқеа бўлган эди: шеърининг янги авлоди нингоҳини арузга, ғазалчиликка бурди ва охир оқибатда аруз ҳозирги замон адабиётимизда ўз мавқеини тиклаб олди. «Ўлмас аруз вазнига белисанд қараш ҳали ҳукмрон бир шароитда,— деб ёзганди, Абдулла Орипов,— Собир Абдулла, Ҳабибий, Чархий сингари муътабар сиймолардан кейин мумтоз ғазалиётимизнинг олтин эшиклари абадий бекилади деб каромат қилишаётганда ёш авлод орасидан биринчилардан бўлиб Эркин Воҳидов арузнинг табаррук остонасида посбон янглиқ пайдо бўлди».

Бу Эркин Воҳидов ижодида тасодифий ҳодиса эмас эди. У ёшликдан мумтоз адабиётга меҳр қўйган, унинг фалсафийлиги, теранлиги, ҳиссий жўшқинлиги, кўтарики руҳи, сербўёқлиги, маънавий изчиллик, ички мусиқийлик ва юксак санъатидан тинмай ўрганар эди. «Классик адабиётнинг ўзи менинг таянч нуқтам экан. Чунки мен ёшликдан классик адабиёт руҳида тарбияланганман», дейди шоирнинг ўзи. Эркин Воҳидовнинг «Ҳаёл», «Сенга бахтдан тахт тиларман», «Дўст билан обод уйинг», «Севги шундай навбаҳорким...» каби ўнлаб ғазалларига қуй басталаниб, халқнинг севимли қўшиқларига айланиб кетди.

Ана шу «Ёшлик девони», ундан кейинги шеърияти, айниқса «Тирик сайёрлар» туркуми, «Донишқўшлоқ латифалари», «Руҳлар исёни» достони, «Истамбул фожаси» драматик достони, «Олтин девор» комедияси Эркин Воҳидовнинг зўр истеъдод, тугма талант эгаси эканлигини тасдиқловчи асарлар эди. У ёзганди: «Истеъдод — бу мумкин бўлмаганни мумкин қилиш, ҳукмрон эстетик принципларни сингдириш, шеърят мана бундоқ бўлади деб янгича нуқтаи назарга одамларни ишонтириш демакдир. Одатда улуғ истеъдодлар ижоди бир қанча вақтгача жамиятнинг дидини белгиловчи мезон бўлиб қолади».

Бу ажойиб сўзларни Эркин Воҳидовнинг ўзига ҳам нисбат бериш мумкин. Эркин Воҳидов шърияти ва комедияси қудратини, умуман унинг ижодининг жозибасини белгилайдиган бир бош нуқта бор. Бу улардаги чуқур миллий руҳ, миллий тафаккурдир. Миллийлик ижодкор асарларининг мазмуни, материали, фикрлаш тарзи, қаҳрамонлари характерида, образларида, ифода воситаларида, жанрида ётади. Унинг ўзи «Лекин мен ҳеч қачон ғарбий қирғоқлардан адабий шакл ва оҳанглар ахтарган эмасман, ўзимни икки оёғим билан шарқий қирғоқда турган одам деб ҳисоблайман... Ҳар бир халқнинг миллий хусусиятлари санъатида, адабиётида ёрқин намоён бўлади. Миллатлар бир-биридан тили, урф-одати билангина эмас, фикрлаш хусусияти билан ҳам ажралиб туради... Шунинг учун ҳам муайян оҳанглар муайян халқларга марғуб ва майзур» деб ёзади.

Фарғона водийсида Эркин Воҳидовнинг «Донишқишлоқ латифалари» туркумидаги афандинома одамлар тўғрисидаги латифалари кенг тарқалган. Эркин Воҳидов шу латифалар асосида Матмуса тўғрисида ўнлаб ҳангомалар яратди. Ташқи томондан шунчаки беозор кулгили воқеа бўлиб туюлган бу латифаларда одамлар ва воқелигимиздаги жиддий иллатлар фош қилинади. «Матмусанинг чархпалаги» ҳангомасида Матмуса чархпалакни тескарисига ўтқазиб қўяди, одамлар нима қилишини билмай, гоҳ чархпалакни гал билан тескарисига айлантирсак, гоҳ дарёни тескари оқизсак, деб маслаҳат беришади ёки «Матмусанинг тандири»да у шундай тандир қурадики, оғзидан бошини чиқаролмай қолади. Эркин Воҳидов ҳангомалари хусусида сўзлаб шундай ёзади: «Донишқишлоқ латифалари»ни ўқиб ҳамма кулади. Ваҳоланки, мен уларни алам билан ёзганман. Ақл-идрокка эйд, тескари ишларимиз эл бошига кулфат ва уқубатлар келтириб ётгани сир эмас-ку. Қосаси тескари қурилган чархпалаклар камми? Бир пардани тутганча қолаберган, бир хил оҳангни қўймай чала берган матмусалар озми? Ўзимиз яратган қолипларни кийиб олиб йўлни қуролмай, осмонга қараганча кетаётган ҳолларимиз йўқми? Булар кулгили ишлармас, ачинарли, офатли ҳодисалар».

Эркин Воҳидов воқеавий сюжет асосига қурилган кўплаб ҳазил шеърларини ҳам ёзган. Буларда инсон руҳиятини, унинг характерини, психологиясини жуда юзик ва ёрқин чизади («Соф ҳавонинг фойдаси» каби).

Эркин Воҳидовнинг «Ёшлик девони» гача бўлган шеърлари бошқа пардала, бошқача усулда ёзилган бўлса, «Ёшлик девони» аруздаги ғазаллар, қасидалар, ғазрийлардан иборат. «Донишқилишлоқ латифалари» эса ҳазил-ҳажв калитида, воқеавий сюжет асосида яратилган. «Тирик сайёралар» туркуми умуминсоний мавзулардаги фалсафий-публицистик йўсинда ижод қилгандир. 80—90-йиллардаги шеърларида воқеликнинг, ҳаётнинг зиддиятли жиҳатлари, дунёнинг мураккаб, ғаживий томонлари, инсон қалбидаги изтиробли тўлқинлар, туғёнлар, руҳий исёнлар ғоят чуқур ва теран таҳлил этила бошланди. Энди 60—70-йиллардаги романтика, кўтаринкилик ўрнини таҳлилийлик эгаллайди. Эркин Воҳидовнинг ўзи атайин шундай изланишлар, тажрибалар қилаётганини тан олади. «Лекин буни ижодий эстетик маслакдан чекиниш деб бўлмас,— дейди у.— Бу китоб ҳали юрак туйғуларига, унинг ҳолатларига ифода услубини излаш йўлидаги бир уриниш...»— дейди. «Тирик сайёралар»ни назарда тутиб.— Сўнг ҳадеб бир хил оҳангда, бир хил мақомда ёзавериш, одамларнинг меъдасига тегмадингми, деган савол юки. Шоир қанча кучли, ўзига хос бўлмасин, бир оҳангда, бир услубда ёзаверса, ўз-ўзини такрорлаб қўйиши мумкин».

«Тирик сайёралар» шеърида инсонни, унинг руҳий оламини ўрганиш мушкуллигига эътиборни қаратади. «Унинг ўзи сирли бир дунё», «Аммо не бор ўз юрагида билмай ўтиб кетадир инсон». «Бонг уринг», «Ёлғизлик истаги», «Темиртан даҳолар», «Арслон ўргатувчи», «Қумурсқалар жанги», «Ёмоннинг сўзи»— булар инсоннинг сийрати ва суратини чизишга бағишланган. Одамларни янги уруш хавфини олдини олишга, турғунлик ва ёмонликка қарши курашга, қалб кўзини очишга чақиради:

Одамлар,
уйқудан уйғонинг,
Шошилинг,
қидиринг тез нажот.
Жон куйсин,
қалб ёнсин, сиз ёнинг,
То ёниб кетмасин
бу ҳаёт.

Эркин Воҳидовнинг «Нидо», «Рухлар исёни» поэмаларида ҳам шу руҳ ҳокимдир. Шоир «Нидо»да «дунёда

ни қутлугъ эътиқод учун» фидойиларча жанг қилиб қурбон бўлган отаси баҳонасида (отаси аслида оғир ярадор бўлиб келиб вафот этган эди, бу ерда шоир умумлаштириб олмоқда) тарихнинг сабоқли нуқталари, халқнинг жасорати, фарзанднинг ота ҳажридаги изтироблари ва унинг «мардлик мактаби»дан олган таълими, улар руҳига садоқатини ифодалайди. Ота ва уруш ҳақидаги ўй ҳозирги қалтис замон — «ташвишли дунё, ермашаққат олам» ҳақидаги баҳсга айланади, фарзанд шу оламнинг ўз «елкасида қолганини» чуқур ҳис этди ва «она тупроқни бу дунёнинг жаннатига» айлантиришга қасамёд қилади. Шоир она ер «киприкдаги ёш наби титраб турибди», уни авайлайлик, дейди.

«Руҳлар исёни» поэмаси ёзувчининг, шоирнинг граждандлик бурчи, замон, халқ, кишилик тарихи ва келажик олдидаги масъулияти ҳақидаги, инсониятнинг юксак орзу-армонлари учун ўзини фидо қилган улугъ сиймолар тўғрисидаги асардир. Поэмада инқилобий шоир Назрул Ислон тақдири мисолида аввало руҳ масаласининг ҳаётий ва фалсафий илдизларини очади. Халқ ва унинг бахти, порлоқ келажак учун курашиб ўтган улугъ одамларнинг руҳини олий руҳ, дейди. Худди шу руҳни эътиқод, имон, виждон деб талқин қилади ва шунинг учун бу руҳ одамларни эзгу ниятлар, гўзал ишлар сари етаклайди, ёмонликнинг олдини олиб, яхшиликка йўл очади, адолат ва ҳақиқатни ҳимоя қилади. «Тутқунликда» бобида Назрул Ислон кўз олдидан аввал йишган шоирларнинг оғир қисмати ўтади: Рудакий, Фирдавсий, Навоийлар адолат учун курашиб, уни тополмай ва зулмни енголмай фарёд чекиб ўтдилар. Уларнинг «нидоси Назрул фарёдига ўхшайди». Насимий, Пушкин, Лермонтовлар жаллол тузумни «ўққа тутдилар», лекин у машъум тузум бирининг терисини шилди, иккинчисини дорга осди, қолганларининг қалбини ўққа тутди. Назрул Ислон озодлик учун курашди, барча орзу-армони шеърларига, халқнинг қалбига кўчди — «Олий руҳлар» сафига қўшилди. Эркин Воҳидов руҳ ҳақидаги афсоналар, нақллардан абадиёт, фидойилик, жаҳолат, шоирлар ва пайғамбарлар тўғрисидаги ривоятлардан фойдаланади ва эзгу ниятини ифодалашга хизмат эттиради. Эркин Воҳидов «Замон унинг ёниб турган юрагини сўради», дейди ва талант қимматини ижодкорнинг халқининг эзгу орзу-армонлари учун хизмат эттириш нуқтаи назаридан баҳолайди:

Ҳар нечаким эур истъодод,
 Тошқин илҳом,
 У нега,
 Халқинг ётса
 чекиб фарёд.
 Ярамасанг кунига.
 Шоир эрсанг,
 Шоир бўлиб
 Нега келдинг ҳаётга,
 Элинг ётса
 дардга тўлиб,
 Келолмасанг нажотга.

«Абадият ҳақидаги ривоят»да бефойда узоқ умрдан эмас, балки халқ, жамият учун фойда келтирган қисқа умрда абадийлик ётади, «Фидойилик тўғрисида» ривоятда «ҳақ учун бош тутган мардлар, фидойилар» боқийдир, «Жаҳолат тўғрисида ривоят»да шоирнинг вазифаси «қалблар кўзини очмоқ»дир, дейди.

Эркин Воҳидовнинг «Олтин девор», «Истамбул фожиаси» асарларининг асил моҳияти ҳам инсоннинг қалб кўзини таҳлил этишдан иборатдир. «Олтин девор» ёзилгандан буён саҳнадан тушмайди. «Олтин девор»ни жозибали комедия даражасига кўтарган омиллар унинг сюжети, конфликти, ҳолат-вазиятлари ва характерларининг соф кулги ҳамиридан ясалишидадир, аynи чоқда муаллифнинг кулги ҳосил қилувчи хилма-хил воситаларни қўллаб, уларни бош ниятни рўёбга чиқаришга хизмат эттиришидир. Унда комик жанрининг синалган усулларида булмиш сир сақлашнинг бир неча кўринишлари бор: мақсадни билдирмаслик, воқеа қизиқерга келганда уни тўхтатиб қўйиш, персонажнинг ўзини танитмаслиги — бошқаларнинг ролида ўйнаши (Зухронинг Дилором бўлиб кўриниши ёки милиция лейтенанти Анварнинг Қиличбек исмида қора илон Саидмаликни фош қилиш учун унга гумашта бўлиб хизматга кириши), персонажларнинг имтиҳондан, сийовдан ўтказиш усули. Муаллиф олтин кўчлими, эски урф-одат кўчлими ёки чин муҳаббат, инсонийлик кўчлими, деган жумбоққа диққатни тортади. Зотан конфликт калавасининг учи ҳам тўйдан бошланади: қоровул Мўмин ўғли Нодирга ямоқчи кўшниси Абдусаломнинг қизи Дилоромни олиб бермоқчи бўлади. Абдусалом «ўзим камбағал бўлсам ҳам ҳимматим баланд», деб Мўмин олдида катта шарт қўяди (шарт қўйиш ҳам комедия жанри хусусиятларидан). Тўйни кимникида ўтказиш хусусида ҳам тортнишиб, охири ўртадаги деворни бузиб,

бир ерда ўтказишга қарор қилишади. Шунда девор остидан кўзачада олтин топиб оладилар. Кўп тортишади, насл-насабини ўртага қўйишиб, олтинни тенг бўлишади. Энди муаллиф шу олтинни ўз персонажларининг руҳий олами, онги, инсоний қиёфасини намойиш қилувчи кўзгуга айлантиради. Энг аввало бу олтин Нодир — Дилором муҳаббати ўртасида қўйилган «тирик девор»ни келтириб чиқаради: олтинларни заргар Саидмаликка пуллаб, кеккайиб кетган Абдусалом Дилоромни Нодирга бериш ниятидан қайтади ва Қиличбекни куёв қилмоқчи бўлади. Мўмин эса тилла масаласига бутунлай бошқача қарайди (Қиличбек «ҳақиқий имтиҳон энди бошланди», деганда шу тилла келтирган машмаша — ташвишни назарда тутати). Мўмин содда, ҳалол, имонли одам, у фронт кўрган. Олтинни олишга олиб қўйиб, нима қиларини билмайди, бутун ҳузур-ҳаловати йўқолади, кечалари алаҳсиб чиқади, жиннига ўхшаб қолади. Дарвоқе Мўминнинг юриш-туриши, ҳолатидаги шу кескин ўзгаришлардан, айниқса, олтинни ўғирлатиб қўйганидан кейинги оғир аҳволидан (Саидмаликлар олтинни ўғирлаб, ўрнига тош солиб қўядилар) оила аъзолари ҳам, қўни-қўшнилари ҳам уни жиннига чиқаришади. Саидмалик бундан фойдаланиб, уни жиннихонага бериб юборади. Врач «кўзингизни очинг», «тилигизни кўрсатинг», деса «кўзингизни очинг» «тиллангизни кўрсатинг», деб англайди. Бу ҳам кулдириш йўллари. Драматург Мўмин ҳолати ва драматик тақдири орқали олтиннинг «сариқ шайтон», «сариқ иблис» эканлигини кўрсатади. Абдусаломнинг ҳам пешонаси деворга теккач, кўзи очилади, Мўминдан кечирим сўрайди. Асарда таҳлил қилиш усули (Мўмин ўзини милиция ходими ўрнига қўйиб, унинг номидан ўзига ўзи буйруқ беради), назият, ҳолатни такрорлаш йўлидан (Мўмин ва Абдусаломларнинг ўз насл-насаби ҳақидаги гаплари), икки томоннинг бир-бирини алдаши, пойлаши усули бор. Мазкур асарда персонажларнинг психологик дунёси, ички коллизиялари тирак очилган. Шу маънода уни лирик комедия дейиш мумкин. Асардаги севги чизиги ҳам бунга асос бўлади. Айни чоқда Саидмалик ва қисман Абдусалом образларини чизишда драматург сатирик бўёқлардан ҳам фойдаланади, Саидмалик кишини нафратлантирувчи образга айланган. Хуллас, асар жуда томошабоп, мафтункордир.

«Истамбул фожиаси» чуқур психологик асар. Унда имон, эътиқод, виждон, бурч, инсонийлик масаласи

тахлил этилади. Кутилмаган воқеа — Жалолнинг иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган укаси Искандарни Истамбулда учратиб қолиши шу ака-ука ва аканинг хотини қалбини, руҳий оламини очишга хизмат этдирилади. Учовининг алоқаси ҳам жуда чигал, мураккаб: Искандарни урушда ҳалок бўлган деб унга ёдгорликлар қўйилади, аслида у яраланиб, асирга тушиб ўзга юртларда хор-зор бўлиб, ватан куйида ўртаниб юради, шу Искандар туфайли Жалил амал пиллапояларидан юқорига кўтарилади, энди укасининг тириклигини кўриб, боши берк кўчага кириб қолади, хотини эса Искандарнинг тириклиги элга маълум бўлиб қолса, у туфайли онла топган бахтдан ажралиб қолиш қайғуси — булар асарни драматик изга солади, унинг устига Искандар Саодатни севар эди ва ҳозир ҳам севиши, Жалол уни тортиб олган эди ва Саодат эса Жалол позициясини ҳимоя қилаётганлиги яна вазиятни таранглаштиради. Драматург Искандарнинг бошидан шунча оғир синовлар ўтса-да, эътиқоди мустаҳкам, виждони пок, чин инсонлигича қолганини намоён қилишга диққат қилади. Акаси ва суюклиси билан учрашув унинг шу инсоний туйғуларини очишга хизмат қилади. Жалол ва Саодатга келганда, муаллиф шу ўта қалтис учрашув жараёнида улар онги, қалбида буюк бурилиш юз берishi, виждон амрига бўйсуниб, ўтмишдаги хато, жиноят, фирромлик, манфаатпарастлик, шахсиятпарастлик иллатларидан фориг бўлишларини акс эттиради. Гарчанд Жалоллар фожиясининг бош сабабчиси машъум уруш деб кўрсатилса-да, аслида Жалол характерида ҳам адолатсизлик илдизлари бор эди, уруш ва турғунлик йиллари бунга қанот берди. Шундай қилиб, драматург ҳам инсон характери, ҳам замонни бир бутунликда таҳлил этиб, инсондаги замонни ва замондаги инсонни ҳаққоний кўрсатади.

80-йилларга келиб, айниқса 1985 йилдан кейин жамиятимизда юз бера бошлаган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар, айниқса жумҳуриятимизнинг миллий мустақилликка чиқиши айниқса Эркин Воҳидов илҳомига илҳом қўшди, журъатига журъат. Шоир энди истиқлолни мадҳ этиш билан овора бўлмади, аксинча жамиятимизни ва одамларимизни баркамол бўлишига халақит берувчи иллатларни аямай фош этишга бел боғлади. «Девонаи ҳақгўй» туркумига кирган «Дардошлик», «Қуролсизланиш», «Биздан кейин ҳеч бир авлод қайта қурмасин», «Эски ҳаммом, эски тос», «Уяг-

чанлик», Ажаб эрмас», «Денгиз ташлаб кетган кема-
лар» каби шеърлари, «Изтироб» деган каттагина пуб-
лицистик китоби, «Яхшидир аччиқ ҳақиқат» деган шеъ-
рий тўплами халқ, ватан тақдири билан куйиб ёнган
фидойи шоирнинг қалбифодасидир. Эркин Воҳидов
«Бизга ўз ватани, халқига садоқатли, ўзга жаннатни
эмас, балки ўз юртида жаннат бўлишини истаган, шу
эзгу мақсад учун курашга ҳозир фидойилар керак»,
дейди. У юрак-юрагидан халқнинг уйғониши, ўзлигини
таниши ва бирлашишини, ҳақиқат учун жонини тикиб
курашиш кераклигини тарғиб қилади: «Фикрда инқи-
лоб қилиш зарур», «Халқ эртанги куни яхшироқ бўли-
шини истаса, бирлашмоғи, уюшмоғи ва ҳақиқат учун
курашмоғи керак», «Энди бундай кўнувчанлик билан
яшаш халқ ва ҳақ олдида катта гуноҳ» дейди. Шоир-
нинг кейинги ижоди мана шу инқилобий руҳи билан
жозибалидир.

(1941)

Абдулла Орипов ҳозирги замон ўзбек шеърининг йирик вакилларида бири. 60-йилларда адабиётга кириб келган Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов ўзбек шеъриятида янги тўлқинни бошлаб бердилар. Абдулла Орипов ҳаётга, воқеликка ва инсонга, замонга янгича кўз, янгича нуқтаи назардан қаради ва шу туфайли илк шеъридан ҳақиқат изловчи ижодкор сифатида кўрина бошлади. У ҳаётдаги гўзалликдан беҳад қувониб, хунукликдан қаттиқ изтиробга тушди, яхшиликни эҳтирос билан шарафлади, ёмонликни қаҳр-заб билан танқид қилди. Бу муаммоларга Ватанни ва Инсонни севиш, ардоқлаш, баркамол қилиш нуқтаи назардан ёндашди. Ватанини онаси каби улуғлади ва баркамол инсонни кўриш бир умрлик орзу-армониға айланди.

Абдулла Ориповнинг таржимаи ҳоли оддий, ўз тенгқурлариникидан фарқ қилмайди. Аммо у халқ таржимаи ҳолини ўзиникидай идрок қила олди, ўзини мураккаб ва ранг-баранг шу оламнинг, замоннинг бир фарзанди деб ҳис қила билди. Шунинг учун унинг руҳий таржимаи ҳоли ғоят бой, ранг-рангдир. Абдулла Орипов 1941 йилда Қашқадарё вилоятидаги Некўз қишлоғида дунёга келди. Бу қишлоқ қир ёнбағрида катта кенгликда жойлашган, баҳова жой. Тунда кўкка қарасангиз юлдузлар қўлингиз етадигандай жуда яқинда ярқираб туради. Абдулла Орипов шеърларидаги кенглик, тиниқлик илдизлари шу ерда бўлса керак. Абдулла доно, очиқ кўнгил отаси узоқ йиллар қишлоққа раҳбарлик қилган жуда обрўли одам. Абдулла Орипов ўрта мактабни битиргач, Тошкентга келди ва доирлфунунни битирди. «Ёш гвардия» нашриётида, Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррирлик қилди, «Шарқ юлдузи» журналида ишлади, «Гулхан» журнаliga бош муҳаррирлик қилди, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига котиблик қилди. Ҳозир республика ёзувчилари ҳуқуқини муҳофаза қилувчи ташкилотга раҳбарлик қилади. Абдулланинг биринчи шеъри бўлмиш «Учқун» матбуотда 1957 йили босилган, илк тўплами «Юлдузча» деб номланган, у 1965 йилда нашр этилган. Шундан кейин унинг деярли ҳар йили битта шеърый китоби нашр этилди («Онажоним», «Юр-

тим шамоли», «Ўзбекистон», «Юзма юз», «Йиллар ирмони», «Ишонч кўприклари», «Ҳаж дафтари»...) Абдулла Орипов томонидан ўзбек тилига таржима қилинган Дантенинг «Илоҳий комедия»си маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлган. Абдулла Орипов халқнинг меҳр-муҳаббатини қозонган, унинг қалбидан мустаҳкам ўрин олган етук сўз санъаткори даражасига кўтарилган ижодкордир. Шу туфайли у қатор мукофотлар совриндоридир (жумладан Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти), Ўзбекистон халқ шоири деган юксак унвонга сазовор бўлган. У мустақил Ўзбекистон Республикаси мадҳиясининг — гимнининг муаллифидир.

Адабиёт майдонига қадам қўйган одам ижодкор масъулиятини, халқ, жамият ва тарих олдидаги бурчини, вазифасини қандай тушунади, қайси йўлдан боради, қандай орзу-армонлари бор, имон-эътиқоди мустаҳкамми — ҳамма нарса шунга боғлиқ. Ижодкор талантининг камол топиши, бор имкониятини намоён қилишнинг илдизи шу ерда. Абдулла Орипов шеърятга илк қўйган қадамидан йўлини, идеалини тўғри белгилади. У дастлабки шеърларида бошлаб ўз эстетик принципларини — ижод дастурини тўғри белгилади. «Учқун» (1957) шеърида:

Шалодадек бўлса шеърларим,
Еғду сочса мисли аланга.
Сидқидил-ла қобил ўғилдек
Хизмат қилса элга, Ватанга.

У ўша пайтда «осмонларнинг ҳилоли» ё ёруғ юлдузи бўлишни орзу қилди. Ҳали 1962 йилда ёзган «Куз қўшиқлари» шеъридаёқ табиат ва инсон бирлиги, умр ва абадийлик, инсон умрининг қисқалиги хусусида кексалардек фикр юрита бошлади. Бу туйғуси ўзига эриш туюлади ва «Гарчанд йигит ёшим, яшнаб турса ҳам кексалик қисматин ўйлайман шу дам», дейди ўша шеърида. Абдулла Орипов шу шеъридан 30 йил кейин бундай деб ёзди: «Дорилфунундаги бир учрашувда шундай бир савол тушган эдики, «Нима учун қарияларга ўхшаб шеър ёзасиз?» Мен энди нима қилай, шунақанги шеър ёзгим келганидан ўзимни айблайман. Ўзи руҳиятим шунақароқ, ҳайронман». Аслида бу унинг илк ижодидан тугила бошлаган теранлик, фалсафий идрок белгиси — фазилати эдиким, кейинча унинг ижодининг етакчи хусусиятига айланиб кетди.

Абдулла Орипов ижодининг бош мавзуси, асосий муаммоси, бош хати деб Ватанини, халқини, инсонни ва ҳақиқатни куйлаш деб билди. «Ўйлардимки...» (1963) шеърида «Қатта йўлга чиққанман», дейди ва дунёнинг улкан дардлари турганда майда икир-чикир туйғулар ва арзимас гаплар билан овора бўлишни қаттиқ қоралайди. «Адабиётда гражданлик мавзуси, ижтимоий тема ҳамма вақт асосий ўринда бўлиб келган. Бусиз халқ юраги, замон дилига кириб бўлмайди. Шу маънода Ватан мавзуси энг ижтимоий мавзулардан биридир», дейди шоир. Абдулла Орипов «Эҳтиёж фарзанди» номи билан нашр этилган мақолалар тўпламида (1988) шеър ва шоирлик сир-асрорини янада чуқур ва равшан очади. Унингча, шеър кучли ҳайратланиш, юксак завқ ёки қаттиқ қаҳр-ғазабдан, руҳий ташналикдан, чексиз эҳтиёждан туғилади. Шеър тақдирини ўта самимийлик, юксак даражадаги соддалик, ҳаққонийлик, «тасвирда ҳаётийлик, психологик терапик ва ишонарлилик», шоир услубининг бетакрорлиги ҳал қилади. Мумтоз адабиётни — Шарқ шеъринини юракдан севадиган Абдулла Орипов «Классиклар ижодига хос бағрикенглик, руҳий бепоёнлик, жаҳоний дардкашлик ҳали кўп авлодларга маҳорат мактаби бўлажак», «Навой ғазалларида (умуман Шарқ классик шеъринида) ногоҳоний образлар, муқоясалар, фикр ўйинлари шунчалик кўпки, битта мисранинг ўзидаёқ уларнинг ҳаммасини топиш мумкин», дейди. Абдулла Орипов айниқса ижодкорнинг миллий тафаккурга эга бўлиши масаласини жуда жиддий қўяди. Жаҳон шеърини шакли ва тасвирий воситаларидан, образ яратиш йўлларида ўрганиш зарурлигини уқтиргани ҳолда «шарқона руҳий терапик»ка эришиш кераклигини, «таржима қилиб бўлмас даражада миллий шоир бўла билмиш санъатини ўрганиш» лозимлигини айтади. Абдулла Ориповнинг ўзи худди шундай шоир бўлганлиги учун ҳам унинг асарлари бошқа тилларда, жумладан рус тилида бутун жозибаси билан жаранглаб чиққанича йўқ. Абдулла Ориповнинг шоир ва шеър ҳақидаги юқоридаги мулоҳазалари шунчаки панд-насиҳат бўлмасдан аввало унинг ўз ижодида рўёбга чиққан фазилатлардир, унинг ўзига хос услубий белгиларидир. Шоир шу тажрибаларидан келиб чиқиб ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташламоқда.

Албатта, Абдулла Орипов дарров ўзи юқорида айтганидек етук шоир бўлиб қолмади. У устозлар

мактабидан ўқиб баҳраманд бўлди (Навоний, Бобур, Ғафур Ғулом ва бошқалар), дастлаб уларга тақлид ҳам қилди, кейин ҳаёт ва инсон ҳақида мустақил фикр-лайдиган ва уларни ўз нуқтаи назаридан «ўз сўзлари, бадний воситалари орқали тушунтиришга ўтди, ўз овозини топди. Абдулла Орипов Ғафур Ғуломга катта эътиқод қўйган эди, унинг тўғрисида бир нечта шеър ҳам ёзди. Дастлабки шеърларида Ғафур Ғулом оҳанги, оламини тушунтириш тарзи жуда равшан сезилди, ҳатто устознинг образларини сезиб-сезмай қўллаб юборган чоғлари ҳам бўлди: Ғафур Ғулом «Шуҳрат қолдирмоққа Геростратдек Диана маъбудин ёқмоқ шарт эмас» деб ёзган бўлса, Абдулла «Дунёда бирор ном қолдирмоқ учун юрт бузиш шарт эмас деган гап-ку рост» деб мисолга тортди. Ғафур Ғулом «Қишнинг гулдуросини кутиб аграйма карнай овозига ишқибоз кардек» деган бўлса, Абдулла «Бамисоли карнайга ишқи тушган кар боқиб бу савдога ҳайрон ўсдик биз», деб ёзди. Ғафур Ғулом «Ҳаётимиз ҳали минг «Шоҳнома» бўлади» деса, Абдулла «Сенинг шавкатингнинг ёзаверса гар «Шоҳнома» янглиг бир дoston бўлгуси», дейди. Бу — ҳар қандай ижодкорнинг ўқувчилик даврида учрайдиган табиий ҳолдир. Абдулла Ориповнинг илк шеърларида ва ҳатто 80-йиллардаги айрим шеърларида воқеликни марксча-ленинча дунёқарашдан, коммунистик партия ва социалистик реализм ақидалари нуқтаи назаридан баҳолаш билан боғлиқ иллатлар бор эди. Бу — совет даври адабиёти учун қонуний тусга айланган ҳодиса бўлиб, ундан холи ижодкор жуда кам топилар эди. Абдулла Орипов 1960 йилда ўтмиш ва ҳозирги замонни муқояса қилиб туриб, «Ва ул жаллод замон битган абадий» («Пушкин») дейди. Ёки ««Она» сайёра» (1969) шеърида «Унинг кучоғида ғамдан йўқ нишон, у ерда тентимас иблис хаёли» дейди, «Юртим шамоли» шеърида «Фақат қайғулардан сен ўзинг холи» дейди юртига. Ёки Америка туркумидаги шеърларида у ердаги ибратли, нурли томонларни қидириб ўтирмайди. «Ленин» шеърида мангулик тўғрисида фикр юритар экан, «дунёда собит нарсa йўқ асло?», деб ҳайратга-таажжубга тушиб фақат Ленин «севгидай абадий ва суюкли қолади», деб хулоса қилади. Абдулла коммунизмга ҳам самимий ишонган эди ва комил инсон ва адолатли тузум фақат шунда туғилса керак, деб умид қилган эди: «Фақат коммунизм — ул эзгу ният, инсонга софлигин берар қайтариб», «Унда мен ахтарган энг пор-

лоқ инсон, унда мен истаган синмас ҳақиқат», дейди. Етмиш беш йиллик совет даври далолат берадики, жаллод замон ҳам, адолатсизлик ҳам, чексиз қайғу-ҳасрат ҳамма-ҳаммаси унда тўлиб-тошиб кетган эди. Коммунизмдан ҳам қайтилди. Абдулланинг бундай шеърлари кўп эмас эди. Борлари ҳам ўша муҳит, ўша давр одати бўйича ёзилиб келинган эди. Унинг ўзи кейинча «50-йилларда кўпчилик нима мавзуда, қайси шахс ҳақида шеър ёзган бўлса, мен ҳам ўша атрофида нималарнидир ёзаверганман», дейди. Ҳатто «Авлодларга мактуб» (1966) шеърида ижоддаги ёлгончиликка ишора қилиб «Дўстлар, жасоратин гоҳи-гоҳида бироз кўпиртириб ёзар эдик биз», деган эди. Аслида Абдулла Ориповнинг бу даврлардаги ва кейинги ижодида аччиқ ҳақиқатни айтиш бош фазилат эди. Шу туфайли у ғам-ғусса тўғрисида, номукамал инсон ва ғурбатли ҳаёт ҳақида кўп ва хўп ёзар эди, шу туфайли уни ғамгин шоир дейилар эди. Қайсидир танқидчилар уни ғамгин шоир эмаслигини таъкидлар ва исботлашга уринар эди (М. Қўшжонов Абдулла Ориповни баъзи бировлар мунгли шоир дегандек бўлардилар. Бизнинг назаримизда, Абдулла мунгли шоир эмас, балки унли шоир» дейди).

Абдулла Ориповнинг ўзи ҳам бу таъна-танбеҳларни эшитиб жим турмади. «Шоир» (1966) шеърида «қалбимга оламдан оқар оҳанглар», дейди, яъни шеърида қандай оҳанг, руҳ, кайфият, қандай дард бўлса, улар шу ташқи оламнинг инъикосидир, инсон қалбининг акс-садосидир, демоқчи:

Парво қилма, дўстим, эзилма сира,
Ғамгин қўшиқларни куйласа шоир.
Мисралари гарчанд маънос ва хира,
Лекин барчаси ҳам қалбига доир.

Абдулла Орипов ўз ижодидаги фожиавий руҳ илдиэларини ҳам очиб беради. «Муҳаббат» (1965) шеърида ўртоқлари шоирни ўртага олиб, унинг ғам-ғуссага тушишидан таажжубини айтишади, айтгин ахир, нима сенга етишмас, нима?» деб сўрашади. Унинг уқтиришинча, инсон шод, бахтиёр бўлса, ҳаётда фақат шодиёналикни кўради, дарди бўлса, ташқи дунёдаги ўз қалбига туташ ғам-аламни кўради. «Боқувчи кўзида ғам бўлмаса агар айт-чи, ким порлоқ юлдузни ғамли деб айта олади?» («Пушкин»), ҳатто «Валий наздида ҳам бенурдир жаҳон магар ўз қалбида бўлмаса зиё» («Зиё»). Гап шундаки, Абдулла халқ дардини,

юртининг ғам-ғуссасини, инсоният юрагидаги оғриқни ўзиники деб ҳис қилди. Унинг кўз ўнгида «Ғамлардан тўқилган шу кўҳна олам» туради, у одамзоднинг дил ярасини санаб етолмайди охиригача» («Уйқу»).. Шунинг учун «инсон учун минг оташда куяр эдим мен» дейди. («Ўйларим»). ««Муножот»ни эслаб» каби ўнлаб шеърлар ёзиб, инсон фожиаси, халқимиз тарихидаги фожиавий нуқталарни теран таҳлил қилади. У ўз асарларида ғам-алам, дард, изтириб, мунг ва армоннинг куплигини яхши билади. Паҳлавон Махмуд тили орқали «Ҳаётсан, бунчалик фарёд айлама», дейди. Шоир одам ва олам фожиасини кўрсатиш орқали кишини руҳий тушқунликка солмоқчи эмас, йўқ, аксинча уни огоҳ қилмоқчи, қалб кўзини очмоқчи, уйғотмоқчи ва зулм, ёмонликка, адолатсизликка қарши курашга чақирмоқчи, сафарбар этмоқчи. «Балки ер юзида қолмас эди ғам, бундан ҳам ёруғроқ бўларди, дунё» деб комил инсон, инсонпарвар жамиятни орзу қилади. «Бўлармикан бу дунёда бир мурод ҳосил, тугалликка етишарми бирор кун жаҳон!» ва «Сен қайдасан, покдомон зот, фидойи Инсон!» деб ҳайқариши ҳам шундан. Йўқ, Абдулла фақат фожияни тасвирлаш билан банд бўлмади ва яхшилик, эзгулик, гўзалликни, ёруғликни излади, уларни меҳр-муҳаббат билан куйлади. «Гўзаллик!» (1966) шеърида «Шундай гўзалларни яратмасанг гар қолиб кетармидик донмо ғамда» дейди ва бошқа бир шеърида «Кечаги ғамини ўйласа обдан букчайиб қоларди бугун одамзод», дейди. «Арманистон» шеърида шундай ёзади:

Бахтни куйламакка анча моҳирман,
Ғамларни куйламакка тилларим тугун.

Абдулла Орипов ижодига хос бош фазилат бор. Бу руҳий эркинлик, исёнкорликдир. Ҳар қандай кашфиёт, ҳар қандай янгилик, ҳар қандай талант, буюклик илдири хурфигрлиликдадир. «Дунёга сизмаган буюклар почор», деб бежиз ёзмаган Абдулланинг ўзи ҳам. Китобхонлар Абдулланинг ўша хурфигрли ва исёнкор руҳли шоир сифатида шеърингга кириб келаётганлиги учун унинг илк асарларидан бошлаб севиб қолган эди. Турғунлик ҳукм сурган ва ҳар қандай йилт этган хурфигр қатагон қилинган ўша пайтларда Абдулланинг ҳаққоний шеърлари қувгун қилинар эди. «Дунёни бир кўлмак ҳовуз деб билган тилла балиқча»ни— худбин, калтафаҳм ва жоҳил инсонни кўрсатувчи «Тилла ба-

лиқча» шеъри ёки «Миноран калон тепасидаги лайлак» шеърлари туфайли қандай маломатларга қолмади шоир. Лайлак ҳақидаги шеърида шоир ўзбекининг ўзлигини билдирувчи кўплаб фазилатлар, миллий белгилар, миллий жозибалар суриб чиқарилиб, қандайдир белгисиз ҳолга келиб қолганлигига киноямуз ишора қилади. «Ажаб қушнинг оёқлари гўзага ўхшар, қанотлари эса унинг пахтадек оппоқ» бўлган лайлаккина қолганини тасвирлаб туриб, пахта якка-хонлигига ҳам имо-ишора қилади. Ўзбек халқининг ер ости, ер усти бойликларини ўзоқ-ўзоқларга ташиб кетаётганлигидан юраги алам билан ачишганини Абдулла Орипов «Совға» шеърида усталик билан ифодалаган эди ва шу туфайли бу шеъри учун ҳам у аччиқ таъналар эшитган эди. «Юзма-юз» шеърида «Наҳотки дунёда ҳақсизлик мангу?» дейишгача борган шоир яна дейдики:

Халқим, мозий ўтди, толе кўрманинг,
Пиширдинг, ўзингга бенаиб таом.
Қийғиздинг бировга, ўзинг киймадинг,
Юлдузни кашф этиб ном олдинг: авом!

Шоир бу ерда ҳақиқий ҳолни борлигича ҳаққоний айтмоқда. Некрасов тўғрисида ёзар экан, яна қалбидаги армонни ифодалайди: «Озод бўлармикан нотавап Ватан?»

Унинг «Илғор ишчи ва чаққон мухбир қиссаси» деярли йигирма уч йилдан кейин матбуот юзини кўрди. Қўлма-қўл тарқалган бу шеър ҳам босилмасдан туриб бўғизланган эди. «Биринчи муҳаббат» деган кашфиёт шеърини тазйиқ қилинишига қарамай халқ оғзидан туширмади, ҳатто қўшиқ қилиб айтиб юрди. Шундай шеърларидан бири бўлмиш «Муножот» ҳам қўшиққа айланиб кетди. Абдулланинг шеърлари ростгўй, куйма, муסיқий, юксак даражадаги содда, уларда инсонининг руҳий ҳолати, кечинмаси, қалб тебранишлари изчил, манзарали тарзда тасвирланди. Шунинг учун улар осонгина чиройли қўшиққа айланади. У «Генетика» шеърида «ҳаққа, ҳақиқатга ташна ўтдик биз», дейди. «Бир танишим ҳақида баллада» асарида шу «қомати дол эди бир оз» танишини таърифлаб туриб, «номи эса унинг Ҳақиқат эди», дейди. Абдулла Орипов ҳадеб шеърларини ҳибсга олиनावерилганидан қалбидаги дард-аламни айтишнинг ҳар хил йўллари кидирди, топди. Кўплаб ҳазил шеърлар, ҳангомалар ёзди, киноя, кесатиглар, имо-ишоралардан фойдаланди, афсонавий сю-

жетлар воситасида дostonлар тўқиб, фикр-ғояларни олға сурди. Рамзийлик йўли кейинча умуман ҳозирги ўзбек шеърятининг муҳим усулларидан бирига айланиб кетди.

«Жаннатга йўл» драматик дostonида Абдулла Орипов афсонавий сюжет асосида яхши одам ҳақидаги орзусини, ижодкор халқ манфаати учун, адолат учун, яхшилик учун ёмонликка, ёвузликка, адолатсизликка қарши фаол курашиши керак деган ғояни олға суради. Асарда шоир (Йигит) образи бор. У «Инсонларнинг руҳларига жавобгардир». У ҳалол, пок яшабди, ўзгаларга ёрдам берибди-ю, аммо ёмонликка қарши курашмабди. Шу туфайли у дунёда борганда Жаннатга кириш учун умр бўйи йиққан савобига икки пайса етмай қолади, шунинг учун уни Жаннатга қўйишмайди. У ерда ота-онасига дуч келади, улар ўз савобларидан бермоқчи бўлади. Йигит олмайди. «Инсон учун асли кураш экан-ку жониз, ҳа дўзахни эканман мен, ўзимдан кўрдим», деб тақдирга тан беради. Бир дўстига ҳам икки пайса савоб етмас экан, улар бир-бирига ўз савобларидан бермоқчи бўладилар. Икки дўстининг садоқатини кузатиб турган парвардигор икки дўстини ҳам Жаннатга киришига йўл беради. Абдулла Орипов «Жаннатга йўл»да ҳам ҳасадгўй образини чизган эди. «Ҳаким ва ажал»да даҳо ва ҳасадгўй масаласига махсус тўхталади. Ибн Сино ҳаётини асос қилиб олинган бу дostonда ҳасадгўйни — Мирзони қаҳр-ғазаб билан фош этади:

Айт-чи энди, қайбиримиз йиқилган, йиққан?
Қани мени енгиб кўр-чи, ажал мен ўзим.
Мен — иблисман, одамларнинг ўзидан чиққан,
Сен закосан, йўқдир сен кўрарга кўзим.

Дарвоқе Абдулла Орипов шеърятни кўп овозли, кўп оҳангли. Шоирни ҳар хил ҳолатда, ҳар хил кайфиятда кўриш мумкин: Ўзбекистондек дунёда ягона юрти ва ўзбек халқидек мушфиқ, меҳрибон, меҳнаткаш, қўли очиқ, пок, сахий, тапти суянмиги борлигидан гурури-сурури оламга сизмаган пайтини, олам сирларининг, жумбоқларининг кўплигидан, одам сийрати ва суратининг мураккаблигидан лол қолганини, ҳаётнинг, умрнинг бевафо ва бебақолигидан чуқур изтиробга тушган ва ниҳоясиз ўйга чўмган онларини, одамлар ёмонлиги, ифлослиги, носамимийлигидан қаҳр-ғазаби кўкка сизмаган чоғини, ҳатто дунёдан ва дўстларидан қўл силташгача борган онини (бунинг ўткинчи ҳолат эканини ўзи сезади ҳам) ва олий туйғу муҳаббатнинг оромбахш

қийноқларида ўзини фариштадек сезганини кузатиш мумкин. Шоир инсонларнинг юриш-туришидаги, муносабатларидаги, қалби ва онгидаги, кайфиятидаги турлитуман ҳолатларни, рангларини, чиқиқларни теран илғаб олади, уларни аниқлаб исм беради, номлайди. «Онамга хат» шеърида «Юрагимда исмсиз дардлар» деган сатр бор, бошқа бир шеърида «Яшайсан номи йўқ бир дардга тўлиб» ва «Сиздан нима кетди» шеърида «Қандай номсиз меҳр, исмсиз нафрат?» дейди. Бу шунчаки шоирона лутф эмас (тўғри, турғунлик даврида ўша дардни била туриб, очик айти олмас эди). Унинг ўнлаб шеърларига эътибор берилса, бирор ҳаётий ва инсоний белгини кашф этиб, унга ном бериб кишини лол қолдирганига амин бўлиш мумкин. Ахир бирлашмаслик, уюшмаслик, маҳаллийчилик, иллатимизни сезиб, унга «оломон» деб ном беради. («Қачон халқ бўласан, эй, сен — оломон?»). Ҳиссиз, меҳрсиз, тошюрак, манқурт одамларни «Темир одам» деган Абдулла Орипов эмасмиди! Жумҳуриятимизда она тилига нисбатан бемеҳрлик, камситиш авж олаётганини кўрган шоир 1965 йилда ёзган бир шеърида бу ҳолни тўтилик деб таърифлайди ва она тилидан ажралиб қолса, бир «тўти бўлиб қолажагини» алам билан гапирди. Нима учун Ўзбекистонни севасан, деган саволга кутилмаган ва энг тўғри жавобин беради: ажойиб халқи борлиги учун чексиз севди ва бойлиги, гузаллиги учун суйганларни инсон қаторига қўшмайди. Шоирнинг «Дорбоз», «Биринчи муҳаббатим», «Маломат тошлари», «Генетика» каби шеърлари худди шу тахлитдадир. Унинг «Ўзбекистон», «Онажон», «Онамга хат» шеърлари — Ўзбекистон ва она, аёлни юксак маҳорат билан улуғлаган бу асарлар ўзбек шеърлигининг дурдоналаридан бўлиб қолди.

Абдулла Ориповнинг кейинги ўн йилликлари, тўғрироғи мамлакатда қайта қуриш шабадалари эса бошлаган ва айниқса жумҳуриятимиз мустақилликка чиққандан кейинги даврдаги ижодида эркинлик руҳи янада баралла жарағлади. У ҳақиқатни дадил, тортинмай айта бошлади, илгариги йиллардаги ҳадиксираш, қимтиниш йўқ энди. У энди жуда кўп воқеалар, кулфатлар, ўзгаришларнинг гувоҳидек — катта руҳий тажрибасига суяниб сўзлади. Шунинг учун шеърларида («мингга киргандайсан ўзинг ҳам гўё» дейди) сабоқли гаплар, яссавийнома насиҳатлар, машрабнома юксак, кутилмаган образлар, чуқур ўй-мушоҳадалар, қуйма,

мақолнома иборалар вазни ошди. Аввалги севиб куйланган Ватан, Она, аёл, баркамол инсон, поклик, самимийлик, муҳаббат, яхшилик мавзуларини яна даъват эттирди. Ёмонликка қарши кескин, дадил кураша бошлади. Унинг устига Абдулла Орипов «Жаннатга йўл» драматик достони ва яна ўнлаб шеърларида намоён бўлганидек ислом ақидаларига, ислом маданиятига. Қуръони карим, пайғамбаримиз ҳадисларидан яқиндан хабардор эди. Юртимизда диний эътиқодларга эркинлик берилгандан кейин ислом маданиятини, айниқса Қуръони каримни, ҳадисларни ўқиш — ўрганиш учун кенг йўл очилди. Шу жумладан ижодкорлар ҳам исломнинг инсонни баркамол қилишга ва ҳақ йўлига йўналтиришга, жамиятни инсонларвар қилишга хизмат этадиган барча йўл-йўриқларини ўрганиш, истеъфода қилишга киришдилар Абдулла Орипов ҳатто ҳажга ҳам бориб келди. «Ҳаж дафтери» (1992) шеърлар тўпламининг нашр эттирди. «Маккаи мукаррамага борганимнинг дастлабки кунда Қаъбатуллоҳда — Оллоҳ уйи ёнида тунни бедор ўтказиб, тиловат билан бир қаторда байтлар ёза бошладим, — дейди Абдулла Ориповнинг ўзи. Мен бу ҳолатга аввалдан бирмунча тайёр бўлганим сабаблими сатрларим ўз-ўзидан қуйилиб келавердилар. Шеърини ҳадисларимнинг барчаси пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом суҳанлари билан бевосита боғлиқ эди». Йўқ, Абдулла Орипов пайғамбаримиз ҳадисларини шунчаки шеърга солиш билан овора бўлгани йўқ, аксинча уларга суяниб туриб ва уларни дастак этиб туриб ўзининг аввалдан қизиқиб келган муаммолари — баркамол инсон ва пок жамият ҳақидаги қарашларини ифодалади. «Шайтон» деган шеърда иймон бутунлигини ҳимоя қилади: «Заҳмат етказолмас Шайтон ва лекин кимнинг бутун бўлса иймони», «Қиёмат» шеърда «дунёда инсоф, диёнат» қолмаган ва «қуининг нопок одамларга қолганда» қиёмат бўлади, дейди. Абдулла Орипов адабиётимиз равишига катта улушини қўшаётган шоирдир.

Ўзбек адабиётининг узоқ, мураккаб ва сермазмун тарихи шундан далолат бериб турибдики, у одамлар орасида изчил равишда яхшилик уруғини сеппиб, ёмонликка қарши курашиб келди. Унинг марказида инсон, уни бахтиёр этиш истаги, чин инсонларварлик ғояси турди, ватанга садоқат, фозил шаҳар, фозил мамлакат, одил ҳукмдор ва баркамол инсон орзу-армони турди. У доим зулм, зolimларни, тенгсизликни,

адолатсизликни, риёкорликни, мунофиқликни, ноҳақликни, жаҳолатни қоралаб, унга қарши курашиб келди. Меҳнатсеварлик, поклик, сахийлик, илмсеварлик, ҳалоллик, дўстлик, тинчлик, вафо-садоқат, меҳр-оқибат, сабр-тоқат ғояларини олға сурди. Мазкур ғояларни ўтказишда Қуръон ва Ҳадислар ҳамда тасаввуф жуда катта ёрдам берди. Яссавийлик, айниқса нақшбандийлик тариқати Халқ васлига етиш йўллари-ни кўрсатиш орқали инсонни ҳалол, пок яшашга, ўз меҳнати, ўз қўли кучи билан кун кечиришга, мол-дунёга ҳирс қўймасликка, ўз ватани ва инсонни севишга, тинч-тотув яшашга, сабр-тоқатли бўлишга даъват этди.

Ўзбек классик адабиётининг ғоявий анъаналари, шеърингда ортттирган, йиққан тажрибалари, бадийят мактаби XX аср ўзбек адабиётининг дунёга келишида мустақкам пойдевор бўлиб хизмат этди. Ҳозирги замон ўзбек адабиёти ўз бошидан бир-биридан мушкул кунларни кечирди: ҳақиқат, адолат, озодлик ва миллий мустақиллик ғоялари учун курашган, шеъриятимизнинг халқ ҳаётига янада яқинлаштирган драматургия ва роман жанрларини яратган Беҳбудий, Ҳамза, Авлоний, Фитрат, А. Қодирий, Чўлпон каби ўнлаб ижодкорлар ноҳақлик қурбони бўлдилар. Ҳозирги замон ўзбек адабиёти етмиш йилча коммунистик партия мафкураси, социалистик реализм қонун-қоидалари исканжасида бўғилиб келди. Шунга қарамай, у ўнлаб ўзига хос, бетакрор қалам соҳибларини берди ва улар халқимизга руҳий мададкор бўлдилар. Республикамиз миллий мустақилликка эришгач, ёзувчиларимиз эркин ижод этиш бахтига эришдилар. Энди адабиётимиз халқимизнинг ўзлигини танишига кўмаклашмоқда, ўз ўтмиши, ўз ватанига бўлган чексиз муҳаббатни эҳтирос билан куйламоқда, бахтиёр ҳаёт, баркамол инсон ва фозил мамлакат, одил жамият қуриш орзу-армонларини ишонч ва умид билан ифодаламоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Содиқов А. в. б. Тилшуносликка кириш. Тошкент, «Ўқитувчи» нашр., 1981.

Баскаков Н. А. Введение в изучение тюркских языков, изд. Высшая школа. Москва, 1969.

Давлат ҳисоблаш қўмитаси материаллари, Тошкент, 1990.

Проблемы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии и Казахстана, Москва, 1988.

История Узбекской ССР, изд. Фан. Тошкент, 1967.

Шоабдурахмонов Ш. Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек шевалари. «Фан» нашр., Тошкент 1962.

Содиқов Қ. Эски уйғур ёзуви, Ғ. Ғулом нашриёти, Тошкент 1989,

Содиқов Қ. Аждодларимиз бирлиги. «Фан» нашр., Тошкент, 1990.

Абдурахмонов Ғ., Рустамов А.— Қадимги туркий тил, Тошкент, «Ўқитувчи» нашр., 1982.

Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатлари. «Фан» нашр., Тошкент, 1985.

Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақида Ўзбекистон ССРнинг Қонуни. Тошкент, «Ўзбекистон» нашр., 1989.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тили, «Фан» нашр., I ва II жилдлар. Тошкент, 1966 й.

Ўзбек тилининг стилистикаси, «Ўқитувчи» нашр., Тошкент, 1983.

Маҳмудов Н., Мадвалиев А., Маҳкамов Н., Аминов М. Ўзбек тилида иш юритиш. «Қомус» нашр., Тошкент, 1990.

Маматов А. Э. Проблемы лексико-фразеологической нормы в современном узбекском языке. АДД. Тошкент, 1991.

Ўзбек адабиёти тарихи. «Фан» нашриёти I—V жилдлар, Тошкент, 1977—1980.

В. Зоҳидов, Ўзбек адабиёти, тарихи Тошкент, 1961, Ўздавбадний адабиёт нашриёти.

А. Абдугафуров. Зокиржон Фурқат, «Фан», 1977.

МУНДАРИЖА

I бўлим

Ўзбек тили

Муаллифлардан	1
I б о б. Тил ҳақида умумий тушунча	1
1- §. Тил ижтимоий ҳодиса	1
2- §. Дунё тиллари	1
II б о б. Ўзбек халқи ва тилининг шаклланиши	1
III б о б. Ўзбек тили — Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили	1
IV б о б. Ўзбек адабий тили ва шевалари	1
1- §. Умумий тушунча	1
2- §. Ёзув ва унинг тарихи	1
3- §. Туркий халқларининг ёзув тарихи	1
V б о б. Алифбо, имло ва талаффуз	1
1- §. Ўзбек имло қонуниятлари	1
2- §. Ўзбек адабий тилининг талаффуз меъёрлари	1
VI б о б. Тиниш белгиларининг ишлатилиши	1
VII б о б. Ўзбек тилининг сўз бойлиги	1
VIII б о б. Атамашунослик	1
IX б о б. Грамматика	1
1- §. Морфология	1
2- §. Синтаксис	1
X б о б. Ҳозирги замон ўзбек тилининг ёзма услуби ҳақида	1
1- §. Услуб турлари	1
2- §. Ёзма нутқ услубини яратувчи воситалар	1
3- §. Ёзма нутқ услубининг меъёрлари	1
4- §. Ўзбек тили ёзма нутқ услубининг шаклланиши	1

II бўлим

Адабиёт

Ўзбек адабиёти тарихи	1
Ҳозирги замон ўзбек адабиёти	1
Алишер Навоий	1
Заҳриддин Муҳаммад Бобур	1
Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фурқат	1
Фитрат	1
Абдулла Қодирий	1
Чўлпон	1
Абдулла Қаҳҳор	1
Эркин Воҳидов	1
Абдулла Орипов	1

A 15

ISBN 5-640-01500-4

Мазкур ўқув қўлланмасида ҳозирги замон адабий тилининг шаклланиши ва унинг ўқув қўлланма-шамали масаллари, шунингдек ҳозирги адабий ижраён, қўлоғи, эҳти намоёндалири А. Павлов, Бобур, Фуркат, А. Қодирӣ, ижоди таъсират ҳамда А. Қахқор, Э. Воҳидов, А. Ориповнинг даъти ва ўқув шав қилинади.

Ўқув қўлланмаси нофилولوғии олий ўқув юртири ва факультетла-рининг таълимламини нофилولوғии олий ўқув юртири ва факультетла-рининг таълимламини нофилولوғии олий ўқув юртири ва факультетла-

81.2Y₃—923 ; 83.3Y₃—923

№ 334—95

Алишер Навоий
Ўзбекистон Республикаси
Давлат кутубхоналари
Давлат кутубхоналари

4602000000-55

M351(04)95

95

Гани Абдурахманов, Салахиддин Мамаджанов

УЗБЕКСКИЙ ЯЗЫК И ЛИТЕРАТУРА

На узбекском языке

Издательство «Ўзбекистон» — 1995, Ташкент — 700129, Навои, 30.

Кичик муҳаррир Ш. Соибназарова
Бадий муҳаррир Ҳ. Меҳмононов
Техник муҳаррир Т. Хоритмонова
Мусахҳиҳ М. Раҳимбекова

Теринга берилди 16.02.95. Босишга рухсат этилди 27.04.95. Ўлчами 31 × 103²/₁₆,
босма қоғозига «Литературная» гарнитурда юқори босма усулида босилди.
Шарти босма т. 13,86. Нашр т. 14,56. Нускаси 5900. Буёртма №617. Баҳоси
шартнома асосида.

«Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент, 129, Навоий кўчаси, 30. Шартнома №88—94.
Ўзбекистон Республикаси Давлат қўмитаси ижарадаги Тошкент Матбаа комбина-
тида босилди. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

**«ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЕТИ ҚУЙИДАГИ
ДАРСЛИҚ-ҚУЛЛАНМАЛАРНИ НАШР ЭТДИ**

1. **М. Ш. ЖАББОРОВА.** Тикувчилик технологияси. 22,03 нашр табоқ.
2. **А. АЛИЕВ, Қ. СОДИҚОВ.** Ўзбек адабий тили тарихидан. 6,37 нашр табоқ.
3. **М. З. НАЗАРОВ** Муҳандислик геологияси ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш. 14,77 нашр табоқ.
4. **В. ҲУСАИНОВА, Э. ТОШПУЛАТОВ.** Қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари физиологияси. 28,61 нашр табоқ.
5. **Ш. БЕШИМОВА, Л. САЛИМОВА.** Ўсимлик маҳсулотлари етиштириш технологияси ва экология. 21,23 нашр табоқ.
6. **Н. АЗЛАРОВ, Ҳ. МАНСУРОВ.** Математик анализ. 29,93 нашр табоқ.
7. Тузувчи: **ЖАЛОЛ ДУСТМУҲАМЕДОВ.** Инглизча-ўзбекча-русча иқтисодиёт атамалари лугати. 11,19 нашр табоқ.
8. **И. ҚУЧҚОРТОВ, А. РАФИЕВ.** Қундалик мулоқот сўзлашғичи. 4,94 нашр табоқ.